

Н.Д.Тешабоева

**ГРУНТЛАР МЕХАНИКАСИ,
ЗАМИН ВА ПОЙДЕВОРЛАР**

Дарслик

5340300 ШКХ йўналиши талабалари учун мўлжалланган

Фарғона-2018 й

Н.Д.Тешабоева“Грунтлар механикаси, зamin ва пойдеворлар”.Дарслик.2018й 298 бет.Дарсликда зamin грунтларининг таркиби,грунтларни ташкил топиши, қатламларнинг хоссалари, ички заррачаларнинг жойлашиши, структураси, физик механик хоссалари ва назарий асослари берилган.Грунтлар механикаси,зamin ва пойдеворлар,чўкувчан лёссимон,қозиқли пойдеворлар боблари келтирилган.Замин ва пойдеворлар бобида пойдеворлар турлари ва уларнинг хисоблари ва хисоб чизмалари берилган.

Бундан ташқари ҳар бир бобда назорат саволлари, амалий ва лаборатория ишларини бажариш учун ишланмалар келтирилган. “Грунтлар механикаси, зamin ва пойдеворлар” деб номланган дарслик олий ўқув юртларининг қурилиш йўналиши мутахасислиги талабалари учун мўлжалланган.

Н.Д.Тешабоева“Механика грунтов, основания и фундаменты”.Учебник. 2018г.298 ст.В учебнике рассмотрены вопросы проектирования прогрессивных типов фундаментов в различных инженерно- геологических условиях, выбор оптимальных конструкций фундаментов.Кроме того,к каждому разделу приведены контрольные вопросы и методические указания для выполнения практических и лабораторных работы.

Учебник“Механика грунтов, основания и фундаменты” предназначен для учащихся для студентов инженерно- строительных специальностей вузов.

N.D.Teshaboeva The “Soil mechanics, foundations and foundations” The book 2018 y.298 st. The book deals with main theoretical characteristic features of concrete and it's transportation of cement and admixtures, it's storage in storehouses, types of cement storehouses and admixtures, production and loading, also about technical reinforced concrete and it's installation.The book provides enough material for learning and self-individual working.

The book “ Soil mechanics, foundations and foundations ” is devoted for students of “Master of general construction works” in construction professional colleges.

Н.Д.Тешабоева

ГРУНТЛАР МЕХАНИКАСИ,
ЗАМИН ВА ПОЙДЕВОРЛАР

Дарслик

Ўзбекистон Олий ва маҳсус ўрта таълим вазирлиги олий ўқув юртларининг
қурилиш ихтисослиги талабалари учун дарслик сифатида маъқулланган.

Фаргона-2018 й

“Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар” дарслигига грунтларнинг таркиби, хоссаси, структуралари, физик- механик характеристикалари, уларни тадқиқ қилиш усуллари баён қилинган.

Грунтлар механикаси бобида иншоот заминидаги грунтларнинг мустахкамлигини ва турғунлигини аниқлаш ҳақида маълумотлар берилган. Қумли ва гилли грунтларни уларни жойлашиш шароитларига қараб уларнинг намлиги, сизот сувлари сатхи, фильтрланиши, статик ва динамик юкларни ҳисобга олган ҳолда эътибор қаратилган.

Пойдеворларнинг турлари, саёз ётқизилган пойдеворлар, лойиҳалаш ҳамда ҳисоблаш усуллари берилган.

Бино ва иншотларни чўкувчан лёссимон грунтларда ва сейсмик районларда қуриш масалалари келтирилган. Дарслик олий ўқув юртларининг қурилиш ихтисослиги талабаларига мўлжаллаб ёзилган.

Рецензентлар: ТАҚИ. “Бино иншоотлар” кафедраси мудири доцент У. Юсупов
“КОРХОНА” УзГАСК ЛИТИ директори Ю. М. Ахмедов

СҮЗ БОШИ

“Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар фани икки қисмдан иборат бўлиб, “Грунтлар механикаси” ва “Замин ва пойдеворлар”дан иборат. “Грунтлар механикаси” фанининг асосий мақсади бўш грунтларнинг пайдо бўлиш жараёнлари таркибий қисми, турлари, физик-механик хоссалари, ташқи таъсир натижасида деформациялари ўрганилади. Унда талабалар пойдеворларни макул турларини танлаш учун энг зарур ҳолатларни билиб, грунтлар масивларини ихтиёрий чукурлигига хосил бўлаётган зўриқишлиарни хисоблаш йўл йўриклиарини ҳамда пойдеворни лойихалаш, топшириқлар тузишни ҳамда лаборатория шароитида грунтларни мустахкамлик кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни хисоблаш сир – асрорларини ўрганадилар.

“Замин ва пойдеворлар” фани бўлажак қурувчи – бакалаврларга замин грунтларни хоссаларини ўрганиш, пойдеворларини тўғри ечимларини танлаш ва чегаравий ҳолатлар бўйича лойихалаш асосларини ўргатади. Маълумки, бино ва иншоотларнинг замин ва пойдеворларни лойихалаш масаласи муҳим аҳамиятга эга, чунки замин грунтларининг хилма-хиллиги, кўп турдаги пойдеворларнинг мавжудлиги, табиий муҳитнинг ўзгарувчанлиги ва ер остидаги мавжуд тектоник ўзгаришлар лойихалаш ишларини қийинлаштиради. Қабул қилинган замин ва пойдеворлар лойиҳаси иқтисодий жихатдан самарадор бўлибина қолмай, балки бино ва иншоотни кўп йиллар давомида нормал ҳолда сақлаб турмоғи лозим.

Дарслик I3 бобдан ва масалалар ечимларидан иборат.

Биринчи бобда: Грунтлар механикаси. Грунтлар механикаси тарихига оид маълумотлар.

Иккинчи бобда: Грунтларни физик хоссалари

Учинчи бобда: Грунтларни механик хоссалари

Тўртинчи бобда: Грунтларни юк кўтариш қобилияти

Бешинчи бобда: Иншоотларни чўкиши ва уни хисоблаш

Олтинчи бобда: Ўта чўкувчан грунтлар

Еттинчи бобда: Зилзилабардош заминлар ва уларни лойиҳалаш
Саккизинчи бобда: Пойдеворлар турлари
Тўққизинчи бобда: Саёз пойдеворларни тузилиши ва уларни ҳисоблаш
Ўнинчи бобда: Ўта чўкувчан грунтларда бинолар қурилиши ва лойиҳалаш
Ўн биринчи бобда: Тебранма ҳаракатланувчи машина ва ускуна пойдеворлари
Ўн иккинчи бобда: Замин ва пойдеворларни таъмирлаш
Ўн учинчи бобда: Грунтларни мустахкамлик кўрсаткичлари ва силжишга
қаршилиги
Муаллиф.

КИРИШ

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Дарсликнинг “Грунтлар механикаси” қисмида грунтларнинг физик - механик хоссалари, заминларнинг мустаҳкамлиги ва деформацияси ҳамда түсик деворларга грунтлардан тушадиган босимни ҳисоблаш усуллари ўрганилади.”Пойдеворлар” қисмида пойдеворлар билан заминларнинг биргаликда ишлаш масалалари, пойдеворларнинг тузилиши, уларни лойиҳалаш ва ҳисоблаш ҳамда тиклаш усуллари ўрганилади. Умуман “Заминалар ва пойдеворлар қисмида турли бино ва иншоотлар остидаги пойдеворларни қурилиш майдонининг геологик шароитини эътиборга олган ҳолда лойиҳалаш ва қуриш масалалари кўрилади.


Хозирги пайтда қурилаётган бино ва иншоотларни замини ҳар-хил грунтлардан иборат. Бундай грунтларда замин ва пойдеворларни тўғри танлаш ва лойиҳалаш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бино ва иншоотларни турғунлиги ва мустаҳкамлигини таъминланиши пойдеворни ҳолатига боғлиқ. Бино ва иншоотларни грунтларини ўрганиш ва уларни заминини тайёрлаш ва пойдеворларини барпо барпо этиш асосий қурилиши ишлари ҳажмини катта қисмини ташкил этади.

Шунинг учун мўайян шароитларда бино ва иншоотларни барпо этишда иншоот замини грунтларига ва пойдеворларига алоҳида талаблар қўйилади. Олинган билимлар тўғридан-тўғри қурилиш ишлаб чиқариши амалиётида қўлланилиб, Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар фани бино ва иншоотлар қурилиши курси ҳисобланади ва ишлаб чиқариш технологик тизимининг ажралмас бўғини ҳисобланади.

Биноларнинг ер ости қисмини пойдеворлар деб аталади. Пойдеворлар бино ва иншоотлардан тушаётган юкларни - оғирликни тўплаб, унинг таъсирини заминга, яъни грунтларнинг пастки қатламларига узатиб беради яъни ўтказади. Шунингдек, пойдеворлар иншоотларни ер ости сувлари таъсиридан ҳам саклайди. Пойдеворлар заминга тегиб турган остки юзаси унинг товони (таг юзаси) деб аталади. Текисланган ер юзасидан пойдевор

товоронигача бўлган чуқурлик пойдеворнинг қўйилиш чуқурлиги деб аталади.

Ер шарининг юза қисмида ётган яхлит тоғ жинларининг бирор сабаблар таъсирида нураши натижасида ҳосил бўлган турли ўлчамли заррачалардан ташкил топган қатlam грунт деб аталади. Грунтлар майдаланиши, нураши ва эзилиши каби характерли хусусиятлари билан қаттиқ жинс ва қоя тошларидан тубдан фарқ қиласи. Пойдеворларнинг асосий ўлчамларига унинг қўйилиш чуқурли h қ.ч ва товони (таг юзаси) нинг кенглиги b хисобланади. (1.1.расм).



Расм – 1.1. Замин ва пойдевор схемаси; 1-пойдевор, 2-ер устки юзаси, 3-пойдевор усти конструкциялари, 4-пойдевор устки юзаси, 5-пойдевор остики юзаси, 6-юк кўтарувчи қатlam, 7-тўшама қатlam.

Грунтни ташкил қилган қаттиқ минерал заррачалар ва минерал заррачаларни тутиб турган агрегатлар ҳам ўзаро боғланган бўлади. Бундай структура-заррачаларни ички жойлашиши боғланишларининг мустаҳкамлиги минерал заррачаларнинг ўз қаттиқлигига нисбатан жуда кучсиз бўлади.

Табиатда нураган тоғ жинслари об-ҳаво таъсиридан, сув ва газлар таъсиридан ўсимлик чириндилари ва ҳайвонларнинг организмлари билан аралashiши мумкин. Бу ҳолатда органик минераллардан ташкил топган муҳим структурага эга бўлган грунт пайдо бўлади. Дарсликнинг грунтлар механикаси қисмида асосан қаттиқ заррачалардан ташкил топган табиий жиҳатдан нураган минерал материаллар ва органик минерал структурадан ташкил топган тупроқлар ўрганилади ҳамда қоя жинсларнинг хоссалари ўрганилади.

Грунтларни асосан қуидаги икки группага бўлинади:

- 1.Қоя жинслари (скальные породы) – табиатан яхлит бир бутун, заррачалари ўзаро қаттиқ ёпишган грунтлардир.Қоя жинсларининг қаттиқлиги жуда ҳам юқори бўлади.
- 2.Қоя эмас грунтлар (не скальные грунты) – бундай грунтлар тош бўлакларидан ва минерал заррачалардан ташкил топган, орадаги бўшлиқларни сув ва газлар билан тўлган ҳолатидан иборат.

Агарда замин сифатида ишлайтган грунт фақат бир жинсли қатламдан иборат бўлса, у ҳолатда бундай заминни бир жинсли ёки бир қатламдан иборат замин деб аталади.Агарда бир неча қатламлардан иборат бўлса уҳолда бир жинсли бўлмаган ёки кўп қатламли замин дейилади. Пойдевор қўйилган қатламни ишчи қатлам дейилади, тагидаги остки қатламларни тўшама қатламлар дейилади.Агарда заминни табиий ётган жойида ҳеч қандай қўшимча ишловсиз замин сифатида фойдаланилса бундай заминни табиий замин деб аталади.Агарда замин сифатида ишлатиш учун қўшимча ишлов бериб заминни маҳсус усул билан қотирилса ёки зичлантирилса у ҳолда у ердаги замин грунтини сунъий замин дейилади.

Бино пойдеворларини ўрнашган жойдаги замин билан биргаликда ишлаши натижасида заминда тарқалган кучланиш таъсирида ана шу ердаги грунт қўшимча ҳолатда деформацияланади, натижада замин грунтлари зичлашади. Грунтлар заминлари зичлашиши натижасида пойдеворнинг тик йўналишида пастга қараб силжиши замин грунтини чўкиши деб аталади.

Заминлар ва пойдеворлар курсини ўрганишда инженерлик геологиясини,гидрогеологияни ва грунтлар механикаси каби фанларнинг асосларини билиши зарур.Заминлар ва пойдеворлар курсини ўрганишда қурилиш конструкцияларини, қурилишни ишлаб чиқариши технологияси ва қурилиш машиналари инженерлик геодезияси, инженерлик геологияси ва гидрогеологияси фанлари билан боғлиқ.

Инженерлик геологияси геологик процессларни ҳамда бино ва иншоотлар қуриладиган грунтларда содир бўлаётган геологик процессларни

ўрганади. Гидрогеология ер ости сувларини ўрганади. Грунтлар механикасида грунтларга босимлар, кучланганлик ҳолатлари юк кўтариш қобилиятини ўрганади ва деформацияни аниқлаш усуллари ишлаб чиқилади.

I – БОБ. ГРУНТЛАР МЕХАНИКАСИ.

1.1-§. ГРУНТЛАР МЕХАНИКАСИ ТАРИХИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.

Замин ва пойдеворлар барпо этиш тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Эрамиздан бир неча минг йиллар аввал Юноистон, Арабистон, Чин (Хитой), Хиндистон, Турон (Ўрта Осиё) ва шунга ўхшаш тарақкий этган мамлакатларда заминга кўп юк узатувчи йирик ҳашаматли бинолар барпо этилган. Мисол тариқасида Нил дарёси соҳилида бундан 4,5 минг йил аввал қурилган, оғирлиги 6 млн. тоннадан зиёд, заминга 120 Нсм^2 босим узатувчи Хеопс (Хуфу) пирамидасини келтириш мумкин. Қадимию Юноистон муҳандислари ноёб иншоотлар барпо этиш учун яхлит қоя грунтларини излаганликлари ҳақида эрамиздан бир аср аввал Витрувий исмли бунёдкор ўзининг «Меъморчилик ҳақида» рисоласида ёзиб қолдирган. Феодализм даврига келиб кўплаб шахарлар, ҳашаматли саройлар, иншоотлар бунёд этила бошланди.

Уларни душмандан ҳимоя қилиш мақсадида баланд, қалин деворлар, назорат миноралари қурила бошланди. Масалан, Буюк Хитой девори, Москвадаги Кремль девори. Улардан заминга узатиладиган босимлар миқдори 1 см юзага ўнглаб кг ни ташкил этарди. Шунинг учун ҳам ўша даврнинг йирик мутахассиси Палладио ўзининг «Меъморчиликка оид тўрт асар» (1570 й.) китобида иншоотни бузилишдан сақлаш мақсадида замин ва пойдеворларни мустаҳкамлаш зарурлигини қурувчиларга таъкидлаб ўтган эди. Мустаҳкам ва ниҳоятда оддий замин барпо қилиш ва ундан ўта мураккаб қурилмали иншоот яратиш, айниқса соҳибқирон Амир Темур даврига ҳосдир (Оқ сарой, Бибихоним мадрасаси ва б.) У даврда яратилган бино ва иншоотлар замини ўзининг пишиқлиги ва ҳар қандай ташки таъсирига чидамлилиги жихатидан бенуқсондир.

Бобокалонимиз Абу Райхон Беруний ўзининг асарларида иншоотлар бунёд этишда замин тайёрлаш ишларига асосий эътиборни қаратишни таъкидлаб ўтган. Шунингдек, бўш заминларни пишитишнинг усулларига

батафсил тўхталиб ўтган. Захириддин Мухаммад Бобур (1483-1530 й.) ва унинг авлодлари қаерда хукмронлик қилмасинлар, ноёб иншоотлар барпо эттирганлари маълум. Тарихчиларнинг шоҳидлик беришича кўплаб қурилиш ишлари Бобуршохнинг шаҳсий назорати остида бўлган. Эҳтимолдан ҳоли эмаски, шоҳ Бобур томонидан барпо этилган беҳисоб иншоотлар ўзининг мустаҳкамлиги ва турғунлиги билан ажралиб туриши уларнинг заминига алоҳида эътибор берилишидадир.

Лекин биринчи бўлиб «Замин ва пойдеворлар» (1869 й.) ўқув қўлланмаси яратган олим Карлович В.М. ҳисобланади. Сўнг мухандис Паукер Г.Е нинг замин мустаҳкамлик қўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда пойдевор чуқурлигини аниқлаш устида олиб борган ишлари ва Курдюмов В.И. нинг “О сопротивлении естественных оснований” (1889й.) асари пайдо бўлди. Йигирманчи йиллар бошида кенг миқёсда режалаштирилган йирик қурилишларни амалга ошириш мақсадида замин ва пойдеворларга оид кенг тадқиқот ишлари олиб борилди.

Уларнинг натижалари умумлаштирилиб, мустақил, фан сифатида шаклланиб борди. Бу ишни амалга оширишда мазкур соҳанинг айрим тармоқлари бўйича иш олиб борган мухандис-олимларнинг ҳизмати каттадир. Улар ичида эластик ва сочиувчан жисмлар назариясини заминларни ҳисоблашга тадбиқ этган Н.П. Пузиревский (1932 й.), сувга тўйинган грунтлар назариясининг муаллифи, Н.М. Герсановлар ҳизмати алоҳида дикқатга сазовордир. Н.М. Гересевановнинг «Динамика грунтовой массы» китоби (1931-1947 йй.) ҳозиргача ўз қадрини йўқотмаган. Грунтлар ва заминларга оид тадқиқот ишлари, айниқса, Н.Н. Маслов, Н.А. Цытович, В.А. Флорин, В.В. Соколовский, М.И. Горбунов-Пасадов, А. Мустафоев, Е.К. Егоров томонидан ҳар томонлама ривожлантирилди. Ўзбекистонда замин ва пойдеворлар илмини ривожлантириш масалалари билан 50-йилларнинг ўрталарида шуғуллана бошланди. Илмий ишлар мавзуси асосан замин грунтлари билан боғлиқ бўлиб, лёсс ва лёссимон тог жинслари хусусиятини ўрганишдан бошланди.

Йирик иншоотлар барпо этишда асосий ўрин эгаллаган илмий кузатишлар натижаси Г.О. Мавлоновнинг «Генетические лессов и лессовидных пород центральной и Южной части Средней Азии и их инженерно-геологические свойства» (1958 й.) рисоласида, К.К. Қозокбоевнинг «Строительство ирригационных сооружений в районах нового освоения» (1981 й.) мақоласида ва бошқа кўпгина ўзбек олимларининг асарларида батафсил ёритиб берилган.

1966 йилда юз берган Тошкент зилзиласи натижасини ўрганиш ишлари грунт ва заминлар соҳасида янги йўналиш-сувга тўйинган лёссимон грунтлар зилзилабардошлиги соҳасини вужудга келтирди. Бу илмий йўналишни ушбу китоб муаллифи Расулов X.З. раҳбарлигига олимлар гурухи: Частоедов Ю.Н., Сайфиддинов С.,Хакимов Г.А. ва бошқалар муваффақият билан давом эттириб келмоқдалар.Кейинги йилларда пойдевор ҳисоблаш ишларига эластиклик нуқтаи назаридан ёндошиш усуслари Т. Ширинқулов, С. Махмудов, йирик заррали сочиувчан грунтларнинг ҳоссаларини ўрганиш Х.Иброхимов; ўта чўкувчан грунтларга оид тадқиқотлар М.Мирзаахмадий, Э.Қодиров, З Ёдгоров, К. Пўлатов, И. Одилов, Е. С. Песиков, А.З. Хасанов, Ф.Ф.Зехниев, А. Абдурахмонов; қозиқли пойдеворлар барпо этишга доир изланишлар З.Сирожиддинов, К.М Жумаев;тиргович деворлар мустахкамланишга оид тадқиқот ишлари эса О. Холиқулов томонидан кенг миқёсда ўрганиб келинмоқда.

Олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижаси пойдеворсозлик соҳасида янги қурилмалар ишлаб чиқаришга олиб келди. Девор ости ёки устунининг темир-бетон пойдеворлари, жўяксимон пойдеворлар ўрнига қисқа қозиқлар термаси ёки йиғма бетон қозиқлар каби чуқур жойлашуви пойдеворлар қуриш шулар жумласидандир. Улардан унумли фойдаланиш эса жумҳуриятимизда, айниқса, Тошкент шаҳрида кўплаб осмонўпар иншоотлар барпо этишни муваффақият билан ҳал қилмоқда.

Бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва барпо қилишда замин грунтларини ўрганиш, заминлар ҳолатлари, уларга мос пойдеворларни ҳисоблаш ишлари

билин “Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар” фани шуғулланади. Фан икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчиси ”Грунтлар механикаси” дейилади. Унинг мақсади - грунтларнинг пайдо бўлиши, турлари, таркиби, физик-механик ҳоссалари, мустаҳкамлиги, деформация кўрсаткичлари грунтларни замин таркибидаги вазифалари, уларни ҳисоблаш усувларини яратилиши қонунятларининг исботлаш жараёнини ёритиб беради. Тоғ жинсларининг емирилиши натижасида ҳосил бўлувчи грунтнинг ташқи куч таъсиридаги ҳолатини, заминнинг зўриқиши, чўкишини, ҳамда унинг мустаҳкамлиги ва турғунлигини турли инженер –геологик шароитларни назарда тутиб ҳисоблаш масалалари, замин ва пойдеворларнинг турлари, иқтисодий жиҳатдан самарали ва техник жиҳатдан асосланган замин ва пойдеворлар қурилмаларини, замин ва пойдеворларни лойиҳалаш бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малака шакллантиришдан иборат.

Вазифаси эса - гурунларни келиб чиқиши, ҳосил бўладиган ётқизиқлар (қатламлар), хиллари, ҳосил бўлиш сабаблари, уларни таркибидаги минераллари, структуралари, ғовакликлари, дала шароитида ва лабораторияларда бажариладиган изланиш ва аниқлаш ишларини олиб бориш сир-асрорларини, деформация кўрсаткичларини аниқлашни ҳамда грунтларни замин таркибида бирга ишлашда содир бўладиган чўкишларни аниқлаш, маъқул самарадор пойдевор турини тиклаш ва лойиҳалаш ишларини бўлғуси мухандисга ўргатади. Бундан ташқари грунтларнинг турлари, уларни физик –механик ҳоссаларини ва иншоот замини сифатида юк кўтариш ҳолатини ҳисоблаш замин ва пойдеворларни турлари ва конструкция танлаш, уларни ҳисоблаш ва лойиҳалашга ўргатишдан иборат.

Замин ва пойдеворлар – бино ва иншоотларни энг асосий қисми бўлиб, ер усти конструкцияларини бир меъёрда ишлашга имкон яратади. Бирон – бир бино ва иншоот пойдевори орқали мустахкам грунтли заминларга таянмай тура олмайди. Шунинг учун озгина ҳатоликларга йўл қўйилиб лойиҳаланган замин ва пойдеворли биноларда эгилиш, бурилиш, оғиш, ёрилиш ва чўкишлар содир бўлиб, бинода оғир талофатлар юзага келиб,

уларни бузилишга сабаб бўлади. Ўймакор меъмор Андрей Палладионинг қуидаги гаплари ўринлидир. Қурилишда йўл қўйилган хатоларни энг аянчлиси пойдевордагисидир, у бинони бузилишига олиб келади ёки уни жуда катта меҳнатлар туфайли қайта тикланиши мумкин.

Абу Абдулло Рудакий айтганидек “Махкам сол доимо бино асосин, бинонинг соқчиси – унинг асоси”. Ҳар қандай бино ва иншоот мумстаҳкам ва турғун ҳолатини вақт ўзгартирмай саклаши, деформацияланиши бўйича унга қўйиладиган талабларга жавоб беришини таъминлашда, грунтларни мустахкамлик кўрсаткичларини аниқлаш асосий мезондир.

Грунт деб – Ер шарини ташкил этиб турган яхлит ва бўш тоғ жинслари ётқизиқларига айтилади.

Бўш грунтлар – тоғ жинсларини физик ва химик таъсиrlар натижасида емирилиб парчаланишидан ҳосил бўлади. Улар континентал ва денгиз (сув хавзалари) ётқизиқларидан иборат бўлади. Грунтни тупроқдан фарқлай билиш лозим, чунки тупроқ – ўсимлик ўсадиган қатlam бўлиб майдон текисланадиган вақтда замин юзасидан олиб ташланади.

Замин – бино ва иншоотлардан ҳосил бўлган босимни ўзига қабул қилувчи бир хил ёки бир неча хил грунт қатламларига айтилади. Улар икки туркумга бўлинади; табиий заминлар ва сунъий заминлар.

Табиий заминда - грунт табиатда қандай бўлса ҳеч қандай ўзгартирилмай фойдаланилади.

Сунъий заминда – эса иншоот барпо этилгунга қадар грунт турли усуллар ёрдамида зичланади ёки қотирилади, юк кўтариши оширилади. Грунтлар механикасини – ўрганадиган асосий манбъа (объекти) дисперсияланган, мураккаб минерал боғловчили бўш (ғовак) тоғ жинсларидир. “Грунтлар механикаси” фанининг асосий йўналиши тоғ жинсларининг емирилиши натижасида ҳосил бўлувчи ўзаро боғланмаган ёки кучсиз боғланган майда заррачалардан ташкил топган жинслар хоссасини ўрганишdir. Бундай жинслар заррачалари орасида ғоваклар мавжудлиги билан бошқа жинслардан фарқ қиласи. Ғоваклар сув ва қисман ҳаво билан

тўлган бўлади. Маълумки, физика фанида бундай жисмлар дисперс жисмлар деб аталади (дисперсус – юонча атама бўлиб, ўзбек тилида “майдаланган”, “эзғиланган” деган маънони англатади). Шундай қилиб, грунтлар механикаси дисперс жисмлар механикаси ўрганиш шаклида намоён бўлади.

Юкорида айтилганларга асосланиб, грунтлар механикасининг ўзига хос бўлган махсус масалаларини ечишда назарий ва қурилиш механикаси фанлари негизини ташкил этувчи яхлит жисм қонуниятларини тадбиқ этиш етарли эмас, деган холосага келиш мумкин. Уларни батафсил тушуниб этиш учун ғовак жисмларга хос бўлган қонуниятлар: зичланиш, силжишга қаршилик ва сув сингдириш қонуниятларини қўшимча равишда ўрганиш талаб қилинади.

Бўш грунтлар мураккаб дисперсияли жисм бўлганлиги учун, қаттиқ, суюқ ва газсимон ташкил этувчилардан иборат бўлиб уларни структуралари ҳар хил бўлади, грунтларни структуралари уларни физик-механик хоссаларини ўзгартиради. Чунки уларда каттиқ доначалари бетартиб жойлашиб, ўлчамлари, шакллари ҳамда ғовакликлари ҳам ҳар-хил бўлади.

Қумсимон грунтлар донадор структурали бўлиб, табиатда икки хил кўринишида учрайди - зич ва бўш. Гилсимон (доналари бир бирига ёпишган) грунтлар тўрт хил структурадан иборат бўлади:

серғовак (ячеистая) - чангсимон грунтларга мансубдир, илларга, лойқаларни чўкишидан хосил бўлади;

паға-паға бодроқсимон (хлопьевидная) - чўкинди тоғ жинсларидан хосил бўлган гилларга мансубдир;

кесакчали - комковатая - тупроқга айланадиган зарралари боғлиқ гилли грунтларга мансубдир;

катақ-катақ аринасимон (сотовобразная)-лёсс (соз) ва лёссимон суглинкаларга мансубдир. Грунтни таркибида бу ташкил этувчиларни ҳар хил фоизда бўлиши, уни қурилиш хусусиятини тубдан ўзгартиради. Шунинг учун икки фазали, уч фазали ва тўрт фазали тоифаларга бўлинади.

Икки фазали – агар грунтни ғовакликлари сув билан тўла бўлса,

(қаттиқ доналар ва сув).

Уч фазали - агар грунт қаттиқ доначалардан, ғоваклари ярими сув билан ва қолгани газ билан тұла бўлса.

Тўрт фазали – юқоридаги кўшимча грунт таркибидаги сув қисман музлаган ҳолда. Грунтни таркибида органик қўшилмалари – ўсимлик қолдиги ёки гумус кўринишдаги (3% дан ортиқ қумсимон ва 5% гилсимон) грунтларда бўлиши, уларни хоссаларини кескин ўзгартиради.

Грунтларнинг қаттиқ заррачаларининг қисқача таснифида грунтни (склети) қаттиқ зарралари, ҳар хил кўринишга ўлчамга (қаттиқликга) ва ташқий юза холатига эга бўлади, зикир этилган жихатлар, унинг хусусиятига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун бино ва иншоотларни замини сифатида ишлатилаётган грунтларнинг номлари ва доначаларини ўлчамларига кўра [9.21] ни талабига асосан қуидаги таснифга эга.

- Харсанг тошли грунтлар;
- Қум грунтлари;
- Гилли грунтлар;

Уларни ташкил этиб турган доналарини ўлчамлари қуидагича [9.22] таснифланади.

1. Харсанг тошли грунтлар – оғирлиги бўйича ўлчами 2мм ортиқ бўлган доналар 50 фоиздан кўпини ташкил этган, яхлит бўлмаган (цементланмаган) чўкинди тоғ жинсларига айтилиб, қуидагиларга бўлинади.

Харсанглар – оғирлиги бўйича ўлчам 200 мм дан ортиқ қиррали доналари, 50 фоиздан кўпини ташкил этган тошлар (шебень) - оғирлиги бўйича, ўлчамлари 10мм дан ортиқ доналари, 50 фоиздан кўп бўлса, шагаллар (хрящь) - оғирлиги бўйича, ўлчамлари 2мм ортиқ доналари 50 фоиздан кўп бўлса, (шебень, хряшь – ўша қиррали ҳолдаги номи).

2. Қумли грунтлар – эластиклик кўрсаткичи доналари бўлмаган ($J_o < 1$) қуруқ ҳолатда сочилувчан, таркибида ўлчамлари 0,05мм дан катта қум

доналари ва 0,05 - 0,005 мм гача чанг зарралар грунтларга айтилиб, қуидагиларга бўлинади;

Шағалли қумлар – оғирлиги бўйича, ўлчамлари 2мм дан катта доналари 25 фоиздан кўп бўлса.

Йирик донали қумлар – оғирлиги бўйича, ўлчамлари 0,5 ммдан катта доналари 50 фоиздан кўп бўлса.

Ўрта донали қумлар – оғирлиги бўйича, ўлчамлари 0,25ммдан катта доналари 50 фоиздан кўп бўлса.

Чангсимон қумлар – оғирлиги бўйича ўлчамлари 0,10 ммдан катта зарралари 75 фоиздан кўп бўлса.

Майда заррали қумлар – оғирлиги бўйича, ўлчамлари 0,10 мм дан катта доналари 75 фоиздан кам бўлса.

3. Гилли грунтлар – доналари ёпишган (тутинган), эластиклик кўрсаткичи ($J_o > 1$) бўлган грунтларга айтилади. Грунтларни таркиби хар хиллиги шакил қўриниши, минерологик бўйича тоифаланмайди. Лекин ўлчамлари 5мкм (микрометр; 51мкм = 0,001 мм) дан 0,25 мкм ли зарралардан ташкил топади. ўлчамлари 0,25 мкм дан кичик зарралиларини – каллоидлар дейилади.

Грунтларни доналар бўйича таснифлашдан мақсад шундаки, бир хил донадан иборат бўлган грунтларни [1.21] ўзига хос ҳолатга ва хусусиятга эга бўлишини ойдинлаштиришдир.

Масалан: Фақат қиррали тош (шебень) доналаридан иборат грунтлар – жуда сув ўтказувчан, мустахкам скелетли ва юқори юк кўтариш қобилятига эгадир, бундай грунтлар табиатда кам учрайди.

Фақат майда, қиррали шағаллар (дресва) доналаридан иборат грунтлар – ўзидан сувни яхши ўтказади, нисбатан мустахкам скелетга ва яхши юк кўтариш қобилятига эга, динамик таъсирларда яхши зичлашади.

Иккала номлари зикир қилинган грунтлари бир-бирига ёпишмайдын, сочилувчан бўлиб, уларда сувларни капиляр сўрилиши ва кўтарилиши бўлмайди.

Фақат ҳар - хил қатталиқдаги қум доналаридан иборат грунтлар – сув ўтказувчан, нисбатан мустахкам ва статик юкларга кам сиқилувчандир. Доналарини туриш ҳолатига кўра динамик таъсирларга яхши зичлашади, капилляр намликни 0,5 м гача кўтариш характерига эгадир.

Фақат гилли зарралардан иборат грунтлар – сув ўтказмайдын, кам ҳолатда зарралари ёпишқоқ, статик юкларга яхши зичлашадиган, динамик таъсирларга - ёмон зичлашадиган, тиксотропик хусусиятларга эгадир.[1.2].

Агар – бундай грунтлар таркибида коллоид зарралари (Аттапуллит ва монтморлионит минераллари бўлган ҳолда) намлик ошганда ҳажим ўзгартириш холлари содир бўлади яъни намлик ошиши билан ҳажим катталashiши (сувга бўкиш, кўтарилиш) (набухание) камайиши билан ҳажим кичрайтириш (усадка). Намликни капиляр кўтарилиши 1-2 м ни ташкил этади.

Фақат чангсимон зарралардан иборат грунтлар – қурилиши хоссалари бўйича қум ва гилларни ҳамма камчиликларига эга, уларга қўшимча қуийдаги хусусиятлари хам мавжуд, сувни ўзидан яхши ўтказмайди ва ёмон берадиган - оқувчанлик хусусиятига эгадир, яъни секин ҳаракатланган сув ҳам бирга оқиб кетадиган бундай грунтларда намликни капиляр кўтарилиш 2-4 м гача бўлади.

Аммо грунтларни юқорида зикир қилинган доналари ва зарралари табиий ҳолатда олинган бирлик ҳажимда аралаш ҳолда бўлади. Ҳар бир айтилган доналар ва зарралар ўзларига хос специфик хусусиятга эгадирки, улар грунтларни физик ва механик хоссаларини ўзгаришига қатта таъсир кўрсатади.

Мисол учун: Чанг заррали – қум доналари ва гилл зарралари орасига жойлашган бўлади ва грунтни ёпишқоқлик кучини пасайтиради ташқи куч таъсирида қўзғалувчанликни пайдо қиласди ҳамда грунтларни юмшашини

тезлатади.Коллоид зарралари – чанг ва гилл зарралари тевараг юзасига жойлашиб сув шимувчи ва сақловчи эластик парда хосил қиласы. Грунтни күпчишини, ёпишқоқлик кучини ва қайишқоқлигини оширади. [1,4.22].

Табиий шароитда, пойдевор қурилишда грунтылар таркиби қум, доналари, чанг ва гилл зарралари аралаш ҳолда бўлади. Замин грунтларини қурилиш хоссаларини ва номларини аниқлашда уларни доналарини миқдорига кўра қурилиш меёrlарида [3] қуйидагича таснифланади. Харсанг тошли грунтылар - харсанглар; қиррали тошли (шебень) шағаллар (дреесва, хряшлар); Кум грунтылари – шағали қумлар, йирик донали қумлар, ўрта қумлар, майда қумлар, чангсимон қумлар. Келтирилган икки гурух грунтларини доналарини ўлчамлари ва уларни оғирлиги бўйича миқдорлари олдинги мавзуда берилган. Гилли грунтыларни таркибида қанча фоиз гилл зарралари борлигига кўра улар таснифланади.

Гилл грунтларини таснифи.

Жадвал 2.1

Грунтыларни номи	Оғирлигига кўра фоиз хисобида гилл зарралари.	Қайишқоқлик кўрсаткичи
1. Гилл	> 30	> 0,17
2. Суглинок	30 – 30	0,17 – 0,07
3. Супесь	10 – 3	0,07 – 0,01
4. қум	2 3	қайишқоқ эмас.

Назорат саволлари.

1. Қандай чўкинди тоғ жинсларига харсанг тошли грунтылар дейилади?
2. Қандай грунтылар қумли грунтылар дейилади?
3. Шағалли қумлар, йирик донали қумлар, ўрта донали қумларни тушинтиринг.
4. Гилл грунтыларини таснифини тушинтиринг.
5. Грунт деб – қандай ётқизиқларга айтилади ?
6. Замин деб нимага айтилади?
7. Заминлар неча туркумга бўлинади?

8. Фаннинг мақсади нималардан иборат?
9. Грунтлар механикаси фанининг вазифаси нимадан иборат?
10. Қандай грунтлар бўш грунтлар дейилади?
11. Қумсимон грунтлар неча хил кўринишда учрайди?
12. Гилсимон грунтлар неча хил структурадан иборат бўлади?

1.2-§. ЗАМИН ВА ПОЙДЕВОРЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШДА ВА БАРПО ҚИЛИШДАГИ НУҚСОНЛАР.

Юқорида таъкидланганидек, бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги ва турғунлигини таъминлашга оид масалалар замин грунтларининг мустаҳкамлик ва турғунлик даражаси билан узвий боғлиқдир. Шунингдек, пойдевор қурилмаларни тўғри танлаш ва уларни тиклаш жараёнида юз берадиган ўзгаришлар таъсирини ўрганиш ҳам аҳамиятлидир. Бундай ечимларнинг мураккаблик даражаси табиатда учрайдиган грунтларнинг турли-туманлиги ва ҳоссаларига боғлиқдир. Ҳар қандай замин грунти ўзига хос мураккаб жисм бўлиб, бу мураккаблик грунт заррачаларининг зичлик ва намлик кўрсаткичларининг ўзгарувчанлиги билан ортиб боради.

Бундай масалаларни тўғри ечишнинг бирдан-бир йўли қурилиш майдонида мукаммал равишда инженер-геологик ва гидрогеологик ҳолатлари бўйича изланишлар олиб бориш, иншоот оғирлиги таъсирида бўладиган замин грунтларига хос барча физик ва меҳаник хусусиятларни, кўрсаткичларни батафсил ўрганиш натижасида мулоҳаза юритишидир.

Агар юқорида қайд этилган мулоҳазаларга етарлича аҳамият берилмаса ёки грунтлар назарияси фанидан тушунчага эга бўлинмаса, унда бино ва иншоотларни лойиҳалашда хатога йўл қўйилади. Булар эса қўп ҳолларда бино ва иншоотларнинг бузилишига олиб боради. Пойдеворнинг кўп ва нотекис чўкиши кўпинча зилзила натижасида юз беради. Бунга яққол далил сифатида 1864 йилда Япониядаги Нииагата шаҳрида рўй берган ҳодисани келтириш мумкин. Шахар майдони деярли 200 м қалинликдаги майда ҳамда чангсимон қум ва бир жинсли қуйқа лой аралашмасидан ташкил топган

бўлиб, ер ости сувлари унинг юзасидан 0,5 : 1,0 м пастда жойлашган.

Зилзила натижасида шаҳардаги 300 та бино ва иншоот чўкиб, 30° гача қийшша бошлади. 2-5 м чўккан иншоотлар сони 20 дан ошиб кетди. Бунда асосан, оғир бетон ва темир-бетон иншоотлар шикастланиб, ёғочли енгил бинолар деярли бутун қолди. Япон олимларининг шоҳидлик беришича, шаҳардаги бинолардан 25% заарланиб уларнинг 1/3 қисми қурилмалар бузилиши хисобига, 2/3 қисми эса иншоот қурилмаларига ҳеч қандай заар етмаган ҳолда бутунича чўкиб заминга кириш, қийшайиш ва эгилиш хисобига рўй берди. Курувчи мухандисларга кўпдан бери аён бўлиб келган ҳолатлардан бир хилли грунтларнинг қўшимча намланиши натижасида уларнинг мустахкамлиги камайишидир.

Бу холат, аксарият, иншоотларнинг кутилмаган қўшимча нотекис чўкишига олиб келади ва ўз навбатида бино деворларида турли ёриқлар ҳосил қиласи. Минорасимон бинолар ва мўриларда бундай чўкишлар ҳавфли эгилишга олиб келиб, кўпинча, уларнинг қулаши билан тугайди. Намликтининг ортиши, айниқса, йирик ғовакли лёсс ва лёссимон грунтлар учун ҳавфли бўлиб, бундай ҳолатларда қурилган иншоотлар ўта чўкиши мумкин.

Мисол тариқасида қуйидаги ҳодиса устида тўхталиб ўтамиз.[1].

Тошкентнинг Наққошлик кўчасида тўрт қаватли турар жой биноси қурилгандан икки йил ўтар – ўтмай ҳалокат ёқасига келиб қолди. Бино пойдевори 2,4 м чуқурликда жойлашган. Заминга узатилаётган юк $14-15 \text{ Н/см}^2$. Бино замини 18-22 м қалинликдаги ўта чўкиш хусусиятига эга бўлган лёссимон грунтдан иборат бўлиб, ер ости сувлари унинг юзасидан 17,4 м чуқурликда жойлашган.

Курилиш майдони нисбатан текис бўлиб, шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон озрок нишаб ҳосил қиласи. 1975 йилнинг ноябрь ойи ўрталарида бино фойдаланишга топширилгандан сўнг тахминан икки йил ўтгач, унинг сезиларли даражада чўкиши кузатилади. Тез орада бу ҳодисани тафтишдан ўтказган мутахассислар унинг сабабини замин грунтларининг қўшимча намланиши билан боғлиқ деб топди.

Намланиш қуидаги сабаблар натижасида юзага келгани эътироф этилди:

- майдоннинг қиялик ҳолати ёғин сувларини бино томонга оқизиб келган;
- бино атрофидаги боғ экинларни суғориш сувлари аста-секин замин томонга силжиган;
- бино атрофидаги чиқинди ишлатилган сувлари, оқизиладиган тармоқлар бузилган ва ҳоказо. Орадан бир неча ой ўтгач, яъни 1976 йилнинг апрелида мазкур бино деярли фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолди. Булар кўпроқ бинонинг сернам жанубий томонида бўлиб, уларнинг ўлчами 3-3,5 см дан ошиб кетди. Шу томондаги замин грунтлари пойдевор тагидан бўртиб чиқиши кузатила бошланди.

Бундай ҳалокатларнинг келиб чиқиши қурилиш майдонидаги грунтларнинг хусусиятларига, заминнинг юк кўтариш қобилиятига боғлиқ эканлигидан далолат беради. Шунинг учун бино ва иншоотларни лойихалаш, уларни тиклаш ва улардан фойдаланиш жараёнида замин грунтларида бўладиган барча ўзгаришларни хисобга олиш ва улар билан боғлиқ масалаларга ниҳоятда эхтиёткорлик билан ёндашиш лозим.[1.22].

Грунтлар механикаси, минерал доначалардан ташкил топган, доналари бир-бирига сал ёпишган ёки ёпишмаган бўш грунтлар ҳоссаларини ўрганади.

Бўш грунтлар қоя тоғ жинсларини физик ва ҳимик жараёнлар таъсирида емирилишдан пайдо бўлган ётқизиқлардир.

Грунт деб - ер шарини ташкил этиб турган яхлит ва бўш тоғ жинслари ётқизиқларига айтилади. Улар бино ва иншоотларни замини сифатида ишлатилади.

Физик емирилишдан – йирик ҳарсанг тошлар, шағаллар ва қумсимон грунтлар пайдо бўлади;

Химик ва биологик емирилишдан – минераллар, гилсимон грунтларни майда дисперциялари пайдо бўлади; Пайдо бўлиши ва силжиши натижасида жойларда ҳосил бўлган грунт қатламлари ётқизиқлари қуидаги

таснифга бўлинади. Континенталь ётқизиқлар.

- эллювиал- парчаланиш натижасида ўз жойида ҳосил бўлган ётқизиқлар;
- деллювиал - ўз оғирлиги ва атмосфера ёғини таъсирида ёнбағирликларда ҳосил бўлган ётқизиқлар;
- аллювиал - сувни таъсирида узок жойларга оқиб бориб ва қалин қатламлар ҳосил қилган ётқизиқлар;
- музликлар - кўчиши ва ҳаракатланиши таъсирида парчаланган тог жинсларидан ҳосил бўлган ётқизиқлар (кatta бўлакли гиллар ва суглиноклар мореналар);
- эоловой-шамолни кучи таъсирида узок масофаларга ҳавода учиб ўтиб ҳосил бўлган майда заррали жинслар ётқизиқлари (лёсслар, қум барханлари).

Денгиз ётқизиқлари - денгиз остида чўкиб ҳосил бўлган, узок масофалардан дарё сувида оқиб келган майда дисперсияли гиллар ва органик грунтлар.-иллар, чўкган грунтлар. Чиринди – минераллари ҳар ҳил қумлар ва шағалар. Юқоридаги грунтларни пайдо бўлишидаги мураккаб жараёнлар ва қурилиш хоссаларини мураккаблиги уларни ўрганиш учун тоифалаш ва таснифларга ажратишни тақозо этади.

Грунтлардаги сувларни қўриниши ва уларни хоссалари. Бино ва инооотлар пойдеворларини лойиҳаларини маъқул вариантларини аниқлаш ва чидамлик қилиб барпо қилиш ишларини, грунт сувларини мукаммал ўрганмасдан бажариб бўлмайди, чунки грунтларни юк кўтариш, уларни таркибидаги сувни қандай ҳолдалиги ва миқдорига боғлиқдир. Масалан: Гилли грунтлар, айникса коллоид зарралари таркибидаги сувни миқдорига кўра қайишқоқлик, ёпишқоқлик, сурилиш, кўпчиш хажм катталashiши, намлик ошганда ўтириш, хажм кичрайтириш қуриганда эриш, сув ўтказмаслик, тиксотропик хоссаларини қаттиқ ўзгаришлари содир бўлади.

Грунтнинг суюқ қисми. Профессор А.Ф. Лебедев грунт таркибидаги сувни ўрганиб, грунт зарралари сиртидаги сувнинг молекула кучлари

ёрдамида тортилиб туриш назариясини яратди. Сув қуидаги холатда бўлади: буғ: гигроскопик сув, сув қобиқ ва эркин ҳолатда.

Кўпинча сув қобиқ билан эркин сув орасига зичлиги кам (ёки бўш боғланган) сув киритилади. Бу А.Ф. Лебедевнинг таъкидлашича, грунт ғовакларида сув ҳосил бўлиш сабабларидан биридир. У юқори босимли ҳолатдан паст босимли ҳолатга ўтиб, грунт ғовакларида тутилиб, сув ҳосил қиласи. Гигроскопик сув грунт зарачаларининг сиртига ўрнашиб қолади.

Бу ходисани оддий тажриба ёрдамида кузатиш мумкин. Масалан, қуритилган грунт бўлагини нам ҳонага қўйилса, маълум вақтдан сўнг унинг оғирлиги орта бошлайди. Бу ўзгариш гигроскопик чегара ҳосил бўлгунча давом этиши мумкин. Тажрибалар ёрдамида қуидаги гигроскопик чегара миқдори аниқланган: қум учун - 1 %, чангсимон зарралар учун - 7 % ва гилсимон зарралар учун - 17 % (фоизлар зарранинг қуруқ ҳолатидаги массасига нисбатан олинади).

Сув буғи ва гигроскопик сув, тўйинмаган грунтлар учун хосдир (тўйиниш коэффициенти $G < 1$). Грунтдаги ғоваклар бундай ҳолатда қаттиқ зарралар, сув ва ҳаво билан тўлган бўлди. Агар ғоваклар фақат (сув ёки ҳаво) билан тўлган бўлса, грунт икки таркибли ҳолатда бўлади. Шундай таъкидлаш керакки, гигроскопик сувлар грунт бўшликлари бўйлаб фақат буғ ҳолатида ҳаракатланиши мумкин.

Грунтлардаги электр тортиши кучи таъсирида боғланган сув қобиқ суви дейилади. Қобиқ суви мустаҳкам ва бўш боғланган ҳолатда бўлиши мумкин. Бундай сув оғирлик кучи қонунига бўйсунмай, ўзига ҳос қонуниятга эга бўлади, қобиқ қатламидаги сув молекулалари тортиши кучи ёки электр кучи ҳисобига ҳаракатланиб, қалин қобиқли заррадан юпқа заррача томон йўналган бўлади. Грунт зарралари сиртида қобиқ сув ҳолатини электрокинетик назария ёрқин тушунтириб беради. Бу назария асослари қуидагилардан иборат.

Грунт заррасининг манфий зарядланган сиртида юқори электр кучи таъсирида қатлам ҳосил бўлади. Бу қатлам сувнинг молекулалари заррага

ниҳоятда катта куч, яъни ўн минглаб атмосфера босими остида тортилганлиги сабабли молекулалар деярли қўзғалмайди. Молекулаларнинг тортиш кучи зарра сиртидан узоқлашган сари камайиб боради.

Шунинг учун ҳам молекулаларнинг электр тортиш кучи микроннинг бўлагига тенг масофада ниҳоятда камаяди. Зарра қўш қатламнинг сиртида янги-бўш боғланган сув қатлами хосил бўлиб, унинг устки қисмида эркин сув миқдори ортиб боради. Зарра сиртидан узоқлашган сари, электрокинетик тортиш кучи нольга тенглашиб боради ва ундаги сув оддий ҳусусиятга эга бўлади. Боғланган сув оддий сувдан фарқли равишда маҳсус ҳоссага эга бўлади. Унинг зичлиги А. Катуковнинг кўрсатмаларига биноан $18,1 \text{ kN/m}^3$ га этиши мумкин.

Бундай ҳолатдаги сув чўзилишига ва силжишга қаршилик кўрсатиш ҳусусиятига эга бўлиб, $60-80^\circ\text{C}$ да музлайди. Боғланган сувнинг ёпишқоқлик ҳусусияти эркин сувникига нисбатан ҳамма вақт юқори бўлади. Зарра сирти билан боғланган қобиқ қатламидаги сув грунт ғовагининг бир қисмини эгаллайди. Шунингдек унинг миқдори зарра сиртидаги катионлар валентлигига боғлик. Масалан, бир валентли натрий иони (Na^+) ўзида кўпроқ сувни тортиб туриш ҳусусиятига эга. Кальций (Ca^{++}) ва магний (Mg^{++}) ларнинг қўш валентли катионлари эса гилл заррачалари сиртига мустахкам боғланган бўлиб, кам миқдордаги сувни тортиш ҳусусиятига эга. Алюминий (Al^{+++}) ва темирнинг

(Fe^{+++}) уч валентли ионлари эса улардан кам сув кобиғини тортиб туради.

Бунда сув молекулалари зарра сиртига ниҳоятда катта куч билан тортилган бўлади. Агар зарралар сирти қалин қобиқли бўлса, грунтнинг қўшимча намланиши кўпчишга олиб келади. Бу ҳолат зарра қобиқлари қалинлигининг ортиши хисобига юз беради. Бунда грунт зарралари бирбиридан узоқлашиб, улар орасидаги молекулаларнинг тортиш кучи сусаяди ва натижада, зарралараро боғланиш кучи камаяди. Агар гилли грунт тўла намланса, унда зарралараро боғланиш кучи йўқолади, шунинг учун унинг силжишига қаршилиги ниҳоятда паст бўлади.

Грунт ғовакларидаги әркин ҳолдаги сув - ўз навбатида капилляр ва гидравлик сувларга бўлинади. Гидравлик әркин сув табиатда кам учрайди. Капилляр сув эса зарралар сиртидаги қобиқларнинг молекуляр тортиш кучи сабабли пайдо бўлади. Грунтлардаги капилляр тортиш кучининг қиймати 1,5 МПа атрофига ўзгаради. Грунт ғоваклариаро әркин сув асосан, оғирлик кучи таъсирида харакатланади.

Грунтнинг газли қисми - Грунта икки ҳил әркин ва қамралган газлар мавжуд. Биринчи ҳил газ (ҳаво) босими атмосфера босимига монанд бўлгани грунтнинг ҳоссаларига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Камралган газ босими эса унинг атрофини ўраб турувчи сув босимига teng бўлади. Бундай газ грунтларнинг зичлашиш жараёнида қўшимча эластиклик хусусиятини вужудга келтиради, шунингдек, улардаги сув сизиш хусусиятини сусайтиради. Шунинг учун қамралган газларни грунт ҳоссаларини ўрганишда ҳисобга олиш талаб этилади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Грунтлар механикаси фанини маҳсус қурилиш фанлар орасидаги ўрни.
2. Фанни мақсади нималардан иборат?
3. Фанни вазифасини изохлаб беринг.
4. Грунтни тарифланг?
5. Қандай грунтларни бўш грунтлар дейилади?
6. Грунтни тупроқдан фарқи борми?
7. Замин грунтларида йўқ қўйилган хатолик нимадан иборат?
8. Пойдевор барпо қилишдаги нуқсонлар.
9. Пойдеворларга қўйиладиган талаблар.
10. Грунтларни мустахкамлигига зилзилани таъсири борми?
11. Грунтлар қўшимча намланиши нималарга сабаб бўлади?
12. Намликтин ортиши йирик ғовакли лёсс ва лёссимон грунтларга таъсири қандай?
13. Намланиш қандай сабаблар натижасида юзага келади?
14. Пайдо бўлишга қўра қандай грунт ётқизиқлари бўлади?

15. Эоловой - шамолни кучи таъсирида қандай грунтлар хосил бўлади?
16. Грунтларни ташкил этувчилар нималар?
17. Тўғри фазали грунтларни характерланг.
18. Грунт доналарини ўлчамларига бўлиниши.
19. Замин грунтлари факат гилли зарралардан иборат бўлса қандай хусусиятга эга бўлади?

II БОБ.ГРУНТЛАРНИ ФИЗИК ХОССАЛАРИ.

II.1-§. АСОСИЙ ФИЗИК ХОССАЛАРНИ АНИҚЛАШ.

Грунтларни физик хоссалари икки гурухга бўлинади - асосий ва ҳосилавий хоссалари қуйидагилар:

Асосий хоссалари - лаборатория ёки дала шароитида маълум асбоб - ускуналарни ишлатиш йўли билан аниқланади.

Ҳосилавий хоссалари -эса аниқланган асосий хоссаларини миқдорларидан, хисоблаш усули ёрдамида аниқланади. Грунтни физик хоссаларини аниқлаш учун бир-бирлик ҳажмдаги грунт намунасини, математик моделини қуйидаги ҳажмларга ва оғирликларга ажратилади.

Грунтни асосий физик хоссалари туркумига қуйидаги кўрсатгичлар киради:

1. Грунтни донадорлиги - грунтни асосий кўрсатгичларидан бири бўлиб, уни аниқлашда донадор грунтларни - стандарт тешикли элаклар комплекси ёрдамида; гилли грунтларни - зарраларини сувда чўкиш тезлигини аниқлаш усуллари билан маҳсус лаборатория асбоб-ускуналарида аниқланади.

2. Грунтни табиий зичлиги (ҳажмий оғирлиги) деб - бир-бирлик ҳажмдаги грунтни тўла оғирлиги (намликни хисобга олиб) уни ҳажмига (ғоваклиги билан) нисбатига айтилади, қуйидаги ифода билан хисобланади.

$$\gamma_0 = Q / V \text{ ГК/см}^3; \quad (2.1)$$

ҳажмий оғирликни миқдори $1,6 \div 2,0 \text{ см}^3$ оралиқда бўлиши мумкин бундай ўзгаришни сабаби, грунтдаги намликни миқдорига, уни ғоваклигига

боғлиқдир.

3. Грунтни қаттиқ (минерал) доначаларини зичлиги (солиштирма ҳажмий оғирлиги) - деб грунт ҳажмидаги минерал доначаларни мутлоқ қуруқ ҳолдаги оғирлигини, уларни ҳажмига бўлган нисбатига айтилади - ГК/см³ ўлчанади, қуйидаги ифода билан хисобланади.

$$\gamma_s = Q_0 / V_0 \quad \text{ГК/см}^3; \quad (2.2)$$

γ_s ни миқдори $2,5 \div 2,9$ ГК/см³ оралиқда бўлади.

4. Грунтни табиий намлиги - грунтни табиий ҳолатдаги таркибидаги намлик миқдорини, уни мутлоқ қуруқ ҳолдаги оғирлигига нисбатига айтилади.

$$W = (Q_1/Q_0) \cdot 100\% \quad (2.3)$$

5. Грунтни қуи чегара намлик - даражаси деб грунтдаги намликни озгина камайишидан қовушқоқлиги йўқолиб, қаттиқ ҳолатга ўтишига айтилади ва қуйидаги ифодадан топилади.

$$W_p = (Q'_1/Q_0) \cdot 100\% \quad (2.4)$$

Q'_1 - грунт массасинида намлик камайиши кўрсатгичи, ГК;

6. Грунтни оқувчанлик юқори чегарасидаги намлиги - W_L деб - намликни озгина қўпайиши хисобига грунт массасини оқувчанлик ҳолатига ўтишига айтилади.

$$W_L = (Q''_1/Q_0) \cdot 100\% \quad (2.5)$$

Q''_1 - грунт массасида намликни ошишини кўрсатгичи ГКда.

Хосилавий хоссаларини аниқлаш. 1.Грунтни каттиқ (минерал) доначалари ташкил қилиб турган (скелетини) ҳажмий оғирлигини аниқлашда қуйидаги ифода ишлатилади.

$$\gamma_d = \gamma_0 / (1 + 0,01 W) \quad \text{ГК/см}^3; \quad (2.6)$$

2. Грунтни ғоваклиги деб - бир бирлик ҳажимдаги грунтда ғовакликлар миқдорига айтилади.

$$n = V_1/V \text{ ёки } n = 1 - \gamma_d / \gamma_s; \quad (2.7)$$

агар $m = V_0/V$ ёки $m = \gamma_d / \gamma_s$ унда $n = 1 - m$ чунки $1 = m + n$ шундан $m = 1 - n$ дир.

3. Ғовакликлар коэффициенти - е деб бир бирлик ҳажимдаги грунт массасидаги ғовакликлар ҳажмини, ўшандаги қаттиқ (минерал) доначаларни ҳажмига нисбатига айтилади.

$e = V_1/V_0$ ундан $V_1 = eV_0$; юкоридаги $n = V_1/V$ эътиборга олиб унга, аниқлик киритиб, V_0 га қискартириб $n = V_1/(V_0+V_1) = eV_0/(V_0+eV_0) = e/(1+e)$ ҳамда $m = 1-n$ ни этиборга олиб $m = 1 - (e/(1+e)) = 1/(1+e)$ ёки $e = V_1/V_0 = V_1/(V-V_1) = nV/(V-nV) = n/(1-n) = n/m$.

За. Грунтларни ғоваклари сувга тўла ҳолдаги ғоваклик коэффициенти тенг.

$$e' = W \gamma / \gamma_C \quad (\gamma_C = 1 \text{ м}^3, \text{ сувни зичлиги})$$

$$\text{ёки } e = \gamma / \gamma_S \quad (1 + 0,01W) - 1 \quad (2.6)$$

Гилсимон грунтларни ғоваклик коэффициенти қўйидаги миқдорлар орасида бўлади.

супесълар учун $0,4 \leq e < 0,75$

суглиноклар учун $0,45 \leq e < 1,05$

гиллар учун $0,55 \leq e < 1,05$

Қумлар учун қўйидаги миқдорларга тенгdir е ни қумлар учун миқдорлари

Жадвал -2.1

Қумларни турлари	Грунтни зичлик ҳолати		
	зич	ўрта зич	бўш
Йирик ва ўрта йирикликтаги қумлар	$e < 0,55$	$0,55 \leq e \leq 0,70$	$e > 0,70$
Майда қумлар	$e < 0,60$	$0,60 \leq e \leq 0,75$	$e > 0,75$
Чангсимон қумлар	$e < 0,60$	$0,60 \leq e \leq 0,80$	$e > 0,80$

4. Грунтларни эластиклигини белгиловчи кўрсатгични. Бу кўрсатгич грунтларни, юкори ва қўйи чегара намликлари орасидаги фарқ бўлиб қўйидаги ифода билан топилади.

$$J_p = WL - W_p \quad (2.7)$$

WL - оқувчанлик чегарасидаги намлик күрсатгичи, %

W_p - қовушқонлик чегарасидаги намлиги күрсатгичи, %

J_p ни миқдорига асосан, меъёрий ҳужжатлар талабга кўра гилли грунтлар қуидаги тоифага бўлинади. Жадвал -2.2

$p \leq 1$	-	кум
$1 < J_p \leq 7$	-	қумсимон (супесь)
$7 < J_p \leq 17$	-	гилсимон (суглинок)
$17 < J_p$	-	гилл

5. Грунтларни қайишқоқлик күрсатгичи қуидаги ифодадан хисобланади.

$$J_L = (W - W_p) / J_p \quad (2.8)$$

Бу ерда: W - грунтларни табиий ҳолатдаги намлиги, %.

Грунтларни ҳолатини аниқлаш бўйича меъёрий ҳужжатларга асосан доналари бир-бирига боғланган гилли грунтлар қуидаги ҳолатларга бўлинади.

6. Грунтларни сув шимувчанлиги - W_p - ғоваклари сув билан тўла турган грунтдаги намлик ҳолати.

$$W_p = e \gamma_c / \gamma_s, \% \quad (2.9)$$

7. Грунтларни намлик даражалари - G

$$G = W / W_p F \quad W \gamma_s / e \gamma_c \quad (2.10)$$

Грунтларни намлик даражаси 0 дан (агар W=0) 1 гача ўзгарар экан (агар W=W_p). Ғовакларни сувга тўлиш кўрсатгичига кўра кум қуидаги тоифаларга бўлинар эканлар.

$G < 0,50$ - грунтни намлиги кам.

$0,50 \leq G \leq 0,80$ - нам грунт.

$G \geq 0,80$ - грунт сувга бўлган (ғоваклари сув билан тўла). Грунтлар ғоваклари сув билан тўйинган ҳоли учун G=1 ғоваклик коэффициенти қуидаги ифодадан хисобланади.

$$e = W \gamma_s / \gamma_c \quad (2.11)$$

Кум ва супесъларни сувга тўйинган ҳолатига, зичликни муаллак ҳолати учун миқдорларини қўйидаги ифода билан аниқланади.

$$\gamma_t = (\gamma_s - 1)/(1 + e), \text{ унда } 1/(1+e) = 1 - n \text{ дан}$$

$$\gamma_t = (\gamma - \gamma_c)/(1 - n), \text{ гк/см}^3.$$

Гилли грунтларни қайишқоқлиги бўйича тойифаланиши

Жадвал-2.3

Номлари	Қайишқоқлик кўрсатгичи
Кумсион (супеслар)	
каттиқ	JL < 0
эластик	0 ≤ JL ≤ 1
оқувчан	JL > 1
Гилсимон ва гиллар	
каттиқ	JL < 0
яримкаттиқ	0 ≤ JL ≤ 0,25
ғўраша эластик	0,25 < JL ≤ 0,50
мулойим эластик	0,50 < JL ≤ 0,75
оқувчан эластик	0,75 < JL ≤ 1
оқувчан	JL > 1

Такрорлаш учун саволлар.


1. Грунтни табиий намлиги деб нимага айтилади?
2. Грунтларни сув шимувчанлиги деб нимага айтилади?
3. Грунтни ғоваклиги деб нимага айтилади?
4. Грунтни асосий физик хоссалари нималардан иборат?
5. Гилли грунтларни қайишқоқлиги бўйича тойифаланиши.
6. $e = W \gamma_s / \gamma_c$ ифодани изоҳланг.
7. Кум ва супесъларни сувга тўйинган ҳолатида нималарга аҳамият берилади?
8. $J_L = (W - W_p) / J_p$ ифодани изоҳланг.
9. $\gamma_d = \gamma_0 / (1 + 0,01 W)$ ифодани изоҳланг.

II.2-§.ГРУНТЛАРНИ СУВ СИЗИШ ХОССАЛАРИ.

Яна бир муҳими грунтни физик хоссаларидан бири ўзидан сувни

үтказувчанлигидир. Грунтлар ғовакли бўлганлиги учун улардан сув сизади. Сизиб ўтадиган сувни миқдори грунтни ғоваклари, доналарини катта кичиклигига ва уларни ёпишқоқлигига боғлиқдир. Шунинг учун қумларда сизувчанлик, гилларга нисбатан жуда каттадир.

Сув сизиш коэффициенти деб -гидравлик градиенти ва қўндаланг кесим юзаси бирга тенг бўлган грунт сизиб ўтган сув миқдорини белгиловчи кўрсатгичига айтилади.



Расм 2.1 КФ-00 асбоби: 1- ўлчовли сув балонча; 2 - муфта; 3 - латун тўри; 4 - фильтрлаш трубкаси; 5 - таянч таглик; 6 - ташқий стакан; 7 - грунт намунаси; 8 - фильтрлаш трубкачаларини тик йўналиш бўйича кўзғатувчи винт; 9 – напорли градиентни (қияликка) шкаласи.

Сувни грунтдан сизиб ўтиш ҳаракатини француз олими Дарси (1885й.) ишлаб чиқсан конун бўйича ифодаланади:

$$Q = Kc \cdot F \cdot i \cdot t, \text{ м}^3 ; \quad (2.11)$$

бунда:

Q - сув хажми, м^2

Kc - сизиш коэффициенти, $\text{м}/\text{кун}$, ($1\text{ см}/\text{с} = 3 \cdot 10^7 \text{ см}/\text{йил}$)

F - грунтни қўндаланг кесим юзаси, м^2 ;

i - гидравлик градиент;

t - сизиш вақти, сек.

Босим сарфининг сизиш масофасига нисбатини ифодаловчи градиент қуидаги хисобланади.

$$i = (H_2 - H_1)/L = \Delta H/L \quad (2.12)$$

бунда

$H_2 - H_1$ - босим сарфи, м ;

L - сизиш масофаси, м ;

ΔH - гидравлик напор; у қуидагига ифодаланади $\Delta H = P_c/\gamma_c$;

P_c - ғовакдаги сувни босими, МПа;

γ_c - сувни зичлиги $\text{гк}/\text{см}^3$

(3.11) ифодадаги Q/F_t қийматини V_f орқали белгилаб, грунт қўндаланг кесим юзаси бўйлаб, вакт бирлигидаги сув сарфини қийматини (сизиш тезлигини) хисоблаймиз.

$$V_f = K_c t \quad (2.13)$$

Дарси қонуни: Грунтдан сув сизиш тезлиги, гидравлик градиентини миқдорини ошиши ёки камайишига тўғри пропорционал K_c икки хил усул билан аниқланади.

1. Лабораторияда маҳсус асбоблар ёрдамида, яъни КФ-00 универсал сизиш трубкасида қумсимон грунтлар учун; Ф-1М асбобда гилли грунтлар учун сизиш коэффициенти аниқланади.

2. Грунтларни механик анализи ва ғоваклигига кўра ҳисоблаш йўли билан сизиш коэффициенти аниқланади.

Лаборатория усули - Ф-1М асбобида гилсимон грунтларни сизиш коэффициентини, ҳажми 150 ёки 200 см^3 дан иборат бўлган халқалар ёрдамида аниқланади. Сизиб ўтган сув миқдорини биринчи пьезометрда сувни кўтарилиши ёки иккинчисидаги сувни камайиши ҳажмидан аниқланади.

$$K_{10} = (\phi S/h_0) t f/F L (1/i) 864, \text{ м/кун} \quad (2.14)$$

Бу ерда:

K_{10} -сизиб ўтувчи сувни ҳароратини 10°C келтирилгани; м/кун;

$\phi S/h_0$ - кузатилаётган сувни пасайишига боғлик бўлган функциядир.

L - грунт намунаси баландлиги, халқа баландлигига тенг, см ;

t - сув сатхини пасайишга кетган вақт, сек;

f - пьезометр трубкаларини күндаланг кесим юзаси, cm^2 ;

F - халқа юзаси, cm^2 ;

$\iota = (0,7 + 0,03t^\circ)$ ҳарорат тузатмаси, t - сизаётган сувни ҳарорати.

Кумсимон грунтлар учун КФ-00 асбобида аниқланиб қуидаги ифода билан ҳисобланади.

$$K_c = Q \cdot 864 / T F J, \text{ м/кун} \quad (2.15)$$

Бу ерда:

Q - сизаётган сув ҳажми, cm^3 ;

T - сизиши учун арифланган вақт, сек ;


F - трубкаларни күндаланг кесим юзаси, cm^2 ;

J - гидравлик градиент; $J = \Delta H / L$;

ΔH - гидравлик напорларни (баландликтарни) фарқи, м ;

L - сизиши йўли узунлиги, см ;

864 - ўтиш коэффициенти см/сек дан м/кунга.



2.2-расм. Дарси тажрибасига оид чизма.

Грунтларни ўзидан сувни ўтказиш миқдорига кўра қуидагича таснифланади.

Жадвал-2.4

Гилл	$< 0,001$	Сув ўтказмайдиган м/сут
Күмсімон, гиллсімон	$1-0,001$	Ярим ўтказадиган
Кум ва йирик > 1 парчаланган тошлар		Сув ўтказадиган

Грунтларни физик ва механик ҳоссалари асосида сув сизиш коэффициентини аналитик йўллар билан хисоблаш мумкин. Масалан: қум грунтлари учун қуидаги олимларни усуллари билан хисоблашда ифодаси билан кўрса бўлади:

$$K_c = C d_{yp}^2 (0,7 + 0,03t), \text{ м/кун} ; \quad (2.16)$$

Силиктер ифодаси билан

$$K_c = 496 M d_{yp}^2, \text{ м/кун} ; \quad (2.17)$$

Крюгер ифодаси билан

$$K_c = (240 n / (100 - n)^2) d_q^2, \text{ м/кун} ; \quad (2.18)$$

Бу ерда:

d_{yp} , d_q - қумни мавжуд доналарини диаметрлари, мм;

$$1/d_q = q_1/d_1 + q_2/d_2 + \dots + q_n/d_n ;$$

q_1, q_2, \dots, q_n - намунадаги мавжуд бир хил доналарини оғирлиги, %;

d_1, d_2, \dots, d_n - ёки бу доналарни диаметрлари, мм;

C - қумни тозалигини ва бир хиллигини хисобга олувчи коэффициент; у тенг

- тоза ва йирик қумлар учун $C = 1200 \div 800$

- майда ва кирланган қумлар учун $C = 800 \div 400$

t - сувни ҳарорати, градус С да;

M - грунтни ғовакдорлигига кўра олинадиган коэффициент бўлиб сликтер тузган таблицадан олинади.

n - грунтни ғовакдорлиги.

Амалиётда 0,1-0,2 Мпа босим таъсирида, грунтни хиллари учун сизиш коэффициентининг ўртача қиймати қуидагичадир:

Жадвал-2.4

кум -	$1 \cdot 10^{-2} \div 1 \cdot 10^{-4}$	м/кун ;
кумсимон -	$1 \cdot 10^{-3} \div 1 \cdot 10^{-6}$	м/кун ;
гиллсимон -	$2 \cdot 20^{-5} \div 1 \cdot 10^{-8}$	м/кун ;
гилл -	$1 \cdot 10^{-7} \div 1 \cdot 10^{-10}$	м/кун .

Такрорлаш учун саволлар:

1. Грунтларни асосий физик хоссаларини ёзинг.
2. Грунтларни хосилавий физик хоссаларини айтинг.
3. Хажмий оғирлигини қандай аниқланади?
4. Грунтни табиий намлиги қандай аниқланади?
5. Қуи ва юқори намлик чегарасини тушинтиринг.
6. Говакдорлик коэффициентини аниқланг.
7. Грунтни эластиклиги бўйича тоифаланиши?
8. Грунтни қайишқоқлигини аниқланг.
9. Грунтда сув сизиш хусусияти нима?
10. Дарси қонунини изохланг.

III боб.ГРУНТЛАРНИ МЕХАНИК ХОССАЛАРИ.

3.1-§.ГРУНТЛАР МЕХАНИКАСИНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ.

Ғовакликлар қонунияти хақида тушунчалар.Грунтлар механикасини ўрганадиган асосий обьекти -майда дисперсияли, минерал боғловчи таркибли бўш тоғ жинсларидир.Бўш тоғ жинсларида - қаттиқ доначалар тўлиқ ҳажмларини эгаллаб турмайди, фақат маълум қисмини эгаллайди, қолган қисмини эса ғовакликлардан иборат бўлади. Грунт доналари бир-бири билан маълум миқдорда ёпишган ва умуман ёпишмаган бўлади.

Бундай грунтларга ташқи босим таъсир этса - доначалари силжиб, ўз ўрнидан кўчади, шу жараённи грунтлар механикаси асосий қонуниятлари ўрганади ва уларни ғовакликлар қонуниятлари деб аталади.

Ҳамда улар тўртга бўлинадилар. Жадвал 3.1.

Бу қонуниятлар қуйидагилардан иборат:

1. Сиқилиш
2. Сув ўтказувчанлик.
3. Боғланиш юзасидаги қаршилик.
4. Структура фазаларидаги деформация.

Грунтлар механикасини асосий қонуниятлари.

3.1-жадвал

Грунт асосий хоссалари	Конунияти	Күрчатгичи	Амалда ишлатилиш жойи
Сиқилиш	Зичланиш қонуни	Зичланиш коэффициенти.	Пойдеворларни чўкишини хисоблашда
Сув ўтказувчанлик	Ламинар сизувчанлик қонунияти.	Сизувчанлик коэффициенти.	Ғоваклари сув билан тўла грунтларда чўкиш тезлигини хисоблашда
Боғланиш юзасидаги қаршилик	Мустахкамли к шарти.	Ички ишкаланиш коэффициенти ва ёпишқоқлиги.	Чегаравий мустахкамлик шартини хисоблаш, турғунликни ва тўсиқдаги босимни аниқлашда
Структура фазаларидаги деформация	Чизикли қонунияти	Деформация модули	Грунтлардаги кучланишларни ва чўкишларни аниқлашда

Бино ва иншоот заминларини деформация бўйича хисоблашда кумсимон ва гилсимон грунтларни сиқилиш хоссаларини билиш лозимdir. Грунтларни сиқилишга қаршилиги қуйидаги физик ҳолатларга боғлик :

1. Грунт кристал панжаралари эластиклик эгилувчанлиги.
2. Грунтларни зичланиши - ғоваклиги камайиши.
3. Грунт куриганда физик ҳоссаларини ўзгариши.


Замин грунтларини сиқилиши уларни зичланишига боғлик, бу эса грунтни

хилига ва таъсир этаётган юкни характерига боғлиқдир. Масалан: динамик таъсирлар (титратиш) - қумли грунтларни яхши зичлаштиради - гилсимон грунтларни ёмон зичлайди.

Статик юклар - гилсимон грунтларни яхши зичлайди, қумсимон грунтларни ёмон зичлайди. Титратиш таъсирлари сувга тўйинган майда қумли заминларда суюлиб, билқиллаб қолиш ҳолатига келтиради, бундай ҳолатда металл конструкциялари грунтга ботади (ютади).

Бундай ҳолатни лойиҳалашда ҳисобга олиш шартdir. Грунтларда сиқилиш жараёни ўтаётган даврдаги ҳолатларни кузатиш ва уни баҳолаш учун проф.Н.М.Герсеванов, иккита грунт намунасида тажриба ўтказади. Биринчиси тўла сувсизлаштирилган, иккинчиси ғоваклари сув билан тўла грунт.Сувсизлаштирилган грунтга босим берилганда доналари ўзаро яқинлашишига кўра сиқилиш жараёни ўтади ва грунтда деформация содир бўлади. Бунда ташки босим энергияси, грунт доналарини ишқаланиш ёки тутиниш (сцепления) кучини енгишга сарфланади, босим ортиши билан грунтдаги ғовакликларни камайиши тезлашади.

Буни содда ва кўргазмали ҳолатда ифодалаш учун проф. Н.М. Герсеванов, сувсизлаштирилган грунт моделида ўтган сиқилиш жараёнини, пружинага босим берилганда уни баландлигини камайишига таккослади.Бу ҳолда ҳам босимни ортиши билан деформация катталашади ёки пружина симлари орасидаги масофа кичраяверади. Пружинани металини ҳажми эса доимиийлигича колаверади.



3.1-расм.

Грунтнинг реологик модели. 1- цилиндр; 2-пружина; 3-поршень;

h-пружина баландлиги; Р-берилаётган юк.

Грунт массасини ташқи босим таъсирида сиқилиш жараёни.

- 1 - деворлари мустахкам махсус идиш; 2 - идишга тушадиган зич поршень;
- 3 - сув чиқадиган жумрак; 4 - пружина; 5 - сув.

Тажрибада ташқи юкни миқдорини оширишни пружинани симлари бир-бирига тегиб қолган вақтда тўхтатилади.Хулоса ўрнида ташқи босим энергияси, пружина симлари қаршилигини енгишга сарфланади.

Ғовакликлари сув билан тўла турган грунтларга (грунт массаси) - ташқи босим берилганда, бошланғич даврида бўш грунтга нисбатан кам зичлашадиган жисмга ўхшаб босимни грунт массасидаги сув қабул қиласи. [21.25].

Бунда грунт ғоваклигидаги сув босими (напор) олиб қуидагича ифодаланади.

$$n = 1000 \sigma / \gamma_v \quad (3.1)$$

бу ерда: σ - ташқи босим, кг/см²; МПа;

$$\sigma = P/F \text{ МПа}; \quad (3.2)$$

P - берилаётган юк; кН

F- поршен юзаси; см²

γ_v - сувни солиширима оғирлиги, кг/см³;

n - босим баландлиги (напор), м

Босим таъсирида грунт таркибидаги сув сиқилиб отилиб чиқиб кетиши вужудга келади ва грунт доначалари бир-бирига яқинлашиб, уни ғоваклиги камаяди. Грунт ғовакликлари канча кичик бўлса, уни гидродинамик қаршилиги шунча кўп бўлади. Шу даврда берилаётган ташқи босимни маълум бир қисми сувга ва қолган қисми грунт қаттиқ доначаларига ўтади, шундан бошлаб грунтда хажм кичрайиши бошланади - лекин сув ва қаттиқ доначалар олаётган босим ташқи босим суммасига teng бўлади.

Маълум вақтдан кейин грунтдан сувни отилиб чикиши тўхтайди, ташқи босимни ҳаммасини грунтни қаттиқ доначалари қабул қиласи.

Грунт массасини ташқи босим таъсирида сиқилиш жараёнини ўтишини кузатишни, махсус идиш ичига солинган сувга ботирилган пружина моделини сиқилиш жараёнига таккосланган.

Махсус идишга сув қўйилади, унга пружинани солиб, поршень билан зичланади 3.1-расм. (грунт массаси, ифодага кўра напор остида туради). Идиш поршенига жўмрак ўрнатилиб, уни босим таъсир этаётган даврида очиб қўйилади, сув фонтанчага ўхшаб отилиб чиқа бошлайди. Бунда ташқи босимни маълум бир қисми сувни сиқиб чиқаришга сарфланади ва қолган қисми пружинага таъсир этади. Натижада пружина баландлиги камаяди. Тажрибани охирида жўмракдан сувни отилиб чиқиши тўхтайди, сабаби пружинани симлари бир-бирига тегиб қолади, бу холатда юқоридан берилаётган босимни хаммасини пружина олади.

Хулоса қилиб айтганда - грунт массасига берилаётган ташқи босим икки хил босимларга ажрар экан - яъни сувни олаётган босими - нейтраль босим сн, ҳамда грунт доналари олаётган босими - эффектив босим сэ ёки тажриба боришидаги ҳоҳлаган дақиқа учун қуйидаги тенглик жойиздир.


$$\sigma = \sigma_e + \sigma_n \quad (3.3)$$

Нейтраль босимни яққол ифодалаш учун махсус идиш оламиз, унга h_r баландликда грунт намунасини кўйиб, грунтни устига h баландликгача сув қуямиз, шу билан грунт устки юзасидаги σ босимни, сувни оғирлигидан ҳосил бўлаётган босим билан алмаштиридик - аммо грунтни баландлиги h_r ўзгармайди. Бунда сувдан ҳосил бўлган босимни грунт ғовакларидағи сувлар қабул қилиб, грунтни қаттиқ доначалари деформацияга учрамайди, шунинг учун уни нейтраль босим дейилади.

Агар идишдаги h_r баландликдаги грунт намунаси устига σ ташқи босими таъсир этса, унда грунтда сиқилиш ҳосил бўлиб ҳажми кичрайади, ғоваклиги камаяди ва бошка ҳоссалари ўзгаради - шу сабабдан уни эффектив босим дейилади.

3. 2-§. ГРУНТЛАРНИ ОДОМЕТРДА СИНАШ.

Тажрибалар дала ва лаборатория шароитларида ўтказилади. Дала шароитларидаги ўтказиладиган тажрибалар натижалари аниқроқ бўлади, лекин уларга катта ҳаражатлар кетиши муносабати билан, кўпроқ лаборатория тажрибалари ёрдамида грунтни сиқилиши аниқланади. Бундай тажрибаларни грунтларни бир ўқли сиқувчи асбоб-одометрда бажарилади. Одометрда грунтлар сиқилганда ён томонларига кенгайиш имкониятига эга бўлмайди, шунинг учун силжиш деформацияси томомила бўлмаслиги таъминланади. Бунда грунтлар фақат ғовакликлари ҳажми ўзгаришига асосан дефорацияга учрайдилар. Шунинг учун деформацияни ўлчов бирлиги сифатида ғовакликлар коэффициентини олиш мумкиндир. Грунт намунасига схематик холатда қўйидагича белгилар киритамиз.



3.2-расм. Компрессион асбобнинг тузилиши.

1-грунт намунаси; 2-қирқувчи ҳалқа; 3- тешикли поршень; 4-тешикли таглик; 5-деформация ўлчагич-индикатор; 6- сув тўпланадиган идиш.

Одометрни поршини оркали, тик ўқ йўналишида ўсиб борувчи юклар, босқичлар асосида берилади. Ҳар бир босқичда чўкиш тугалланиши билан индикаторлардан ҳисоб олиниб, ҳосил бўлган чўкишлар аниқланади ва $\epsilon - \sigma(P)$ боғланиши чизилади. Бу боғланиш эгри чизиқли бўлиб - уни компрессия эгри чизиги деб аталади. Масалан: амалий иш қўйидагича бажарилади - грунтни солиштирма оғирлиги Y ; уни ҳажми, V_o , грунт

скелетини оғирлиги Q_o , намунани бошланғич баландлиги h ва юзаси F аникланади.[1.2.24.25]

Ташқи босим σ_i ҳар бир погонасидаги деформацияланган намуна баландлигини узайтиришини қуйидагидан топилади.

$$h\sigma = h - \lambda i \quad (3.4)$$

бу ерда: λi - σ_i босимидан ҳосил бўлган чўкиш, мм; (индикаторни кўрсатгичи).

Грунтларни физик хоссасидан, қўрилаётган намунани скелетини оғирлиги.

$$Q_o = \gamma \cdot V_o = \gamma h_o F, \quad (3.5)$$

бундан грунт скелетини келтирилган баландлиги қуйидагига тенг:

$$h_o = \frac{Q}{\gamma F} \quad (3.6)$$

Грунтни бошланғич ғоваклик коэффициенти қийматини қуйидаги ифода билан ҳисоблаймиз:

$$\varepsilon_o = \frac{(h - h_o)F}{h_o F} = \frac{h - h_o}{h_o}; \quad (3.7)$$

Ҳар қандай ташқи юк σ_i дан ғоваклик коэффициенти ε_i қийматини қуйидаги ифодадан ҳисоблаймиз:

$$\varepsilon_i = \frac{(h_i - h_o)F}{h_o F} = \frac{h_i - h_o}{h_o}; \quad (3.8)$$

(3.8) ифодадан фойдаланиб, ташқи босимни σ_i муносаб босқичига мос, ε_i ни ҳисоблаб, $\varepsilon - \sigma$ боғланиши компрессия эгри чизифи чизилади.


Табиий ҳолатдаги структуралари бузилмаган ва бузилган сочилувчан ва доналари ёпишган, грунтлар учун компрессия эги чизигини қўриш мумкин. Эгри чизиклар орасидаги катта фарқ, грунтларда ташқи босим таъсирида эластиклик деформациясидан ташкари қолдиқ деформация хам содир бўлишини кўрсатади.

Эластик-деформацияси-грунт намунасидағи юкни қайта

туширилишидан, грунтни илгариги ҳолатига кайтиши учун күтарилишини (күпчишини) ҳарактерлайди. Қолдик деформацияси-зичланиш даврида грунтларни структуралари ўзгариб, доналари ўз ўрнидан кўчиб, силжишидан хосил бўлган деформация бўлиб, у қайта тикланмайди.

Хулоса: грунтларда қолдик деформацияси, эластик деформацияга нисбатан катта бўлади. Бу эгри чизиқларни ҳарактери ва уларни нисбатлари замин грунтларини мустаҳкамлигини баҳолашда катта аҳамият касб этади.

- 1- куч ошиб бориши жараёнида қурилган эгри чизиқ. $e = f(P \rightarrow \max)$
- 2- куч олиниши жараёнида қурилган эгри чизиқ; $e = f(P \rightarrow 0)$.



3.3-расм. Структураси бузилмаган грунт намуналарининг компрессион эгри чизиқлари;

3.3-расмни 1 - зичланиш чизиги, намунани ўсиб борувчи юк таъсиридаги зичланишни тасвирлаб, 2 - кўпчиш чизиги, намуна устидан юкларни секин аста тушурилишидан хосил бўлган боғланиш кўрсатади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Грунтлар механикаси асосий қонуниятлари.
2. Грунтлар механикасини ўрганадиган соҳаси.
3. Динамик таъсиrlарни грунтларда зичлашишни хосил қилишини изохланг.
4. Статик юкларни грунтларда зичлашишни хосил қилишини изохланг.
5. Проф. Н.М. Герсеванов усуллари ҳақида сувсизлантирган грунтда сиқилишни бориши.
6. Говаклари сув билан тўла грунт намунасида тажриба ўтказишнинг

ахамияти.

7. Нейтраль босимларни изохланг.
8. Одометрда грунтларни сиқилиши тажрибасини ўтказиш тартиби.
9. Компрессия эгри чизигини қандай қурилади?
10. Эффектив босимни изохланг.

3.3-§. ЧЎКУВЧАН БИНОЛАР ОСТИДАГИ ГРУНТЛАРНИ СУВ БОСТИРИБ НАМЛАШ ОРҚАЛИ ЗИЧЛАШ.

Лёссимон чўкувчан грунтларни сув бостириб зичлаш усули, уларни хусусий оғирлиги ошиб ўз-ўзидан зичланиш хоссасидан фойдаланилади. [13,14]. Грунт сув таъсирида намлангач, унинг бошлангич мустахкамлиги секин пасаяди ва юқорида жойлашган қатламдан хосил бўлган босимдан чўкиш содир бўлади. Бунда грунтнинг остки қисми зичланади, юқори қатлам эса зичланмаган ҳолатда колади.

Сув бостириш натижасида грунт массасининг ҳажмий оғирлиги 1,2-2 мартағача ошади ва 6-9 м чуқурликдан бошлаб чўкиш натижасида грунтнинг мустахкамлик кўрсаткичи ортиб, сиқилиш кўрсаткичи пасаяди. Чўкиш ҳодисаси тўхтаган ҳолатига етгач, грунтдаги босим ва ундан мустахкамлик ва деформацияланиш хусусияти барқарорлашади. Аммо пойдевор юқидан бундай мувозанат бузилади ва қўшимча кучланишлар зонасида грунтни зичланиши ва чўкиши давом этади.

Грунтларни сув бостириш усули билан юқорида айтиб ўтилган усулни янги қурилиш бошланадиган майдонларда олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Лойиҳаланувчи ва қуриладиган биноларнинг хусусий оғирлиги катта бўлган ҳолда намлаш усули билан грунтларни зичлаш тавсия этилади. Ушбу усул билан грунтларни зичлаш II - чи типдаги грунтларда қўлланилади. [5,7,18]. Лёсс ва лёссимон чўкувчан грунтларни пойдевор ҳандакларини (котлован) ни сув бостирганда, чўкиш 30-40 см гача ва ундан ортиқ бўлгани кузатилган. Қурилишда бино остидаги грунтларни намлаш орқали чўкиши хусусиятини бартараф этишда бино ва иншоотларни

ишлатишда улар қурилган заминларни маҳаллий намланиши натижасида чўкишлар ҳосил бўлиб бино тузилмаларида ортиқча деформациялар пайдо бўлади. Бундай ҳолатни олдини олиш учун даставвал грунт чўкишини тўхтатиш, сўнгра бинони ўз ҳолатига келтириш керак. Чўкувчанликни йўқотишни маълум ва амалий йўлларидан бири грунтни намлигини оширишdir.

Бундай ҳолатда қазилган ҳандакларни сув бостириб, чўкувчан грунт ўзининг хусусий оғирлигидан чўктирилади. Сўнгра қурилиш ишларини тугатиб, қайта намланиб, пойдевор юкидан белгиланган меъёрда чўктириш ташкил этилади. Шундай тажрибалар асосида Душанбе шаҳрида ва Украинаning бир қанча шаҳарларида бинолар қурилган. [9.2.21].

Бино тузилмаларида чўкиш натижасида қўшимча зўрикишлар ҳосил бўлмаслик чоралари ишлаб чиқилади ва амалда қўлланилади. Грунтни намлашда бино пойдеворларининг нотекис чўкишини олдини олиш керак. Бунинг учун аввал чўкиш кам бўлган бино асоси намланади ва аста секинлик билан бошқа участкаларга ўтилади. Асосларни ташкилий намлашда чўкувчан грунтларнинг бино асосидаги ҳолатини яхши ўрганиб чиқиш сўнгра намлаш жараёнига ўтиш керак.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Қандай ҳолда грунтларни сувга тўйинган дейилади.
2. Сувдаги дастлабки босимни изохланг.
3. Грунтни қандай ҳолатида чўкиш вақт бўйича ўзгаради.
4. Гилли ва кум грунтларида градиентни фарқи борми?
5. Сизиш босими деганда нимани тушинасиз?
6. Қандай ҳолатда грунтда қуйқаланиш бўлади?
7. Лёссимон чўкувчан грунтларни сув бостириб зичлаш усулини айтинг.
8. Нима учун қазилган ҳандакларни сув бостириб, чўкувчан грунт ўзининг хусусий оғирлигидан чўктирилади?
9. Грунт сув таъсирида намлангач, унинг бошланғич мустахкамлик холати.

3.4-§.ЧҮКУВЧАН ГРУНТЛАРДА АСОС ВА ПОЙДЕВОР ҚУРИШНИНГ ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ ҲАҚИДА.

Чўкувчан грунтларда асос ва пойдеворларни ўрнатиб, иншоотлар қуриш ва уларни ишлатиш ҳар бир якка ҳолатда ўзига хос махсус ҳусусиятга эга бўлиб, бир қатор факторларга боғлиқ бўлиши мумкин. Илмий-текшириш идораси томонидан назоратга олинган биринчи типдаги грунт шароитида қуриладиган тўккиз қаватли йирик панелли бино қурилишнинг техник-иқтиносидий кўрсаткичини тахлил қилиш учун асос ва пойдеворларнинг қўйидаги вариантлари кўриб чиқилган: [1.5.9.25.23]

- 1) чукурлиги 3 м гача оғир юқ билан зичланган асосга тасмасимон йиғма пойдевор ўрнатиш;
- 2) қалинлиги 3 м бўлгаги грунт ёстикда ўрнатилган тасмасимон йиғма пойдевор ўрнатиш;
- 3) Асоси зичлаштирилган ховузларда пойдевор панеллар ўрнатиш;
- 4) Кесими 30x30 см қозик пойдеворни чўкувчан қатламдан 1-2 м узун килиб ўрнатиш;
- 5) Диаметри 0,5 м бўлган қўйма свайни чўкувчан қатламидан 2 м ортиқ килиб қувиш. Ушбу холатларда асос ва пойдевор барпо қилишда техник-иқтиносидий кўрсаткичини тахлил қилиш учун калинлиги 4, 6, 8, 10 м ли лёсс чўкувчан ҳусусиятли грунтларда тажриба ўтказилган. тажриба ўтказилаётган қатламлардан кейинги қатlam ишончли ҳажмий оғирлиги $1,65 \text{ т}/\text{м}^3$ тенг бўлган гилсимон (суглинкали) заминлардан иборат.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вариантлардан иқтиносидий энг тежамлиси учинчи вариант хисобланади. Бу вариантда қозик-пойдевор ўрнатишга нисбатан металл сарфи 3-4 марта, меҳнат сарфи 1,8-2,2 марта ва замин пойдевор барпо қилиш сарф-харажатлар 1,7-2,0 марта камайиши исботланган. Иккинчи типдаги грунтларда ҳам бир неча турдаги пойдеворлар қуриш ўзаро тахлил қилинганда энг тежамли вариант - чўкувчан грунтни олдиндан намлаб зичлаш усули эканлиги исботланган. Юқорида кўрсатиб ўтилган вариантлардан иқтиносидий нуқтаи назардан кўрсаткичи энг пасти

куйма қозиқли пойдевор ўрнатиш хисобланади. [14.23,32]. Чўкувчан грунтларда курилган бино ва иншоотларнинг деформацияланиш сабаблари. Бино ва иншоотларни нотекис чўкишдан химоялаш ва чўкувчан заминлардаги биноларни чўкишининг олдини олиш асосан уларни сувдан ҳимоя қилиш ва айrim конструктив тадбирлар белгилаш билан чегараланиб лойихалаш яқин вақтларгача қўлланилар эди. Тажриба ва кузатишлардан маълум бўлишича бундай тадбирлар ишончсиз бўлиб кўплаб авария ҳолатлари юз беришига сабаб бўлган. Авария ҳолатини йўқотиш ва бинони тиклаш учун сарф ҳаражатлар бино нархининг 30 -40% ни ташкил этган ҳоллар оз эмас.[1.11].

Ушбу ҳолатларни хисобга олган ҳолда кейинги вақтда лёсс ва лёссимон чўкувчан грунтларни зичлашга катта аҳамият берила бошланди. Албатта бино қурилишининг нолинчи циклидаги ҳаражатлар бироз қимматлашсада, бинони ишлатиш давомида турли кўринишдаги чўкишларни олди олинади ва қўшимча сарф ҳаражатлар камаяди.

Биноларнинг нотекис чўкишини олдини олиш ҳақидаги меъёрий йўрикномалардаги талабларни бажариш бино ва иншоотларнинг мустахкамлигини, устиворлигини ва нормал ишлашини таъминлайди. Биноларда йўл кўйиб бўлмайдиган деформацияларни ҳосил бўлиши асосан инженерлик-геологик изланиш олиб боришда, лойихалаш ва қурилишни ташкил этишда йўл кўйилган ҳатоликлардан келиб чиқади.

Инженер-геологик изланиш лойихалаш ишини ташкил этиш учун муҳим босқич хисобланади. Шунинг учун биноларда йўл кўйиб бўлмайдиган деформациялар пайдо бўлишда асосан қурилиш майдончаси асосининг тўлиқ ўрганмаганлиги сабаб бўлади.

Замин, пойдеворлар ва бинони лойихалашда ҳам ҳатоликлар учраб туради. Бунда асосан қурилиш олиб бориладиган майдонларга нотўғри баҳо бериш ва меъёрий хужжатларга риоя килмасликдан келиб чиқади. Биноларда йўл кўйиб бўлмайдиган деформациялар пайдо бўлишига сабабчи айrim муҳим сабабларни келтирамиз :[13,14].

- 1) Грунтга бериладиган босимни камайтириб белгилаш, чуқурлик бўйлаб ўзгаришини ҳато белгилаш;
- 2) Грунтнинг чўкувчанлигини тўлиқ йўқотмаслик;
- 3) Козик пойдеворларни юк кўтарувчи қатламгача етказмаслик;
- 4) Козик пойдеворларнинг юк кўтариш қобилиятини юқори белгилаш
- 5) Ёнлама босимларни ҳисобга олмаслик ҳоллари.

Чўкувчан грунтларда бино ва иншоотлар кўришда айрим ҳолларда меъёрий йўрикномаларнинг талаблари тўлиқ бажарилмай қолиши, қурилиш-монтаж ишларини етарлича назорат килмаслик ва лойиҳада кўрсатилган талабларни бажарилмай қолиши нотекис деформацияланишга ва биноларда ёриклар пайдо бўлиши ва синишига сабаб бўлади.

Бундай ҳолатлар қуидаги ишларни бажаришда содир бўлиши мумкин: [2.5].

- 1) Грунтларни зичлаш жараёнида, яъни грунтларни етарли намлик остида зичлаш лозимлигига аҳамият бермаслик, грунтлардаги намлик кам ёки ортиқча бўлиб қолиш ҳоллари.
- 2) Қозик пойдеворларни етарлича ёки лойиҳада кўрсатилган белгига қоқилмай қолиши, қозик материалининг ёки бетоннинг мустахкамлиги паст бўлиши;
- 3) Қўйма қозикларни бажаришда, қўйилаётган қозиктаркиблари тупроқ аралашиб қолиши, қозик ўрни яхши тозаланмай қолиши ва хоказо.

Юқорида кўрсатилган камчиликлар чўкувчан грунтларда курилган биноларда нотекис чўкишлар содир бўлишини асосий сабабларидир.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Қандай ҳолда грунтларни сувга тўйинган дейилади?
2. Сувдаги дастлабки босимни изохланг.
3. Гидравлик градиент нима?
4. Грунтни қандай холатида чўкиш вақт бўйича ўзгаради?
5. Гилли ва кум грунтларида градиентни фарқи борми?

6. Сизиш босими деганда нимани тушинасиз?
7. Қандай холатда грунтда қүйқаланиш бўлади?
8. Нима учун грунтларни деформация модули аниқланади ва уни неча хил усули?
9. Дала шароитида деформация модулинин аниқлашни тушинтиринг.

3.5-§.ПОЙДЕВОРНИ УСТКИ ЮЗА ҚИРҚИМИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ НОМАРКАЗИЙ ЮКНИ АНИҚЛАШ.

Сейсмик ҳудудларда бино замин ва пойдеворлари [8,14,18,32] талабларига асосан махсус юклар туркумига ҳисобланади, уларга қуйидагилар киради: доимий; узоқ таъсир этувчи; алоҳида; қисқа вақт таъсир этувчи; ва сейсмик таъсирлар. Шунинг билан бир қаторда норматив юклар, ҳисобий юклар коэффициентларига кўпайтирилади. Фойдали ва қордан ҳосил бўлган юклар норматив холидагиси 0,8 коэффициентга камайтирилиб олинади. Шамол таъсири, тормозлаш кучи, кўприкли кранларни тўхтатишдан, эластик тортмаларга осилган юкларни инерция кучлари ҳисобга олинмайди.

Сейсмик куч бинони ҳар томонидан таъсир этиши мумкин, шунинг учун ҳисоблаш, унинг энг ноқулай томони бўйича бажарилади. Масалани ойдинлаштириш учун қуйидаги мисолни кўрамиз, синчли бинони горизонтал текислик бўйича, ён томонига нисбатан тебранишидан колоннани устки қисми V - масофага кўчади (бу ерда V- фазовий кўчиш). [3,7.24]. Колоннага таъсир этиб турган барча юклардан пойдеворни оғирлик марказига нисбатан моментларни сон қийматларини ўзгариши содир бўлади ва уни қуйидаги ифодадан ҳисобланади.

$$M_{Gv} = N_1^H (V_e - e_h) + N_{kv} (V_k - e_h) + N_e (e_c - V_k) + N_k (V_k + e_k) \text{ кН.м.} \quad (3.1)$$

N_1^H - том ёпмаси ва тўсинидан ҳосил бўлган юк кН.

N_{kv} - колоннани устки қисмини оғирлиги кН, ўраб турувчи.

N_e - деворни оғирлиги, колоннани устки қисми бўйича кН,

N_k - кўприкли крандан ҳосил бўлган юк кН,

e_h - пойдевор ўқидан N_1^h юки таъсир этаётган ўқи

орасидаги елка, м,

V_k - колонна к - нұктасини фазовий күчиши, м,

e_c - пойдевор ўқи билан девор ўқлари ўртасидаги елка, м,

e_k -пойдевор ўқи билан күпrikли кран түсими ўқи ўртасидаги елка. м,

Хисобий сейсмик кучи таъсирида пойдеворни устки юзасида хосил бўладиган момент. [17] Қуйидаги ифода билан хисобланади.

$$M_s = S \cdot H \quad \text{к Н. м.} \quad (3.2)$$

H - Колоннани баландлиги (пойдеворни устки юзасидан бошлаб). м,


S - Колоннани устки қисмига таъсир этаётган сейсмик куч к. Н.

N - иншоотдан пойдеворга таъсир кўрсатаётган юк.(доимий ва вақтинчалик юклар). кг;т;


G -пойдевор ва унга устки ён томонларидан тушаётган грунтнинг оғирлиги,кг;

B -хисоб қилинган пойдеворнинг эни.м;

H -пойдеворнинг баландлиги.м;



3.1-расм.Марказдан ташқари куч таъсиридаги қаттиқ пойдеворларни хисоблаш чизмаси.



3.2-расм.Марказдан ташқари қўйилган куч.

Сейсмик куч таъсирида ҳосил бўлган хисобий елкани аниқлаш Конструкцияларни оғирликлари нормалга паралелл йўналган ҳар хил нуқталардан ўтган ўқлар бўйича таъсир этганлиги учун, уларни тенг таъсир этувчиси қуидаги ифодадан топилади. [8,11.18.22].

$$N = \sum_{i=1}^n N_i, \text{ кН} \quad (3.3)$$

Хисоблаш схемасига кўра рас

$$N = N_1 + N_c + N_{kh} + N_k, \text{ к Н}, \quad (3.4)$$

бу ерда N_1 - том ётмасидаги ва колоннани устки қисмидан тушаётган юклар. к Н ,

$$N_1 = N_{1T} + N_{ky}, \text{ к Н}, \quad (3.5)$$

N_{kh} - колоннани остки қисмини оғирлиги, к Н ,

Пойдеворни устки юзасини ихтиёрий нуқтасига таъсир этаётган тенг таъсир этувчи кучни пойдевор оғирлик марказига нисбатан елкаси тенг.

$$X_0 = \frac{\sum N_i l_i}{N}, \text{ м} \quad (3.6)$$

ёки рас. - 1 схемасига асосан колоннани усти V - масофага кўчганда

$$X_0 = MSV / N, \text{ м}; \quad (3.7)$$

Сейсмик куч таъсирида, пойдевор оғирлик марказига нисбатан уни асоси юзасида ҳосил бўладиган хисобий этувчи моментни [10.7]

$$M = M_s + S \cdot h_o + Q \cdot h_o \text{ кН·м}, \quad (3.8)$$

h_o - пойдеворни фойдали баландлиги, м ,

Q - пойдеворни устки юза қирқимиға таъсир этувчи күндаланг куч, кН,
Хисобий эгувчи моментлардан ҳосил бўлган елкага teng.

$$e_o = M/N, \text{ м}, \quad (3.9)$$

Хисобий елкани қуидаги ифодадан аниқланади.

$$e_8 = e_o + X_o \quad (3.10)$$

Такрорлаш учун саволлар.

1. Колоннага таъсир этиб турган барча юкларни изохланг.
2. Пойдеворни оғирлик марказига нисбатан моментларни қандай аниқланади?
3. Сейсмик куч таъсирида этувчи моментни аниқланг.
4. Сейсмик куч бинони ҳар томонидан таъсир этиши мумкинми?
5. Пойдевор ва унга устки ён томонларидан тушаётган грунтнинг оғирлиги қандай куч?
6. Шамол таъсири ҳисобга олинадими?
7. Марказдан ташқари куч таъсиридаги қаттиқ пойдеворларни эни қандай аниқланади?

IV боб. ГРУНТЛАРНИ ЮК КЎТАРИШ ҚОБИЛИЯТИ.

4.1-§.БИР ХИЛ ЖИНСЛИ ЗАМИНЛАРДА ТАБИЙ БОСИМНИ АНИҚЛАШ.

Табиий босим деб - юқори қатlam грунтини ўз оғирлигидан пастки катламга бераётган қучланишига айтилади. Замин грунтлари Н чукурлик бўйича бир хил жинсли бўлса, табиий босимни қиймати Н чукурликдаги қатламни сатҳида қуидаги ифодадан хисобланади:

$$\sigma_{th} = \gamma_0 H g, \text{ кПа}; \quad (4.1)$$

Бу ерда:

γ_0 - грунтни ҳажмий оғирлиги, $\text{гс}/\text{см}^3$;

H - кўрилаётган чукурлик, м;

g - ўтиш коэффициенти $g=10$

Табиий босимни қатламни ихтиёрий Z чукурлик учун қуидагича


хисобланади:

$$\sigma_{th} = \gamma_0 Z g, \text{ кПа} ; \quad (4.2)$$

γ_0 –грунтнинг ҳажмий оғирлиги лабораторияда кесувчи ҳалқа ёрдамида аниқланади.

Z - пойdevor подошvasi –пойdevor ўрнашган жойдан грунт қатламининг ихтиёрий нуқтасигача бўлган масофа.м

g - бирликлардан ўтиш коэффициенти. g -10 га тенг.



4.1-расм. Замин грунтини ўз оғирлигидан чуқурлик бўйича ортиб борувчи тик нормал кучланиш эпюраси.

Ҳар хил қатламли заминларда табиий босимни аниқлаш. Замин грунтлари кўрилаётган H - чуқурлик учун ҳар хил қатламдан h_1, h_2, \dots, h_n ва грунтларини ҳажмий оғирлиги $\gamma_{01}, \gamma_{02}, \dots, \gamma_{0n}$ иборат бўлса 4.1-расм у ҳолда, ҳар бир қатламни остки юзасида ҳосил бўлаётган табиий босимни алоҳида хисобланади ва қуйидаги тартибда бажарилади.

Биринчи қатлам учун

$$\sigma_{t1} = \gamma_{01} h_1 g, \text{ кПа} ; \quad (4.3)$$

Иккинчи қатламни остки юзаси учун

$$\sigma_{t2} = \sigma_{t1} + \gamma_{02} h_2 g, \text{ кПа} ; \quad (4.4)$$

Шу тартибда қўшиб ҳисобланаверади, охирги n қатлам учун қуйидагига тенг бўлади:

$$\sigma_{tn(H)} = \sigma_{t2} + \gamma_{0n} h_n g, \text{ кПа} \quad (4.5)$$

Ихтиёрий Z чуқурлиги учун эса қуйидагига хисобланади.

$$\sigma_{tz} = \sigma_{t1} + \gamma_{02} Z g, \text{ кПа.} \quad (4.6)$$

Ер ости сувлари бўлган заминларда табиий босимларни аниқлаш.

1. Бир хил ва ҳар хил қатламли грунтли заминларда маълум чуқурликда ер ости суви мавжуд бўлса, у ҳолда ғоваклари сув билан тўла турган қатлам грунтларини муаллак ҳолдаги ҳажмий оғирлиги хисобланиб табиий босимни аниқланади. Ер ости суви h_c чуқурликдан ўтган, бу ҳол учун табиий босим сувни сатхи учун аниқланади.

$$\sigma_{tc} = \gamma_0 h_c g, \text{ кПа} \quad (4.6)$$

Ер ости суви ғоваклари билан тўла турган грунтни, муаллак ҳолидаги ҳажмий оғирлиги хисобланади.

$$\gamma_{0m} = (\gamma_s - \gamma_c) / (1 + e), \text{ гс/см}^3; \quad (4.7)$$

Бу ерда:

γ_s - грунтни солиштирма оғирлиги, гс/см³;

γ_c - сувни зичлиги, $\gamma_c = 1$ гс/см³;

e - ғоваклик коэффициенти.

Агар грунтни ҳажмий оғирлиги γ_0 , грунтни ғоваклари табиий ҳолда сув билан тўла турган ҳоли учун аниқланган бўлса (намлик даражаси $G=1$), муаллак ҳажмий оғирлик қуйидагича аниқланади.

$$\gamma_{0m} = \gamma_{s0} - \gamma_c, \text{ гс/см}^3; \quad (4.8)$$

Табиий босим қиймати H чуқурлик учун қуйидагига teng

$$\sigma_{tch} = \sigma_{tc} + \gamma_{0m} h g, \text{ кПа;} \quad (4.9)$$

ёки ихтиёрий Z чуқурлик учун

$$\sigma_{t cz} = \sigma_{tc} + \gamma_{0m} Z g, \text{ кПа;} \quad (4.10)$$

Бу ерда:

g – бирликлардан ўтиш коэффициенти $g=10$

2. Замин грунтларини сиқилувчи қатламида, ер ости сувидан кейин, сув ўтказмайдиган қатлам бўлса, уни устки юзасида табиий босимни миқдори ўзгаради. Бундай ҳол учун ғоваклари сув билан тўла турган грунтни муаллак

хажмий оғирликни, фақат суви бор қатlam учун эътиборга олинади, 6.2-расм σ_{t1} ифодасига асосан аниқланади, ер ости суви устки сатхига табий босимни қуийдаги ифодадан аниқланади.

$$\sigma'_{t2} = \sigma_{t1} + \gamma_{02} h'_2, \text{ кПа} ; \quad (4.12)$$

Ер ости сувини остки сатхи учун эса, γ_{0M} аниқланиб табий босим хисобланади.

$$\sigma_{tc} = \sigma'_{t2} + \gamma_{0M} h_c, \text{ кПа} ; \quad (4.13)$$

Сув ўтказмайдиган қатlamни остки юзаси учун табий босим қуийдагига тенг.

$$\sigma_{th} = \sigma_{t2} + \gamma_{03} h_3, \text{ кПа} ; \quad (4.14)$$

Ер ости сувини табий босимга таъсирини эътиборга олиш, заминни қуийи сиқилиш чегарасини, аниқлашга сезиларли ўзгартириш киритади, у эса ўз навбатида чўкишни микдорини юқори аниқлиқда хисоблашга имкон туғдиради.

Мисол. Грунтни табий босимини аниқлаш.

Табий босим деб – юқори қатlam грунтини ўз оғирлигидан пастки қатlamга берилаётган кучланишга айтилади ва уни қиймати қуийдаги ифодадан топилади.

$$\sigma_{zg} = h_i \gamma_i \cdot g, \text{ кПа} \quad (4.15)$$

Бу ерда: h_i - грунтни элементар – қатlam баландлиги

γ_i - грунтни табий хажмий оғирлиги, ц/м³

g - ўтиш коефициентни $g = 10$

Геологик қудуқларнинг “А”си учун

1-қатlam учун

$$\sigma_{zg1} = h_i \cdot \gamma_1 \cdot g = 0,35 \cdot 1,48 \cdot 10 = 5,18 \text{ кПа}$$

2-қатlam учун

$$\sigma_{zg2} = \sigma_{zg1} + h_2 \cdot \gamma_2 \cdot g = 5,18 + 3,5 \cdot 1,175 \cdot 10 = 46,3 \text{ кПа}$$

3-қатlam учун ЕОС сатхигача алохида аниқланади

$$\sigma_{zg3} = \sigma_{zg2} + h_3 \cdot \gamma_3 \cdot g = 46,3 + 4,85 \cdot 1,845 \cdot 10 = 135,8 \text{ кПа}$$

3¹ – қатlam $h_3^1 = 2,6 \text{ м}$. ЕОС-ер ости суви сатхидан пастда бўлгани учун, грунтни сувга тўйинган холатдаги ҳажмий оғирлиги

$$\gamma_{w3} = \gamma_s (1-n) + n \cdot \gamma_b = 2,678(1-0,45) + 0,45 \cdot 1 = 1,92 \text{ Т/М}^3$$

У холда


$$\sigma_{zg3}^1 = \sigma_{zg3} + h_3^1 \cdot \gamma_{w3} \cdot 10 = 135,8 + 2,6 \cdot 1,92 \cdot 10 = 185,7 \text{ кПа}$$

4 – Қатlam учун

$$\gamma_{w4} = \gamma_s (1-h) + h \cdot \gamma_b = 2,701(1-0,53) + 0,53 \cdot 1 = 1,8 \text{ Т/М}^3$$

$$\sigma_{zg4} = \sigma_{zg3}^1 + h_4 \cdot \gamma_{w4} \cdot 10 = 185,7 + 10,5 \cdot 1,8 \cdot 10 = 374,7 \text{ кПа}$$

Хисобланганлардан фойдаланиб грунтнинг табиий босим эпюрасини аниқланади.



4.2-расм. Замин грунтларини табиий босимидан хосил бўлган кучланиш эпюраси.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Табиий босим деб қандай кучланишига айтилади?
2. Күп қатламли грунтларда табиий босимни аниқланг.
3. Грунтни ғоваклари табиий ҳолда сув билан тұла турған ҳоли учун табиий босимни қандай аниқланади?
4. Заминни қуи сиқилиш чегарасини аниқлашни ахамияти нимада?
5. Ер ости сувини табиий босимга таъсирини эътиборга олиш нима учун керак?
6. Муаллак хажмий оғирлик қандай аниқланади?
7. Ғоваклари сув билан тұла турған қатлам грунтларини муаллак ҳолдаги хажмий оғирлиги хисобланиб табиий босимни нима учун аниқланади?

V боб.ИНШООТЛАРНИ ЧҮКИШИ ВА УНИ ҲИСОБЛАШ.

5.1-§. ЧҮКИШНИ КИЧИК ҚАТЛАМЛАРГА БҮЛИШ УСУЛИДА АНИҚЛАШ.

Пойдеворни чүкишини умумий қийматини аниқлаш учун, унинг остидаги чиқиладиган грунтни қалинлигини аниқланади. 5.3-расм сиқиладиган грунтни қалинлиги кум ва гиллар учун пойдеворни остки юзасидан, қүшимча босимни қиймати, табиий босим қийматидан беш марта кичик бўлган, z_i чукурлиқдан

ўтади, у сатхни қуи сиқилиш чегараси (КСЧ) деб юритилади

$$0,2 P_{ti} = P_{zi} \quad (5.1)$$

Агарда КСЧ эластиклик модули $E < 5,0$ МПа кичик грунтдан ўтса ёки ўша бўш грунт тўшама қатлам бўлса, ундей ҳолда қуи сиқилиш чегарасини қуидаги нисбатда олиниши зарур.

$$0,1 P_{tk} = P_{zk} \quad (5.2)$$

Қуи сиқилиш чегарасини - график усул билан ҳам ҳисоблаш мумкин. Табиий босимни элементар қатламлар учун топилган қийматларини 0,2 (ёки иккинчи ҳол учун 0,1) кўпайтириб ўша сатхига, ўнг томондаги 6.3-расм эпюрани устига масштаб билан қўйиб борилади, аниқланган нуқталарни бирлаштирилса, пунктир чизик 5.3-расм, у P_z эпюрасини кесиб ўтади,

чизиқлар кесишигандыкта КСЧ ни беради.

Пойдеворни остиң юзасидан, КСЧ гача бўлган грунтни калинлигини актив сиқилувчи қатлам деб қабул қилинади, ҳамда элементар қатламчалар ўртасидаги қўшимча босимни қийматлари аниқланади.

Биринчи элементар қатлам учун

$$P_{z1}^{\text{yp}} = (P_{z0} + P_{z1})/2, \text{ кПа} \quad (5.3)$$

Иккинчи элементар қатлам учун

$$P_{z2}^{\text{yp}} = (P_{z1} + P_{z2})/2, \text{ кПа} \quad (5.4)$$

Худди шунингдек КСЧ гача давом эттирилади.

Умумий чўкишни қийматини қўйидаги ифодадан хисобланади.

$$S^{\Sigma} = S_1 + S_2 + S_3 + \dots + S_k, \text{ см.} \quad (5.5)$$

Биринчи элементар қатламчани чўкиши тенг

$$S_1 = (P_{z1}^{\text{yp}} \cdot h_1 / E_1) \beta_1, \text{ см.} \quad (5.6)$$

Иккинчисиники учун

$$S_2 = (P_{z2}^{\text{yp}} \cdot h_2 / E_1) \beta_1, \text{ см} \quad (5.7)$$

Учинчисиники учун

$$S_3 = (P_{z3}^{\text{yp}} \cdot h_3 / E_2) \beta_2, \text{ см} \quad (5.8)$$

Бу ерда:

β_2 - ўлчовсиз коэффициент бўлиб, ёнга кенгайиш коэффициентига боғлиқда. Қиймати жадвалдан олиниши мумкин ёки қўйидаги ифодадан хисобланади.

$$\beta = 1 - 2\mu^2 / (1 - \mu) \quad (5.9)$$

E_1 - грунти модул деформацияси, Мпа жадвалидан олинади.

Шунга ўхшаш ҳамма кичик қатламчалар учун S_k қийматлари аниқланади, уларни йиғиндиси рухсат этилган чўкишни миқдоридан ошмаслиги керак.

$$[S] \geq S^{\Sigma} \quad (5.10)$$

$[S]$ - меъёрий рухсат этилган чўкишни миқдори, у жадвалдан қурилажак бинони ҳилига ва конструктив схемасига кўра олинади.

Иккинчи - агар зичлашувчи катлам қалинлиги $0,5b < H_a$ бўлса; бунда грунтда таркалаётган кучланишни тўғри тўрт бурчакли эмас, балки трапеция ёки

учбурчакли күринишида олинади.

Бу ҳол учун маълум сиқилувчи катlam На ни кичик қатlamчаларга бўлинади. Масалан - агар грунт бир ҳил бўлса уни тенг бир ҳил қалинликдаги қатlamлар $h_1, h_2, h_3 \dots h_n$ ларга бўлинади; 5.2-расм - агар ҳар ҳил қатlamлардан иборат бўлса уларни литологик қирқимга кўра алоҳида бўлинади.

Грунтни катлами устида ва остида ҳосил бўлаётган кучланишларни миқдорини чизиқли -деформацияланиш назариясига асосан аниқланади.

Ихтиёрий катlam учун P_{zi} ни қиймати қуйидаги ифодадан топилади.

$$P_{zi} = h_i P_k \alpha_i, \text{ Мпа} \quad (5.11)$$

Бу ерда:

h_i - бўлинган L қатlamлар қалинлиги , м , тенг $h_i = b \cdot 0,4$ м, b -пойдевор эни;

P_k - пойдевор остки юзаси сатҳидаги қўшимча босим миқдори, КПа;

α_i - i катlam учун кучланишларни ёйилиш коэффициенти, КМК ёки методик кўлланма таблицасидан n ва m ларни миқдорига кўра олинади $n = L/b$; $m=2L/b$

n - пойдеворни томонлари нисбати (L - катта ва b - кичик томони).

Квадрат пойдеворлар учун $n=1$

тўғри тўртбурчак пойдеворлар учун $1 < n \leq 5$

лентасимон пойдеворларга $n \geq 10$

m - нисбий чукурлик; z - пойдевор асосидан кучланиши қидирилаётган нуқтагача бўлган масофа, м.

Пойдеворни асоси сатҳидаги умумий босим P_y аниқлашда пойдеворга таъсир этаётган юклардан ташқари, уни ўз оғирлигини хам хисобга олинади.

$$P_y = (N^M + G_n)/A, \text{ Кпа} \quad (5.12)$$

Бу ерда:

N^M - юк юзаларидағи конструкция ва элементларни меъёрий оғирлигидан ҳосил бўлган куч, кН;

G_n - пойдеворни (G'_n) ва уни поғоналаридағи грунтлар оғирлиги, ҳосил бўладиган юк, кН;

$$G_n = G'_n + G'_{rp}, \text{ кН} \quad (5.13)$$

6.3-расмдан $V_1 - b^2 d_{n6}; V_2 - b^2_1 (d_n - d_{n6}); G'_n = (V_1 + V_2) \gamma_{t6}$

бу ерда γ_{t6} - темир бетонни оғирлиги, тенг $\gamma_{t6} = 2,4 \text{tc/m}^3$;

$$G'_{rp} - (V - (V_1 + V_2)) \gamma_{rp}, \text{ кН}; \text{ бу ерда } V = d_2 b^2, \text{ м}^3;$$

A - пойдеворни асосини юзаси, м^2

$$A = L b, \text{ м}^2 \quad (5.14)$$

Пойдеворни остидаги H_a қалинлигидаги грунт ҳар ҳил қатламли грунтлардан иборат бўлса. Хар бир қатламни h_0 қалинликга эга бўлиб, қолган қолдиқ қатламни алоҳида катлам ўрнида кўрилади ва уларга чўкиш параметрлари ҳисобланади. Масалан: пойдеворни эни $b=2\text{m}$ биринчи катлам қалинлиги $h'_1=1,2 \text{ m}$, иккинчи $h'_2=1,0 \text{ m}$, учинчиси $h'_3=5 \text{ m}$.

Кичик қатламларни меъёрий баландлиги қўйидагича аниқланади:

$$h_i = b * 0,4 = 2 * 0,4 = 0,8 \text{ m}$$

$h=0,8\text{m}$, миқдорини эътиборга олиб бир ҳил бўлмаган қатламли заминда қатламчалар ажратилади. 5.3-расм - биринчи қатламни $0,8 \text{ m}$, ажратилади ва қолган $0,4 \text{ m}$ грунтни қатлами алоҳидалигича колаверади, иккинчисида ҳам худди шунингдек $0,8 \text{ m}$, $0,2 \text{ m}$ ва учинчи катламни $0,8 \text{ m}$ га бўлиб қўямиз.

Юқорида эслатилганидек ҳар бир қатламчани устки ва остки сатҳларида хосил бўлаётган кучланишларни ҳисоблаймиз, шунинг учун пойдеворни асосидаги қўшимча босимни қўйидаги ифодадан ҳисобланади.

$$P_k = P_y - P_{to}, \text{ кПа} \quad (5.15)$$

Бу ерда: P_{to} - пойдеворни асосини сатҳида хосил бўлаётган табиий босим,

$$P_{to} = \gamma_{rp} d_2 g, \text{ кПа} \quad (5.16)$$

Пойдеворни асоси сатхидаги қўшимча босимдан хосил бўлаётган эпюрани қийматини қўйидагича ҳисоблаймиз:

$$P_{Z_0} = P_k \alpha_0, \text{ кПа} \quad (5.17)$$

бу ерда:

α_0 - кучланишларни замин грунтларида ёйилиши коэффициенти, уни [19]

(13.2) жадвалидан қүйидаги ҳадлар орқали аниқланади $\alpha_0 = f(n \text{ ва } m)$; n - пойдеворлар томони нисбати; $n = L/b=1$; $m = 2z/b$; z = күчланиши аниқланаётган сатхни пойдевор асосидан бўлган чуқурлиги, м. $z = 0$ бўлганлиги учун α_0 биринчи қиймати максимумга тенг бўлади яъни [13.2] жадвалидан $n=1$ ва $m=0$ тенг бўлган ҳоли учун $\alpha_0 = 1$.

Биринчи элементар қатламни асоси сатхида 6.3-расмдан ҳосил бўлаётган қўшимча босимни миқдори тенг;

$$P_{z1} = P_k \alpha_1, \text{ кПа} \quad (5.18)$$

$\alpha_1 = f(n \text{ ва } m_1)$; $m_1 = 2z_1/b$ бу ҳол учун α_1 ни қийматини [13.2] жадвалидан оламиз. Шунга ўхшаш

$$P_{z2} = P_k \alpha_2, \text{ кПа} \quad (5.19)$$

$\alpha_2 = f(n \text{ ва } m_2)$; $m_2 = 2z_2/b$ ҳудди юқоридагидан α_2 ни қийматини (13.2)жадвалидан оламиз.

Шу тартибда заминни $5\div7b$ чуқурлигигача бўлган қатламдаги грунтларга бўлинган h_i элементар қатламчалардаги қўшимча босимларни қийматини аниқлаб 5.1- жадвалга киритилади.

P_{t0} , P_{t1} , ..., P_{t8} лар грунтни табиий босими бўлиб, қатламларга мос миқдорларини аниқланади.5.1-жадвалга киритилади.


Хисоблаш натижалари. 5.1-жадвал.

$z_1, \text{ м}$	$n = a/b$	$m = 2z/b$	α	P_{ti} табиий босим, кПа	P_{zi} қўшимча босим, кПа	E МПа	S см
0	1	0	1	P_{t1}	P_{z1}	$1,1 \cdot 10^3$	
0,8	1	0,8	0,6670	P_{t2}	P_{z2}		
1,2	1	1,2	.	P_{t3}	P_{z3}		

Табиий босим ва қўшимча босим қийматларига мос бир хил масштаб танлаб олиб, з ўқини чоп томонига табиий босим ва ўнг томонига қўшимча босим эпюраларини чизилади. Шунинг учун пойдевор остидаги актив сиқилувчи қатламни қалинлигини аниқланиши зарурдир.

Бунинг учун аниқланган табиий босимни хохлаган қатламдаги қийматини $P_t \times 0,2$ га кўпайтирилса P_z ни хохлаган қатламдаги босим қийматига тўғри келиши керак, яъни табиий босимни қийматини 20% ини қўшимча босимига тўғри келиши шарт.

Бу шарт бажарилса қолган хисобларни бажармаса ҳам бўлади. Чунки пастки қатлам сиқилмайдиган қатламдан иборатdir.



5.1-Расм.Кетма-кет жамлаш усулида чўкишни ҳисоблаш учун схема.

5.2-§. ПОЙДЕВОРЛАРНИНГ НОТЕКИС ЧЎКИШИ ВА ПОЙДЕВОР ОФИШИНИ АНИҚЛАШ.

Чўкувчан грунтларда чўкишлар фарқи ва пойдеворларнинг оғиши қуидагиларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади: чўкиш хусусияти бўйича грунт турини хисобга олган ҳолда; мумкин бўлган чўкиш миқдори бўйича; Чўкувчан грунт қатламининг қалинлиги ва унинг физик-механиқ хусусияти бўйича; грунт қатлами қалинлиги бўйлаб намланиш хусусияти бўйича; пойдеворлар оралиги масофаси ва бошқа сабабларга боғлик бўлиши мумкин. [9,13,19]. Заминларни нотекис чўкиши бино ва иншоотлар учун энг хафли деформация бўлгани учун, чўкиш миқдорини ёки пойдеворнинг

оғишини хисоблашда ушбу сабабларни келтириб чикарувчи намланиш манбаъини энг нокулай ўрнашувини эътиборга олиш керак.

Грунт шароити I тоифа бўлган майдончаларда алоҳида ўрнашган пойдеворларнинг нотекис чўкиши ёки оғишини аниқлашда заминни намланиши чегараланган h чукурлигини қуидаги формуладан аниқланади. [19]

$$\Delta h = h + h_{H^{\text{тм}}} - h - \frac{x}{m \beta \operatorname{tg} \beta}, \text{ см} \quad (5.20)$$

бу ерда: h - режа белгисидан пойдеворлар қуилиш чукурлигини ўрнатилган сатх, см; $h_{\text{деф}}$ - заминнинг деформацияланувчи зонаси чукурлиги; h_i - режа белгисидан намловчи манбагача бўлган ўзгарувчи тажриба чукурлиги, см;

x - намловчи манбадан тажриба нуктасигача бўлган масофа, см; m - қатламларнинг турли хилдаги фильтрлаш хусусиятини хисобга олувчи коэффициент бўлиб, бир жинсли қатламлар учун $m = 1$; юқори қатламнинг фильтрлаш кобиляти юқори бўлган бир жинслимас қатламлар учун $m = 1,4 - 2$; фильтрлаш кобиляти паст бўлган қатламлар учун $m = 0,7$ деб қабул қилинади.

Нотекис деформацияланувчи майдон узунлигини қуидаги адабиётлардан аниқланади. [1,3,19,30,31] Тасмасимни пойдевор асосидаги хар хил нукталар орасидаги чўкиш фарқи қуидаги формуладан аниқланади.

$$\Delta_n = \delta_{\text{пр}} x / l_n \quad (5.21)$$

бу ерда X - намловчи манбадан тажриба нуктагача бўлган масофа, см.

Грунтларни хусусий оғирликдан чўкишни аналитик хисоблаш усуллари.

Грунтларни хусусий оғирлигидан чўкишини хисоблаш намланган зона ўлчамларини ва шаклини хисобга олиш, намланган ва намланмаган соҳаларнинг ўзаро таъсирига боғлиқ бўлади. [13,14,27,28]

Намланган зона атирофида грунтнинг мустахкамлик ва деформацияланниш хусусиятлари ўзгаради. Бундай холда чўкувчан грунтларни сувга тўйинган ҳолатидаги тутиниш кучи ва деформация

модули 1,5-10 баробарга, ички ишқаланиш бурчаги 1,1-1,3 мартага ўзгариши мумкин.

Чўкувчан грунтларнинг намлиги натижасида намланган зонадаги грунтнинг физик-механик хусусияти ўзгариши хисобига грунтнинг кучланганлик ҳолати ҳам кескин ўзгарди. Бунда асосан бошланғич ҳолда верикал йўналишда нормал кучланишлар массив марказида катта қийматга эришади, кейинги чўкишлар натижасида бундай кучланишлар бироз барқарорлашади ва грунтнинг тутиниш кучи ва ишқаланиш кучи таъсиридан кайта таксимланади. Бундай ҳолат лёсс ва лёссимон грунтлар қатламида ҳосил бўлган аркасимон шакл деб юритилади. Бундай ҳолатда грунтдаги чўкиш шакли аркани эслатади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Деформация турлари?
2. Пойдевор юкидан чўкишни хисоблаш турлари?
3. Чўкишни хисоблаш формуласини ёзиб беринг?
4. Элементар қатlam ҳақида тушунчангиз?
5. Пойдеворларни нотекис чўкишини изохлаб беринг?
6. Маҳаллий кўлланиш натижасида грунт чўкиши мумкинми?
- 7.Хусусий оғирлик таъсиридан грунтни чўкишини изохланг.
- 8.Сизот сувларини сатхи кўтарилиши ёки пасайиши чўкишга таъсири кўрсатадими?
- 9.Чўкувчан грунтларда чўкишларни қандай омилларни хисобга олган ҳолда аникланади?
10. Нотекис деформацияланувчи майдонни узунлиги қандай аниқланади?

Мисол. Пойдеворни чўкишини хисоблаш.

Пойдеворни чўкишини хисоблашда хар хил қатламлардан иборат заминлар учун қатламлаб жамлаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. ҚМК формуласига [4] (55(1 пр.2) асосан:

$$S = \beta \sum_{i=1}^n \frac{G_{zpi}}{E_i} \quad (5.22)$$

бу ерда: β - ўлчовсиз коефициент КМК тавсиясига кўра $\beta = 0,8$;

n -заминни сиқилувчи грунтларини қалинлиги бўйича элементар қатламлар сони;

c_{zi} - вертикал ўқ бўйича таъсир этган юқдан хосил бўладиган кучланиш, u - қатlam учун, кПа;

Γ_i - u - чи элементар қатламни баландлиги, м;

E_{0i} - u - чи элементар қатламни эластиклик модули, кПа.

Фактик босим $P_\phi = 207,7$ кПа

Зичланиши мумкин бўлган грунтлар қатламларини умумий қалинлиги $Z=N_c$, $\Gamma_{30}=0,2\Gamma_{3g}$ шарти қаноатлантирилган чуқурлигигача олинади.

Элементар қатlam баландлиги

$$h_i = 0,4 \cdot b = 0,4 \cdot 2,4 = 0,96 \text{ м}$$

Пойдевор ости юзаси сатхидаги табиий босим $z=1,0$ м.

$$G_{zgo} = (0,35 \cdot 1,48 + 0,65 \cdot 1,175) \cdot 10 = 12,82 \text{ кПа}$$

У холда пойдевор ости юзаси сатхидаги қўшимча босим

$$G_{zp,o} = P_\phi - G_{zgo} = 207,7 - 12,82 = 194,88 \text{ кПа;}$$

Биринчи қатlam стахидаги табиий босим

$$h_1 = 0,96 \text{ м} \quad z_1 = 1,96 \text{ м}$$

$$\sigma_{zg1} = \sigma_{zgo} + h_1 \cdot \gamma_1 \cdot 10 = 12,82 + 0,96 \cdot 1,175 \cdot 10 = 24,1 \text{ кПа}$$

$$0,2 \sigma_{zg1} = 0,2 \cdot 24,1 = 4,82 \text{ кПа}$$

қўшимча босимни аниқлаймиз, коефициент m

$$m = \frac{2Z}{b} = \frac{2 \cdot 1,96}{2,4} = 1,60$$

Пойдевор асоси юзаси томонлари нисбатидан қуйидагича аниқланади;

Иловадаги 19 - жадвалдан $\alpha = 0,445$ қабул қиласиз

$$\sigma_{zp1} = \sigma_{zp} \cdot \alpha = 194,88 \cdot 0,445 = 86,72 \text{ кПа}$$

Худди шунингдек қолган қатламлар учун табиий ва қўшимча босимларни хисоблаймиз.

2-Қатлам

$$h_2 = 0,96 \text{ м} \quad Z_2 = 2,92 \quad \zeta = 2,43 \quad \alpha = 0,257$$

(α ни 19-жадвалдан олинади)

$$\sigma_{zg2} = \sigma_{zg2} + h_2 \cdot \gamma_1 \cdot 10 = 24,1 + 0,96 \cdot 1,175 \cdot 10 = 35,4 \text{ кПа}$$

$$0,2 \cdot \sigma_{zg2} = 0,2 \cdot 35,4 = 7,07 \text{ кПа}$$

$$\sigma_{zp2} = \sigma_{zp} \cdot \alpha_2 = 194,88 \cdot 0,257 = 50,1 \text{ кПа}$$

3-қатлам (2-турдаги грунт қатлами сатхи)

$$h_3 = 0,93 \text{ м}, \quad Z_3 = 3,85 \text{ м} \quad \xi = 3,2 \quad \alpha = 0,16$$

$$\sigma_{zg3} = \sigma_{zg2} + h_3 \cdot \gamma_1 \cdot 10 = 35,4 + 0,96 \cdot 1,175 \cdot 10 = 46,7 \text{ кПа}$$

$$\sigma_{zp3} = \sigma_{zp} \cdot \alpha_3 = 194,88 \cdot 0,16 = 31,2 \text{ кПа}$$

4-Қатлам

$$h_4 = 0,96 \text{ м}, \quad Z_4 = 4,84 \text{ м} \quad \xi = 4,0 \quad \alpha_4 = 0,108$$

$$\sigma_{zg4} = \sigma_{zg3} + h_4 \cdot \gamma_1 \cdot 10 = 46,7 + 11,3 = 58,0 \text{ кПа}$$

$$0,2 \cdot \sigma_{zg3} = 11,6 \text{ кПа}$$

$$\sigma_{zp4} = \sigma_{zp} \cdot \alpha_4 = 194,88 \cdot 0,108 = 21 \text{ кПа}$$

5-қатлам

$$h_5 = 0,96 \text{ м}, \quad Z_5 = 5,8 \text{ м} \quad \xi = 4,8 \quad \alpha_5 = 0,077$$

$$\sigma_{zg5} = \sigma_{zg4} + h_5 \cdot \gamma_2 \cdot 10 = 58 + 0,96 \cdot 1,845 \cdot 10 = 75,7 \text{ кПа}$$

$$0,2 \cdot \sigma_{zg} = 0,2 \cdot 75,7 = 15 \text{ кПа}$$

$$\sigma_{zp5} = \sigma_{zp} \cdot \alpha_5 = 194,88 \cdot 0,077 = 15 \text{ кПа}$$

Хисобни шу қатламда түхтатамиз, чунки қўшимча босимнинг миқдори табиий босимни 20 % тенг бўлди. Яъни 0,2 $\sigma_{zg5} = 15 \text{ кПа} = \sigma_{zp5} = 15 \text{ кПа}$;

Юқорида олинган маълумотларни 5.2 - жадвалга киритамиз.

Бажарилган барча ҳисоблардан қўшимча ва табиий босимлар эпюрасини курилади.

Умумий чўкиш миқдорини ҳисоблаш

5.2 – жадвал

Z, м.	$\eta = \frac{l}{b}$	$m = \frac{2z}{b}$	α	σ_{zg} , кПа.	$0,2\sigma_{zg}$	σ_{zp} , КПа	E; КПа	C, см
0	1	0	1	12,82	2,56	194,88	11,0	
1,96	1	1,6	0,445	24,1	4,82	86,72	11,0	0,98
2,92	1	2,4	0,257	35,4	7,07	50,1	11,0	0,48
3,85	1	3,2	0,16	46,7	9,34	31,2	11,0	0,27
4,84	1	4,0	0,108	58,0	11,6	21,0	18,0	0,11
5,8	1		0,077	75,7	15,0	15,0	18,0	0,08
Жами чўкиш миқдори								1,92

Тавсия этилган формулага асосан ҳар бир қатlam учун чўкиш миқдорини аниқлаймиз.

$$S_1 = \beta \frac{\sigma_{zpo} + \sigma_{zp1}}{2} \cdot \frac{h_1}{E} = 0,8 \cdot \frac{194,88 + 86,72}{2} \cdot \frac{0,96}{11000} = 0,0098 = 0,98 \text{ см}$$

$$S_2 = 0,8 \frac{86,72 + 50,1}{2} \cdot \frac{0,96}{11000} = 0,0048 \text{ м} = 0,48 \text{ см};$$

$$S_3 = 0,8 \frac{50,1 + 31,2}{2} \cdot \frac{0,93}{11000} = 0,0027 \text{ м} = 0,27 \text{ см};$$

$$S_4 = 0,8 \frac{31,2 + 21,0}{2} \cdot \frac{0,96}{18000} = 0,0011 \text{ м} = 0,11 \text{ см};$$


$$S_5 = 0,8 \cdot \frac{21,0 + 15,0}{2} \cdot \frac{0,96}{18000} = 0,0008 \text{ м} = 0,08 \text{ см};$$

Умумий чўкиш миқдори

$$S = \sum Si = S_1 + S_2 + S_3 + S_4 + S_5 = 0,98 + 0,48 + 0,27 + 0,11 + 0,08 = 1,92 \text{ см}$$

$$S = 1,92 \text{ см} < S_{np} = 8 \text{ см};$$

Демак ташқи юк тнъсиридан ҳосил бўлаётган чўкиш КМК да рухсат этилган чўкиш миқдори $S_{np} = 8$ см дан кичик экан.



5.2 -расм.қўшимча ва табиий босимлар эпюраси

Тавсия этилган формулага асосан ҳар бир қатlam учун чўкиш миқдорини аниқланади.

5.3-§. ЭКВИВАЛЕНТ ҚАТЛАМ УСУЛИ БИЛАН ЧЎКИШНИ ҲИСОБЛАШ.

Бу усул проф.Цитович Н.А томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, содда ечимга эга шу билан бир қаторда бир хил жинсли грунтларда аниқ натижа бериш билан аҳамиятлидир. Эквивалент қатлам усулининг асосида қўшимча босимнинг замин бўйлаб тарқалишига оид эгри чизиқли шаклни унга эквивалент бўлган оддий тўртбурчак. 5.2 - расм билан алмаштириш ётади.

Унда ҳақиқий замини грунтлари чексиз тарқалган деб фараз этилади ва чўкишни қийматини бир ҳил жинсли грунтларга қуйидаги ифодадан хисоблашга тавсия этилади:

$$S = A \cdot \omega \cdot b \cdot P_k, \text{ см.} \quad (5.23)$$

Чўкишни миқдорини (6.2.1) ифодадан аниқлашда, пойдеворни бикирлиги ва уни асосини юзасини шакли хам ω коэффициенти орқали эътиборга олинади, уни сон қийматини 14.1 жадвалдан олинади.

A - эквивалент қатлам коэффициенти бўлиб, грунтни ёнга кенгайиш коэффициентига боғлиқ.

$$A = (1 - \mu)^2 / (1 - 2\mu) \quad (5.25)$$

μ - грунтларни ёнга кенгайиш коэффициенти; 13.2 жадвалдан олинади.

b - пойдеворни эни, м

P_k - пойдеворни асосидаги қўшимча босим, кПа

Эквивалент қатламни қалинлигини h_s билан белгилаб уни қўйидаги ифода билан ҳисобланади.

$$h_s = A \cdot \omega \cdot b, \text{ м} \quad (5.26)$$

(6.4. 3) ифодани ҳисобга олиб, чўкишни охирги қийматини қўйидагидан аникланади. Бир ҳил бўлмаган қатламли грунтли заминларда чўкиш қиймати қўйидаги ифода билан аникланади.

$$S = h_s \cdot a_{0\ddot{y}p} \cdot P_k, \text{ см} \quad (5.27)$$

Бу ерда:

a_0 - грунтни нисбий сиқилиш коэффициенти, 1/кПа;

$$a_0 = \beta / E \quad (5.28)$$

E - грунтни деформация модули, МПа;

β - коэффициент, грунтни ёнга кенгайиш коэффициентига боғлиқ. У (6.2.5) ифодадан ҳисобланади ёки 13.2 жадвалдан олинади.

$a_{0\ddot{y}p}$ - актив сиқилувчи қатламга кирган ҳар ҳил қатламли грунтларни ўртача нисбий сиқилиш коэффициенти, 1/кПа;

$$a_{0\delta\delta} = \frac{\sum_{i=1}^n h_i a_0 z_i}{2h_s}, \text{ 1/кПа} \quad (5.29)$$

бу ерда:

h_i - ҳар ҳил i та қатламларни қалинлиги, м;

a_0 - ўша қатламларни нисбий сиқилиш коэффициенти 1/кПа;

z_i -чукурлиги $H_a = 2h_s$ га тенг қалинликдаги і-қатlamни ўртасидан, қуи сиқилиш чегарасигача КСЧ бўлган баландлик, м;
 h_s – эквивалент қатlamning баландлиги, м (5.2. 3) ифода орқали аниқланади.

ω коэффициентини қийматлари


жадвал 5.3

Пойдевор асосини юзаси шакли	Қоя тошли қатlam қуйдаги чукурлиқда ётганда				
	1b	2b	5b	10b`	10b кўп
Доира	0,50	0,70	0,78	0,81	0,85
Тўғри тўрт бурчак томонлари нисбати					
1	0,62	0,77	0,87	0,91	0,95
2	0,70	0,96	1,16	1,23	1,30
3	0,73	1,04	1,31	1,42	1,63
10	0,77	1,15	1,62	1,90	2,25
10< (лентасимон)	0,79	1,20	1,77	2,19	3,69

μ ва β коэффициентларини қийматлари

жадвал 5.4

t/p	Грунтни хили	μ	β
1	Харсанг тошлар	0,27	0,80
2	Кумлар ва қумсимонлар	0,30	0,74
3	Гиллсимонлар	0,35	0,62
4	Гиллар	0,41	0,43



5.3-Расм. Эквивалент қатlam усулида чўкишни ҳисоблаш учун схема.

Такрорлаш учун саволлар.

- 1.Чўкиш деб нимага айтилади?
2. Эластик деформация нима?
- 3.Сиқилиш катлами катта бўлмаган ($H_a \leq 0,5b$) заминда кучланиш қандай ёйилади?
4. Сиқилиш катлами ($H_a > 0,5b$) заминда кучланиш қандай ёйилади?
5. Зичлашиш коэффициенти нима?
6. Элементар қатламларга қандай бўлади?
7. Нима учун кучланишни ёйилиш коэффициенти топилади?
8. Куйи сиқилиш чегараси нимани англатади?
9. Нима учун иккита эпюра чизилади (табиий ва қўшимча босим эпюралари).
- 10.Табиий босим қандай аниқланади?
- 11.Кўшимча босимни қандай аниқланади?

5.4-§.ЧЎКИШНИНГ ДАВОМИЙЛИГИ (ВАҚТ БИРЛИГИ ИЧИДА ЧЎКИШ)

Маълумки пойдеворнинг чўкиши тўсатдан юз бермай, балки маълум вақт давом этади. Грунтнинг таркиби, ҳоссалари ва чўкиш жараёни билан боғлиқ бўлган физик ҳодисалар бунинг омилидир. Ташқи юк таъсирида грунт зарраларининг туташувчанлиги тўла ёки қисман бузилади, натижада ёпишқоқ хусусиятли шакл ўзгаришлар юзага келади.

Грунт ғовакларини тўлдирувчи сув ва ҳаво ҳажмий сиқилиб, уларнинг ортиқча миқдори сизиб чиқади. Агар грунт ғоваклари ёлғиз, эркин ёки бўш боғланган холатдаги сув билан тўлган бўлса, унда грунт зичлашуви сув сизиш даражасига боғлиқ бўлиб қолади. Аммо грунт зарраларининг ўзаро туташуви сув ҳаракатига тўсқинлик қилиши сабабли сизиш жараёни маълум вақтга қадар чўзилади.

Демак, грунтнинг зичлашув тезлиги маълум ҳажмдан сувнинг сизиб чиқиши тезлигига боғлиқдир.Грунтнинг зичлашув ҳолатида ғовакдаги сувларнинг сизиб чиқиши билан бир вақтда ундан бўшаган бўшлиқни грунт

зарралари силжиб эгаллайди. Бу эса зарралар туташуви ва боғланган сув ўртасидаги ёпишқоқлик ва юмшоқлик шакл ўзгариш ҳаракати билан ифодаланади. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳолат маълум вақтни талаб этади.

Агар зарраларнинг силжиш жараёни узоқ вақт давом этса, иншоот чўкишини сув сизиш тезлиги эмас, балки уларнинг силжиш тезлиги белгилайди. Силжиш жараёни тўғрисида сўз юритар эканмиз, аввало ташқи юкни грунт қандай қабул қилиши ва унинг бу юкка нисбатан қаршилиги нималардан иборат эканлиги ҳақида тўхтаб ўтиш лозим.[26,28]

Сувга тўйинган грунтларда ташқи юк қисман ғовак сувлари, қисман эса зарралар орқали қабул этилади. Бу эса ўз навбатида иккала жисмни ҳаракатга келтириб, силжиш ҳолатини вужудга келтиради. Грунтнинг зичланиши юк тақсимланиш ҳолати билан боғлик.

Бунда аста-секин зарралар қаршилиги ортиб, уларга тегишли юк қиймати хам кўпайиб боради. Сувдаги босим миқдорини эса унинг сизиб чиқиши натижасида камайиши кузатилади. Сув ҳаракати тўхташи ташқи юкнинг мувозанатлашгани ва грунтнинг силжиши тугаганини билдиради.

Сизиши жараёни деб номланувчи бу ҳолат, кўриниб турибдики, грунт турига боғлик. Шунинг учун ниҳоятда суст сув сизувчанлик ҳусусиятига эга бўлган лойли грунтларда сизиш жараёни давомийлиги узоқ вақтга чўзилади. Қумли грунтларда эса, бу давомийлик қисқа вақт ичида, кўпинча иншоот куриб битказилиши билан якунланади.

Сизиши жараёнига оид қонуниятларни тадқиқот этиш ишларини 1925 йилдаёқ Терцаги К бошлаган эди. У текис тарқалган юк таъсирида узлуксиз қатлам ғовак сувлари ва зарралар ҳаракатини чуқур ўрганган. Кейинчалик мазкур масала бўйича Герсеванов Н.М. (1937 йилда), Флорин В.А. (1946 йилда), Польшин В.А. (1948 йилда) ва бошқа олимлар шуғулландилар.

Хозирги даврда тўла тўйинган грунтларнинг силжиш давомийлигини ўрганишда сизиш жараёни назариясидан кенг фойдаланилади. Бунда қўйидаги шартлар назарда тутилади:

— тўла тўйинган грунтдаги сувлар эркин ҳолатда бўлиб, ташқи юк таъсирида

сиқилмайди;

— юкланиш билан бир вақтда ҳаракатланувчи грунтзаррачалари чизиқли шакл ўзгарувчандир;

— ташқи юк дастлаб бутунлай ғовак сувлари орқали қабул этилади;

— грунт сувларнинг ҳаракати тўлалигича Дарси қонунига мос келади.

Сизиш жараёни назарияси тўла номланган грунтларнинг teng тарқалган узлуксиз юк таъсиридаги чўкиш давомийлигини ифодалайди. Грунт қатламини дастлаб мувозанат ҳолатида деб фараз қилсақ, сувдаги босим қиймати нолга teng бўлади. Сувдаги мувозанат ҳолатидан ортиқча босимни p_o , зарралардагини эса p_z деб белгилаймиз, у ҳолда

$$p_z + p_o = p \quad (5.30)$$

яъни силжиш давомида грунт қатламининг исталган сатъидаги барча нуқталарида сув ва зарралардаги босимлар йифиндиси ташқи босим қийматига (p_o) teng бўлади.

Грунт сувлари ҳаракатининг узлуксизлик шартига асосланиб (Терцаги K.) z чуқурликдаги кичик dz қатламда рўй берувчи мувозанат ҳолати қуйидагича бўлади:

$$\partial q / \partial z = - \partial n / \partial t \quad (5.31)$$

бунда: q - сув сарфининг ошиши; n - ғовакликнинг қисқариши.

Дарси қонуни бўйича грунт зичланиши хусусиятларини ҳисобга олсақ, сув ҳаракати учун қуйидагини ёзиш мумкин:

$$c_v \frac{\partial^2 p_z}{\partial z^2} = \frac{\partial p_z}{\partial t} \quad (5.32)$$

1. Сизиш ҳолати (консолидация) коэффициентини қуйидагидан аниқланади

$$Cv = K_{cu3} / (a_o \gamma_c), \text{ см/йил} \quad (5.33)$$

Бу ерда:

γ_c - сувни зичлиги; $\gamma_c = 1 \text{ гк/см}^3 = 0,001 \text{ кгк/см}^3$;

a_o - нисбий сиқилиш коэффициенти; $a_o = 0,010 \text{ см}^3/\text{кгк}$.

(14.20) ифода иккинчи даражали чизиқли ва бир жинсли дифференциал

тенглама деб аталади, унинг ечими эса Фурт қаторига қўйиш ёрдамида ечилади.

2. Консолидация қўрсатгичи қўйидаги ифода билан аниқланади:

$$N = (\pi^2 C_v / 4H_a^2) t \quad (5.34)$$

H_a - актив сиқилувчи қатlam қалинлиги, м; $H_a = 2 h_s$

t - чўкиш хисобланаётган давир вақти, кўн, ой, йил;

3. Тўла баркарорлашган чўкиш миқдори

$$S = 2h_s a_o P_k, \text{ см.} \quad (5.35)$$

4. Қурилаётган $H_a = 2h_s$ қатlam учун вақт бирлиги ичida хосил бўлган чўкиш миқдори S_1 тенг.

$$S_1 = 2h_s \cdot a_o \cdot p_k \left[1 - \frac{8}{\pi^2} \left(\ell^{-N} + \frac{1}{9} \ell^{-9N} + \dots \right) \right], \text{ см;} \quad (6.36)$$

(6.3.7) ифодани соддалаштириш учун қуйидагича белгилаш киритамиз.

$$u_o = 1 - \frac{8}{\pi^2} \left(\ell^{-N} + \frac{1}{9} \ell^{-9N} + \dots \right) \quad (5.37)$$

бунда: u_o - чўкиш даражаси деб аталади, ундаги “о” белгиси қатlam сиртининг чўкишидан дарак беради. 3.1-жадвал.

N -чўкиш даражаси, K_{ciz} - сув сизиш коэффициенти,

a_o - нисбий сиқилиш коэффициенти и ва N қийматлар ўзаро узвий боғланганлиги 3.1 - жадвалда тасвирланган. Бу жадвал ёрдамида N нинг қийматини аниқлаб, (5.3.8) ифода орқали исталган чўкиш даражасига мос келувчи вақтни аниқлашимиз мумкин:

$$t = \frac{4h^2}{\pi^2 C_v} \cdot N \quad (5.38)$$

Агар 13.24 ифодадаги $\alpha_o h \cdot p_o = s$ эканлигини назарда тутсак, у ҳолда (13.2 ифодага қаранг):

$$S_t = us, \quad (5.39)$$

бунда s - чўкишнинг якуний қиймати- бирор оралиқ вақтдаги чўкиш қиймати. s - тўла чўкиш. Вақт топиладиган ифодани хосил қилиш учун грунтлар

механикасининг сиқилиши ва фильтрация сув сизиш қонунларидан фойдаланилади.

Шундай қилиб, чўкиш даражаси и нинг қийматини олдиндан белгилаш натижасида 3.1 -жадвал ёрдамида N ни топиб, исталган вақт t га монанд чўкиш қийматини аниқлаш мумкин.


и- чўкиш даражаси бўлиб, бирор оралиқ вақтдаги сиқувчи босим эпюраси майдонининг сўнган эпюра майдонига нисбати, аниқланади.

N нинг қийматлари

5.5-жадвал


U	Ҳар ҳил ҳолатлар учун N нинг қийматлари			u	Ҳар ҳил ҳолатлар учун N нинг қийматлари		
	0	1*	2		0	1*	2
0,1	0,02	0,12	0,065	0,6	0,71	0,95	0,46
0,2	0,08	0,25	0,02	0,7	1,00	1,24	0,69
0,3	0,17	0,39	0,06	0,8	1,40	1,64	1,08
0,4	0,31	0,55	0,13	0,9	2,69	2,35	1,77

1* ҳол учун грунтнинг ўз оғирлигидан сиқувчи босимга тўғри келади.



5.4-расм. Фильтрацияни ҳисоблаш чизмаси. а) фильтрация бир томонга.

б) фильтрация икки томонга.



5.5-Расм.чўкиш сўнишининг вақт бўйича давомийлиги.

1-лойли грунтлар учун.2-қум грунтлари учун.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Консолидация кўрсатгичи қандай ифода билан аниқланади?
2. Тўла барқарорлашган чўкиш миқдори қандай аниқланади?
3. Сизиш жараёни деб нимага айтилади?
4. Сизиш ҳолати (консолидация) коэффициентини қандай аниқланади?
5. Грунтни нисбий сиқилиш коэффициенти қандай аниқланади?
6. Бир хил бўлмаган қатламли заминларда чўкиш қиймати қандай ифода билан аниқланади.
7. $t = \frac{4h^2}{\pi \cdot C_v} \cdot N$ ифодани тушинтиринг.

VI - БОБ. ЎТА ЧЎКУВЧАН ГРУНТЛАР.

6.1-§. НОУСТИВОР СТРУКТУРАЛИ ГРУНТЛАР ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Лёсс жиснслари - ҳар хил минерал ва грунт зарраларини ҳавода учиб келиб, пайдо қилган, намлари кам грунт ётқизиқлариидир.

Чўкувчанлик - намлик ва сув таъсирида грунтларни бирдан хажмини кичрайишидир. Катта ғовакдорлик коэффициенти - E_m - ихтиёрий босим Р таъсиридаги грунтни ғовакдорлик коэффициентидан, сув шимдирилгандан

кейинги ғовакдорлик коэффициентни айирмасидир.

Нисбий чўкувчанлик коэффициенти i_m -катта ғовакдорлик коэффициетини нисбати асосида топиладиган миқдор.

Нисбий ўта чўкувчанлик $S_{y, \text{ч}}$ -м ноустивор структурали грунтлар учрайди: аълум босим остида намланган грунтлардаги нисбий зичланиш қийматидир.

Дастлабки ўта чўкиш босими $P_{y, \text{ч}}$ - намланган грунтларнинг ўта чўкишга олиб келувчи босимнинг энг катта қиймати. Дасталбки ўта чўкиш намлиги $W_{y, \text{ч}}$ - ўта чўкиш ҳолатини юзага келтирувчи энг кам намлик.

I - тур чўкувчан грунтларга - намланиш натижасида ўз оғирлиги таъсирида чўкувчанлик 5 сантиметргача бўлган грунтлар киради.

II - тур чўкувчан грунтларга - худди шундай 5 сантиметрдан ортиқ бўлган грунтлар киради.

Ўзбекистонда лёсс грунтларини ўрганиш ҳақида қисқача маълумот. Ўрта Осиё ва Ўзбекистон республикаси Тошкент олди туманлари ва чўл майдонларида тўртламчи ётқизиқларни 1920 йиллардан бошланиб, ўрганишга киришилди. [1,18].Лёсс грунтлари кенг тарқалган Тошкент олди туманлари ва республика чўл ер майдонларини ўзлаштириш, экин майдонларида айлантириш ва айниқса Катта кўргон, Жанубий Сурхон, Кайрак қум, Уч-қизил, Чимқўрғон сув омборлари, Туркман, Амударё, катта Фарғона ва бошқа бир қанча каналларни қурилиши лёсс грунтли заминларга тўғри келди.

Зикир қилинган сув иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва ерларни ўзлаштириш учун кенг қамровли илмий-тадқиқод ишларини бажарганлардан Г.И. Архангельский, В.Л. Дмитриев, Ф.И. Воронов ва бошқалардир.

Лёсс грунтларни генезиси, геоморфологияси, стратиграфияси, минералогия ва инженер-геологияси аниқлаш бўйича В.А. Обручев, Ю.А. Скворцов, Г.А. Мавлянов, Ф.И. Воронов, Н.И. Кригер, М.Р. Москалев, О.К.

Ланге, С.М. Юсупова, А.И. Исламов, Э.В. Кадиров, М.З. Назаров, ва бошқалар. [9,10,16].

1962 йилларда В.М. Толстунов ва В.А. Гейнцлар Марказий Фарғона ер майдонларини ўзлаштириш гидрогеологияси умумий картасини тузишган, 1970 йилларда Г.А. Мавлянов, К.А. Хасанова, А. Нурматов, М.Садиков. Т.А. Фофуровалар [9,10,16] Марказий Фарғона ер майдонлари грунтларини статиграфияси, таркиби, хиллари ва хусусиятларини ўрганиб керакли материаллар тузишган.

Олиб борилган илмий - тадқиқот ишларини натижалари бўйича лёсс жинсли грунт қатламларидан иборат ер майдонларини чўкувчанлигини “Гидро ИНГЕО” институтида ишлаб чиқилган [15] ва қуидагича тоифаларга ажратиш тавсия қилинган: Табиий ҳолатдаги чўкувчанлиги сўндирилмаган лёсс грунтли ер майдонлари.

Жадвал 6.1.

Чўкувчанлик босқичлари	Намланиш натижасида оғирлигини ошиши хисобига м.
Ўта кучли чўкувчан	2 дан ортиқ
Кучли чўкувчан	1, 0 — 2, 0 гача
Ўртacha чўкувчан	0, 5 — 1, 0 гача
Кам чўкувчан	0, 15 — 0, 5 гача
Ўта кам чўкувчан	0, 05 — 0,15 гача

Жадвал тахлили шуни кўрсатадики, ер майдонларини ўзлаштириш учун лёссимон чўкувчан грунтларни, чўкувчанлик хусусиятини сўндириш ҳар хил ҳолатда ўтказилган. Шунинг учун уларни бино ва иншоотлар заминлари сифатида ишлатишда алоҳида тадқиқот ишларини бажаришни талаб этади. Бу соҳа бўйича қатор ишлар ўз ечимини кутмоқда.

Ўзбекистон иклимий шароитида хосил бўлган чўкувчан лёссимон грунтларни бино ва иншоот замини сифатида ишлатиш ва уларга маъқул пойдеворлар турларини ишлаб чиқиши йўналишида Расулов Х.З, Қосимов

С.М., Аскаров Х.А, Мирзаахмадий М, Улеватий И.М, Песиков Е.С, Одилов И.О, Пўлатов К салмоқли ишларни бажарганлар.

Ҳозирги давирда мамлакатимизни “Ер геофизикаси” Сейсмология”, “Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги”, ТКХМИИ, ТАКИ “Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар” кафедраси,[12,13,31,32] “Ўз МТТИ”, “Ўз ГИИТИ”, “Ўз давлат лойиха институти” ва бошқа лойихалаш ва илмий даргохларда лёсс грунти заминларга бино ва иншоотлар кўриш муаммоларини такомиллаштириш йўналишида катта ишлар олиб борилмокда.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Лёсс жинслари - қандай грунт ётқизиқлари деб айтилади?
2. Чўкувчанлик - грунтларни қандай ҳажмини кичрайиши?
3. I-тур чўкувчан грунтларга - қандай грунтлар киради?
4. Марказий Фарғона ер майдонларини ўзлаштириш гидрогеологияси умумий картасини тузишган олимларни айтинг.

6.2-§. НОУСТИВОР СТРУКТУРАЛИ ГРУНТЛАР.

Бино ва иншоотларни замин ва пойдеворларини лойихалашда маълум қийинчиликларни юзага келтирувчи грунтларни ноустивор структурали грунтлар дейилади.[1.3.4,7]. Бундай грунтлар нам ва сув таъсирлар натижасида ўз хоссаларини ўзгартиради. Асосий холларда бундай ўзгариш салбий холларга, яъни замин ишчи қатламини юк кўтариш қобилиятини кескин камайтиришга олиб келади.

Мамлакатимизни бундай шароитлари ер майдонларида кўплаб бино ва иншоотлар барпо қилинаётганлигини инобатга олсак қурилаётган масаланинг анча мухим эканлиги маълум бўлади.

Мамлакатимиз шароитида ноустивор грунтлар турига лёсс ва лёссимон грунтлар ҳамда дарё олди бўш ётқизиқларини мисол келтириш мумкин. [17,18]. Ноустивор структурали грунтларни хусусиятларини лойихалаш жараёнида тўғри баҳоламаслик натижасига биноларни эксплуатация қилиш

пайтида нотекис чўкишлар ҳосил бўлиши, бунинг натижасида улар яроксиз ҳолда келиш мисолларини кўплаб келтириш мумкин. Ноустивор структурали грунтлар намлик, динамик ҳамда иссиқлик таъсирида ўз структураларини ўзгартирадилар.

2. Табиатда асосан қуидаги турдаги ноустивор структурали грунтлар учрайди: [9,10,12,13,14]

1. Лёссимон, шўрхок, кўпувчан грунтлар.
2. Бўш қумлар.
3. Илсимон грунтлар.
4. Сувга тўйинган грунтлар.
5. Тўкма грунтлар.

3. Намлик таъсирида ўзгарувчан грунтлар. Бундай грунтлар намлик таъсирида ўзининг хоссаларини ўзгартиради. Айниқса грунтнинг юк кўтариш қобилияти бир неча бор камайиб кетиши мумкин. Табиатда намлик таъсирида ўзгарувчан грунтлар намлиги кам холатда бўлади. Грунтларни ўзига хос кўрсатгичларини алоҳида кўриб чиқамиз.

Лёсс ва лёссимон грунтлар мамлакатимизни 30% дан ортиқ майдонини эгаллаган, улар чўкувчан грунтлар турқумига киради. Уларнинг асосий белгилари: Намлиги кам бўлиб 6-10% ни ташкил этади. Асосан чангсимон зарралардан ($d < 0.005$ мм) ташкил қилиб ғоваклиги ($\Pi > 0.44$) катта. Таркибида карбонат тузларини мавжудлиги грунтларда фазовий структура ҳосил килади.[4,6]. Грунтларни физик-механик хоссаларини ўрганишда унинг табиий ва намланган ҳолларда тажрибалар ўтказиш йўли билан аниқланади.

Масалан: грунтнинг бошланғич чўкиш босими (P_{s10}) бошланғич чўкиш намлиги (W_{se}), нисбий чўкиш коэффициенти (E_{se}) аниқланади. Грунтнинг чўкиш хоссаларини ўрганиш асосида уни тури аниқланади:

а) Агар грунтнинг ташқи куч ва хусусий оғирлигидан ҳосил бўлган ва намликни ўзгариши таъсиридаги қўшимча чўкиш 5 смдан кам бўлса I-тип чўкувчан грунт дейилади.

б) Агар юқоридаги ҳолат бўйича қўшимча чўкиш 5 смдан ортиқ бўлса II-тип чўкувчан грунт дейилади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Лёсс грунтларни хоссаларини тушинтиринг.
- 2.Лёсс ва лёссимон грунтлар мамлакатимизни неча % дан ортиқ майдонини эгаллаган?
- 3.Табиатда қайси турдаги ноустивор структурали грунтлар учрайди?
4. Лёсс жинслари қандай грунтлар?
5. Чўкувчанлик нима?
- 6.Қандай грунтлар сувга тўйинган грунтлар дейилади?
- 7.Қандай грунтлар I - тур чўкувчан грунтларга киради?
8. II - тур чўкувчан грунтларга қандай грунтлар киради?

6.3-§.ШЎРХОК ГРУНТЛАР. ШЎРХОК ГРУНТЛАРНИНГ ЧЎКИШ ХОССАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ГРАФИГИ.

Шўрхок грунтлар таркибидаги тузлар ва уларнинг микдорига қараб бўлиниши мумкин. Грунтларни таркибидаги тузлар микдорига қараб енгил, ўрта ва кучли шўрланган грунтларга бўлинади. Лойихалаш жараёнида эса ўрта ва кучли шўрланган грунтлар алоҳида эътиборга олинади. [5,6,9]

Тузлар таркибига қараб грунтлар тез эрувчан тузли, гипсли ва қийин эрувчан тузли грунтларга бўлиниши мумкин. Шўрхок грунтларни хоссаларини аниқлаш асосан маҳсус лабораторияларда амалга оширилади. Бунда унинг асосий физик-механик ҳоссаларидан ташқари пойdevor материалига нисбатан агрессив даражаси аниқланади.

Лойиха ҳисобларини амалга ошириш учун грунтнинг бошланғич суффозия босими (P_{sw}) нисбий суффозия коэффициенти (E_{sf}) каби кўрсаткичлар ҳам аниқланади.

Кўпувчан грунтлар намлик таъсирида ўз ҳажмини катталаштириш ҳусусиятига эга. Таркибида монтморилионит ва аттапулгит минераллари

бўлган гилсимон грунтлар шундай грунтлар тоифасига киради.[2,5,7]

Кўпувчан грунтларни ўрганишда қўйидаги маълумотлар аниқланади:

- кўпувчан грунтларни қатламларда жойланиши ва қалинлиги;
- нисбий чўкиш (E_{sw}) кўчиш коэффициентилари;
- қурилиш майдонини гидрогелогик хусусиятлари ва бино эксплуатация жараёнида заминни намланиш имкониятлари.

4. Бўш қумлар динамик таъсир натижасида хусусиятларини ўзгартиради, қумлар бўш, ўрта ва зичланган тоифадаги грунтларга бўлинади.

5. Илсимон грунтлар асосан дарё ён бағри, ботқоқлик жойларда учрайди.

Бундай грунтлар ҳам динамик таъсирлар натижасида структураси бузилиш ва вакт ўтиши жараёнида структуралари қайта тикланиши мумкин.

Музлаган грунтлар мамлакатимиз ҳудудида учрамайди. Лекин шимолий қутб теварагида жойлашган мамлакатларнинг катта майдонлари абадий музлиқдан ташкил топган. Жойларда фойдали қазилмаларнинг аниқланиши ва ўзлаштирилиши натижасида саноат ва фуқаро бинолари қурилиш ҳажми кескин ортиб борди. Грунтларнинг асосий хусусиятларини ўрганиш натижасида замин ва пойdevорларни лойихалаш асослари яратилди.[1]

6. Сувга тўйинган грунтлар ер ости сизот сувлари яқин жойлашган майдонларини эгаллайди. Табиатда учрайдиган барча турдаги грунтлар сувга тўйинган холатда бўлиши мумкин.

Юқорида берилган грунтларда замин ва пойdevорларни лойихалаш жараёни чегаравий ҳолатлар бўйича хисоб ишларидан ташқари маҳсус муҳандислик ечимларини ҳам талаб этади. Мамлакатимизнинг кўплаб шахар ва ахоли яшайдиган ҳудудларида, айниқса Мирзачўл, Қорақалпоғистон ва Фарғона водийсида лёссимон ётқизикларини шўрхок грунтлар ташкил этади. [7,9,17]

Бундай грунтларнинг пайдо бўлишига асосий сабаб қуруқ ва иссиқ иқлимини мавжудлиги ҳамда ер ости сизот сувларининг жуда саёзлигидир.

Шўрхок грунтлар асосан таркибида тез эрувчи (NaCl , CaCl_2 , Na_2SO_4 , MgSO_4) тузлар бўлган грунтларга, гипсли ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, CaSO_4) ва карбонатли грунтларга бўлинади.

Бино ва иншоотларни лойихалашда бундай грунтларнинг ўзига хос ҳусусиятлари ҳамда пойдевор материалига тузларнинг таъсири хисобга олинади. Грунт таркибидаги тузлар таркиби ва миқдорига қараб ҳамда пойдевор материалига қараб бундай грунтлар енгил, ўрта, шўр ва ўта щўрланган бўлиши мумкин. Асосий ҳолларда лойихалаш ишларини осонлаштириш учун шўрхок грунтлар 4 та турга бўлиниши мумкин.

1- тур. Оддий цементли бетонлар учун агрессив бўлмаган ёки оз агрессивли грунтлар. Бундай грунтларда сувда эрувчан тузларнинг колдиги 1,0% дан кам ва сувда 145 г/л, сульфат ва хлор ионларининг сувдаги миқдори 300 мг/л грунтдаги колдик 0,05% дан кам эмас. Бундай шароитда оддий бетонлар қўлланилиб коррозияга қарши ҳимоя қўлланмаса ҳам бўлади.

2-тур. Оддий цементли бетонлар учун ўртача агрессивли грунтлар. Бундай сувда эрувчан тузларнинг колдиги 1,0% дан кўп ва сувда 15 г/л дан кам эмас, сульфат ва хлор грунтдаги колдик 0,05-0,6%.

Коррозияга қарши тадбирлар билан оддий цементли бетон ёки зич классли бетонлар қўллаш тавсия этилади.

3-тур. Оддий цементли зич бетонларга нисбатан юқори агрессив ҳусусиятга эга бўлган грунтлар. Бунда сувда эрувчан тузларнинг колдиги 1,0% дан юқори ва сувда 15 г/л. Сульфат ва хлор ионларининг сувдаги миқдори 0,6-1,2% ва сувда 1200-4000 мг/л. Коррозияга қарши тадбирлар билан зич классли бетон ёки сульфат тузларига чидамли цементдан тайёрланган бетон ишлатиш тавсия этилади.

4-тур. Ҳамма турдаги цементлардан тайёрланган бетонлар учун агрессив грунтлар. Грунтдаги сульфат ва хлор ионлари миқдори 1,2% ва

сувдаги миқдори 3000 мг/л дан кўп бўлган грунтлар. Сульфат тузларига чидамли цементдан тайёрланган бетонларга коррозияга қарши ҳимоя воситасини қўллаш тавсия этилади.

Бино замин ва пойдеворларини лойиҳалашда грунт ишчи катламидаги агрессив муҳитни пойдеворларга таъсирини эътиборга олиш билан бир қаторда ушбу грунтларнинг ўзига ҳос алоҳида хусусиятлари эътиборга олинади. Пойдеворларни ҳисоблашда грунтларни қуидаги хусусиятлари эътиборга олинади:

- а) Грунтларнинг табиий, намланган ва механик хоссалари. Бунда грунтнинг зичлиги, солиштирма оғирлиги, намлик ва намлик чегаралари, ғоваклари, ғоваклик коэффициенти, ички бурчак модули, сиқилиш коэффициенти каби кўрсаткичлар аниқланади.
- б) қўшимча равишда нисбий чўкиш коэффициенти (E_{se}) ва нисбий суффозия коэффициенти (E_{sf}), бошланғич босим (P_{sf}) ва намлиги (W_{sqf}) каби кўрсаткичлар аниқланади.


Шўрхок грунтларни чўкиш хоссаларини аниқлаш компрессия асбоби ёрдамида ёки дала шароитида аниқланиши билан бир қаторда қўлланилаётган оддий усуллардан кисман фарқ килади. Чўкиш хоссалари сифатида чўкиш модули (E), нисбий чўкиш (суффозия) коэффициенти аниқланади.

Грунтник чўкиш модули гурунтнинг табиий, нам ва шўрсизланган ҳолатлари учун аниқланиши мумкин. Бунда Кпр-1 асбобидан фойдаланиш тавсия этилади. Иккала ҳолатда ҳам грунт таркибидаги тузларни сув таъсирида чиқариб ташлаш жараёни тажриба жараёни қийин кечади. Айниқса таркибида гипс бўлган грунтларда тузларнинг ювилиш даври айрим ҳолларда бир неча ой давом этиши мумкин. Бундай пайтда асбобнинг ишчи қисмини туз таъсирида емирилиш хавфи туғилиши мумкин. Олдиндан шўрсизлантирилган грунтларнинг хоссалари айниқса чўкиш хоссалари кескин ўзгариши мумкин.

Тажриба натижаларига кўра грунтнинг шўрсизлантирилган ҳолдаги

чўкиш модули табиий ҳолатига нисбатан 2-2,5 баробар камайиш ҳоллари учрайди. Бунга Марказий Фарғонанинг шўрхок грунтлари билан ўтказган тажрибаларни мисол келтиришимиз мумкин. Грунтнинг чўкиш модули табиий ҳолда олинган намуна учун $E=22,7$ мПа, аниқланган бўлиб, намланганда $E_n=11,4$ мПа таркибидан тузлари чиқариб ташланганда эса $E_c=7,1$ мПа ни ташкил этди. Тажрибадан кўриниб турибдик танлаб олинган жой учун грунтнинг чўкиш хоссаси 3 баробарга якин камайган.

Шўрхок грунтларнинг нисбий чўкиш (суффозия) коэффициенти ҳам замин ва пойдеворларни ІІ-чегаравий ҳолат бўйича хисоблашда асосий кўрсаткичлардан биридир. Ушбу кўрсаткич ҳам компрессия асбоби ёрдамида аниқланиши мумкин. Грунтни ушбу характеристикасини аниқлаш учун олинган натижалар асосида қўйидаги график ҳосил қилинади:



1-расм. Шўрхок грунтларнинг нисбий чўкиш графиги.

Грунтнинг нисбий чўкиш (суффозия) коэффициенти қўйидагидек аниқланиши мумкин:

$$E_{sf} = \frac{h_1 - h_2}{h_0} \quad (6.1)$$

Пойдеворни қўшимча суффозия таъсирида чўкиш қиймати $E_{sf} \geq 0,01$ бўлган ҳолларда аниқлаш тавсия этилади.

Бу ерда: E_{sf} - нисбий чўкиш коэффициенти

h_0 - Грунтнинг чўкиш модули табиий ҳолдаги баландлиги

h_1 - Грунтнинг чўкиш модули намлангандаги баландлиги

h_2 - Грунтнинг таркибидан тузлари чиқариб ташлангандаги

баландлиги.

Такрорлаш учун саволлар.

- 1.Қандай хоссага эга грунтлар шўрхок грунтлар дейилади?.
- 2.Грунтнинг нисбий чўкиш (суффозия) коэффициенти қандай аниқланади?
- 3.Шўрхок грунтларни чўкиш хоссаларини қандай асбобда аниқланади?
- 4.Шўрхок грунтларни хоссаларини аниқлаш қандай амалга оширилади?
- 5.Илсимон грунтлар қаерларда учрайди?
- 6.Музлаган грунтлар қайси худудларда учрайди?
7. Суффозия маъносини айтинг.

VIIBOB. ЗИЛЗИЛАБАРДОШ ЗАМИНЛАР ВА УЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ.

7.1-§. ГРУНТЛАРНИНГ ЗИЛЗИЛАБАРДОШЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

Сейсмик худудлардаги чўкувчан грунтларда қуриладиган биноларнинг пойдеворлари доимий, узок муддатли, қисқа муддатли юклар таъсиридан ташқари маҳсус юклар таъсирига яъни - заминни чўкиши ва сейсмик юк таъсирига хисобланиши лозим. Замин ва пойдеворларни лойиҳалашда албатта маҳсус юк деб караладиган чўкиш ва сейсмик юкнинг бир вақтдаги таъсирини ҳисобга олиш тавсия этилади.

Бу ўз навбатида бино тузилишини мураккаблашувига сабаб бўлади, шунинг учун бу икки таъсиридан ҳосил бўладиган юкланишни иложи борижа камайтириш чорасини кўриш керак, Зилзилага қарши яъни сейсмик юкни камайтирувчи маҳсус конструктив чоралар кўрилади холос.

Пойдеворларнинг чўкишини олдини олиш мақсадида чуқур ўрнатиладиган пойдеворлардан фойдаланилади. Шунда чўкиш сабабли ҳосил бўладиган маҳсус юклар деярли нолга айланиб қолиши мумкин. Ушбу чора амалга оширилганда бинога таъсир этувчи ягона маҳсус юк сейсмик юк колади холос.

Амалда грунтни чўкишидан ҳосил бўладиган ва сейсмик юкнинг бир вақтдаги таъсири эҳтимоли жуда кам бўлгани сабабли бу юклардан хисоблаш алоҳида-алоҳида бажарилиши мумкин, сўнгра юклар тўплами

тузиш қоидасига мувофиқ нокулай юк танлаб олинади.

Туар жой бинолари ва йирик биноларни 8-9 балли зоналарда кўришда агар бино асоси 20-40 см гача чўкиш берса биноларни конструктив тузилишига таъсири хавфли бўлмайди ва металл сарфи қўп бўлмаслиги исботланган. [1,2,8,29,30].Агар асосда чўкиш 20-40 смдан ортиб кетса, бундай чўкишдан ҳосил бўладиган қўшимча зўрикишларга қаршилик кўрсатувчи қўшимча чоралар қурилади, яъни заминга қўшимча арматуралар ётқизилади. Бундан келиб чиқсан ҳолда бинони ҳусусий оғирлигидан ҳосил бўладиган чўкишларни 20-40 см ортмайдиган ҳолда лойиҳалаш чоралари қўрилади.

Зилзилабардош заминлар ва уларни лойиҳалаш. Умумий маълумотлар.Қурилиш майдонини зилзилабардошлиги.Маълумки зилзила содир бўладиган худудларда қурилиш олиб боришда маҳсус меъёрларга амалга қилиш керак. [8,18.22]

Ҳаракатдаги меъёрларда сейсмиклиги 7, 8, 9 ва ундан ортиқ бўлган худудларда қуриладиган бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш жараёнида уларга қўйиладиган талабларни белгилайди.Тез-тез зилзила содир бўладиган худудларда қуриладиган бинолар ишлатилиш муддати давомида зилзилабардошлиқ талабларига жавоб бериши керак. Бундай талаблар куйидагилардан иборат:

а) одамларнинг ҳавсизлигини таъминлаш, қиммат баҳо буюм ва ашёларни сақлаб қолиш;

б) хисобий зилзила кучи таъсир этганда бинони бемалол ишлашини таъминлаш;

“Зилзилавий худудларда қурилиш” (КМК 2.01.03 -96) меъёрий хужжатда сейсмик худудларда қурилишни меъёрлаш қоидалари ишлаб чиқилган бўлиб мамлакатимизда қурилаётган барча бино ва иншоотлар, шу меъёр талаби асосида бўлиши шарт.

Биноларни лойиҳалаш ва мавжуд биноларни таъмирлаш жараёнида қурилиш олиб бориладиган худудни сейсмологик ҳолати ҳисобланишида

куйидагилар хисобга олинади;

1) Сейсмик таъсирининг эҳтимолий кучи ва замин тебранишлари тезланишини;

2) Сейсмик таъсирларнинг такрорийлиги;

3) Замин сейсмик тебранишларнинг спектрал таркибини.

Сейсмик кучларнинг таъсири ва такрорийлиги ўртача сейсмик ҳоссага эга бўлган грунтлардан ташкил топган майдонлар учун тўғри келади.


Курилиш майдончасининг сейсмиклиги ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот институтлари [18] изланишлари натижасида сейсмиклиги 6 балл ва ундан юқори бўлган ҳудудлар учун тузилган сейсмик микротуманлаштириш карталар ва хужжатлари асосида белгиланади. Грунтларни сейсмиклик тоифасига кўра, уларда содир бўладиган сейсмик баллар миқдорини, туманнинг сейсмиклигига қараб ва мухандислик-геологик изланиш натижалари асосида маҳсус жадваллардан олинади. 8.1-жадвал.

Иншоот заминининг зилзила бардошлигини аниқлашда тўлқинлар таъсири натижасида ҳосил бўлувчи сейсмик тебранишнинг юқори қиймати (a_{max}) асосий роль ўйнайди. Шунинг учун сейсмик тезланишнинг юқори қийматини тўғри ва аниқ белгилаш жуда катта аҳамиятга эга.

Бу мақсадда аҳоли яшайдиган йирик аҳоли жойларида ҳамда катта аҳамиятга эга бўлган саноат ҳамда гидротехника қурилиши объектларида маҳсус геологик ва гидрогеологик қидирув ишлари олиб борилади.

Бу қидирув ишлари натижасида кузатилган район учун йирик йирик масштабли харита тузилиб, унда турли грунтлар ўзига хос баллар билан ифодаланади.

“Сейсмомикрорайон” харитаси деб аталувчи бундай хариталардан майдоннинг зилзилага нисбатан мустахкамлигини ва қурилиш ишлари олиб бориш учун қулай бўлган майдон ахтаришда фойдаланилади. (7.1-расм.)



7.1-расм. Тошкент шаҳрининг сейсмомикрорайон картаси.

Одатда зилзилага чидамли бўлган қулай грунтларга, бузилмаган яхлит тоб жинслари, зич жойлашган, кам намли йирик ва майдада заррачали грунтлар киради. Шу билан бирга тик қияликлар, зах чуқурликлар ва текисликлар, шунингдек, тўла намланган майдада заррачали қумлар, пластик ҳолатдаги лойлар, соғ тупроқли грунтлар грунтлар зилзила жиҳатидан ноқулай деб ҳисобланади.

Сейсмомикрорайон харитаси тузишда тадқиқотчилар турлича ҳолатларни асос қилиб олганлар. Масалин, Сафарин А.Н., Попов В.В., Гзелишвили И.А. ва бошқалар курилиш районининг инженерлик-геологик ва гидрогеологик шарт-шароитларини асос қилиб олган бўлсалар, бошқалар (Саваренский Е.Ф., Антоненко Э.М., Пучков С.В ва бошқалар).

Зилзила вақтида ёзиб олинган грунтларнинг спектр кўрсаткичларнинг яна бир бошқалар (Медведьев С.В., Карапетян В.К., Мирзаев В.М ва бошқалар) эса майдон инженерлик-геологик ва гидрогеологик шарт шароитларини ҳисобга олган ҳолда турли асбоблар орқали ёзиб олинган грунтларнинг ҳусусиятларини асос қилиб олдилар.

Курилиш майдонларининг инженерлик-геологик ва гидрогеологик шарт шароитларини ҳамда бино ва иншоотларнинг зилзила оқибатида заарланиш томонларини кузатиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, ҳисоблаш

ишларида сейсмик район хариталаридан фойдаланиш баъзи камчиликлардан ҳоли эмас. Бу камчиликларнинг асосида катта-катта майдонларнинг сейсмик жихатдан кенг балларга бирлаштирилиши ётади.

Маълумки, ҳар бир иншоот пойдевори жойлашган замин грунтлари ўзининг литологик тузилиши ва физик- механик хоссалари билан тубдан фарқланади, шунингдек қурилиш майдонининг геоморфологик хусусиятлари ва гидрогеологик хоссалари ҳам турличадир.

Бундай ҳолда бутун бир район бўйича яхлит бир сейсмик баллга бирлашадиган шароитни топиш имконияти деярли йўқ. Шунинг учун ҳар бир алоҳида қурилиш майдони грунтларини физик механик, мустахкамлик кўрсаткичлари ва сейсмик хусусиятларини ҳисобга олган ҳисоблаш бали ўрнатиш иншоот мустахкамлигини таъминлашнинг асосий гаровидир.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Пойдеворларнинг чўкишини олдини олиш мақсадида қандай пойдеворлардан фойдаланилади?
2. Тез-тез зилзила содир бўладиган худудларда қуриладиган бинолар ишлатилиш муддати давомида қандай талабларига жавоб бериши керак?
3. Одатда зилзилага чидамли бўлган қулай грунтларга, қандай заррачали грунтлар киради?
4. Маълумки, ҳар бир иншоот пойдевори жойлашган замин грунтлари ўзининг қандай хоссалари билан тубдан фарқланади?
5. Қурилиш майдони грунтларини қандай кўрсаткичлари ва қандай хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иншоот мустахкамлигини таъминлашнинг асосий гарови бўла оладими?

7.2-§. ЗАМИНЛАРНИНГ ЗИЛЗИЛАБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ЗИЛЗИЛАГА НИСБАТАН МУСТАХКАМЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАР.

Агар бинолар замини лёсс ва лёссиモン чўкувчан грунтлардан иборат бўлса, грунтни чўкувчанлик хусусиятини камайтириш чоралари қўрилади.

яъни ҳар хил атмосфера таъсиридан - ёмғир қор сувларидан ҳимоя қилинади. Қурилиш майдонини текислаш жараёнида заминга ёмғир сувлари түпланмаслигини таъминлаш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Майдонинг дастлабки рельефини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир, бунга қўшимча ёмғир сувларини қочириш чоралари учун ариқ, канализация тизими ташкил этилади. Шу ҳолатда пойdevорга сув таъсир этмаслик чораларини кўриш лозим.

Иморат остида қазиладиган хандақга (котлован) сув оқизмаслик керак, тўкма грунт яхшилаб шиббаланади, бино атрофига етарлича кенгликда сув ўтказмайдиган бетон, асфальт йўлка (отмостка) ётқизилади. Бинони сув билан таъминлаш тизимидан (совук сув, иссиқ сув канализация тизими) сувнинг сизиб чиқмаслиги зарур бўлганда маҳсус чоралар кўрилади. Грунтни чўкишини хисобга олиб эгилувчан пўлатлардан қувурлар тайёрланади.

Босим остида ишловчи чўян қувурлар шикастланганда тезкорлик чорасини кўриш учун улар тонелларга ётқизилади. Босимсиз ишлайдиган канализация қувурлари остига сув ўтказмайдиган новлар ўтказилади; тўпланиб қолган сувлар шу новлар орқали маҳсус қудуқларга оқизилади.Грунтларнинг мустахкамлик кўрсаткичларини ошириш бўйича тадбирлар.Грунтнинг мустахкамлик кўрсаткичлари қийматлари φ , C_w ни кўпайтириш, бевосита мувозанат тезланиши $\alpha_{тезл}$ нинг ва заминларнинг мустахкамлик коэффициенти K_m нинг ошишига олиб келиши маълум.

Зилзилага бардош заминлар.Ўзбекистоннинг кучли зилзилалар юз берувчи районларида кўплаб турли иншоотлар қурилиши сабабли уларнинг сейсмик жихатдан мустахкамлигини таъминлаш асосий вазифалардан биридир.Шу билан бирга бу қурилаётган иншоотлар техник- иқтисодий томондан ҳам қулай бўлиши керак, чунки 1 балл юқорига ҳисобланган иншоот таннархи 4% дан кўп миқдорга ошибб кетиши маълум.

Шунинг учун ҳам қандай заминнинг зилзилага мустахкамлик ҳолатини аниқлашда конкрет грунтларнинг физик- механик ва мустахкамлик

кўрсаткичларидан фойдаланиш, юқорида айтканимиздек, мақсадга мувофиқ бўлиб қолади. Зилзилага бардош берувчи заминларни аниклашда X.3.Расулов ишлаб чиққан “Зилзилага чидамли заминлар” усули ҳам анча қўл келади. Бу усулга асосан ҳар қандай қурилиш майдонининг зилзилага бардошлиги шу майдон ташкил топган грунтларнинг физик- механик ва мутахкамлик кўрсаткичлари ва иншоотдан заминга таъсир этувчи босим киймати ҳисобга олинган ҳолда аникланади.

Зилзила юз берган вақтда грунт қатламлари бўйлаб бўйлама, кўндаланг ва ер юзаси бўйича тарқалувчи тўлқинлар ҳосил бўлиб, уларнинг грунт заррачаларига ва улар орасидаги сув ва газларга таъсири натижасида сиқилиш- чўзилиш ва силжиш кучланишлари вужудга келади.

Бу вақтда грунт эгилувчан деформация таъсирида бўлиши билан бирга унинг структураси бузилиб заррачалар ўзаро зичланишлари ҳам мумкин.

X.3.Расулов ишлаб чиққан “Намланган грунтлар структурасининг зилзила таъсирида бузилиши” ҳақидаги назарияга асосан ўта намланган заррачалари ўзаро боғланган грунтларга зилзила таъсир этганда, бу таъсир биринчи навбатда грунт заррачаларини бир- бирига боғлаб турувчи куч орқали қабул қилинади.

Бу куч силжитувчи сейсмик кучланишлар таъсирига бардош берганида грунт квази қаттиқ жисм ҳолида тебранишда давом этади ва грунт заррачалари орасидаги боғланишлар фақат эгилувчан хусусиятга эга бўлади.

Бундан эса заррачалари ўзаро боғланган грунтлар структурасининг сейсмик кучланишлар таъсирида бузилиш табиати тебраниш даврида грунтнинг силжишга қарши мустахкамлик кўрсаткичлари ўзгаришига боғлиқ бўлади деган холоса келиб чиқади.

Грунтларнинг силжишга қарши қўрсаткичлари уларнинг силжитувчи ташки кучларга нисбатан бўлган асосий мустахкамлиги бўлиб, улар ҳар қандай босимга ва грунт заррачаларининг ўзаро боғланиш ҳолатларига қараб ўзгарувчан бўлади.Грунтларнинг силжишга қарши мустахкамлик масаласи заррачалари ўзаро боғланган грунтларда заррачалари боғланмаган грунтларга

нисбатан анча мураккабдир. Бу мураккаблик бундай грунтлар заррачалари умумий ҳолда юмшоқ пластик(коллоид C_w) ва қаттиқ кристал ҳолатдаги (C_c) кучлар билан боғланган бўлиб, уларнинг табиати етарлича ўрганилмаганлигидадир.

Шу билан бирга маълум шароитларда бундай грунларда юмшоқ пластик баъзан эса қаттиқ кристал боғланишлар силжишга мустахкамликни аниқлашда асосий роль ўйнайди.

Грунтларни ҳолатига кўра сейсмик баллини аниқлаш. 7.2-жадвал

Грунт-нинг сейсмик хосса бўйича тоифаси	Г р у н т л а р	Туман сейсмиклиги қўйидагича бўлганда, қурилиш майдончасининг сейсмиклиги, баллари		
		7	8	9
I.	<p>1. Сувга тўйинган ҳолатда, бир ўқ бўйича сиқилганда мустахкамлик чегараси $R_C > 1$ МПа ёки сейсмик тўлқинларнинг тарқалиши</p> <p>2. $V_s > 1700$ м/сек бўлган ҳар қандай тошлок грунтлар.</p> <p>2. Сейсмик тўлқинлар тарқалиш тезлиги $V_p > 2500$ ва $V_s > 200$ м/сек бўлган йирик харсангтош грунтлар (юмалоқ катта ошлар, тош парчалари).</p>	6	7	8
II.	<p>1. Сувга тўйинган ҳолатда бир ўқ бўйича сиқилганда мустахкамлик чегараси $R_C < 1$ МПа ёки сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги $V_p > 1800$ ва $V_s > 600$ м/сек бўлган (нураган ва ўта нураган) тошлок грунтларнинг барча турлари.</p> <p>2. Сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги $V_p > 800$ ва $V_s > 500$ м/сек бўлган йирик харсангтош грунтлар (тош қотишмали, шағалли, парчаторсли, йирик қумли).</p> <p>3. Қумлок грунтлар: сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги $V_p > 500$ ва $V_s > 350$ м/с, кам намланган, ғоваклик коэффициенти $e < 0,7$ бўлган йирик ва ўртача йириклидаги шағалли қумлар;</p>	7		

	<p>Сейсмик түлқинларинг тарқалиш тезлиги $V_p > 400$ ва $V_s > 300$ м/с, намлиги кам, ғоваклик коэффициенти $e < 0,6$ бўлган майда чангсимон қумлар.</p> <p>4. Гилли грунтлар: қуюқ-суюқлик кўрсаткичи (консистенцияси) $J_i < 0,5$ ёки сейсмик түлқинларнинг тарқалиш тезлиги $V_p > 900$ ва $V_s > 500$ м/с бўлган гиллар; $J_i < 0,5$ бўлганда ғоваклик коэффициенти $e < 0,8$ ёки $V_p > 500$ ва $V_s > 300$ м/с бўлган қумлоқ ва қумсимон гиллар; $J_i < 0,5; e < 0,8$ ва $V_p > 500, V_s > 300$ м/с бўлган лёссимон грунтлар.</p> <p>5. Тўкма грунтлар: сейсмик түлқинларнинг тарқалиш тезлиги $V_p > 500$ ва $V_s > 300$ м/с бўлган, зичлашиб кетган йирик харсанг тошлар; сувга тўйинганда умумий деформация модули $E_o > 12$ МПа ёки сейсмик түлқинларнинг тарқалиш тезлиги $V_p > 500$ ва $V_s > 300$ м/с бўлган, зичлашиб кетган қумлоқ ва чангсимон - гилли грунтлар.</p>			8	9
III.	<p>1. Қумок грунтлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - намлик даражаси $S_r < 0,5$ бўлиб кам намланган, ғоваклик коэффициенти $e > 0,7$ бўлган йирик ва ўртача йириклиқдаги шағалли қумлар; сейсмик түлқинларнинг тарқалиш тезлиги $V_s < 350$ м/с, $e < 0,7$ ном ($S_r > 0,5$) ва сувга тўйинган ($S_r > 0,8$) йирик ва ўртача йириклиқдаги шағалли қумлар; 2. Гилли грунтлар: қуюқ-суюқлик кўрсаткичи $J_i < 0,5$ ёки сейсмик түлқинлар тезлиги $V_s < 500$ м/с гиллар. 3. Тўкма тупроқлар: сувга тўйинганда $E_o < 12$ МПа ёки $V_s < 300$ м/с бўлган зичланиб кетган қумок ва чангсимон грунтлар. 			8	9 > 9

Такрорлаш учун саволлар.

1. Зилзила содир бўладиган худудларда қурилиш олиб боришда қандай меъёрларга амалга қилиш керак?
2. Пойдеворларнинг чўкишини олдини олиш мақсадида қандай чоралар кўрилади?

3.Бинолар замини лёсс ва лёссимон чўкувчан грунтлардан иборат бўлса, қандай ишлар амалга оширилади?

4. Заррачалари ўзаро боғланган грунтлар структурасининг сейсмик кучланишлар таъсирида бузилиш табиати тебраниш даврида грунтнинг силжишга қарши мустахкамлик кўрсаткичларига боғлиқми?

5. Қурилиш майдонини текислаш жараёнида заминга ёмғир сувлари тўпланмаслигини таъминлаш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланадими?

7.3-§. ПОЙДЕВОРЛАР ЛОЙИХАЛАШДА ИНЖЕНЕР-ГЕОЛОГИК ИЗЛANIШЛАРИ. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР.

Бино ва иншоотлар заминини юк кўтариш ҳолатини тўғри ва аниқ баҳолаш, қурилиш ишларида энг муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Чунки бинони пишиқ-пухта бўлиши, узоқ давр ишлаши айнан шу босқичда бажариладиган ишларга боғлиқ. Лойиҳалаш ишларидан аввал қурилиш майдончасида геологик ва гидрогеологик изланишлар олиб боришдан бошланади. Олинган маълумотлардан фойдаланиб, бино ва иншоотларнинг пойдевор материаллари ва уларни ўлчамлари аниқланади.

Инженерлик – геологик изланишлардан асосий мақсад куйидагилардан иборат:

- иншоотни барпо этишда, фойдаланишда юз бериши мумкин бўлган геологик ва гидрогеологик ўзгаришларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш;
- грунтларда юз бериши эҳтимоли бор ўзгаришларни ўрганиш ва уларни қуриладиган иншоотларга таъсирини баҳолаш;
- бино ва иншоотда ҳавфли ҳолатлар пайдо бўлиш олдини олиш учун зарурий маълумотлар тўплаш;
- бино ва иншоотларни хисоблаш ва натижалаш учун зарур бўладиган замин грунтнинг физик ва механик хусусиятини ўрганиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ишларни бажариш ва уларни яхши ҳамда самарали натижа бериши учун қуидагиларга эътиборни қаратиш керак:

- қуриладиган бино ёки иншоотнинг тури, мақсади, конструктив тузилишини хисобга олиш;
- бинони лойихалашда амалий изланиш хажмининг тегишли босқичга мос келиши;
- изланишларни хар бир босқичда аниқ бирор мақсадни назарда тутиш ва хоказо. Ушбу муаммоларни ўзида қамраб олган инженер-геологик изланишлар натижаси лойихаланаётган бино ва иншоотнинг мустаҳкамлигини, бикрлигини ва устиворлигини таъминлаши масалаларини ҳал этиши керак. Бино ва иншоот турини танлаш қурилиш майдоничасининг шароитига боғлиқ бўлиб, уларнинг энг муҳимлари қуидагилардан иборат:
- грунтларни қатламланиш ҳолати;
- грунт қатламларининг қалинлиги ва уларни устиворлик шартлари;
- қатламларнинг таркиби, ҳоссалари ва ёши;
- грунт чўкувчанлиги ва ўта чўкувчанлик ҳоссалари.

Бундан ташқари грунтнинг музлаши, уларнинг бўрсиши, кўпчиши, сизот сувларининг сатхи ва уларнинг йил давомида ўзгариши, уларнинг пойдеворларига зарар етказиш даражаси каби кўрсаткичларни хисобга олиш зарур. Табиатда учрайдиган тоғ жинсларидан замин сифатида фойдаланишда, асосан, қуидаги З холатга дуч келиш мумкин.

а) бир жинсли қатlam ягона тоғ жинсларидан таркиб топгани учун унинг ташқи босим таъсиридан зичлашиши бир ҳил бўлади. Шунинг учун бундай заминлар иншоот учун энг қулай;

б) турли жинсли текис ётиқ қатlam ҳам замин сифатида фойдаланишда мақсадга мувофиқ. Агар пойдевор таг юзаси етарли қалинликдаги қатламга жойлаштирилса, қатламнинг текис ётиклиги сабабли иншоотнинг чўкиши ҳам бир ҳилга яқин бўлади;

в) турли жинсли нотекис қатlam замин сифатида энг ноқулай хисобланади. Бундай ҳолатда грунтлар ҳусусияти ва юк кўтариш қобиляти

билинг бўлган уларнинг турғунлиги ва чидамлилиги синчиклаб ўрганилишини талаб этади.

Юқорида айтиб ўтилгандек, иншоотни лойиҳалаш жараёни билан боғлиқ бўлган барча шароитлар инженерлик геологияси ва гидрогеологияга оид изланишларни мукаммал олиб боришни тақозо этади.

Инженер-геологик ва гидрогеологияга оид изланишлар икки босқичли режа асосида олиб борилади.

1 - босқич - лойиха топшириғи деб аталиб, унда қурилиш майдонида олиб борилган умумий изланишлар натижаси йифилади.

2 - босқич - иш чизмаси деб юритилади. Ишланишларнинг бу бочқичда асосан, қурилиш майдонига мослаб киритилган аниқ маълумотлар тўпланади. Бино ёки иншоот қурилиш майдончасини баҳолашда юқорида айтиб ўтилган изланишлар натижасидан фойдаланилади. Қурилиш олиб бориладиган майдонларнинг тасвири 1:100, 1:500 миқёсда чизилади ва лойиҳалаш босқичида қуйидаги масалаларни ёритиш тавсия этилади:

- табиий шароитлар ҳақида маълумотлар;
- ер юзасининг тузилиш ҳусусиятлари;
- яқин масофада жойлашган сув ҳавзалари (ховуз, ариқ, кўлмак сув ва х. к.)
- уларнинг жойлашиши ва оқими;
- қурилиш майдонининг иқлими;
- зилзила ёки бошқа геологик ўзгаришларга оид ҳодисалар ҳақида маълумотлар;
- грунтларнинг ҳосил бўлиши, уларнинг қатламланиш ҳолати;
- ер ости сувларининг сатҳи, ўзгарувчанлик даражаси;
- грунтларнинг ўпирилишга, чўкувчанликка, нураш ва бош ҳодисаларга мойиллиги;
- грунтларнинг музлаш қатламлари ва бошқалар. Мазкур маълумотлар, ўз навбатида, замин грунтлари тўғрисида умумий ҳулоса чиқариб, инженер-геологик изланишларга оид ишларни қуйидаги ҳажмда олиб боришни белгилаб беради:

- бурғилаш ёки шурфлаш ёрдамида грунтлардан намуна олиш;
- олинган намуналар устида тадқиқод ишлари олиб бориш;
- яхлит юклар ёрдамида дала шароитида грунтларни сиқилишга текшириш;
- сизот сувлари сатхини узил-кесил белгилаш; уларнинг кимёвий ҳоссаларини ўрганиш;
- грунтнинг сув сиздириш хусусиятини аниқлаш;
- қоя грунтлар учраса, уларнинг ёриқларини ўрганиш;
- темирдан ясалган ер ости қурилмалари чиришида грунт таъсирини белгилаш ва бошқалар.

Грунтларни бурғилаш ва шурф ёрдамида текшириш изланишнинг асосий усууларидан бири хисобланади. Унинг натижасида майдон грунтлари қатлами, уларнинг пайдо бўлиши, таркиби ва тузилиши қоя бўлмаган қатлам грунтларининг аралашмалари ва хусусиятлари, уларнинг намлиги, зичлиги ҳамда сизот сувларига оид маълумотлар аниқланади. Қоя грунтлариниг эса ёрилиш даражаси, уларнинг йўналиши нураш чуқурлиги ва бошқача ўрганилади.

Бурғи қудуклари ва шурфлар сони жой шароитига мослаб белгиланади. Агар жинсларнинг чуқурлиги 5-6 м дан ошмаса, у ҳолда изланиш ишларининг барчаси шурфлар ёрдамида бажарилади. Тўртламчи давр ёткизиқлари жуда қалин бўлган ҳолатларда эса шурфлар сони ер ости сувларини ҳисобга олиб, умумий изланиш ишлари миқдорига нисбатан 5 фоизни, акс ҳолда эса 20 фоизни ташкил этиши мумкин.

Бурғи ва шурфларга ёрдам сифатида ҳамда изланиш ишларини қисқартириш ва тезлатиш мақсадида геофизик усууллар (электр қидирав, сейсмик ўлчов асбоблари, жиддий изотоплар ва бошқаларга) дан фойдаланилди.

Бу усууллар ёрдамида ер ости сувларининг ҳолати, ҳаракат йўналиши, оқим тезлиги ҳамда баъзи инженер-геологияга оид маҳсус сатхларни, ўпирилиш бўшлиқларини, шунингдек, музлаган грунтлар орасидаги эриган жойлар кўламини аниқ ўрганиш мумкин. Тажриба устахонаси тадқиқотлари

ўтказишга мўжалланган майдонлардан грунт намуналари олиш учун умумий изланиш ишларининг 20 фоизи хажмида чукур ковлаш ишлари белгиланади.

Шурф ёки бурғи қудуқлари сони қурилиш майдонини ташкил этувчи қатламларнинг мураккаблик даражасига мослаб аниқланади. Масалан, оддий майдонларда иккита, ўрта мураккабликда учта мураккабда эса бештacha бўлиши мумкин.

Намуналар барча грунт қатламларидан олинадиган жойлар орасидаги масофа тик йўналиш бўйлаб бир метрдан ошмаслиги шарт. Ҳар бир чукурлик (шраф ёки бурғи қудуғи) даги боғланган грунт қатламларидан камида биттадан яхлит (10×10 ; 20×20 см) табиий тузилиши ва намлиги сақланган ҳолда намуна олиш тавсия этилади. Бир жинсли қатламдан тик йўналиш бўйича учта (юқори, ўрта, остки қисмидан) намуна олинади.

Йирик заррали грунтлар ҳажмий оғирлиги, донадорлик таркиби ва қиялик бурчаги дала шароитида ўтказиладиган тажриба ёрдамида аниқланади.

Ер сатхининг музлаш чукурлигини аниқлаш учун маҳсус текширув ишлари олиб бориш керак. Агар майдон миқёсида бинокорлик ишларига алоқадор физик - геологияга оид жараёнлар (грунт силжиши, жар ҳосил бўлиш, кўпчиш, ўпирилиш ва х.) юз бериши мумкин бўлса, уларни ўрганиш учун текширув олиб борилади. Грунтларнинг жиддий кўпчиш ҳолатлари сезилса, уларнинг таъсирини маҳсус тажриба пойдеворлари ёрдамида аниқлаш керак.

Бино ва иншоот иш чизмасини бажариш босқичида юқоридаги ишларни хулосаларига таяниб қурилиш майдони бўйича аниқликлар киритилади, грунт қатламларининг қирқимлари чизилиб улар чукур ўрганилади.

Курилиш майдонлари бир жинсли қатламдан иборат бўлса, бурғи чукурларини хар 100 м га биттадан қазиш тавсия этилади. Агар мураккаб ёки ер остида бўш қатламлар учраса, чукурлар ораси 20 м гача қисқатирилиши мумкин. Бурғи қудуғи ва шрафлар чукурлиги заминнинг сиқилувчан

қатламига қараб белгиланади. Қоя жинсли қатламларга дуч келинса, қояни $0,5 \div 1,0$ м гача бурғуланади. Изланишнинг бу босқичдан аввал бошланган текширув ишлари давом эттирилади.

Бунда инженер-геологик нұқтаи назаридан майдоннинг тузилишига қараб шурф ва қудуклар сони 30-40 фоизга кўпайтирилиши мумкин. Улардан тажриба тадқиқотлари учун қўшимча намуналар олинади Лойиҳа топшириғи босқичда олинган маълумотларни янада чуқурроқ текшириш мақсадида тажриба ишлари (сув сўриш, сув қуйиш, грунт, грунт юк қўтариш қобилиятини яхлит юклар ёрдамида ўрганиш ва х. к.) белгиланади.

Баъзан, масалан, ускуналар пойдеворларини лойиҳалашда грунтларнинг текис ва нотекис зичланиш коэффициентларини аниқлаш талаб этилади. Бундай талабларни амалга ошириш тегишли пойдеворнинг ишлаш шароитига боғлиқ. Сунъий заминлар ва қозиқли пойдеворлар қўллашга оид изланишлар алоҳида дастур асосида дала шароитида (қозиқлар қоқиш, грунтларни шиббалаш, уларга турли қоришмалар юбориш в. х.) олиб борилади.

Хозирги вақтда республикамизнинг барча ер майдонлари етарлича ўрганиб чиқилган ва тегишли идорларда ушбу маълумотлар сақланади.

Инженер-геологик қирқимлар умумий изланишларнинг энг муҳими ҳисобланади ва ер сиртини ўрганиш билан чегараланади. Методологик қирқим қуидагиларни ўз ичига олади: қурилиш майдонинг шарт-шароитлари (силжиш, чўкиш, ўпирилиш ҳодисалари, зилзилалар) ва қурилиш майдони грунтларнинг хоссалари.

Илашиш вақтида грунтлардан намуналар олинади, қудуклардаги сувнинг ҳолати ўлчанади, тоғ жинсларининг бир-бирига нисбатан жойлашиши аниқланади. Инженер-геологик (литологик) қирқим мажмуасининг асосий бўлаги бўлиб турли ўхшаш шароитларда олиб борилган қурилишлардан олинган маълумотлар ҳам ҳизмат қилиши мумкин.

Илгарги бунёд этилган ва ҳозирги вақтда фойдаланишда бўлган иншоотларнинг ҳолатлари (чўкиш, ёрилиш, эгилиш, сув сиздириш ва х. к.)

кузатилади. Шунингдек, бу иншоотларда қўлланилган пойдеворларнинг тури ва уларни қуришда кузатилган қийинчиликлар ўрганилади. Бу олинган маълумотларнинг барчаси ҳар томонлама ўрганилиб, ер сатхини ёритувчи (топографик) хамда геологияга оид хариталарга тўпланади. Шунинг учун ҳам бу изланишларнинг якуни бўлиб инженер-геологик тасвири харитаси ҳизмат қиласи.

Тоғ жинсларини ўрганиш. Бу босқичда ҳал этувчи восита тоғ жинсларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган геологик изланишлариdir.

Тоғ жинслари қуидаги усуллар ёрдамида ўрганилади: усти очик йўлаклар, шурф, бурғилаш, зовур ва ер ости йўлаги ва ъ.к.

Усти очик йўлак ўткир томонларга эга бўлади. Ундан тепалик ва чуқур ўзгаришларга учраган грунтларни текширишда фойдаланилади.

Шурф - тўғри тўртбурчак шаклидаги (ўлчами $1,5 \times 1,5$ м атрофида), чуқурлиги 3-5 м ва ундан кўп бўлган тик қазилма. Тоғ жинсларининг ҳусусиятларига мос равишда шурфлар атроф деворлари маҳкамланган ёки маҳкамланмаган ҳолда қазилади.

Қудук - шурфига ўхшаган, лекин ундан чуқурроқ ва йирикроқ. Қудукнинг чуқурлиги кўпинча бир неча ўнлаб метрга етади, шунинг учун атрофи ҳамма вақт маҳкамланади.

Ер ости йўлаги бир томони очик бўлган, ётиқ ҳолатда қазилади. У, аксарият, тепалик ерлардан фойдаланиб, очик томонга қараб сув оқиб кетиши учун бир оз нишаб қилиб қазилади. Ер ости йўлагининг деворлари ва томони ҳамма вақт маҳкамланиши шарт.

Юқоридаги усуллар орасида энг оддийси ва кўп қўлланиладиган шурфдир. Бунинг асосий сабаби уни кавлашда ҳеч қандай қурилма ишлатилмаслигидадир. Шу билан бирга шурф кавлашнинг кўпинча амалда учрайдиган асосий камчиликларидан бири унинг чуқурлиги чекланганлигидир (ер ости сувлари чиқиб қолиши натижасида), бу унинг барча шароитларда қўлланишга имкон бермайди.

Хозирги давр талабига жавоб берадиган тоғ жинсларини текширишда

қўлланиладиган бурғилаш усули бундай камчиликлардан холидир. Бурғилаш тез, арzon ва исталган чуқурликлардан намуна олиш имконини беради. Тоғ жинсларининг турлари, уларнинг ҳусусиятлари ва изланишнинг мақсадларига мос равишда бурғилашнинг ҳиллари ва уларда ишлатиладиган асбоб-ускуналарнинг ўзига хосларидан фойдаланилади. Бурғилаш йўли билан грунтлар тузилишини (структураларини) бузмай намуналар олиш мумкин.

Курилиш майдонида олиб бориладиган ишлар куйидагилардан иборат: Инженер-геологик қидирув ишлари натижасида “Курилиш паспорти” деб номланган маҳсус хисоботлар тузилади ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- курилиш майдонининг табиий шароити (денгиз сатхидан баландлиги, иқлими ва x.к.);
- майдоннинг умумий устиворлик шартлари (зилзила, силжиши, ўпирилиш);
- майдоннинг инженер-геологик тузилиши;
- лойихадаги майдончанинг рельефи;
- майдоннинг гидрогеологик тузилиши;
- лабораторияда аниқланган маълумотлар;
- хисоблашга доир коэффицентлар ва маълумотлар;
- ҳар ҳил ҳолатлар ва уларни олдини олиш тадбирлари, усуллари;

Маҳсус хисоботлар, зарурий схемалар ва чизгичлар билан тўлдирилади ва қирқимлар тайёрланади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Инженер-геологик қидирув ишини бажаришдан мақсад.
2. Қидирув ишларини босқичлари.
3. Геологик изланишлар таркиби.
4. Гидрогеологик изланишлар.
5. Грунтлардан намуна олиш усуллари.
6. Грунтларни намуналарини олишда бажариладиган ишлар.
7. Дала шароитида бажариладиган қидирув ишлари таркиби.

8. Грунтларни қатламларини холатини аниқлаш.
9. Қурилиш майдонини иқлимий шароити.
10. Хисоботни таркибига кирадиган натижалар.
11. *Ер ости* йўлаги қандай ҳолатда қазилади?
12. *Шурф* – қандай шаклида қазилади?
13. Ер сатхининг музлаш чуқурлигини аниқлаш учун маҳсус текширув ишлари олиб бориш керак бўладими?
14. Бурғи қудуқлари ва шурфлар сони қандай шароитига мослаб белгиланади?

7.4-§.ПОЙДЕВОР ЛОЙИХАЛАШДАГИ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАР.

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР.

Замин ва пойдеворларни лойихалашда назарда тутилган асосий мақсад уларнинг турини (яъни табиий замин ёки сунъий замин) танлашдан ва пойдеворларнинг ўлчамларини (чуқурлиги, асосий майдони, унинг кўриниши) қидиришдан иборат.

Бунда бино ва иншоотларнинг мустахкамлигини, турғунлигини ва узок мақсадга ишлашини таъминловчи бирдан бир йўл, пойдеворнинг нормал ишлашини ва турғунлигини таъминлайдиган чўкиш фарқини излашдан иборат.

Бунинг учун ҳар бир лойихалаштирилаётган бино ва иншоотнинг заминга бўлган хисоблаш босими эса ўз навбатида унинг кутилаётган абсолют чўкишига ва пойдеворлар орасидаги чўкиш фарқига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам замин ва пойдеворларни лойихалашда икки асосий масалани ҳал қилиш талаб этилади.

Биринчиси иншоотнинг тегишли мустахкамлиги ва турғунлигини таъминлаш, иккинчиси материал сарфи, иш ҳажми ва уларнинг таннархи нуқтаи назардан иқтисодий арzon вариантини танлашдан иборат.

Заминларни деформацияга ҳисоблашда пойдеворлар тузишни арzonлаштириладиган бирдан бир йўл заминнинг юк қўтариш қобилиятини

тўла ҳисобга олишдир. Шунинг учун замин ва пойдеворларни деформация усули билан ҳисоблашда ҳамма вақт бино ва иншоот заминига таъсир этувчи юқори босим ҳисобга олиниши керак.

Бу юқори босим қиймати иншоот учун йўл қўйиш мумкин бўлган деформацияга боғлиқ эмас, балки заминнинг ўлчамлари, грунт қатламларининг турлари ва уларнинг физик ва механик хоссалари билан белгиланади.

Пойдевор лойиҳаси учун зарур бўлган материаллар. Иншоот замини ва пойдеворнинг лойиҳасини тузишдан олдин қурилиш майдонида ”қурилиш паспорти” тузиш мақсадида геодезик ва гидрогеолгик қидирув ишлари ўтказилади. Қурилиш паспорти деб бир турдаги лойиҳаларни, турли граждан, саноат ва ер ости коммуникацияларини бир бири билан боғлаш учун хизмат қиласиган комплекс техник ҳужжатга айтилади.

Қурилиш паспорти қўйидаги техник материалларни ўз ичига олади:

- қурилиш майдонинг литологик қирқими;
- грунт қатламларининг физик – механик хоссалари;
- қурилиш майдонининг гидрогеологик ҳусусиятлари;
- грунт сувларининг химиявий хоссалари тўғрисида маълумот;

Пойдеворларни лойиҳалаш учун қурилиш майдони ва унинг атрофидаги майдонларнинг 1:500 ва 1:2000 масштабдаги плани ер устки рельефи тасвирланган ҳолда керак бўлади. Агар қурилиш майдони шаҳар териториясида ёки аҳоли яшайдиган бошқа пунктда жойлашган бўлса, унда 1:500 масштабдаги планда амалдаги лойиҳадаги ва йўллар қизил чизиқлар билан белгиланади.

Ер ости коммуникациялари (водопровод, канализация, газопровод, электр, телефон кабеллари, сув оқими йўллари) ер ости чуқурлиги ҳамда қувурларнинг диаметри ёритилган ҳолда бўлиши лозим.

Қурилиш паспортини тузиш жараёнида тегишли ташкилотларнинг лойиҳада кўзда тутилган ер ости коммуникацияларини амалдагиларга улаш тўғрисида рұхсат этилган хулосалари тўпланади.

1:2000 масштабдаги планда эса лойихалаштирилаётган қурилиш объектиning чегараси күрсатилади ва унда ер ости коммуникацияларини улаш жойлари белгиланади. Инженер геологик қидирув жараёнида пармалаш олиб боришдан ташқари замин қатламларини оддий физик- механик ҳоссаларини аниқлаш ва табиий тузилиши ва намлиги сақланган ҳолда намуна олиш мақсадида шурфлар қазилади.

Шурфларнинг чукурлиги иншоотдан тушаётган юкнинг таъсири зонаси билан ўлчанади. геологолитологик кесмада грунтларнинг ёши, уларнинг генетик ҳамда литологик турлари, ер қатламидаги сувларнинг сатхи күрсатилади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Қурилиш паспортини тузиш жараёнида қандай ишлар амалга оширилади?
2. Инженер геологик қидирув жараёнидаги ишлар?
3. Заминларни деформацияга ҳисоблашда пойдеворлар тузишни арzonлаштириладиган бирдан бир йўли нима?
4. Қурилиш паспорти қандай техник материалларни ўз ичига олади?
5. Пойдеворларни лойихалаш учун қурилиш майдони ва унинг атрофидаги майдонларнинг плани ер устки рельефи тасвиirlанган ҳолда неча масштабда чизилади?
6. Шурфларнинг чукурлиги иншоотдан тушаётган юкнинг таъсири зonasига боғлиқми?
7. 1:2000 масштабдаги планда эса лойихалаштирилаётган қурилиш объектиning чегараси күрсатиладими ва унда ер ости коммуникацияларини улаш жойлари белгиланадими?
8. Заминларни деформацияга ҳисоблашда пойдеворлар тузишни арzonлаштириладиган бирдан бир йўл заминнинг юк қўтариш қобилиятини тўла ҳисобга олиш зарурми?

7.5-§.ГРУНТ ҚАТЛАМИНИНГ ФИЗИК- МЕХАНИК ХОССАЛАРИ.

Курилиш майдонини геологик майдони ўрганилгандан сўнг иншоот замининг юқоридан тушувчи куч таъсирида бўлган барча қатламларининг физик механик хоссалари ўрганилади.

Грунтларнинг физик механик хоссалари уларнинг номи, чўкиш хусусиятлари ва юк кўтариш қобилиятини хисоблаб чиқиш мақсадида ишлатилади.

Грунтларнинг физик механик хоссалари қурилиш майдонини инженер геологик тузилиши тўғрисидаги материаллар билан биргаликда пойдевор чуқурлигини танлашда , пойдевор турини танлашда ва тегишли ҳолларда замин грунтларини шиббалаш ва мустаҳкамлашда,грунтларнинг табиий хусусиятларини сақлашда ва грунт қатламидаги сувларининг иншоот ер ости қисмларига таъсирини ўрганишда жуда катта ёрдам беради.

Фойдаланишда бўлган иншоотларнинг чўкишини кузатиш, унинг цоколь қисми, ойна роми остки қисмлари, тротуарлар, ертўла асосининг горизонталигини махсус асбоб нивелир ёрдамида ўлчанади.

Курилиш майдоннинг гидрогеологик шароитлари.Замин ва пойдеворлар, бино ва иншоот ертўлалари қурилишида иш олиб бориш турини танлашда қурилиш майдонида ўтказилган гидрогеологик қидиувлар натижасида фойдаланилади.Курилиш майдонида олиб борилган гидрогеологик қидиув жараёнида қуйидагилар олиб борилади:

- 1.грунт қатламларидаги сувнинг нисбий сатхи.
- 2.грунт қатламларидаги сув оқимининг йўналиши ва тезлиги.
- 3.сув сатхининг шароит бўйича ўзгариши ва бу ўзгаришга атмосфера ёғинларининг таъсири.
- 4.грунтларининг ўзидан сув ўтказиш қобилияти.
- 5.грунт қатламидаги сувларнинг химиявий хоссалари.

Курилиш майдонининг гидрогеологик тузилиши бўйича қурилиш майдони бирорта дарё ҳавzasига яқин жойлашган бўлса, у ҳолда дарёдаги

сувнинг шароит бўйича кўтарилишини ер ости сувига таъсирини ҳисобга олиш зарур. Дарёда келажакда қурилиши мўлжалланган гидротехник сув омборларини ва уларнинг таъсирида ер ости сувларининг кўтарилишини ҳисобга олиш керак бўлади.

Гидрогеологик изланишлари жараёнида ер ости сувлари албатта ҳимиявий текширишдан ўтказилиши керак. Бу эса сув таркибидаги баъзи моддаларнинг пойдевор материалига емирувчан таъсирини ўрганишда ҳизмат қилади. Ер ости сувларини ҳимиявий анализ қилишда қуйидагиларга аҳамият бериш зарур. Кислота таркибиға, карбонат мустаҳкамлигига, сульфат ва магнезий тузларига, эркин ҳолдаги углекислоталар борлигига.

Хозирги вақтда қабул қилинган маҳсус қоидага асосан барча иншоот ва бинолар қаттиқлиги бўйича уч турга бўлинади:

1. Нисбатан қаттиқ иншоотлар (турли мўрилар, домна ўчоқлари, маяклар, сув кўтариб турувчи иншоотлар, кўприкларнинг таянchlари, гидротехника иншоотлари) бу иншоотлар турли чўкишдан кам заарланган ҳолда, улар учун буралиш деформацияси аҳамиятли.
2. Қаттиқ иншоотлар (рама ва яхлит ҳолдаги темир бетон буюмлар, саноат ва граждан бинорлари ва иншоотлари, темир бетон синчли бинолар, йирик блокли ва йирик панелли бинолар) бу иншоотлар учун эгилиш ва букилиш деформацияси ҳавфли.
3. Эгилувчан иншоотлар (эгилувчан резервуарлар остки қисмлари, темирдан ишланган иншоотлар, цехлар ва бўлинмалар) бу иншоотлар учун буралиш, эгилиш ва букилиш деформациялари маълум қийматдан ошиб кетмаслиги керак.

Лойиҳалаштирилаётган бино ва иншоотларнинг юқорида келтирилган техник томонлари аниқлангандан сўнг пойдевор асосига юқоридан узатилаётган кучларни жамлашга ўтилади. Пойдевор асосига юқоридан таъсир этувчи кучлар йигиндиси иншоотнинг чизмаси бўйича (юк кўтарувчи деворлар, устинлар, тўсинлар, ёпма плиталар) олиб борилади.

Табиий заминларнинг асосий ҳисоблаш формуласи қуйидагича ёзилади.

$$\sum n N \leq \Phi (F : k_1, \gamma, m : k_2, \phi, m : k_3, c, m, \dots). \quad (7.1)$$

N – пойдеворга юқоридан таъсир этувчи норматив юклар қиймати;

n – қайта юкланиш коэффициенти;

Φ – заминларнинг иш характеристини ифодаловчи функция;

F – бино ва иншоотларнинг геометрик ўлчамлари;

: k_1 , : k_2 , : k_3 – грунтлар физик механик хоссаларининг бир жинслилик коэффициентлари;

γ , - грунтларнинг ҳажмий оғирликлари;

ϕ – грунтларнинг ички ишқаланиш бурчаги;

m – назарий ҳисоблашдаги аниқлик коэффициенти;

c – заррачалар орасидаги боғланиш кучи.

Ифоданинг асосий мақсади заминларга юқоридан тушаётган юклар қиймати уларнинг юк кўтариш қобилиятига teng ёки undan кичик бўлишини таъминлашдан иборат.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Курилиш майдонини геологик майдони ўрганилгандан сўнги ишлар?

2. Курилиш майдонида олиб борилган гидрогеологик қидирав жараёнида олиб бориладиган ишлар нималар?

4. Қаттиқ иншоотлар қандай иншоотлар?

5. Эгилувчан иншоотлар қандай иншоотлар?

6. Пойдевор асосига юқоридан таъсир этувчи кучлар йиғиндинсини айтинг.

7. Гидрогеологик изланишлари жараёни нимадан иборат?

8. Нисбатан қаттиқ иншоотлар қандай иншоотлар?

9. Грунтларнинг физик механик хоссалари нималардан иборат?

7.6-§. ПОЙДЕВОРЛАР ЧУҚУРЛИГИНИ БЕЛГИЛАШ.

Пойдевор чуқурлиги қуйидагиларга амал қилган ҳолда танланади:

-курилиш олиб борилаётган райондаги ер қатламиининг музлаши;

-қурилиш майдонининг геологик ва гидрогеологик шарт шароитлари (грунтларни турлари ва уларнинг физик ҳоссалари, ер ости сувларининг сатҳи ва уларнинг қурилиш даврида ҳамда иншоотдан фойдаланиш даврида бўладиган ўзгаришлари.

-иншоот заминига юқоридан таъсир этувчи юкнинг тури ва қиймати.

-бино ва иншоотнинг вазифаси, конструкция турлари ва уларга қўйиладиган талаблар, ертўла чуқурлиги, турли ер ости коммуникациялари ҳамда турли ускуна ва механизмлар пойдеворлари-лойиҳалаштирилаётган иншоотга яқин турган бино ва иншоотлар пойдеворларининг чуқурлиги.

Мисол-6.1. Пойдевор қўйилиш чуқурлигини аниқлаш.

Бинонинг хона ичидаги харорати 20°C . Ташқи девор остидаги пойдеворнинг

кенглиги $b = 1,0$ м. Грунт нам қумдан иборат бўлиб $\phi_p = 28^{\circ}$, $E = 18 \text{ МПа}$, $e = 0,82$; $n = 0,45$; $\gamma_d = 1,472 \text{ г/см}^3$. Ер ости сувлари сатҳи $8,7$ м;

ҚМК ни кўрсатмасига биноан, грунтларни меъёрий музлаш чуқурлигини қўйидаги ифодадан хисобланади.

$$d_{fn} = d_o \sqrt{M_t} = 0,28 \sqrt{23} = 1,34 \text{ м}$$

бу ерда $M_t = -23^{\circ}$ Қурилиш раёнида қишини энг совуқ кунларида бўладиган ўртача ойлик совуқ харорати (илова – 9 –жадвал) ;

d_o -маълум грунтни норматив музлаши қалинлиги (иловадаги 10 – жадвалдан олинади) .

$$M_t = -23^{\circ} \text{ да суглинок учун } d_0 = 28 \text{ см.}$$

Грунт қатламини хисобий музлаш қалинлиги қўйидаги ифода ёрдамида хисобланади:

$$d_f = K_h \cdot d_{fn} = 0,4 \cdot 1,34 = 0,54 \text{ м}$$

бу ерда K_h -пойдевор ёнидаги хонани иситилишига кўра олинадиган иссиқлик миёри коефициенти K_h ни қиймати ҚМК [4] 4-жадвалдан ёки

иловадаги 11 – жадвалдан олинади, лойихаланаётган бино учун $k_h = 0,6$ га тенг.


Пойдеворни энг кам қўйилиш чуқурлиги:

$$H_k = d_f + 2 = 0,54 + 2 = 2,54 \text{ м}$$

Ер ости сувларининг сатхи 8,7 м чуқурликда жойлашган:

$$H_{\text{сув}} = 8,7 > d_f + 2 = 2,54$$

Демак пойдевор қўйилиш чуқурлиги музлаш чуқурлигига боғлиқ бўлмай конструктив мулохаза қилиш асосида белгиланади, яъни ертўла поли 6.1- расм.чуқурлилига мувофиқ равишда аниқланади.



7.1-расм. Ертўлали бино учун пойдевор қўйилиш чуқурлиги.

Пойдеворларни ўрнатилиши.

1- бетондан тайёрлов қисми.2- пойдевор плитаси.3- пойдевор девори.

4-сувдан химоя қатлами.5-ертўла ёпмаси.6- юк кўтарувчи ғишт девор.

Ертўали бинонинг пойдевор қўйилиш чуқурлиги қўйидаги формула орқали аниқланади.

$$h=0,3 + 0,1 + 0,1 + 1,75 = 2,25 \text{ м га тенг.}$$

Бу ерда 0,3 м – Ф10 маркали пойдевор плитасининг баландлиги;
0,1 м – пойдевор ёстиги ва бино поли орасидаги грунт қатламининг
қалинлиги (7.1-расм);
0,1 м – ертўла полининг қалинлиги;
1,75 м – ертўла поли ва ховли сатхи орасидаги фарқ.

Шундай қилиб ертўла девори сифатида учта ФС6 русумли ва битта ФСН3 русумли девор блокларини қабул қиласиз. Уларнинг умумий баландлиги: $h = 0,3 + 3 \times 0,58 + 0,28 + 0,04 = 2,36 \text{ м этиб белгиланади 7.1-расм}$

Такрорлаш учун саволлар.

1. Пойдевор чуқурлиги қандай танланади?
2. Ертўали бино учун пойдевор қўйилиш чуқурлиги қандай аниқланади?
3. Пойдеворни энг кам қўйилиш чуқурлиги нималарга боғлик?
4. Грунтларни меъёрий музлаш чуқурлиги қандай ифодадан аниқланади?
5. Пойдеворни энг кам қўйилиш чуқурлиги қандай ифодадан аниқланади?
6. Курилиш олиб борилаётган райондаги ер қатламининг музлаши нималарга боғлик?
7. Девор блокларини умумий баландлигини қандай аниқланади?
8. M_t -қандай харорат коэффициенти.
9. Курилиш майдонининг геологик ва гидрогеологик шарт шароитлари хисобга олинадими?

7.7-§.ГРУНТ ҚАТЛАМИНИНГ МУЗЛАШИ.

Ер устки қатламининг қиши даврида музлаши маълум геологик ва гидрогеологик шароитларда, грунтларнинг ҳажмий кенгайишига олиб келиши мумкин бўлганда гина пойдевор чуқурлигини танлашда хисобга олинади. Грунт музлаганда уларнинг ҳажми кенгайишига олиб келадиган

асосий факатгина грунт бўшлиқларидаги сувнинг музлаши бўлибгина қолмай, балки музлаш жараёнида грунт бўшлиқларида сувнинг қўпайиши ҳамдир.

Намликнинг грунт чуқур қатламларидан унинг музлаш чегарасига сурилиш тезлиги грунт сувлари билан музлаш чегараси орасидаги масофа камайиши билан ортиб боради. Грунт музлагандан ҳажмий кенгайиши хусусияти барча грунтларга хос эмас. Йирик шаклдаги синик майдага тошли ҳамда йирик ва ўртача катталиқдаги қумли грунтлар музлагандан улар ҳажмий кенгаймайди, чунки улардаги музлаган сувнинг ҳажмий кенгайиши фактгина боғланмаган ҳолатдаги сувда бўлиб, у эса грунтнинг умумий ҳажмига таъсир этмайди.

Бунинг аксича, майдага заррачали қумлар, чангсимон ва айниқса лойли грунтлар(қумоқ, қумлоқ тупроқ, лой) ўзида намликни капилляр қўтариш қобилиятига эга бўлгани ҳамда грунт заррачалари орасида ва сиртида кўп миқдорда боғланган намликни сақлагани учун музлагандан ҳажмий кенгайиши хусусиятига эга.

Лойиҳалаш практикасида ер устки қатламишининг музлашини ҳисобга олиш учун грунт музлашининг норматив қатлами деган тушунча қўлланилади.

Грунт музлашининг норматив қатлами H_n учун қурилиш олиб бориладиган районда грунтнинг очиқ қордан тозаланган майдонда олиб борилган кўп йиллик кузатишлар натижасида белгиланган ер сатҳи қатламишининг энг чуқур музлашининг ўртача қиймати қабул қилинади.

Пойдевор лойиҳалашда грунт музлашининг норматив қатлами қўйидаги йўллар билан аниқланади:

қурилиш майдонида олиб борилган кўп йиллик кузатишлар натижасида белгиланган ер устки қисми музлашининг энг юқори қиймати орқали;
қурилиш майдони яқинида жойлашган метереологик бошқарманинг кўп йиллик кузатишдан олган маълумоти орқали;

агар қурилиш майдонида кўп йиллик кузатишлар олиб борилмаган бўлса,

у холда грунтлар музлашининг норматив қатлами бир турдаги районлар изолиниялари орқали ажратилган маҳсус карталардан аниқлаш мумкин. Агар лойиҳалаштирилаётган бино ёки иншоот фойдаланиш даврида иситиладиган бўлса, у холда грунт музлашининг ҳисоблаш қатлами деган тушунча ишлатилади.

Пойдевор чуқурлиги қуидагиларга амал қилган холда танланади:

- қурилиш олиб борилаётган райондаги ер қатламининг музлаши;
- қурилиш майдонининг геологик ва гидрогеологик шарт шароитлари грунтларни турлари ва уларнинг физик хоссалари, ер ости сувларининг сатхи ва уларнинг қурилиш даврида ҳамда иншоотдан фойдаланиш даврида бўладиган ўзгаришлари.
- иншоот заминига юқоридан таъсир этувчи юкнинг тури ва қиймати
- бино ва иншоотнинг вазифаси, конструкция турлари ва уларга кўйиладиган талаблар, ертўла чуқурлиги, турли ер ости коммуникациялари ҳамда турли ускуна ва механизmlар пойдеворлари.
- ложиҳалаштирилаётган иншшотга яқин турган бино ва иншоотлар пойдеворларининг чуқурлиги.

Ер устки қатламининг қиши даврида музлаши маълум геологик ва гидрогеологик шароитларда, грунтларнинг хажмий кенгайишига олиб келиши мумкин бўлгандагина пойдевор чуқурлигини танлашда хисобга олинади. Грунт музлагандан уларнинг хажми кенгайишига олиб келадиган асосий фақатгина грунт бўғлиқларидаги сувнинг музлаши бўлибгина қолмай, балки музлаш жараёнида грунт бўшлиқларидла сувнинг кўпайиши ҳамdir.

Намликтининг грунт чуқур қатламларидан унинг музлаш чегарасига сурилиш тезлиги грунт сувлари билан музлаш чегараси орасидаги масофа камайиши билан ортиб боради. Грунт музлагандан хажмий кенгайиши хусусияти барча грунтларга хос эмас.

Йирик шаклдаги синик майда тошли ҳамда йирик ва ўртача катталикдаги қумли грунтлар музлагандан улар хажмий кенгаймайди, чунки улардаги музлаган сувнинг хажмий кенгайиши фақатгина боғланмаган

холатдаги сувда бўлиб, у эса грунтнинг умумий хажмига таъсир этмайди.

Бунинг аксича, майда заррачали қумлар, чангсимон ва айниқса лойли грунтлар (қумоқ, қумлоқ тупроқ, лой) ўзида намликни капилляр қўтариш қобилиятига эга бўлгани ҳамда грунт заррачалари орасида ва сиртида кўп миқдорда боғланган намликни сақлагани учун музлаганда хажмий кенгайиш хусусиятига эга. Лойихалаш практикасида ер устки қатламининг музлашини хисобга олиш учун грунт музлашининг норматив қатлами деган тушунча қўлланилади.

Грунт музлашининг норматив қатлами H_h учун қурилиш олиб бориладиган районда грунтнинг очик қордан тозаланган майдонда олиб борилган кўп йиллик кузатишлар натижасида белгиланган ер сотки қатламининг энг чуқур музлашининг ўртача қиймати қабул қилинади. Пойдевор лойихалашда грунт музлашининг норматив қатлами куйидаги йўллар билан аниқланади:

қурилиш майдонида олиб борилган кўп йиллик кузатишлар натижасида белгиланган ер устки қисми музлашининг энг юқори қиймати орқали;

- 1) қурилиш майдони яқинида жойлашган метереологик бошқарманинг кўп йиллик кузатишдан олган маълумоти орқали;
- 2) агар қурилиш майдонида кўп йиллик кузатишлар олиб б орилмаган бўлса, у холда грунтлар музлашининг норматив қатлами бир турдаги районлар изолиниялари орқали ажратилга маҳсус карталардан аниқлаш мумкин.

Агар лойихалаштирилаётган бино ёки иншоот фойдаланиш даврида иситиладиган бўлса, у холда грунт музлашининг хисоблаш қатлами деган тушунча ишлатилади.

Грунт музлашининг хисоблаш қатлами H_h бино ва иншоотнинг иситилишини назарда тутиб қуйидагича аниқланади:

$$H_x = m_t \cdot H_h \quad (7.1)$$

бу ерда H_h – грунт музлашининг норматив қатлами:

m_t – бино ва иншоот иссиқлик режимининг ташқи девор атрофидаги грунт музлашига таъсир этиш коэффициенти; m_t – коэффициентнинг қиймати (9.3- жадвалдан олинади.Х.З. Расулов)

Кишда иситиладиган бино ва иншоотлар ички девор устунлари остидаги пойдеворлар чукурлиги, одатда ер устки қатламининг музлаши ҳисобга олинмаган ҳолда лойихалаштирилади. Кўпинча пойдеворнинг чукурлигини танлаш иншоотнинг конструктив ва фойдаланиш шартларига боғлиқ бўлиб қолади.

Бунга мисол тариқасида ертўлалик иншоотларни олсак, у ҳолда пойдеворни ертўла чукурлигидан пастда жойлаштириш керак бўлади. Техник шароитларга кўра пойдевор асоси ертўла полидан камида 0,5 м чукурликда жойлашиши керак.

Ер ости коммуникациялари, транспорт, иссиқлик ўтказувчи йўлакларга эга бўлган саноат иншоотларини лойихалаштирганда улар пойдеворининг чукурлиги юқорида санаб ўтилган коммуникациялар чукурлигидан пастда жойлаштириш лозим бўлади. Кўпинча бир бино ёки иншоот лойихасида улар пойдеворига қўйилган талаб турлича бўлади, шунинг учун иншоотнинг турли қисмлари пойдеворларини турлича чукурликда жойлаштиришга тўғри келади.

Бу ҳолда пойдеворни бир чукурлиқдан иккинчисига ўтиш жойини зина шаклида жойлаштириш мақсадга мувофик. Лойихалаштирилаётган бино ёки иншоот пойдеворини чукурлигини танлашда албатда қўшни иншоот пойдеворини сатхи ҳисобга олиниши керак. Агар лойихалаштирилаётган ва фойдаланишда бўлган бинолар пойдевори турли чукурликда жойлашадиган бўлса у ҳолда қуйидаги шартга амал қилиш керак бўлади.

$$\frac{\Delta H}{l} \leq \operatorname{tg} \varphi \quad (7.2)$$

Бу ерда ΔH - пойдеворлар чукурлигидаги фарқ;

l – пойдеворлар орасидаги масофа;

φ – грунтнинг ички ишқаланиш бурчаги.

Мисол-9.1.

Пойдевор қўйиладиган грунт қатлами - ишчи қатlam дейилади - у бинони мўлжалланган давр ичида бемалол ишлашини таъминлаши зарурдир. Пойдевор -бино конструкцияларини нормал ишлашини таъминлаши шартдир, бундан ташқари унга ишлатиладиган материаллар ҳажми, ишни бажариш даври, ишлатиладиган асбоб ускуналар, ва таннархи томонидан ҳам самарадор бўлишини лойихалаш даврида хисобга олиниши лозимдир.

Пойдевор минимал қўйилиш чуқурлигини аниқлашда, қурилиш майдонидаги грунт қатламларини қанча қалинликда музлаши эътиборга олинади. ҚМҚ ни кўрсатмасига биноан, грунтларни меъёрий музлаш чуқурлигини қўйидаги ифодадан хисобланади.

$$H_{M.C} = d_o \sqrt{M_t} = 0,23\sqrt{23} = 1,1 \text{ м}$$

бу ерда $M_t = -23^0$ қурилиш раёнида қиши энг совук кунларида бўладиган ўртacha ойлик совук харорати (ҚМҚ [4] илова – 9 –жадвал) ; 101 бетда 9-жадвал бор.

d_o - маълум грунтни меъёрий музлаши қалинлиги (иловадаги 10 – жадвалдан олинади) . $M_t = -23^0$ да суглиноқ учун $d_o = 23 \text{ см.}$

Грунт турига боғлиқ бўлган d_o катталикнинг микдори, м да

Жадвал-7.1

Гил ва қумли гиллар учун	0,23
Гилли қумлар, майда ва чангсимон қумлар учун	0,28
Ўрта ва йирик қумлар учун	0,3
Чақиқ тошлар учун	0,34

Грунт қатламини хисобий музлаш қалинлиги қўйидаги ифода ёрдамида хисобланади:

$$H_{x.m.k} = m_t \cdot H_{M.C} = 0,6 \cdot 1,1 = 0,66 \text{ м}$$

бу ерда - m_t пойдевор ёнидаги ҳонани иситилишига кўра олинадиган

иссиқлик меъёрий коефициенти mt ни қиймати ҚМҚ [4] 4-жадвалдан ёки иловадан олинади. mt – коефициентнинг қийматлари яна бино хоналарининг полини қаерга қўйилишига боғлиқ бўлган коефициент.(полнинг турларига, полни лагагами ёки грунтни ўзига қўйиишига боғлиқ)

Нм.ч- грунтларни меъёрий музлаш чуқурлиги.m (бинони қуриладиган районига боғлиқ) жадвалдан олинади. 4- жадвал. Лойихаланаётган бино учун $mt = 0,6$ га teng. 4–жадвалдан олинади. Пойдеворнинг энг кам қўйилиш чуқурлиги қўйидагича аниқланади.

$$H_{k.k.ch} = H_{x.m} + 0,2 = 0,66 + 0,2 = 0,86 \approx 0,9 \text{ m.}$$

Бино ва иншоотни лойихалаштиришдан олдин албатта қурилаётган бино заминини ўрганиш зарур. Бунинг учун инженер геологик ва гидрогеологик қидиругв ишларини олиб бориш керак бўлади. Ер ости сувларини ер юзасига яқинлиги қурилаётган бино учун катта аҳамиятга эга чунки ер ости суви бинони заминини чўкишини тезлаштиради. Бунинг учун сувни йўналишини ўзгартириш ёки сувни қочириш керак бўлади. Сувни таркибини ҳам ўрганиш зарур.

Жадвал-7.2

Иншоотнинг қурилма холатлари	Иншоот ташқи девори ва устунларга ёндош хоналарни куну-тун давомидаги иссиқлик даражаси учун mt нинг қийматлари				
	0°C	5°C	10°C	15°C	20°C ва ортиқ
Ертўласиз бино (иншоот) қўйидаги материаллардан қурилганда:					
грунт устида	0,9	0,8	0,7	0,6	0,5
грунт устида тўсин бўлганда	1	0,9	0,8	0,7	0,6
иситиладиган ёпмаси бўлганда	1	1	0,9	0,8	0,7
ертўлалик бино (иншоот)	0,8	0,7	0,6	0,5	0,4

Такрорлаш учун саволлар.

1. Грунтларни меъёрий музлаш чуқурлигини қандай аниқланади ва нималар эътиборга олинади?
2. Пойдеворнинг энг кам қўйилиш чуқурлиги қандай аниқланади?
3. Пойдевор қўйиладиган грунт қатлами нима дейилади?
4. Пойдевор лойиҳалашда грунт музлашининг норматив қатлами нималарга боғлиқ?
5. Грунт қатламини хисобий музлаш қалинлиги қандай аниқланади?
6. Кўпинча пойдеворнинг чуқурлигини танлаш иншоотнинг конструктив ва фойдаланиш шартларига боғлиқ бўладими?
7. Ишчи қатlam қандай қатламдан иборат?
8. Ертўла пойдеворни ертўла чуқурлигидан қанда й жойлаштириш керак бўлади?


VIII БОБ.ПОЙДЕВОРЛАР ТУРЛАРИ.

Курилишда ишлатиладиган барча пойдеворларни қўйидаги турларга ажратиш мумкин. Табиий заминда саёз жойлашган пойдеворлар. Яхлит ҳолдаги оғир пойдеворлар. Бундай пойдеворлар жуда оғир бўлган иншоотлар остида қўлланилади.(кўприк устунлари, бетондан ишланган сув омборлари, тутун мўрилари). Улар асосан бетон ва темир бетондан ясалади. Уларнинг шакли эса иншоот асос қисми шаклини такрорлайди. Агар пойдевор ўлчамлари хисоблаш бўйича иншоот ўлчамларидан катта бўлса, у ҳолда қурилиш материалларини иқтисод қилиш мақсадида пойдеворга зина ёки қиялик шакли берилади.

Алохида турувчи пойдеворлар. Бундай пойдеворлар саноат ва граждан бинолари алохида устунлари, электр симларини кўтариб турувчи устунлар, унча оғир бўлмаган юк кўтариувчи алохида устунлар остида қўлланилади.

Бу пойдеворлар бетон ва темир бетондан ясалади. Баъзан йирик тошлардан ва анна шу тошлардан ясалган бетондан ҳам тузилиши мумкин. Алохида турувчи пойдеворларни қўп юк кўтариш қобилиятига эга


бўлган заминларда ёки пойдеворга унча унча оғир бўлмаган юк таъсир этганда қўллаш мақсадга мувофиқ. Алоҳида турувчи пойдеворлар баландлиги бўйича кўпинча зина шаклида лойиҳаланади. 8.1-расм. Алоҳида турувчи пойдеворлар.



8.1-расм. Алоҳида турувчи пойдеворлар.

Лента шаклидаги пойдеворлар. Бундай пойдеворлар бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи деворлари остига ўрнатилади. Лента шаклидаги пойдеворлар йирик тошлардан, йирик тошли бетондан, бетондан ва темир бетондан ясалиши мумкин. Кўндаланг кесим бўйича бундай пойдеворлар зина трапеция шаклида лойиҳалаштирилади.

Баъзан лента шаклидаги пойдеворларни алоҳида устунлар остида ҳам ишлатилади. Бу эса фақатгина устунларга юқоридан жуда катта қийматли юк таъсир этганда, замин грунтлари эса у юкни кўтара олиш қобилиятига эга бўлмаганда, алоҳида турувчи пойдеворлар ўлчови талабга жавоб бермай жуда катта жойни эгаллаганда мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.




8.2-расм. Лента шаклидаги пойдеворлар.

Ўзаро кесишувчи лента шаклидаги пойдеворлар. Кўпинча алоҳида турувчи устунлар ости пойдеворларини лойиҳалашда замин грунтларининг

юк кўтариш қобилияти етарли даражада бўлмайди. Бу ҳолда бино ва иншоот конструкцияларининг турлича чўкиши туфайли лента шаклидаги пойдеворлар уларнинг мустахкамлигини таъминлай олмайди.

Бундай ҳолларда ўзаро кесишувчи лента шаклидаги пойдеворлар жуда қўл келади. Бу пойдеворлар асосан темир бетондан ишланиб, устунлар эса уларнинг ўзаро кесишган жойига ўрнатилади.



8.3-расм.Лента шаклидаги чорраха пойдевор.

Яхлит темир бетон плиталар Баъзан замин грунтларининг кўп юк кўтара олмаслиги ва пойдеворга жуда катта куч таъсир этиши натижасида бир бири билан бирлашиб кетиш ҳоллари юз беради. Бундай ҳолларда пойдеворни яхлит темир бетон плита лойиҳалаштириш мақсадга мувофиқ.


Яхлит темир бетон плиталар ер ости сувлари сатхидан пастда ўрнатилганда, улар бино ертўласига сув ўтказмаслиги ва иншоот турлича чўкишини маълум даражада камайтириш билан характерланади.

Яхлит темир бетон плиталардан ташкил топган пойдеворларнинг асосий афзалликлари қўйидагилардан иборат.

- бино ва иншоотларнинг умумий мустахкамлиги таъминланади.
- бино ва иншоотларнинг бир ҳил чўкиши таъминланади.
- курилиш ишларини олиб бориш анча енгиллашади.
- ер қазиш ишлари енгиллашиши билан бирга ер ости сувларини иншоот заминидан четлашиш ишларига эхтиёж қолмайди.
- агар пойдевор конструкцияси ичи ғовак плиталардан ташкил топган бўлса,

бу ғоваклар турли ер ости коммуникацияларини ўтказиш учун хизмат қиласди.

Тайёр йиғма пойдеворлар. Қурилиш жойларида заводларда тайёрланадиган йиғма буюмларни ишлатиш йилдан йилга қўпайиб бормоқда. Шу қаторда ҳозирги вақтда темир бетон заводлари турли ҳил пойдевор блокларини ишлаб чиқарайпти, бу буюмлар қурилишда жуда қўл келаяпти. Бундай йиғма пойдевор блокларини ишлатиш асосан қурилиш ишларини тезлатишга ва меҳанизациядан унумли фойдаланишга олиб келади. Бунда пойдевор йиғиши таннархи 15-20%, меҳнат харажати эса 3-4 мартадан кўпроқ камайишига эришилади.



8.4-расм. Йиғма пойдевор. а) зич жойлашган; б) сийрак жойлашган;

Тайёр пойдеворлар блокларини монтаж қилиш йил фаслининг барча ойларида олиб боилиши мумкинлиги хисобга олинса, бу турдаги пойдеворларнинг тайёр блокларини зич, ёки орасини очик қилиб жойлаштириш мумкин.

8.4-§. ПОЙДЕВОРЛАР.

Биноларнинг пойдеворлари мустахкам, устивор, узоққа чидамли (пишиқ), индустрисал ва самарадор бўлиши керак. Пойдеворнинг ётқизилиш чуқурлиги деб унинг таги (ултони) дан ернинг текисланган сатҳигача бўлган масофага айтилади ётқизилиш чуқурлиги бинонинг вазифаси, подвал мавжудлиги, геологик шароитлар, асос грунтининг тури, ернинг музлаш катлами чуқурлиги, ер ости сувлари сатҳи ва бошқа омилларга боғлик бўлади. Пойдеворлар куйидаги белгиларига кўра таснифланади:

материалининг турига кўра: табиий тошдан, бутобетондан, бетондан, темирбетон ва ғиштдан тайёрланувчи; ишлаш характерига кўра, сиқилишга ишловчи “бикр”, сиқилиш ва эгилишга ишловчи “мойил”;

конструктив схемасига кўра: лентасимон (8,2-расм) бинонинг барча деворлари остига узлуксиз ётқизилувчи ва асосга зўрикишларни тенг тақсимлаб узатувчи; устунсимон - устунлар ва деворлар остига алоҳида таянчлар кўринишида ўрнатилувчи; яхлит - бино остига бир бутун массив плита шаклида ётқизилувчи; устунқозикли -грунтга қоқилиб, ботирилиб киритилган, ёки унда ҳосил қилинган чуқурга қуйилган бетон ёки темирбетон стерженлардан ташкил топувчи пойдеворлар.


Ётқизилиш чуқурлигига кўра: саёз ётқизилувчи - ер сатҳидан -5м гача ва чуқур ётқизилувчи -5м дан ортиқ чуқурликда ётқизилувчи пойдеворлар. (8.2-расм).тайёрланиш усулига кўра: заводларда тайёрланган индустрималь конструкцияли йиғма пойдеворлар; қуйма пойдеворлар - бевосита ўз лойиха ўрнида қолилар ўрнатилиб, бутобетон ёки бетондан қуйилувчи; табиий тошлар ёки ғиштдан қоришма воситасида тикланувчи пойдеворлар.

Лентасимон пойдеворлар асосан биноларнинг юк кўтарувчи деворлари остига жойлаштирилади (8.2,8.3-расм). Улар йиғма ва қуйма конструкцияли бўлиши мумкин. Йиғма лентасимон пойдеворлар темирбетон блоклардан ташкил этилади.


Алоҳида устунлар остига ётқизилувчи лентасимон пойдеворлар асос грунти бўш бўлса, ётқизилиш чуқурлиги нисбатан кичик бўлганда ва алоҳида ўрнатилувчи пойдеворларнинг ўлчамлари устунлар қадамига якинлашиб қолган ҳолларда қўлланилади. Улар алоҳида ёки кесишувчи ленталар шаклида лойиҳаланади (8.3-расм).


Устунсимон пойдеворлар алоҳида турувчи устунлар орасидаги масофа пойдевор таглигининг ўлчамларидан катта бўлган ҳолларда қўлланилади; бу эса юклар қиймати ва грунтнинг физик-механик хоссаларига боғлик бўлади:

агар пойдевор тағлигининг ҳисобий ўлчами устунлар орасидаги масофанинг 80% идан кичик бўлса, устунсимон пойдеворлар қўлланилиши мақсадга мувофиқдир (8.5-расм).



8.5 - расм. Пойдеворларнинг конструктив схемалари: а - лентасимон; б - устунсимон; в - яхлит; г - устункозиқли; 1 - қўйма темирбетон плита; 2 - устункозиқлар; 3 - ростверк; 4 - девор; 5 - пойдевор тўсинлари.





8.6-расм. Пойдеворлар: А – саёз ётқизилувчи:

а - устунлар остига ётқизилувчи поғонасимон; б - алоҳида дискли; в – девор остига ётқизилувчи лентасимон; г -устунлар остига ётқизилувчи лентасимон;

Б - чукур ётқизилувчи: а – бурғиланган кудуқда қуйма шаклда;
б – тушириб ўрнатилувчи қувур шаклида: 1 -пойдевор; 2 - пўлат қобикктиш.

Ёстиқ блоклари кесими тўғри тўртбурчак ёки трапециясимон шаклларда тайёрланиб, баландлиги 300 ва 500 мм, узунлиги 800 мм дан 2800 мм гачани ташкил этади. Улар текисланган асосга деворлар остига бир-бирига жипс холда ёткизилади. Уларнинг устидан коришма ёткизилиб, вертикал чоклари бостирилиб, пойдевор деворининг блоклари ўрнатилади. Бундай блоклар эни 300, 400, 500, 600 мм, баландлиги 580 мм, узунлиги 780 ва 2380 мм ўлчамларда ишлаб чиқарилади.

Айрим холларда блоклар енгиллаштирилган конструкцияли қилиб тайёрланади. Материал, меҳнат сарфини камайтириш, асоснинг юк кўтариш қобилиятидан тўлик фойдаланиш мақсадларида ёстиқ блоклари узук-узук (ажратилган) лента шаклида ёткизилади, бунда улар орасидаги масофа 0,2-0,9 м ни ташкил этади.

Йирик ўлчамли йиғма темирбетон элементлардан монтаж килинувчи пойдеворлар ёстиқ-панеллар ва девор-панеллардан ташкил топади. Ёстиқ-

панеллар кобирғали ёки яхлит кўринишда тайёрланиб, йирик панелли уйлар деворлари остига узлуксиз ёки узук-узук лента шаклида ўрнатилади. Улар устига девор-панеллар (яхлит, кобирғали ёки тешикли) монтаж қилиниб, ўрнатма деталлари пайвандлаб бириктирилади.

Кўп сиқилувчи ва чўкувчан грунтлар устига тикланувчи пойдевор ёстиқлари устига 3-5 см қалинликдаги арматураланган чок ва пойдевор устига 10-15 см қалинликдаги арматурали белбог кўзда тутилади. Қия тепаликларда тикланувчи биноларнинг пойдеворлари бўйлама поғонали қилиб тайёрланади.

Бунда ҳар бир поғонанинг баландлиги 0,5 м дан ошмаслиги, узунлиги эса 1 м дан кам бўлмаслиги керак. Ноқулай грунт шароитида барпо этилувчи биноларнинг алоҳида кисмлари чўкиш чоклари билан ажратилади.


Устунсимон пойдеворлар алоҳида устунлар остига қўйилади, улар яхлит ва йигма конструкцияли бўлади (8.6.б-расм). Баъзи холларда устунсимон пойдеворлар биноларнинг юк кўтарувчи деворлари остига ҳам қўйилиши мумкин: улар деворларнинг бурчакларида, ички ва ташқи деворлар кесишиш жойларида, орадеворлар остига ва туйнуксиз деворлар остига 3-5 м оралатиб жойлаштирилади. Бу холларда улар устига йигма ёки қўйма темирбетондан тайёрланувчи пойдевор тўсинлари ўрнатилади.

Ғишт - тош устунлар остига йигма темирбетон ёстик блокларидан ташкил топадиган, синчли биноларнинг темирбетон устунлари остига эса стакан типидаги устуности кисмидан иборат бўлган пойдеворлар ўрнатилади. Панелли биноларда эса стакан типидаги темирбетон ёстик блоклари ва пойдевор устунларидан иборат устунсимон пойдеворлар қўлланилади.

Биноларнинг қўйма бетон ёки пўлат устунлари остига поғонали устунсимон қўйма бетон ва темирбетон пойдеворлар лойихаланади.

Яхлит пойдеворлар бинонинг бутун майдони остига массив қўйма темирбетон плита шаклида ёткизилади. Бундай пойдеворлар бинодан тушадиган юклар микдори катта бўлганда, ёки асос грунти заиф ва бир жинсли бўлмаган холларда қўлланилади;

улар бино асосининг текис чўкишини тамиnlайди ва подваллар қаватларини ер ости сувлари таъсиридан химоялайди. Қобиқ-пойdevорлар яхлит пойdevорларнинг бир тури бўлиб, материал сарфининг камлиги билан ажралиб туради.



8.7-расм. Яхлит пойdevорлар.

Устунқозиқ пойdevорлар ҳам асос грунтининг юк кўтариш кобилияти паст бўлганда, бинодан тушадиган юк катта бўлиб, у бир жинсли бўлмаган асос устига қурилиши зарур бўлган холларда қўлланилади. Устунқозиқли пойdevорлар асос грунти ичига киритилган устунқозиқлар ва уларни бирлаштириб турувчи устки тўсин -ростверклардан ташкил топади.

Қурилиш амалиётида кўп холларда бинолар бир - бирига ёпиштириб қурилади. Бундай холларда кўшни бино тарафида пойdevорларнинг поғоналари бўлишига йўл кўйилмайди ва ёнма-ён жойлашувчи биноларнинг пойdevорлари носимметрик қилиб қурилади. Янги қуриладиган бино пойdevори таглигининг энини қискартириш учун айрим ҳолларда енгиллаштирилган конструкцияли килиб тайёрланади.

Материал, меҳнат сарфини камайтириш, асоснинг юк кўтариш қобилиятидан тўлик фойдаланиш мақсадларида ёстик блоклари узук-узук (ажратилган) лента шаклида ётқизилади, бунда улар орасидаги масофа 0,2-0,9 м ни ташкил этади.

Йирик ўлчамли йиғма темирбетон элементлардан монтаж қилинувчи пойdevорлар ёстик- панеллар ва девор-панеллардан ташкил топади. Ёстик-панеллар кобирғали ёки яхлит кўринишда тайёрланиб, йирик панелли уйлар деворлари остига узлуксиз ёки узук-узук лента шаклида ўрнатилади. Улар

устига девор-панеллар (яхлит, кобирғали ёки тешикли) монтаж қилиниб, ўрнатма деталлари пайвандлаб бириктирилади. Кўп сиқилувчи ва чўкувчан грунтлар устига тикланувчи пойдевор ёстиклари устига 3-5 см қалинликдаги арматураланган чок ва пойдевор устига 10-15 см қалинликдаги арматурали белбоғ кўзда тутилади.

Қия тепаликларда тикланувчи биноларнинг пойдеворлари бўйлама поғонали қилиб тайёрланади. Бунда ҳар бир поғонанинг баландлиги 0,5 м дан ошмаслиги, узунлиги эса 1 м дан кам бўлмаслиги керак.

Ноқулай грунт шароитида барпо этилувчи биноларнинг алоҳида қисмлари чўкиш чоклари билан ажратилади. Пойдеворнинг яхлитлигини таъминлаш катта ахамиятга эга бўлади. Шу сабабли, яхлит-плитасимон, кесишган лентасимон ва козик-пойдеворлар қўлланилиши максадга мувофик бўлади. Бу ҳолларда йиғма темирбетон конструкцияли пойдеворларнинг қўлланилиши иқтисодий самарадор ечим хисобланади.



Мисол-1. Лентасимон пойдеворларни хисоблашга доир мисоллар ечиш.

1. Заминга таъсир этадиган юкларни хисоблаш.

Лойиҳаланаётган бино уч қаватли ва ертўласи бўлиб, режада тўғри тўртбурчакли, узунлиги $L=36$ м, эни $B=15$ м (8.8-шакл). Бинони вертикал юк кўтарувчи элементлари ғишт деворлар бўлиб унга лентасимон пойдевор қабул қилинади.

Ташқи деворларни эни 51 см, солиширма оғирлиги $\gamma=18$ кН/м³. Том яssi, шамоллатиладиган нишаби ўртага йўналтирилган, юмшоқ қатма-қат тузилмали. Пол линолиумдан тайёрланган. Хоналарни ажратувчи пардадеворлар қалинлиги 8 см ли гипсабетон плиталардан, хонадонларни ажратувчи деворлар эса 2 та 8 см ли гипсабетон плиталардан иборат бўлиб оралиғида 4 см ли бўшлиқ қолдирилган.

Карниз (пештоқ) темир бетондан ясалган бўлиб, ҳар бир метр узунлиги 2,8 кН оғирликга эга. Ертўла поли сатхининг чуқурлиги 5,6 м га teng. қурилиш майдони қор босими бўйича ИИИ – минтақада жойлашган.



8.1-расм. Туар жой биносынинг конструктив схемаси.

2. Юк юзаларини аниқлаш ва хисоблаш.

А-2 ўқлардаги ташқи девордан тушаётган юк миқдорини аниқлаймиз.

(5.1.а-расм). Юкланиш майдони қуйидагича аниқланади:

$$A_1 = 3,0 \times 2,8 = 8,4 \text{ м}^2$$

Бу ерда: 3,0 м – дераза бўшлиқлари ўқларининг оралиғидаги масофа;

2,8 м – иккала юк кўтарувчи девор орлиғидаги масофанинг ярми;

A_1 юзага тушаётган юклар 5 - жадвалда келтирилган.

1 м лентасимон пойдевор узунлигига тушаётган меъёрий юклар қийматини

А-2 ўқлар бўйича аниқлаймиз:

- доимий юк қуйидагича аниқланади:

$$H_g^H = 371,1/3 = 123,7 \text{ кН/м.}$$

- вақтинчали юкни аниқланади:

$$H_b^H = 21/3 = 7 \text{ кН/м.}$$

-умумий юкни аниқланади:

$$H^H = 391,1/3 = 130,4 \text{ кН/м.}$$

Хисобий юклар миқдори қуйидагича:

-доимий юклар қуйидагича аниқланади:

$$H_g = 420,5/3 = 140,2 \text{ кН/м.}$$

-вақтинчалик юклар қуйидагича аниқланади:

$$H_b = 29,5/3 = 9,84 \text{ кН/м.}$$

-умумий юклар йигиндиси қуидаги аниқланади:

$$H = 450/3 = 150 \text{ кН/м.}$$

А₁ юзадан ($8,4 \text{ м}^2$) ташқи девор остидаги пойдеворга тушаётган меъёрий ва ҳисобий юкларни жадвалга юклаймиз. 5.1-жадвал.

Юк майдонларини аниқлаб бўлгандан сўнг иккинчи юза бўйича С-1-2 ўқлардаги ташқи девордан тушаётган юк миқдорини ана шу тарзда аниқлаймиз.

Юкланиш майдони қуидаги аниқланади:

$$1) 3,0 \times 4,5 = 13,5 \text{ м}^2$$

Бу ерда: 4,5 м С-Д ўқлар орасидаги масофа;

3,0м бинонинг узунлиги бўйича 1-2 ўқлар ва бинонинг эни бўйича В-С-Д ўқлар орасидаги хоналарнинг кенглиги масофаси. Сўнг меъёрий юклар қиймати аниқланади.Хисобни юқориги тартибда аниқланади.

А₁ юзадан ($8,4 \text{ м}^2$) ташқи девор остидаги пойдеворга тушаётган меъёрий ва ҳисобий юклар. 5.1-жадвалга жойланади.

А₁ юзадан ($8,4 \text{ м}^2$) ташқи девор остидаги пойдеворга тушаётган меъёрий ва ҳисобий юклар. 5.1-жадвал

Юкланиш майдонини аниқлаш учун аввало бинонинг режасини чизиб олинади.Бинонинг узунлиги ва эни бўйича энг характерли ўқлардаги устунларга тушаётган юкларни алохиди юзаларни ажратиб олинади.

Мисол учун А-1 ўқдаги устун учун юк майдонини анқлаймиз.Сўнг В-3 ёки В-4 ўртадаги қатор устунга тушаётган юкларни аниқлаш учун юк майдонини аниқлаймиз.

Мисол-2.Ташқи девор остидаги лентасимон пойдевор ўлчамларини аниқлаш. Грунт босимидан ертўла деворига таъсир қилаётган горизонтал қуч қийматини хисобга олмаймиз.

Меъёрий ва хисобий юк қийматлари:

$$N^H = 0,1304 \text{ МН/м}, N = 0,15 \text{ МН/м}, \gamma_{ii} = \gamma_{ii}^o = 0,0185 \text{ МН/м}^3.$$

$$P_0 = 0,2 \text{ Мпа} \text{ (иловадаги 15-16-17-18 – жадваллардан олинади). [1]}$$

$$M_\gamma = 0,9,8; M_r = 4,93; M_C = 7,4; \gamma_{cl} = 1,3 \text{ ва } \gamma_{c2} = 1,2; k = 1,1.$$

Жадвал-8.1

	Юкларнинг номи	Белгиси	Қайси меъёрий хужжатдан олинган	Бирлик майдонига тушаётган юк kN/m^2	Юк майдонига таъсир этаётган меъёрий юк, kN/m^2	Ишончлилик коэффициенти γ_f	Хисобий юк kN/m^2
1.	Орасидан хаво ўтадиган қатма-қат том.	$H_{\text{том}}$	Илова 12-жадвал	4,6	$4,6 \times 8,4 = 38,64$	1,3	50,2
2	Қаватлароро ёпма плиталар	$H_{\text{пл}}$	13-жадвал	2,8	$2,8 \times 8,4 \times 3 = 70,56$	1,1	77,7
3	Уч қаватдаги гипсобетон пардадевор	$H_{\text{пар}}$	13-жадвал	1,5	$1,5 \times 8,4 \times 3 = 37,8$	1,1	41,6
4	Уч қаватдаги линолиум полдан	$H_{\text{пол}}$	13-жадвал	0,91	$0,91 \times 8,4 \times 3 = 22,9$	1,3	29,8
5	Учта қаватдаги деворларнинг дераза бўшлиқлари чиқарилган холдаги оғирлиги	$H_{\text{дев}}$		18	$[0,51 \times (3 \times 2,8 - 1,8 \times 1,59) \times 18 \times 3] = 151,5$	1,1	166,6
6	Карнизгача бўлган девор оғирлиги	$H_{\text{дев}}$		18	$0,51 \times 0,5 \times 3 \times 18 = 13,8$	1,1	15,2
7	Темирбетон карниздан	$H_{\text{карн}}$		2,8	$2,8 \times 3 = 8,4$	1,1	9,2
8	Деворнинг пойпеш (цокол) қисмини оғирлиги	$H_{\text{цок}}$		18	$0,51 \times 3 \times 1,0 \times 18 = 27,5$	1,1	30,3
	ЖАМИ доимий юк				371,1		420,5
9	Қор оғирлигидан	$H_{\text{кор}}$	Илова 13-жадвал	1,0	$1,0 \times 8,4 = 8,4$	1,4	11,8
10	Уч қаватдаги ороёпмадан вақтинчалик юк	$H_{\text{вак}}$	Илова 13-жадвал	1,5	$1,5 \times 8,4 = 12,6$	1,4	17,7
	ЖАМИ ВАҚИНЧАЛИ ЮК				21,0	-	29,5
	УМУМИЙ ЖАМИ ЮК				391,1	-	450

Пойдеворнинг эни тақрибан қуйидаги ифодадан аниқланади [4]

$$A_{\pi} = \frac{N}{(R - \gamma_d d)} = \frac{0,1304}{(0,2 - 0,02 \times 2,25)} = 0,84 \text{ м}$$

1. Бу ерда $N^h = 0,1304 \text{ Мн/м}$ – бинодан пойдеворга тушаётган мөшерий юк;

a. $\gamma_{\pi} = 0,02 \text{ Мн/м}^3$ – бетон ва грунтнинг ўртаса зичлиги;

b. $d = 2,25 \text{ м}$ d – ер сатхидан пойдевор қўйилиш чуқурлиги.

$\Phi 10$ русумли плитани танлаймиз $v = 1,0 \text{ м}$. Унинг 1 м узунлигини оғирлиги $G_{\pi} = 1580 \text{ кг} = 0,015 \text{ Мн}$, $\Phi C 6$ русумли учта ва $\Phi C H 6$ русумли битта пойдевор девор блокидан иборат ертўла деворининг 1 м узунлигини оғирлиги

$$G_d = 3 \times 10 \times \frac{1960}{2,38} + 10 \times \frac{490}{1,18} = 0,0251 \text{ Мн}$$

Пойдеворнинг токчаси устига жойлашган грунт оғирлиги

$$G_{gp} = 0,4 \times 1,95 \times 0,0185 = 0,0144 \text{ Мн}$$

Пойдевор товони остидаги ўртаса босимни қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$P_{ypt.b.} = \frac{N^h + G_{\pi} + G_d + G_{gp}}{\sigma \times l} = \frac{0,1304 + 0,015 + 0,0251 + 0,0144}{1 \times 1} = 1,85 \text{ мПа}$$

$$P_{ypt.b.} = 0,185 \text{ мПа} < P = 0,271 \text{ мПа} - \text{ мустахкамлик шарти бажарилаяпди.}$$

Лекин замин юкландиганлик даражаси 68% ни ташкил этади, яъни пойдевор иқтисодий жихатдан самарасиз хисобланади. Шунинг учун пойдевор товони сифатида $\Phi 8$ русумли плита қабул қиласиз – $v = 0,8 \text{ м}$.

Пойдевор жойлашган грунтнинг қарама қарши босими. Заминнинг хисобий қаршилиги қуйидагича аниқланади:

$$R_{x,k} = \frac{1,3 \times 1,2}{1,1} [0,98 \times 0,8 \times 1,0 \times 0,01845 + 4,93 \times 0,519 \times 0,0185 + (4,93 -$$

$$1) \times 1,73 \times 0,0185] = 0,264 \text{ мПа}$$

$\Phi 8$ русумли пойдевор плитаси 1 м узунлигининг оғирлигини аниқлаймиз:

$$G_d = 10 \times \frac{1430}{2,38} \times 10^{-6} = 0,0060 \text{ Мн}$$

Грунт оғирлиги қуйидагича аниқланади.

$$G_{gp} = 0,2 \times 1,95 \times 0,0185 = 0,0072 \text{ Мн}$$

Пойдевор товони остидаги ўртача босим

$$P_{\text{юрт.б}} = \frac{0,1304 + 0,0065 + 0,0072 + 0,0251}{0,8x1} = \frac{0,1687}{0,8} = 0,21 \text{ мПа} \text{ демак}$$

$P_{\text{юрт.б}} = 0,21 \text{ мПа} < R_{x,k} = 0,264 \text{ мПа}$ - мустахкамлик шарти бажарилди.

Пойдевор қурилмасини биринчи чегаравий холат бўйича хисоблаш.

Пойдевор материалини В12,5 синифли бетондан қабул қиласиз. Пойдевор остига қумли-шагалли зичланган тўшама ётқизиш режалаштирилган. Шунинг учун бетон ҳимоя қатламининг баландлиги қуидаги ифода орқали аниқланади:

$$h_0 = h - a = 0,3 - 0,035 = 0,265 \text{ м.}$$

Пойдевор ва унинг устида жойлашган грунт оғирлигидан хисобий юк қуидагича аниқланади.

$$G_{\text{гр}}^x = 1,1(0,006 + 0,025) = 0,0349 \text{ МН}$$

$$G_{\text{гр}}^x = 1,2x0,0072 = 0,0086 \text{ м} \quad \text{МН}$$

Хисобий юқдан пойдевор товони остидаги босим қуидагича аниқланади:

$$P_{\text{юрт.б}} = \frac{N^x + G^x_n + G_{\text{ГР}}}{A} = \frac{0,15 + 0,034 + 0,0086}{0,8x1} = 0,24 \text{ мПа}$$

Девор қирғидаги пойдевор кесимидан хосил бўладиган қўндаланг кучни аниқлаймиз:

$$K = P_{\text{юрт.б}} \frac{\ell - \ell_x}{2} = 0,24x0,8x \frac{0,8 - 0,6}{2} = 0,019 \text{ МН}$$

Иловадаги 20 – жадвалдан В12,5 синифли бетон учун $R_{\text{вт}} = 0,66 \text{ мПа}$, қўндаланг куч таъсиридаги мустахкамлик шарти қуидагича аниқланади:

$$K \leq \phi_{B3} R_{\text{вт}} v_0; K = 0,019 \text{ МН} < 0,6x0,66x0,8x0,265 = 0,084 \text{ МН} \text{ шарт}$$

бажарилаяпти, қўндаланг арматура талаб этилмайди.

Босиб чўқтирувчи (продавливание) хисобий кучни аниқлаймиз:

$$\Phi = P_{\text{юрт}}^x \frac{\sigma - \sigma_g - 2h_0}{2} = 0,24x \frac{0,8 - 0,6 - 2 \cdot 0,265}{2} < 0$$

Демак босиб чўқтирувчи хисобий куч таъсиридаги мустахкамлик таъминланган. Девор қирғидаги плита кесимида хосил бўлган эгувчи моментни аниқлаймиз.

$$M = 0,125 P_{\text{PT}}^x (b - b_r)^2 x b = 0,125 \times 0,24 \times (0,8 - 0,6)^2 \times 0,8 = 0,00096 \text{ МНм.}$$


Ишчи арматура сифатида хисобий қаршилиги $P_c = 280$ Мпа га тенг А-ИИ синфли (иловадаги 21 – жадвал) арматура қабул қиласиз. Пойдевор плитасининг 1 м узунлигига түғри келадиган арматура кўндаланг кесим юзасини аниқлаймиз:

$$A_c = \frac{M}{0,9 \cdot h_0 \cdot R_s} = \frac{0,00096}{0,9 \cdot 0,265 \cdot 280 \cdot 10^3} = 0,143 \text{ см}^2$$

Иловадаги 22 – жадвалдан кесим юзаси $A_c = 1,42 \text{ см}^2$ А-ИИ ($5\phi 6$ А-ИИ) синфдаги арматура қабул қиласиз. Пойдевор энини 1 м узунлигига түғри келувчи тақсимловчи арматуранинг кесим юзасини аниқлаймиз.

$A_{cp} = 0,1 \times 1,42 = 0,142 \text{ см}^2$, $A_{cp} = 0,85 \text{ см}^2$ бўлган А-И ($3\phi 6$ А-И) синфли арматура қабул қиласиз. Арматура қадами $Y = 35 \text{ см}$.

Хисоблардан сўнг лентасимон пойдеворнинг режасини чизамиз.



8. 2-шакл. Лентасимон пойдевор режаси.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Қобик-пойдеворлар яхлит пойдеворларнинг қандай турига киради?
2. Устункозиқлар ва уларни бирлаштириб турувчи устки тўсин нима деб аталади?
3. Яхлит пойдеворларни тушунтиринг.
4. Устунсимон пойдеворлар қандай пойдевор турига киради?
5. Биноларнинг юк кўтарувчи деворлари остига қандай пойдевор ишлатилади?
6. Пойдеворнинг вазифаси нималардан иборат?
7. Бетон ҳимоя қатлами ning баландлиги қандай аниқланади?
8. Пойдевор ва унинг устида жойлашган грунт оғирлигидан хисобий юк қандай аниқланади?
9. Заминнинг ҳисобий қаршилиги қандай аниқланади?
10. Арматура қадами қандай аниқланади ва қандай танланади?
11. Пойдевор қурилмасини биринчи чегаравий холат бўйича қандай хисоблаш мумкин?
12. Ташқи девор остидаги лентасимон пойдевор ўлчамларини қандай аниқланади?

8.5-§.ДЕВОРЛАР.

Биноларнинг деворлари қўйидаги талабларни каноатлантириши керак: мустахкамлик ва устиворлик; иссиклик изоляцияси; товуш изоляцияси; узокка чидамлилик (пишиклик); ёнфинга чидамлилик; индустримальлик, яъни энг кам меҳнат сарфланиб барпо этилиши; меъморий-бадиий; иктисадий, яъни массаси энг кичик бўлиши, 1m^2 юзасининг нархи ва меҳнат сарфининг энг кам бўлиши. Биноларнинг деворлари қўйидаги белгиларига қараб таснифланиши мумкин: жойлашиш ўрнига кўра: ташқи ва ички; Деворлар ишлаш шароитига кўра: юк кўтарувчи, ўз юкини кўтарувчи, юк кўтармайдиган; конструкциясига кўра: майда элементли - ғишт, табиий тошлардан ва йирик

элементли - йирик ўлчамли блок ва панеллардан; қуйма темирбетон; таркибига кўра: бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган.

Деворларнинг терими ғиштдан, табиий тошлардан ёки кичик ўлчамли сопол ва бошқа материаллардан тайёрланган блоклардан бажарилиши мумкин. Деформация чоклари деб деворларда пастдан юкоригача қолдириб, эластик материал билан тўлдириувчи вертикалар тирқишлигарга айтилади.

Деворларнинг чоклар воситасида бўлиниши унинг ёнма-ён жойлашувчи қисмларини вертикал ва горизонтал йўналишда силжишига имкон беради, ҳарорат ўзгариши ёки бинонинг нотекис чўкишида ёрилишдан сақлайди.

Деформация чоклари ҳарорат ва чўкиш чокларига бўлинади.

Ҳарорат чоклари бино деворини пойдеворнинг устки сатхидан карнлизгача ажратади, улар орасидаги масофа девор конструкцияси ва иқлим шароитларига караб 30 м дан 150 м гача бўлиши мумкин.

Чўкиш чоклари пойдевор тагидан бошланиб, карнiz устида тугалланади. Улар бинони (деворлар, ораёпмалар ва ёпма) алоҳида бўлма (кисм) ларга ажратади. Улар бинонинг баландлиги хар хил бўлган қисмларининг уланиш жойларида ёки пойдеворлар турли хилдаги грунтларга ёткизилса-участкалар чегараларида жойлаштирилади. Кўп ҳолларда чўкиш чоклари бир вактнинг ўзида ҳарорат чоки вазифасини ҳам бажаради.

Мамлакатимизда кенг тарқалган ёки 04 синчли биноларнинг деворлари учун енгил материаллардан тайёрланган тўлдиригичларнинг қўлланилиши, уларнинг қоришка билан яхши ёпишишини таъминлаш, бино синчи конструктив схемасининг тўри танланиши каби тадбирлар иморатлар зилзилабардошлигини оширишга хизмат килади. Темирбетон ва пўлат синчли биноларда ҳам девор конструкциясининг синчга махкамланишини тамилловчи чоралар қўрилиши мухим ахамиятга эга .

Ёғоч деворлар хозирги пайтда курилиш амалиётида жуда кам қўлланилади. Бизнинг улкамизда тахта-ёғоч камёб материал бўлгани учун мукаммал курилишда деворларни тиклашда у деярли ишлатилмайди. Фақат вақтинчалик биноларнинг деворлари учун тахта, ёғоч-пайраҳали ва ёғоч-

толали плиталардан фойдаланилади.

Қайрағоч, чинор, эман каби дaraohт ёғочларидан юксак бадий күринишида ишланган устунлар турли меморий обидалар қурилишида құлланилади. Туар-жойларнинг айвонлари ва бошка ҳоналари учун қарағай, арча, терак каби дaraohт ёғочларидан тайёрланувчи устунлар құлланилади.

Такрорлаш учун саволлар.

- 1.Биноларнинг деворлари қандай талабларни каноатлантириши керак?
- 2.Деформация чоклари қандай қўйилади?
3. Деформация чоклари қандай чокларга бўлинади?
- 4.Бино деворини пойдеворнинг устки сатхидан карнизгача ажратиладиган чок нима деб аталади?
- 5.Пойдевор тагидан бошланиб, карнiz устида тугалланадиган чоклар нима дейилади?
- 6.Ҳарорат чоклари деб қандай чокларга айтилади?
- 7.Чўкиш чокларга изоҳ беринг.
- 8.Деворлар ишлаш шароитига кўра неча турларга бўлинади?
- 9.Конструкцияси-тайёрланишига кўра қандай турларга бўлинади?

ІХБОБ.САЁЗ ПОЙДЕВОРЛАРНИ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ.

9.1-§.МАРКАЗИЙ ВА НОМАРКАЗИЙ ЮКЛАНГАН ПОЙДЕВОРЛАРНИ ҲИСОБЛАШ.

Ҳар қандай пойдеворнинг асосий хизмати юқоридан иншоотдан тушаётган юкни иншоот заминига узатиб, унинг мустахкамлигини таъминлашдан иборат.Хисоблаб топиладиган пойдеворнинг шакли, унга юқоридан таъсир этувчи юкнинг қийматига, иморат остки қисмининг тузилишига ва унинг материалига боғлиқ.Пойдевор материалининг ишлашига боғлиқ равишда қаттиқ ва эгилувчан турларга бўлинади.Қаттиқ пойдеворлар деб материали фақат сиқилишга ишлайдиган пойдеворларга айтилади. Қаттиқ пойдеворларда, асосан уларнинг асос юзаси ва остки қисмининг ўлчамлари хисобланади.Пойдеворга юқоридан N қийматга эга

бўлган марказий куч таъсир этади. Пойдевор асосининг майдонига акс таъсир кўрсатувчи босининг қийматини R_o деб белгилаймиз. Пойдевор асосининг ўлчамлари қуидагича аниқланади. Акс таъсир кўрсатувчи босим грунт юзаси бўйича тўғри тўртбурчакли эпюра шаклида намоён бўлади. Барча кучларни тенглаштиrsак қуидагича аниқланади.

$$N + G = Q \cdot 10 \quad (9.1)$$

ерда N - иншоотдан пойдеворга таъсир кўрсатаётган юк,(бутун бинонинг конструкцияларидан тушаётган юк, вақтинчалик қорнинг оғирлиги, шамол кучи, юки) кг; т;

G - пойдевор ва унга устки ён томонларидан тушаётган грунтнинг оғирлиги.кг;

Q - грунтнинг кўтариш қобилияти = $10 R_o \cdot F$;

F - изланаётган пойдевор асосининг юзаси, m^2 .

H - пойдевор баландлиги.m.

10- грунт қаршилиги ўлчам бирлигини ўзгартирувчи коэффициенти(ўлчов бирликларидан ўтиш коэффициенти- g ,кг,т)

$$G = F \cdot H \cdot \gamma_{yp}. \quad (9.2)$$

γ_{yp} - пойдевор учун ишлатиладиган материал ва пойдевор устидаги грунтнинг ўртача хажмий оғирлиги, t/m^3

Пойдеворни юзаси F ни топамиз.

$$F = \frac{N}{10 * R_o - H * \gamma_{yp}} \quad (9.3)$$

Агар пойдевор асосининг юзаси квадрат шаклида бўлса, унинг томонлари (A ва B) қуидагича аниқланади.

$$A = B = \sqrt{\frac{N}{10 * R_o - H * \gamma_{yp}}} \quad (9.4.)$$

R_o - пойдевордан заминга узатилаётган бинодан тушаётган юкларни кўтариб турувчи хисобий қаршилик.

Пойдевор асосининг юзи тўғри тўртбурчак бўлган холда топилган F

нинг қийматига қараб томонлари белгиланади. Агар марказий куч таъсиридаги пойдеворнинг узунлиги бир томонга чексиз тарқалган бўлса, у холда хисоб 1 пог.м узунлик учун олиб борилиб (1) унинг кенглиги В ни аниқлашга имкон беради. В-5 ўқлари кесишиган жой учун блок- ёстиқлар оралиги қум билан тўлдирилиб зичланади.

Уни устидан қалинлиги 20 см бўлган арматура қовурғали яхлит қўйма бетон камари қўйилади бундан асосий мақсад бинони нотекис чўкишни камайтириш ёки зилзалабардошликни оширишдир.

Оралари очик ёстиқ қўйилган пойдеворларга бундай бетон камарни биринчи қаторга блоклар ёткизилидан кейин қилинади. Йирик панелли уйларнинг пойдеворлари панел-плита ва девор панел сифатида қабул қилинади.

Девор панели бино цоколи вазифасини ҳам ўтайди. Якка холда ўрнатиладиган пойдеворлар, устунлар остига қўйилади, улар бир, икки ва кўп поғонали бўлади.

Мисол -1: Пойдевор энини аниқлаш.

КМК кўрсатмасига асосан пойдевор эни қўйидаги ифодадан хисоблаб топилади:

$$B = \sqrt{\frac{N^H}{\eta(R_o - \gamma_{\text{ж}} \cdot d \cdot g)}} = \sqrt{\frac{1059,8}{1(250 - 2,2 \cdot 1,0 \cdot 10)}} = 2,15 \text{ м} \quad (9.5)$$

Бу ерда: N^H - ўқ бўйича таъсири этаётган, юздан хосил бўлган норматив юқ, кН.(3-жадвал).

η - пойдевор томонлари нисбати, агар пойдевор асоси юзаси квадрат бўлса

$\eta = 1$; тўғри тўртбурчак бўлса $1 < \eta < 10$;

лентасимон пойдеворлар учун $\eta = 10$ тенг.

Бизнинг мисолимизда $\eta = 1$ тенг деб оламиз.

R_o - грунтни (ишчи қатламини) шартли юқ кўтариш қобилияти, кПа, КМК жадвалларидан олинади(Иловадаги 15-16 жадваллар), бизнинг мисолимиз учун, қаттиқ суглинок $\bar{J} = 0$; $e = 0,89$ $R_o = 250$ кПа; Замин грунтларининг

хисобий қаршилигини қуидаги ифодадан хисоблаб топамиз. (9.2) [4].

Жадвал-9.1

1T/ р	Юкларнинг номи	Белги си	Қайси норматив хужжатдан олинган	Хисоб формулас и	Нормат ив юк, Кн	Юкланиш бўйича ишончли- лик коэффи- циенти	Хисобий юк, Кн
1	И Доимий орадан хаво оқими ўтмайдиган қатма-қат юмшоқ том	Н том	[4] п. 8 , иловадаги 12- жадвал	3,6x144	518,4	1,2	622
2	Темирбетон қобиръали плита 3x12 м	Н т.б.п.	қўл.153 б. 4.1- жадвал 13- жадвал	1,7x144	244,8	1,1	269,3
3	24-м ли темирбетон ферма	Н _Ф	қўл.154 б. 4.2- жадвал 14- жадвал	149x1	149	1,1	163,9
4	Темирбетон устун $\ell = 12,6 \text{ м}$	Н _{көз}		(12,6x0,4x 44)x25	75,6	1,1	83,2
5	ИИ – вақтинчалик қор огирлигидан	Н _к	ҚМҚ	0,5x144	72	1,4	100,8
	ЖАМИ	Н			1059,8	- Доимий Вақтинч	1240 1140 100

$$\begin{aligned}
 R &= \frac{\gamma_{c1} \cdot \gamma_{c2}}{\kappa_h} (M_r b_n \cdot \gamma_{11} + M_g \cdot d \cdot \gamma_{cp}^1 + M_c \cdot C^H) \cdot g = \\
 &= \frac{1,2 \cdot 1,1}{1,1} (0,51 \cdot 1 \cdot 2,15 \cdot 1,749 + 3,06 \cdot 1,0 \cdot 1,732 + 5,661,9 \cdot 10 = 1,2 \cdot (1,92 + 4,77 + 10,8) \cdot 10 = 209,1
 \end{aligned}$$

Бу ерда: γ_{c1} , γ_{c2} - грунтларни ишлаш шароити коефициенти иловадаги

17-жадвалдан олинади). 17- жадвал

M_r , M_g , M_c - ўлчовсиз коефициентлар бўлиб иловадаги

18- жадвалдан грунтларнинг ички ишқаланиш бурчаги ϕ га асосан олинади олинади, [4]

Бизнинг мисол учун $\phi = 20$ бўлганда $M_\gamma = 0,51$, $M_g = 3,06$, $M_c = 5,66$

b_n – хисоблаб топилган пойдевор эни $b_n = 2,15$ м

κ – коефициент, агар грунтнинг мустахкамлик кўрсаткичлари (ϕ ва C) тажриба йўли билан топилган бўлса $\kappa = 1$, жадваллардан олинган бўлса $\kappa = 1,1$ қабул қилинади.

d - пойдеворни қўйилиш чуқурлиги, м.

γ'_{11} – 11 пойдеворни қўйилиш чуқурлигидаги қатlam (γ_{11}) грунтини ҳажмий оғирлиги, kH/m^3 ,

γ''_{11} – 11 пойдеворни қўйилиш чуқурлигидан пастдаги қатlam грунтлари ўртача ҳажмий оғирлиги, kH/m^3 ; g - ўтиш коефициенти, $g = 10$; C_h - юк кўтарувчи қатlamни грунт доначаларини тутиниш коефициенти kPa , уни қиймати грунтни ғоваклик коефициенти ва пластиклик кўрсаткичлари

орқали ҚМҚ [4] таблицасидан ёки иловадаги 7-жадвалдан аниқланади.

M_γ , M_g , M_c коефициентларининг қийматлари

Хисоблаб топилган Р миқдоридан фойдаланиб пойдевор энини топамиз.

$$b = \sqrt{\frac{1059,8}{1(209,1 - 2,2 \cdot 1 \cdot 10)}} = 2,38 \text{ м}$$

У холда $A = b^2 = 2,38^2 = 5,6 \text{ m}^2$

Пойдевор остидаги фактик – ўртача босимни аниқлаймиз:

$$P_\phi = (N^H + G) / A = (1059,8 + 115,46) / 5,66 = 207,65 \text{ kPa}$$

G - пойдеворнинг оғирлиги, kH , қуйидаги ифодадан топилади:

$$G = \beta \cdot \gamma \cdot A \cdot d \cdot g = 0,85 \cdot 2,4 \cdot 5,66 \cdot 1,0 \cdot 10 = 115,46 \text{ kH},$$


бу ерда β - ўлчовсиз коефициент $\beta = 0,85$

γ' – пойдевор материалини ҳажмий оғирлиги, kH/m^3

g - ўлчовсиз ўтиш коефициенти.
d - пойдеворни қўйилиш чуқурлиги, м.

Жадвал-9.2

Ички ишқала ниш бурчаги φ_{11} град.	Коефициентлар			Ички ишқалан. бурчаги φ_{11} град	Коефициентлар		
	M_γ	M_κ	M_C		M_γ	M_κ	M_C
0	0	1,0	3,14	24	0,72	3,87	6,45
1	0,01	1,06	3,23	25	0,78	4,11	6,67
2	0,03	1,12	3,32	26	0,84	4,37	6,90
3	0,04	1,18	3,41	27	0,91	4,64	7,14
4	0,06	1,25	3,51	28	0,98	4,93	7,40
5	0,08	1,32	3,61	29	1,06	5,25	7,67
6	0,10	1,39	3,71	30	1,15	5,59	7,95
7	0,12	1,47	3,82	31	1,24	5,95	8,24
8	0,14	1,55	3,93	32	1,34	6,34	8,55
9	0,16	1,64	4,05	33	1,44	6,76	8,88
10	0,18	1,73	4,17	34	1,55	7,22	9,22
11	0,21	1,83	4,29	35	1,68	7,71	9,58
12	0,23	1,94	4,42	36	1,81	8,24	9,97
13	0,26	2,05	4,55	37	1,95	8,81	10,37
14	0,29	2,17	4,69	38	2,11	9,44	10,80
15	0,32	2,30	4,84	39	2,28	10,11	11,25
16	0,36	2,43	4,99	40	2,46	10,85	11,73
17	0,39	2,57	5,15	41	2,66	11,64	12,24
18	0,43	2,73	5,31	42	2,88	12,51	12,79
19	0,47	2,89	5,48	43	3,12	13,46	13,37
20	0,51	3,06	5,66	44	3,38	14,50	13,98
21	0,56	3,24	5,84	45	3,66	15,64	14,64
22	0,61	3,44	6,04				
23	0,69	3,65	6,24				



9.1-расм. Стакансимон пойдеворнинг ишчи чизмаси.

Пойдевор энини $a \times b = 2,4 \times 2,4$ м қабул қиласиз. Пойдеворни охирги аниқланган асоси энидан фойдаланиб замин грунтининг хисобий қаршилиги

$$R_o \text{ ни аниқлаймиз. } R_o = \frac{1,2}{1,1} (0,51 \cdot 1 \cdot 2,40 \cdot 1,749 + 3,06 \cdot 1 \cdot 1,732 + 5,66 \cdot 1,9) \cdot 10 = \\ = 1,2(2,12 + 4,77 + 10,8) \cdot 10 = 212,3 \text{ кПа}$$

Демак, қабул қилинган пойдеворнинг эни талабга жавоб беради.

Хисобий ва фактик босимлар фарқи 5% гача бўлади.

Мисол- 2. Пойдеворни тузилмаси ўлчамларини танлаш ва хисоблаш.

2.1. Пойдевор материали ва юклар.

Пойдевор тузилмасини ўлчамларини танлаш учун пойдевор материалларини қабул қилиб оламиз. Пойдевор бетони синфи В15, пастки арматура тўри учун А-ИИ синфли пўлат қабул қиласиз. Конструктив арматуралар синфи А-И.Иловадаги-20-21-жадваллардан [1] пойдевор материаллари тавсифини қабул қиласиз.

Синфи В15 бетон учун: $P_b = 8,5 \text{ мПа}$, $P_{bt} = 0,75 \text{ мПа}$,

$\gamma_{b2} = 0,9$; А-ИИ синфли арматура учун $P_c = 280 \text{ мПа}$

Пойдеворга устундан тушаётган хисобий юк 3-жадвалга асосан $H=1240\text{кн}$. Устуннинг ўлчами кесим $h_c \times \varrho_c = 40 \times 40\text{см}$ меъёрий юк

$$H^H = 1060\text{Кн}.$$

Пойдевор асосининг юзаси $A = a \times \varrho = 2,4 \times 2,4 = 5,76\text{м}^2$

Пойдевор баландлигини аниқлаш.

а) Пойдеворни энг кичик баландлигини унга хисобий юк таъсири этаётганда устунни эзилиш пирамидаси юзаси бўйича мустахкамлик шартига асосан аниқлаймиз [7].

$$ho = -\frac{hc + \varrho c}{4} + \frac{1}{2} \sqrt{\frac{N}{0,9R_{st} + P_{sf}}} = -\frac{0,4 + 0,4}{4} + \frac{1}{2} \sqrt{\frac{1240}{0,9 \cdot 0,75 \cdot 10^3 + 215,28}} = 0,39\text{м}$$

Бу ерда $P_{st} = \frac{N}{A} = \frac{1240}{5,76} = 215,28\text{кн/м}^2$ - хисобий юқдан пойдевор асоси сатхидаги кучланиш.

Пойдеворнинг тўлиқ минимал баландлигини аниқлаймиз.

$$H_{f,\min} = ho + a_e = 39 + 4 = 43\text{см}$$

Бу ерда $a_e = 4\text{см}$ - бетон химоя қатлами қалинлиги.

б) Устунларни пойдеворга махкамланиши шартига асосан пойдевор баландлигини аниқлаймиз.

$$H = 1,5 \cdot hc + 25\text{см} = 1,5 \cdot 40 + 25 = 84\text{см}$$

в) Устун бўйлама арматураларини устунни пойдеворга махкамлашида ишончли анкерланиши зарурияти конструктив шартига асосан пойдевор баландлиги қуидаги ифода орқали аниқланади:

$$H_f = h_{gf} + 20\text{см} = 80 + 20 = 100\text{см}.$$

Бу ерда: h_{gf} - пойдевор стакани чуқурлиги

$$h_{gf} = 30 d_1 + 5 = 30 \cdot 2,5 + 5 = 80\text{см}$$

d_1 - устун бўйлама арматураси диаметри, см

5см, стакан туби ва устун ости орасидаги масофа.

Пойдевор баландлигини $H=100\text{см}$ қабул қиласиз. Пойдевор поғоналари баландлигини кўндаланг арматурасиз кўндаланг куч таъсирига бетон мустахкамлиги таъминланиши шартидан белгилаймиз.

Биринчи поғонанинг энг кичик ишчи баландлиги:

$$hos = \frac{0,5P_{sf}(a - hc - 2ho)}{\sqrt{\kappa_2 \cdot R_{st} \cdot P_{sf}}} = \frac{0,5 \cdot 21,528(240 - 35 - 2 \cdot 96)}{\sqrt{2 \cdot 0,75 \cdot (100) \cdot 21,528}} = \frac{139,93}{56,83} = 2,5\text{cm}$$

$$h_1=2,5+4=6,5\text{cm}$$

конструктив қабул қиласиз $h_1=35\text{cm}$. $h_{01}=35-4=31\text{cm}$.

2.3 Пойдевор материали мустахкамлигини текшириш.

$$K_1=0,5(a-a_c-2a_o) \cdot P_{st} = 0,5(2,40-0,35-2 \cdot 0,96) \cdot 215,28 = 14\text{Kn}$$

Бетон қабул қилиши мумкин бўлган кўндаланг зўриқишини аниқлаймиз:

$$Q_e = \varphi_{e3}(1 + \varphi_t + \varphi_u)\gamma_{e2} \cdot R_{st} \cdot \varepsilon \cdot ho = 0,6 \cdot 0,9 \cdot 0,75 \cdot (100) \cdot 100 \cdot 31 = 125\text{Kn} K_1=14\text{Kn}$$

Бу ерда $\varphi_{e3}=0,6$;

Демак кўндаланг куч бўйича мустахкамлик шарти бажариляпди.

Пойдеворнинг юкори погоналарини ўлчамларини белгилашда устун четидан ўтказилган 45^0 бурчак остидан чизик погоналар қирраларини кесмайдиган бўлишига эътибор қаратилади. (9.1-расм)

Пойдевор эзилиш пирамидаси юзаси бўйича мустахкамликга қуйидагича текширилади.

$$F \leq \alpha R_{sf} \cdot ho \cdot Um$$

$$\text{Бу ерда } F = N_1 - A_{ofp} \cdot P_{sf} = 1240 \cdot 10^3 - 53,810^3 \cdot 21,528 = 81,8 \cdot 10^3 H$$

$A_{ofp} = (hc + 2ho)^2 = (40 + 2 \cdot 96)^2 = 53,8 \cdot 10^3 \text{cm}^2$ – эзилиш пирамидаси асосининг периметрии;

Um – эзилиш пирамидаси қуи ва юкориги асосларининг ўртача арифметик микдори қуйидагича аниқланади:

$$Um = 2(hc + B_c + 2ho) = 2(40 + 40 + 2 \cdot 96) = 544\text{cm.}$$

$$\text{У холда: } U = 81,8 \cdot 10^3 H * 0,9 \cdot 0,75 \cdot (100) \cdot 96 \cdot 544 = 3525 \cdot 10^3 H$$

Эзилиш бўйича мустахкамлик қаноатлантирилаяпди.

2.4. Пойдевор арматурасини танлаш ва уни арматуралаш.

Пойдевор арматурасини хисоблаш учун ҳар бир поғоналарни кесимлар бўйича бир томони бикр маҳкамланган консол кўринишида оламиз.

$$M_{II} = 0,125P_{sf}(a - a_1)^2 \cdot \varepsilon = 0,125 \cdot 215,28(2,4 - 1,6)^2 \cdot 2,4 = 41,33\text{kN.m}$$

$$M_{III} = 0,125P_{sf}(a - a_2)^2 \cdot \varepsilon = 0,125 \cdot 215,28(2,4 - 0,8)^2 \cdot 2,4 = 165,3\text{kN.m}$$

$$M_{\text{иши}} = 0,125 \cdot P_{sf} (a - h_c)^2 \cdot \epsilon = 0,125 \cdot 215,28(2,4 - 0,4)^2 \cdot 2,4 = 258,3 \text{ кн.м}$$

Хар бир кесимлар учун талаб этилган арматура

$$A_{S1} = M_I / 0,9 \cdot h_{o_1} \cdot R_s = 4133000 / 0,9 \cdot 31 \cdot 280(100) = 5,29 \text{ см}^2$$

$$A_{S2} = M_{II} / 0,9 \cdot h_{o_2} \cdot R_s = 16530000 / 0,9 \cdot 66 \cdot 280(100) = 9,94 \text{ см}^2$$

$$A_{S3} = M_{III} / 0,9 \cdot h_{o_3} \cdot R_s = 25830000 / 0,9 \cdot 96 \cdot 280(100) = 10,7 \text{ см}^2$$


Ностандарт арматура түрини қабул қиласиз (С – 1)

12 диам 12 $A_C = 13,57 \text{ см}^2$, бир томонга түрлар қадами 200мм

Арматуралаш фоизи қуйидагича:

$$\mu = \frac{A_{S1II}}{\epsilon_1 \cdot h_{o3}} \cdot 100 = \frac{13,57}{80 \cdot 96} \cdot 100 = 0,176\% \quad \mu_{uuu} = 0,1\%$$

погоналарни конструктив ҳолда горизонтал түрлар С-2 билан арматуралаймиз - 8 А-И. Бу ерда түрлар орасидаги масофа 150мм бўлиб 8 А-И лик тик стерженлар билан махкамланади (9.2-расм)



9.2-расм. Арматура түрлари.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Пойдеворнинг асосий хизмати нимадан иборат?

2. Қаттиқ пойдеворлар деб нимага айтилади?


3. Замин грунтларининг хисобий қаршилигини қандай ифодадан хисоблаб топилади?

4. Пойдевор энини қайси ифода орқали аниқланади?

5. Пойдевор остидаги фактик босимни аниқланг.

Мисол-3. Пойдеворларга таъсир этаётган юкларни хисоблаш.

Пойдеворларга тушаётган юкларни хисоблаш учун биринчи навбатда юк майдонларини аниқланади. Бунинг учун бинонинг бутун конструкцияларидан тушаётган юкларни ҳар бир устун қабул қиласи деб қараймиз ва бинонинг узунлиги ва эни бўйича ўқлардаги устунлар учун юза аниқланади.



3.1- расм. Бино режаси ва юк майдонларини аниқлаш схемаси.

3.1. Юк юзаларини аниқлаш ва хисоблаш.

Лойихаланаётган бинонинг режадаги қўриниши тўғри тўрт бурчакли бўлиб, узунасига 96,0 м, эни 48,0 м, пролёт узунлиги 24,0 м, устунлар қадами 12,0 м, бир қаватли.

3.1.-расмга асосан:


С - 1 пойдевор учун юкланиш майдони юзасини аниқлаймиз.:

$$A_1 = (L_1 / 2) \cdot (B_1 / 2) = (24 / 2) \cdot (12 / 2) = 72 \text{ м}^2$$

А – 2 пойдевор учун юкланиш майдонинг юзаси қуидаги аниқланади:

$$A_2 = (L / 2) \cdot B = 24 / 2 \cdot 12 = 144 \text{ м}^2$$

В - 4 пойдевор учун юкланиш майдонинг юзаси қуидаги аниқланади::



9.4-расм.А-2 ўқларини кесишган жойидаги пойдевор учун юк майдонига кирган элемент ва конструкциялар.

$$A_3 = L \cdot B = 24 \cdot 12 = 288 \text{ м}^2$$

Бу ерда: А-С ўқлар ораси. Л – пролёт узунлиги, м

1-7-ўқлар ораси. В – устунлар қадами, м

3.2. Пойдеворга тушаётган юкларни хисоблаш.

Пойдеворга тушаётган юкларни жамлашда ҚМҚ 2.01.07-96 “Юклар ва таъсирлар” меъёрий хужжатини кўрсатмасига асосан, юк юзаларига кирган ҳамма элементлар ва конструкцияларни оғирлиги олинади ҳамда жамланади. Агар юк юзаларига кирган конструкцияларни оғирлиги каталогларда берилган бўлса уларни ҳажмини хисоблаб, ҳажмий оғирлигидан фойдаланиб хисобланади.

Мисол-4. Пойдеворнинг энини аниқлаш.

ҚМҚ кўрсатмасига асосан пойдевор эни қуидаги ифодадан хисоблаб топилади:

$$B = \sqrt{\frac{N^H}{\eta(R_o - \gamma_{\text{ж}} \cdot d \cdot g)}} = \sqrt{\frac{1059,8}{1(250 - 2,2 \cdot 1,0 \cdot 10)}} = 2,15 \text{ м}$$

Бу ерда: N^H - ўқ бўйича таъсир этаётган, юздан ҳосил бўлган норматив юк, кН.(3-жадвал).

η - пойдевор томонлари нисбати, агар пойдевор асоси юзаси квадрат бўлса лентасимон пойдеворлар учун $g = 10$ тенг. Бизнинг мисолимизда $\eta = 1$ тенг деб оламиз.

A_3 юкланиш майдонидан тушаётган юклар

3.1 - жадвал

T/p	Юкларнинг номи	Белги си	Кайси норматив хужжатдан олинган	Хисоб формуласи	Норматив юк, Кн	Юкланиш бўйича ишончлилик коеффициенти	Хисобий юк, Кн
1	И. Доимий орадан ҳаво оқими ўтмайдиган қатма-қат юмшоқ том	H том	[4] п.8 ,иловадаги 12- жадвал	3,0x144	432,0	1,2	518,4
2	Темирбетон қобирғали плита 3x1,5 м	H т.б.п.	қўл.153 б. 4.1- жадвал 13- жадвал	1,4x138	193,2	1,1	212,52
3	18-м ли темирбетон ферма	H _ф	Услубий қўл.154 б. 4.2- жадвал 14- жадвал	139x1	139	1,1	152,9
4	Темирбетон устун $\ell = 10,0 \text{ м}$	H _{кол}	Услубий қўл.154б. 4.2-жадвал 14-жадвал	(10,0x0,3x34)x25	25,55	1,1	28,80
5	ИИ – вактинчалик қор оғирлигидан	H _к	КМК	0,5x122	61	1,4	85,4
	ЖАМИ	H			1059,8	Доимий Вактин.	912,62 85,4 100

R_o -грунтни (ишчи қатламини) шартли юк күтариш қобилияти, кПа, ҚМК жадвалларидан олинади.(иловадаги 4-5 жадваллар), бизнинг мисолимиз учун, қаттиқ суглинок $\bar{J} = 0$; $e = 0,89$ $R_o = 250$ кПа;

Замин грунтларининг хисобий қаршилигини қуидаги ифодадан хисоблаб топамиз. [4].

$$R = \frac{\gamma_{c1} \cdot \gamma_{c2}}{\kappa_h} (M_\gamma \cdot b_n \cdot \gamma_{11} + M_g \cdot d \cdot \gamma_{cp}^1 + M_c \cdot C^H) \cdot g = \\ = \frac{1,2 \cdot 1,1}{1,1} (0,51 \cdot 1 \cdot 2,15 \cdot 1,749 + 3,06 \cdot 1,0 \cdot 1,732 + 5,661,9 \cdot 10 = 1,2 \cdot (1,92 + 4,77 + 10,8) \cdot 10 = 209,1 \text{ Кпа.}$$

Замин грунтларининг хисобий қаршилигини қуидаги ифодадан хисоблаб топамиз. [4]

Бу ерда: γ_{c1} , γ_{c2} -грунтларни ишлаш шароити коефициенти (иловадаги 17 – жадвалдан олинади).

M_γ , M_g , M_c ,- ўлчовсиз коефициентлар бўлиб иловадаги 6-жадвалдан грунтларнинг ички ишқаланиш бурчаги ϕ га асосан олинади,[4]. бизнинг мисол учун $\phi = 20$ бўлганда

$$M_\gamma = 0,51, M_g = 3,06, M_c = 5,66$$

b_n – хисоблаб топилган пойдевор эни $b_n = 2,15 \text{ м}$

κ – коефициент, агар грунтнинг мустахкамлик кўрсаткичлари (ϕ ва C) тажриба йўли билан топилган бўлса $\kappa = 1$, жадваллардан олинган бўлса $\kappa = 1,1$ қабул қилинади. d - пойдеворни қўйилиш чуқурлиги, м.

γ_{c1} , γ_{c2} 11 пойдеворни қўйилиш чуқурлигидаги қатlam (h) грунтини хажмий оғирлиги, kN/m^3 , ;

γ_{c1} , пойдеворни қўйилиш чуқурлигидан пастдаги қатlam грунтлари

ўртача хажмий оғирлиги, kN/m^3 ;

g - ўтиш коефициенти, $g=10$;

C_h -юк кўтарувчи қатlamни грунт доначаларини тутиниш коефициенти кПа, уни қиймати грунтни ғоваклик коефициенти ва пластиклик

кўрсатгичлари орқали ҚМК [4] таблицасидан ёки иловадаги 6-жадвалдан аниқланади.

Хисобий юкни Rни аниқлагандан сўнг пойдеворни энини аниқлашда хисоблаб аниқланган Rни қийматини формулага қўйиб хисоб қилинади ва пойдеворни хақиқий энини қийматини топилади.

Аниқланган пойдевор эни Вни яна хисобий қаршилик Rни аниқлаш учун хисобланган пойдевор энининг қийматини ўрнига қўйиб пойдевор ўрнашадиган жойдаги грунтнинг хисобий қаршилигини аниқланади.

3.2-жадвалдан қумли грунтларнинг шартли равища хисобий қаршилигини олинади. Қумларнинг зичлигига кўра хисобий қаршилик R_0 ни қийматини олиб пойдеворнинг энини формулага қўйиб шартли равища аниқланади. Аниқланган пойдеворнинг энини олиб хисобий қаршилик R_0 ни аниқланади ва аниқланган хисобий қаршиликни яна пойдеворни эни bни аниқланади.

Аниқланган пойдеворнинг эни bниг қийматини заминнинг хисобий қаршилиги R_0 ни яна аникроқ қийматини хисоблаб топиш учун формулага аниқланган пойдеворни энининг bниг қийматини қўйиб аниқланади. Аниқланган R_0 ни қийматини олиб охирги марта пойдеворни энини bни аниқлаш учун R_0 ни қийматини қўйиб аниқлаймиз.

Сўнг охирги шартни текширамиз яъни R_0 билан пойдеворнинг юзасига юқоридан тушаётган ўртача босим $P_{\text{ўрт}}$ қийматини аниқлаб солиштирамиз. Шарт қаноатлантирса яъни $P_{\text{ўрт}} < R_0$ шарт қаноатланган бўлади. Агарда аксинча бўлса $P_{\text{ўрт}} > R_0$ бўлса хисобни қайта кўриб чиқилади ва пойдеворни энини катталаштирилади.

Хисоблаб топилган замин грунтларининг хисобий қаршилигини қўйидаги ифодадан хисоблаб топамиз. [4]

Бу ерда: γ_{c1} , γ_{c2} -грунтларни ишлаш шароити коефициенти (иловадаги 17 – жадвалдан олинади).

M_γ , M_g , M_c ,- ўлчовсиз коефициентлар бўлиб иловадаги 18-жадвалдан

грунтларнинг ички ишқаланиш бурчаги φ га асосан олинади, [4]

Хисоблаб топилган замин грунтларининг хисобий қаршилигини қўйидаги ифодадан хисоблаб топамиз. [4]

Бу ерда: γ_{c_1} , γ_{c_2} -грунтларни ишлаш шароити коефициенти (иловадаги 17 – жадвалдан олинади).

M_γ , M_g , M_c , - ўлчовсиз коефициентлар бўлиб иловадаги 18–жадвалдан грунтларнинг ички ишқаланиш бурчаги φ га асосан олинади, [4]

Бизнинг мисол учун $\varphi = 20$ бўлганда $M_\gamma = 0,51$, $M_g = 3,06$, $M_c = 5,66$

b_n – хисоблаб топилган пойдевор эни $b_n = 2,15$ м

к – коефициент, агар грунтнинг мустахкамлик кўрсаткичлари (φ ва C) тажриба йўли билан топилган бўлса $k = 1$, жадваллардан олинган бўлса $k = 1,1$ қабул қилинади. d- пойдеворни қўйилиш чуқурлиги, м.

γ_{c_1} , γ_{c_2} – пойдеворни қўйилиш чуқурлигидаги қатлам (h) грунтини хажмий оғирлиги, kN/m^3 ; ;

γ_{c_1} , пойдеворни қўйилиш чуқурлигидан пастдаги қатлам грунтлари ўртача хажмий оғирлиги, kN/m^3 ;

g- ўтиш коефициенти, $g=10$;

C_h -юк кўтарувчи қатламни грунт доначаларини тутиниш коефициенти kPa , уни қиймати грунтни ғоваклик коефициенти ва пластиклик кўрсатгичлари орқали КМК [4] таблицасидан ёки иловадаги 7-жадвалдан аниқланади.

Хисобий қаршилигини миқдоридан фойдаланиб пойдевор энини топамиз:

$$b = \sqrt{\frac{1059,8}{1(209,1 - 2,2 \cdot 1 \cdot 10)}} = 2,38 \text{ м.}$$

У холда $A = b^2 = 2,38^2 = 5,66 \text{ m}^2$

Пойдевор остидаги фактик босим қуйидагича аниқланади:

$$P_\phi = (N^H + G) / A = (1059,8 + 115,46) / 5,66 = 207,65 \text{ kPa}$$

G - пойдеворнинг оғирилиги, kN , қуйидаги ифодадан топилади:

$$G = \beta \cdot \gamma \cdot A \cdot d \cdot g = 0,85 \cdot 2,4 \cdot 5,66 \cdot 1,0 \cdot 10 = 115,46 \text{ кН,}$$

бу ерда β - ўлчовсиз коефициент $\beta = 0,85$

γ - пойдевор материалини хажмий оғирлиги, кН/м³


g - ўлчовсиз ўтиш коефициенти

d - пойдеворни қўйилиш чукурлиги, м

Пойдевор энини $a_{xb} = 2,4 \times 2,4$ м қабул қиласиз. Пойдеворни охирги аниқланган асоси энидан фойдаланиб замин грунтининг хисобий қаршилиги R_o ни аниқлаймиз.

$$R_o = \frac{1,2 + 1,1}{1,1} (0,51 \cdot 1 \cdot 2,40 \cdot 1,749 + 3,06 \cdot 1 \cdot 1,732 + 5,66 \cdot 1,9) \cdot 10 = \\ = 1,2(2,12 + 4,77 + 10,8) \cdot 10 = 212,3 \text{ кПа}$$

Демак $R_o = 212,2 \text{ кПа} > P_\phi = 207,65 \text{ кПа}$ қабул қилинган пойдеворнинг эни талабга жавоб беради. Хисобий ва фактик босимлар фарқи 5% гача бўлади.



9.5-расм.Стакансимон пойдевор қирқимда ва режада қўриниши.

Қумли грунтларнинг шартли хисобий қаршилиги

Жадвал-3.2

Қумли грунтлар	Қумларни зичлигига кўра хисобий қаршилик R_0 , кПа ($\text{кгс}/\text{см}^2$)	
	зич	ўртacha зичликдаги
Йирик (намлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда)	600 (6)	500 (5)
Ўртacha йирикликтаги (намлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда)	500 (5)	400 (4)
Майда:		
- кам намли	400 (4)	300 (3)
- нам ва сувга тўйинган	300 (3)	200 (2)
Чангсимон:		
- кам намли	300 (3)	250 (2,5)
- нам	200 (2)	150 (1,5)
- сувга тўйинган	150 (1,5)	100 (1)

Гилли грунтларнинг шартли хисобий қаршилиги

жадвал-3.2

Гилли грунтлар	Фоваклик коэффициенти e	Оқувчанлик кўрсаткичига боғлиқ ҳолда хисобий қаршилик R_0 , кПа ($\text{кгс}/\text{см}^2$)	
Супесь	0,5	300 (3)	300 (3)
	0,7	250 (2,5)	200 (2)
Суглинок	0,5	300 (3)	250 (2,5)
	0,7	250 (2,5)	180 (1,8)
	1,0	200 (2)	100 (1)
Гиллар	0,5	600 (6)	400 (4)
	0,6	500 (5)	300 (3)
	0,8	300 (3)	200 (2)
	1,1	250 (2,5)	100 (1)

Жадвалдан тўртинчи ётқизиқли чангсимон – гилли лёсс эмас грунтлар солиштирма илашувчанлик Сп, кПа ($\text{кгс}/\text{см}^2$), ички ишқаланиш бурчаги ϕ_{II} , град, ларнинг меъёрий миқдорларини оламиз.

Замин грунтларининг хисобий қаршилигини хисоблаш учун пойдевор ўрнашган жойдаги грунтга қараб ϕ_{II} , град, Сп, кПа ($\text{кгс}/\text{см}^2$) қийматларни олиб формулани аниқланади.

Түртінчи ётқизиқли чангсимон – гилли лёсс әмас грунтлар солиши

илашувчанлик Сп, кПа (кгс/см²), ички ишқаланиш бурчаги
 ϕ п п, град, ларнинг меъёрий миқдорлари

Жадвал-3.2

Грунтларнинг номи ва оқувчанлик кўрсаткичлари чекли меъёрий миқдорлари	Грунт тафсиф и белгиси	Фоваклик коефициенти ега асосан грунтлар тафсифи						
		0,45	0,55	0,65	0,75	0,85	0,95	1,05
Супесь	0 ≤ И _л ≤ 0,25	Сп φ п	21 0,21 30	17 0,17 29	15 0,15 27	13 0,13 24	- - -	- - -
	0,25 ≤ И _л ≤ 0,75	Сп φ п	19 0,19 28	15 0,15 26	13 0,13 24	11 0,11 21	9 0,09 18	- - -
Суглинок	0 ≤ И _л ≤ 0,25	Сп φ п	47 0,47 26	37 0,37 25	31 0,31 24	25 0,25 23	22 0,22 22	19 0,19 20
	0,25 ≤ И _л ≤ 0,5	Сп φ п	39 0,39 24	34 0,34 23	28 0,28 22	23 0,23 21	18 0,18 19	15 0,15 17
	0,5 ≤ И _л ≤ 0,75	Сп φ п	- -	- -	25 0,25 19	20 0,20 18	16 0,16 16	14 0,14 14
Гиллар	0 ≤ И _л ≤ 0,25	Сп φ п	- -	81 0,81 21	68 0,68 20	54 0,54 19	47 0,47 18	41 0,41 16
	0,25 ≤ И _л ≤ 0,5	Сп φ п	- -	- -	57 0,57 18	50 0,50 17	43 0,43 16	37 0,37 14
	0,5 ≤ И _л ≤ 0,75	Сп φ п	- -	- -	45 0,45 15	41 0,41 14	36 0,36 12	33 0,33 10
								29 0,29 7

Такрорлаш учун саволлар.

- 1.Пойдевор остидаги фактик босим яъни ўртача қандай аниқланади?
- 2.Замин грунтларининг хисобий қаршилигини қандай ифодадан хисобланади?
- 3.Пойдеворга тушаётган юкларни жамлашда нима ишлар олиб борилади?
- 4.Ўртача босим ва хисобий қаршиликни аниқлаш билан қандай шартни текширилади?
5. C_h -юк кўтарувчи қатламни грунт доначаларини қандай коефициенти?
6. G - пойдеворнинг оғирилиги қандай аниқланади?
7. M_r , M_g , M_c , - коэффициентлар қандай қилиб жадвалдан олинали?
8. γ_{c1} , мазмунини изохланг.
9. $\varphi = 20$ коэффициент қиймати нимага асосланиб жадвалдан олинади?
10. N^H -қандай юклар йигиндиси?
11. C_h – қандай коэффициентни билдиради?

9.2-§.ЕРТЎЛА ПОЙДЕВОРЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ.


Ертўла девори пойдеворининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу грунтнинг пойдевор четки юзаларига нисбатан босими турлича бўлиб, ертўла девори эса горизонтал босим таъсир остида бўлади.

Бундай ҳолларда ертўла устидаги томнинг унинг девори билан қаттиқ боғланганлиги ва бу томнинг ерга нисбатан жойлашувига қараб икки хил хисоблаш усуслари мавжуд.Расмнинг а) қисмида ертўла томи унинг деворига қаттиқ ўрнашган бўлиб, у ер юзасига яқин жойлашган.

Бундай ҳолатда грунтнинг горизонтал босими ертўла томи ва ва ертўла остки қисмининг акс таъсири натижасида мувозанатда бўлади.Бу вақтда грунтнинг пойдеворга нисбатан бўлган горизонтал босими хисобга олинмай, балки унинг ертўла деворига нисбатан босимигина аниқланади.Бу аниқлаш икки четидан тирговичга ўрнашган тўсин шаклида материаллар қаршилиги

қонунига асосан олиб борилади. Расмнинг б) қисмида эса ертўла томи бутунлай бўлмайди ёки бўлганда ҳам у ертўла деворига эркин ҳолда ўрнаштирилган. Бундай ҳолда ер юзасига яқин томнинг ҳеч қандай таъсири бўлмайди ва бунинг натижасида ертўла девори тиргович деворнинг пойдевори сифатида ҳисобланади.

Расмнинг б) қисмида эса ертўла томи бутунлай бўлмайди ёки ертўла деворига эркин ҳолда ўрнаштириллади. Бундай ҳолда ер юзасига яқин жойда томнинг ҳеч қандай таъсири бўлмайди ва бунинг натижасида ертўла девори тиргович деворнинг пойдевори сифатида ҳисобланади.



9.6-расм. Ертўла деворига таъсир этувчи кучларни ҳисоблаш чизмалари.


Бир қатор жойлашган пойдеворларни ҳисоблаш. Бизга маълум бўлган ҳисоблаш йўллари билан аниқланган пойдевор ўлчамлари, одатда бир қаторга тизилган алохида жойдашган блок типидаги пойдеворларга тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам ҳисоблаб топилган пойдевор ўлчамларига яқинлаштириш учун бу турдаги пойдевор блоклари ораларида масофа қолдириб жойланади. 9.6- расмда ҳисоблаш йўли билан топилган пойдевор ва унга эквивалент бўлган алохида жойлашган пойдевор блоклари келтирилган.

Агар ҳисоблаб топиладиган пойдевор асосининг юзаси $F = a * b$ бўлса, у ҳолда унга эквивалент бўлган алохида жойлашган пойдевор блокларининг юзаси $F_s = [a - c(n - 1)] * b$ бўлади. (бунда c - пойдевор блоклари орасидаги масофа). Алохида жойлашган пойдевор блокларининг умумий сони қўйидагича аниқланади.

$$n = A + c / A^1 + c \quad (9.1)$$

с- пойдевор блоклари орасидаги масофа.

А-пойдевор блоки асосининг узунлиги.



9.7- расм. Сайёз пойдеворлар:

- хисоблаш йўли билан топилган.
- унга эквивалент бўлган алоҳида жойлашувчи пойдеворлар.

Бунда пойдевор блокларининг ораларидағи бўшлиқ билан бирга умумий майдони:

$$F_s = n \cdot f_b \quad (9.2)$$

A^1 - пойдевор блоки асосининг узунлиги;

f_b – пойдевор блоки асосининг юзаси.

Такрорлаш учун саволлар.

- Пойдеворга тушаётган юкларни хисоблаш тартибини айтинг.
- Алоҳида жойлашган пойдевор блокларининг умумий сони қандай аниқланади?
- Ертўла пойдеворини аниқлаш усувлари.
- Бир қатор жойлашган пойдеворларни вазифасини нимадан иборат?
- Стакансимон пойдеворни вазифаси ва қаерда қўлланилади?
- $F_s = n \cdot f_b$ -ифодани изохланг .
- Саёз пойдеворлар деб нимага айтилади?
- Бир қатор жойлашган пойдеворларни хисоблашни тушинтиринг.

9.3-§. ҚОЗИҚ ПОЙДЕВОРЛАР. ҚОЗИҚЛИ ПОЙДЕВОРЛАРНИ ТУРЛАРИ.

Курилишда ишлатиладиган устун қозиқлар қуйидаги типларга бўлинади:


Қоқиладиган темир бетон ва ёғоч устун қозиқлар;

Қўйиладиган бетон ва темир бетон устун қозиқлар;


Темир бетон устун қозиқ- қобиқлар;

Танаси темир- бетон ёки пўлатдан ясалган бурғ устун қозиқлар.

Грунтда ишлаш характерига қараб устун қозиқлар одатдаги устунларга ва осма устун қозиқларга бўлиниши мумкин. Одатдаги устун қозиқларга ўткир учи бўш грунтларни кесиб ўтган ва юкларни таг юзаси билан амалда сиқилмайдиган грунтларга берувчи устун қозиқлар киритилади. Осма устун қозиқларга бўш грунтларга суқилган ва юкларни ён юзалари ва таг юзаси орқали грунтга берувчи устун қозиқлар киритилади. 9.8-расм.



9.8-расм. Қудук қирқимлари. а) цилиндр. б) конус шаклида. в) зина шаклида.



9.9-расм. Устун қозиқли пойdevорлар. а) устун қозиқ. б) осма устун қозиқ.

1-иншоот девори.2-пойдевор түсини.3-ростверк.4-тўкилган грунт.5-торф.6-кам юк кўтарувчи қумоқ тупроқ.7-ғовак қум.8-кам юк кўтарувчи лой.9-кўп юк кўтарувчи лойли грунт.

Устун қозиқлар тайёрланиш усулига қараб қоқиладиган ва қуйиладиган бўлиши мумкин.Қоқиладиган устун қозиқлар завод ёки полигон шароитида тайёрланади, тайёр маҳсулот қурилиш майдонига етказилади ва қурилиш жойида кўрсатилган нуқтага турзи ёки босиб киргизувчи агрегатлар ёрдамида қоқилади.Устун қозиқларнинг материали, ясалиш турлари, грунтга қоқилиши, горизонтга нисбатан жойлашиши(вертикал ёки бурчак остида) грунтда ишлаш характеристига қараб бир- биридан фарқ қиласди.

Грунт юзасига нисбатан ростверкнинг жойлашишига қараб устун пойдеворлар пастки 9.8-расм.а). ва юқори 9.9-расм.б) ростверкли бўлади.Устун қозиқлар алоҳида қозиқлардан ташкил этилиб, уларнинг юқори қисми бетондан ёки темир бетондан ясалган плита кўринишидаги пойдевор қисми ростверк билан бирлаштирилади.

Устун қозиқлар йиғма(маҳсус заводларда тайёрланадиган) ёки қўйма (лойиха бўйича қурилиш майдонини ўзида тайёрланадиган) ҳолида тайёрланиши мумкин.

б) юқори ростверкли қозиқлар.


Куйиладиган устун қозиқлар қурилиш майдонларида олдиндан тайёрланган бурғ қудукларда тайёрланади. Қўйма устун қозиқлар тайёрланиш усулига қараб қуийдаги турларга бўлинади.

Табиий қуруқ ҳолида ёки лойли қоришма ёрдамида грунтда бурғ машинаси билан кавланган, диаметри 600 мм ли бурғ қудукқа кетма кет бетон узатувчи қувур туширилиб, бетон қоришмаси тўлган сари қувурни суғуриб олиш йўли билан қўйма устун қозиқ хосил қилинади;

Таг юзаси кенгайтирилган, парма кўринишли қўйма устун юқорида келтирилган устун қозиқлар сингари тайёрланади, бироқ устун қозиқнинг пастки қисми кенгайтирувчи механизмлар ёрдамида кавланиб сўнг бетон

куйилиб тайёрланади. Устун қозиқлар күндаланг кесимининг кўринишига қараб квадрат, доиравий, тўғри тўртбурчаклик, учбурчаклик трапеция шаклида ва труба кўринишида, күндаланг кесимига қараб ўзгарувчан кесимли, шунингдек узунлиги бўйича яхлит ва уланган бўлади.

Устун қозиқлар ишлатиладиган материалига қараб темир бетон, бетон, метал, ёғоч, тупроқ бетон ва аралаш (масалан, пўлат ёки асбестоцементли қобикдан иборат бетон билан тўлдирилган) бўлиб, устун қозиқнинг ичи тўлдирилган ёки бўш бўлиши мумкин.



9.10-расм. Устун қозиқли пойдеворлар: а) пастки ростверкли;
б) юқори ростверкли;

Ёғоч устун қозиқлар. Устун устун қозиқ учун асосан танаси текис ва узун қарағай арчалар ишлатилади. Устун қозиқнинг узунлиги 4 дан 12 метргача, диаметри 18 дан 34 см гача бўлиши мумкин. Ёғоч ғўласи пўсти ва бутоқларидан тозаланган ва учланган бўлади. Ёғоч устун қозиқлар қаттиқ грунтларга қоқилишидан аввал учланган томонига метал бошмоқ ва иккинчи томонига эса бошбоқ – бугель ўрнатилади, сўнг гурзи билан қоқиласи.

Ёғоч устун қозиқлар фақат сув остидагина узоқ муддат ишлаши мумкин. Шунинг учун ер ости сувларининг сатхи ўзгарадиган жойларда ёғоч устун қозиқларни ишлатиб бўлмайди. Ёғоч устун қозиқларнинг юк қўтариш қобилиятини ошириш мақсадида учта тўртга ғўлани бир пакетга бирлаштириб қоқиш мумкин, завод шароитида тайёрлаш мумкин.

Темир бетон устун қозиқларнинг қулай томони шундан иборатки, уларни

исталган ўлчамда завод шароитида тайёрлаш мумкин. Темир бетон устун қозиқларни ер ости сувларининг сатхи ўзгаришидан қатъий назар ҳамма шароитларда ишлатса бўлади. Темир бетон устун қозиқларнинг кесими квадрат, кўпбурчаклик ва халқасимон бўлади.

Қозиқли пойдеворларни ўрнатиш. Чўкувчан грунтларда ёки замин юқори қатлами бўш (ғоваклиги юқори) грунтлардан иборат бўлса, яхлит пойдеворлар ўрнатиш самарасиз хисобланади. Бундай грунтларда бино оғирлигини асоснинг пастки зичроқ қатламларига узатиш зарурати пайдо бўлади.

Чўкишни олдини олиш учун қозиқли пойдеворлардан фойдаланилади, бундай тузилмалар вертикал ёки осма кўринишда ўрнатилиши мумкин. [14,28,29,30].

Ўрнатилган қозиқларнинг юқори учи тўсин ёки плита билан бириктирилади. Плита ёки тўсин бино оғирлигини қозиқларга тарқатиш билан бир вақтда, пойдеворнинг горизонтал силжишига хам қаршилик кўрсатади.

Қозиқлар материалига ва ерга ўрнатиш турига ҳамда юкни ерга узатиш характеристига кўра турларга бўлинади. Қозиқлар бетон, ёғоч, темирбетон, пўлат ва грунтнинг ўзидан тайёрланиши мумкин.

Ёғоч қозиқлар узунлиги 6,5-8,5 м, диаметри 22-25 см бўлган ғўладан тайёрланади. Юқори қисмига пўлат колпок ўрнатилида пастки қисми найзага ўхшаб ўткирланади. Қозиқлар игна баргли дарахтлардан тайёрланса узоқ муддат чиримайди. Коқилиши қийин грунтларда пўлат қозиқлар ўрнатиш мақсадга мувофиқ хисобланади. Пўлат қозиқ диаметри 0,2-0,8 м трубасимон, кўштаврдан, швеллердан ёки рельслардан тайёрланиши мумкин. Пўлатни занглашдан сақлаш учун пўлат қозиқлар битум, эпоксид смола ёки занглашдан химоя қилувчи бошқа материаллар билан қопланади.

Темир-бетон қозиқлар В30-B50 классли бетон, диаметри 10-40 мм бўлган арматурадан тайёрланади. Темирбетон қозиқлар призма, конус,

пирамида, цилиндр күринишида тайёрланади.Бетон қозиқлар олдиндан тайёрланган махсус чуқурларга куйлади. Айрим холларда чукурчаларга арматура хам туширилади. Қозиқларни ерга киритилиш усули: зарб билан, титратиш (вибрация) йўли, винт сингари бураб тушириш, босим билан киритиладиган қозиқларга бўлинади.Устун қозиқларни бир жойдан иккинчи жойга транспортда ташишда уни махсус қўйилган халқасидан илиб кўтариш керак, акс ҳолда бўйлама эгилиш хисобига унда ёриклар пайдо бўлиши мумкин.

Темир-бетон устун қозиқларини грунтга белгиланган чукурликда қоқиш учун шланг ёрдамида босим билан сув уриб тешгандан сўнг механизмлар ёрдамида тебратиш ёки буриш йўли билан киритилади.Темир-бетон устун қозиқларини қоқиш вақтида унинг тепа томони емирилмаслиги мақсадида махсус темир мослама “қалпоқча”кйгизилади. Темир “қалпоқча”нинг тепа чукурига дубдан ишланган тиқин қоқилган бўлади.

Таг чукурига эса устун қозиқка кийгизилишидан олдин қипиқ солинган ёстиқча жойлаштирилади. Темир “қалпоқча”нинг устун қозиқка ўрнатилган томонининг ўлчамлари устун қозиқ ўлчамларига мос ишланган бўлиш ва улар ўртасидаги фарқ 1см дан ошмаслиги зарур.

Кейинги вақтларда труба қўринишидаги цилиндрик қобиқли ичи бўш темир-бетон устун қозиқлар гидротехника иншоотлари пойдеворини кўтаришда айниқса, кўпrik қурилишларида кенг кўламда ишлатилмоқда.Бетон ёки қўйма устун қозиқлар лойиха асосида кавланган скважиналарни бетон билан тўлдирилгач, уни ўзаро бирлашадиган тайёрланади.

9.4-§.РОСТВЕРКЛАРНИ ТУЗИЛИШИ.

Ростверк деб устун қозиқларнинг бошини боғлаб турувчи тўсин ёки плита қўринишидаги бинонинг ер ости қисми тушинилади.Ростверкнинг вазифаси бино ёки иншоотдан тушаётган кучни устун қозиқларга бирдай тарқатиб беришдир.Ростверклар монолит(яхлит) ва йиғма

бўлади.Лентасимон икки ёки уч қатор кўринишидаги устун қозиқли пойдеворлар учун йиғма ростверклар қуриш мақсадга мувофиқдир.Хозирги вақтда ўзаро бирлашадиган жойлари бикр қилиб бириктириладиган йиғма ростверкларнинг бир неча вариантлари ишлаб чиқилган.

Кейинги вақтларда темир пластинка билан устун қозиқларга бикр пайванд қилинувчи пойдевор тўсини (рандбалка) кўринишидаги ростверклар ишлаб чиқилган.Шунингдек ёпма плиталари ростверксиз тўғридан тўғри устун қозиқларнинг бошига қотирилиб, бино кўтариш ишларида кенг кўламда ишлатилмоқда.

Яхлит монолит ростверклар қўллаш меҳнат сарфини оширади, қурилишнинг ер ости цикли ишлаб чиқариш вақтини чўзади.Йиғма темир бетон ростверклар бетонининг лойиха маркаси 200 дан, яхлит (монолит) ростверкларни эса 150 дан кам бўлмаслиги керак.

Қозиқли пойдеворларни ҳисоблаш.Устун қозиқли пойдеворларни ҳисоблаш якка устун қозиқларнинг юк кўтариш қобилиятини излашдан иборат бўлади.Унда қоқма устун қозиқлар ва осма устун қозиқлар алоҳида қаралади.Устун қозиқлар материалининг мустахкамлиги бўйича ҳисобланади.Марказий таъсир этувчи куч қўйилган устун қозиқларнинг юк кўтариш қобилияти қўйидагича аниқланади.

а) ёғоч устун қозиқлар учун:

$$P \leq m \cdot F \cdot P_e \quad (9.3)$$

Бу ерда P – устун қозиқнинг хисобий қаршилиги;

F – устун қозиқ кўндаланг кесимининг юзи;

P_e – ёғочнинг бўйлама сиқилишга қаршилиги;

m - устун қозиқнинг ишлаш шароитини ва грунтнинг бир жинслигини ифодаловчи коэффициент.

б) яхлит – темир бетон устун қозиқлар учун;

$$P \leq m (0,7 \cdot P_{28} \cdot F_b + P_t \cdot F_b) \quad (9.4)$$

Бу ерда $0,7 P_{28}$ – бетон маркаси;

P_t – устун қозиқда ишлатиладиган арматуранинг оқувчанлик чегараси;

F_a , F_b – бетон ва арматуранинг кўндаланг кесим юзалари.

Устун қозиқли пойдеворларни лойихалашда қуйидаги асосий талаблар бажарилиши керак.

- 1.иншоотдан тушаётган кучлар имконияти борича пойдевор устун қозиқлари бўйича тенг тарқалсин;
- 2.пойдевордаги энг кўп кучни қабул қилувчи устун қозиқقا бериладиган таъсир микдори унинг материал бўйича хисобий қаршилигидан ошмаслиги керак;

Биринчи талабнинг бажарилиши пойдеворга таъсир этувчи кучларнинг микдорига ва қўйилиш усулига боғлиқ; Устун қозиқли пойдевор ростверкига текис тарқалган куч ёки марказий тўпланган ик куч N таъсир этганда, улар пойдевор устун қозиқларининг хаммасига бир хил тарқайди.

Тик кучларнинг тенг таъсир этувчиси N марказдан ташқарига қўйилганда ёки моментлар ва горизонтал кучлар бор бўлганда , кучларнинг умумий таъсири йигилган участкада ростверк чеккасида жойлашган устун қозиқقا энг катта нормал куч таъсир этади.

Устун қозиқнинг хисобий қаршилиги N ни хисоблагандаги қиймат $P_{коz}$ дан кичик кичик ёки тенг бўлиши керак, яъни

$$N \leq n \cdot P_{коz}. \quad (9.5)$$

Бу ерда n –устун қозиқлар сони.

$P_{коz}$ - устун қозиқнинг хисобий қаршилигии;

Қисқа муддатли таъсир кучлари бор вақтда (кранлар, шамол босим, тўлқинлар ва х. к) четки устун қозиқقا қўшимча тарзда ўртача босимнинг 20 % идан кам бўлмаслиги рухсат этилади.Устун қозиқлар ўртасидаги масофа қоқилиш шароитидаги грунтнинг зичланганлик даражасига қараб қабул қилинади.Устун қозиқларнинг ўқлари орасидаги масофа $2d$ дан кичик бўлмаслиги керак.(d -қозиқнинг диаметри ёки кўндаланг кесим юзасининг томонлари).Устун қозиқлар тиralган грунт қатлами қаттиқ замин бўлганлиги сабабли деформация бўйича чўкишга хисоблаш талаб қилинмайди.

Устун қозиқлар сони қуйидагича аниқланади.

$$n = N_{\text{умум}} / P_{\text{св}} \quad (9.6)$$

бунда $N_{\text{умум}} = N + g_p \cdot F_p + n Q$ (9.7)

$N_{\text{умум}}$ - таъсир кучларнинг умумий қиймати, тк;

g_p - ростверк оғирлигининг таг юзаси бўйича тарқалиш интенсивлиги;

F_p – бир бирлик узунликдаги ростверкнинг юзаси, яъни $b_p \cdot 1$; Q - устун қозикнинг ўз оғирлиги, тк. n – устун қозиклар сони.

Темир бетон ростверкларининг баландлиги хисоблаб топилади ва у 30 см дан кам бўлмаслиги керак. Якка қаторли устун қозиклардаги темир бетон ростверкнинг эни қуидагича аниқланади.

$$b_p = d + 20 \text{ см} \quad (9.8)$$

Устун қозикларнинг кўп қаторли холларда, ростверкнинг эни қуидагича аниқланади.

$$b_p = a(n - 1) + d + 2 \cdot 5 \text{ см} \quad (9.9)$$

бу ерда a – қатордаги устун қозикларнинг ўртасидан ўтган ўқлари орасидаги масофа, см

n – қаторлар сони; d -(айлана бўлганда диаметри, квадрат бўлса- томони) устун қозик кўндаланг кесимнинг ўлчами, см. 5 см- ростверкнинг чеккасидан

устун қозикқача бўлган масофа. Саноат ва граждан ва қишлоқ хўжалиги бино хамда иншоотлари пойдеворларида ишлатиладиган устун қозикларнинг тепа қисмлари керакли горизонтгача кесиб текислангач ростверк ичига қуидаги узунликда киритилиб мустахкамланади.

а) тик кучларга ишловчи темир бетон устун қозиқли пойдеворларда устун қозик танаси ростверкка 5 см дан кам бўлмаган ўлчамда кириб туриши ва ростверк билан боғлаш мақсадида устун қозикдан чиқиб турган ишчи арматурасининг узунлиги 25 см дан кам бўлмаслиги керак.

б) горизонтал кучга ишловчи устун қозиқли пойдеворларда эса ростверкка кириб туриши 10 см, ишчи арматурасининг чиқиб турниши 40 см дан кам бўлмаслиги керак. Кўп қаторли устун устун қозиклар устига плита – ростверк ўрнатилади.

Осма устун қозиклардан ташкил топган пойдеворлар замини

деформация бўйича (чўкиши) хисобланади.

1.тепадан- грунтнинг текисланган майдони билан;

ёнларидан- тик текисликлар билан;

пастдан- устун қозиқларнинг ўткир учларидан ўткан текислик билан.

Шартли пойдеворнинг пастки эни қуидагича топилади.

Чекка устун қозиқлар ташқи томонининг ростверк таг юзаси билан кесишган икки нуқтасидан бурчак остида қия туширилган чизикларни , устун қозиқларнинг ўткир учларидан ўткан горизонт чизифи билан кесишган нуқталар оралиғи by қабул қилинади.

$$by = bp^H + 2l \cdot tg / \varphi_{\text{yP}}/4 \quad (9.10)$$

бу ерда by –шартли пойдеворнинг эни, м;

bp^H -Ростверк остида жойлашган кўп қаторли устун қозиқларнинг энг чеккадагиларнинг ташқи томонлари ўртасидаги масофа,м;

l –устун қозиқнинг узунлиги.м ;

φ_{yP} - грунт қатламларининг ички ишқаланиш бурчакларининг ўртача қиймати;

$$\varphi_{\text{yP}} \cdot \varphi_1 \cdot h_1 + \varphi_2 \cdot h_2 + \dots + \varphi_n \cdot h_n / l \quad (9.11)$$

$\varphi_1, \varphi_2, \dots, \varphi_n$ - устун қозиқ кесиб ўткан грунт қатламларининг ишқаланиш бурчаклари.

h_1, h_2, \dots, h_n грунт қатламларининг баландликлари. м.

l - ростверкни остики юзаси горизонтидан хисобланувчи устун қозиқнинг грунтга

киритилган узунлиги. Қозиқ пойдевор учун мустахкамлик қуидагича текширилади.

$$P_y = N / F_y + = M / W_y \leq R \quad (9.12)$$

Бу ерда P_y - шартли массивнинг таг юзасидаги босим, кг/ см²;

N – устун қозиқнинг пойдеворнинг таг юзасига таъсир этувчи шартли массивнинг оғирлигини (грунт+ ростверк+свай оғирлиги) эътиборга олинган хисобий кучларни тик ташкил этувчилари.


M - шартли массивнинг таг юзаси марказига нисбатан таъсир этувчи

кучларнинг моментлари;


$F_y, / W_y$ - шартли массивнинг таг юзаси ва қаршилик моменти;

R –устун қозиқли пойдеворлар таг юзаси текислигига замин грунтининг хисобий қаршилиги, тк / м².

Устун қозиқли пойдеворларнинг хисоблаш натижасида олинган чўкиши лойихада берилган рухсат этилган чўкишдан кўп бўлмаслиги керак.



9.11-расм. Устун қозиқли пойдеворларни ҳисоблаш учун чизма.



9.12-расм. Чўкишни кетма-кет жамлаш усулида аниқлаш чизмаси.

Такрорлаш учун саволлар.

- 1.Ростверкнинг вазифаси нимадан иборат?
- 2.Қозиқ пойдевор учун мустахкамлик қандай текширилади?
- 3.Ростверкнинг эни қандай аниқланади?
- 4.Устун қозиқнинг хисобий қаршилиги N қандай аниқланади?
- 5.Марказий таъсир этувчи куч қўйилган устун қозиқларнинг юк кўтариш қобилияти қандай аниқланади?
6. R –устун қозиқли пойдеворларнинг қандай хисобий қаршилиги?
7. Қозиқ пойдевор учун мустахкамлик қандай текширилади?
8. F_y , / W_y - шартли массивнинг қандай қаршилик моменти?
9. Устун қозиқли пойдеворларнинг хисоблаш натижасида олинган чўкиши лойихада берилган рухсат этилган чўкишдан қандай шарт бажарилиши керак?

9.5-§.ЧУҚУР ЖОЙЛАШГАН ПОЙДЕВОРЛАР.ТУРЛАРИ.

Заминга катта қийматли вертикал ва горизонтал босимларни узатувчи ўта оғир иншоотларнинг мустахкамлигини таъминлаш учун, уларнинг пойдеворларини етарлича юк кўтариш қобилиятига эга бўлган чуқур жойлашган қатламларга жойдаштириш лозим бўлади.


Бундай чуқур табиий қатламларга етиб бориш учун кўпинча устун қозиқли пойдеворларни қўллаш имконияти бўлмай қолади, чунки бундай ҳолларда нихоятда узун ва оғир устун қозиқлар ишлатишга тўғри келган бўларди. Бу устун қозиқларни эса ҳозирги замон техникаси ёрдамида ўрнатиш имконияти йўқ,енгил ва қисқа устун қозиқларга келсақ, уларнинг сони ростверкка жойлаштириб бўлмаслик даражада кўпайиб кетган бўлар эди. Шунинг учун бундай ҳолларда маҳсус усуслар билан ўрнатилувчи чуқур жойлаштириладиган пойдеворлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда чуқур жойлаштириладиган пойдеворларнинг қуйидаги турлари мавжуддир:Ўз оғирлиги таъсирида пастлашувчи қудуқлар. Кессон пойдеворлари. Йиғма темир-бетон қобиқлар.

Ўз оғирлиги таъсирида пастлашувчи қудуқлар ва йиғма темирбетон қобиқларни ўрнатишдаги технологик шартларга мувофиқ қалин қатламли бўш грунтлар таркибидаги йирик тошлар, турли дараҳт илдизлари ёки турли тоғ жинслари бўлаклари бўлмаслиги талаб этилади. Акс ҳолда эса кессон пойдеворларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.


Қудуқлар. Йиғма қобиқлар. Кессонлар. Ўз оғирлиги таъсирида пастлашувчи қудуқлар заминга ўта оғир юк узатувчи массив иншоотлар пойдеворлари қурилишида оғир юк кўтарувчи қўприкларнинг устун ости пойдеворлари сифатида ишлатилади.

Ўз оғирлиги таъсирида пастлашувчи қудуқлар чуқурлиги умуман чегараланмайди. Ҳозирги вақтда бундай қудуқларнинг 70 м ва ундан ортиқ чуқурликка ўрнатилади. Ўз оғирлиги таъсиридан пастлашувчи қудуқлар бетондан, темир бетондан ва ёғоч- бетондан ишланиши мумкин. Кўндаланг кесими бўйича улар иншоот ости қисми шаклига ўхшайди. 9.12-расм.




9.12-расм. Қудук қирқимлари. а) цилиндр. б) конус шаклида. в) зина шаклида.

Қудук деворининг ости қисми консоль деб номланиб, унга грунт қатламида пастлашиши учун қулай шакл берилади. 9.13-расм.



9.13-расм. Қудуқнинг қирқув қисмининг чизмаси.

Бетондан ясалган қудуқлар деворининг қалинлиги, деворлар орасидаги масофанинг тахминан $1/3 \dots 1/6$ қимини ташкил этади. Темир бетон қудуқларда ташқи девор қалинлиги $1-1,25$ м га тенг. Ёғоч бетон қудуқларда ишлатиладигани ёғоч брусоқларнинг кесими 5×5 ёки 8×8 см га тенг бўлади. Пастлашувчи қудук ичи қудук ичидаги грунт грейфер ёки эжектор деб номланувчи механизмлар ёрдамида олиб ташланади. 9.13-расм.



9.14-расм. Қудук ўлчамларини хисоблаш чизмаси.

Ўз оғирлиги таъсирида пастлашувчи қудукни хисоблаш. Пастлашувчи қудуқларнинг бўй ўлчамлари, одатда геологик кесилмалар ёрдамида аниқланади.

$$H = h + 0,5, \text{ м.} \quad (9.13)$$

Бу ерда H – қудукнинг чуқурлиги;

h - қудукнинг баландлиги. 0,5- берилган қиймат.м

Қудукнинг кўндаланг кесим қуйидаги шартдан аниқланади.

$$N + G = R_{\Theta} + R_f \quad (9.15)$$

Бу ерда N – иншоотдан таъсир этувчи куч;

G - қудукнинг оғирлиги;

$$G = H \cdot F \cdot \gamma. \quad (9.16)$$

F – қудукнинг кўндаланг кесим юзи;

γ - қудук материалининг хажмий оғирлиги;

R_{Θ} – қудук остки қисмига нисбатан грунтнинг босими;

$$R_{\Theta} = 10 \cdot R_h^x F \quad (9.17)$$

R_h^x - қудук остки қисмидаги грунтнинг хисобий босими;

R_f – ишқаланиш кучи;


$$R_f = u (H - 2,5) f_0; \quad (9.18)$$

u - қудук деворининг периметри;

f_0 - ишқаланиш коэффициенти.

Пастлашувчи қудукнинг күндаланг кесими қуидагича аниқланади.

$$N + H \cdot F \cdot \gamma = 10 R_h^x \cdot F + u (H - 2,5) f_0; \quad (9.19)$$




9.15-расм. Қудукнинг қирқув қисмининг чизмаси.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Қудукнинг күндаланг кесим қандай шартдан аниқланади?
2. Пастлашувчи қудукнинг күндаланг кесими қандай аниқланади?
3. Темир бетон қудукларда ташқи девор қалинлигини айтинг.
4. Ўз оғирлиги таъсиридан пастлашувчи қудукларни тайёрлаш.
5. Чукур жойлаштириладиган пойдеворларнинг қандай турлари мавжуд?
6. Ўз оғирлиги таъсирида пастлашувчи қудукларни тушунтириңг.
7. Кессон пойдеворларидан фойдаланиш мумкинми?
8. Устун қозиқли пойдеворларни қўллаш имкониятини тушинтириңг.
9. Бетондан ясалган қудуклар деворининг қалинлиги?
10. $G = H \cdot F \cdot \gamma$. –ифодани изохланг.
11. Қудук деворининг остки қисми қандай номланади?

**9.6-§.ЗАМИН ГРУНТЛАРИНИ СУНЬЙИ МУСТАХКАМЛАШ УСУЛЛАРИ.БҮШ
ГРУНТЛАРНИ АЛМАШТИРИШ.**

Бүш грунтларда пойдеворлар қуришда унинг таг юзаси остидаги бўш грунт олиб ташланиб, ўрнига ўртача ёки йирик донли қум тўлдирилади. Қум тўшама қуидаги усул билан тўлдирилади: 20 см қалинликда қум тўшалиб, сув сепилгач вибратор ёки механизм ёрдамида шиббаланади. Бу мақсадда ишлатиладиган қумга органик ёки лой аралашмаси қўшилмаган ва тоза бўлиши керак. Қум тўшаманинг қалинлиги ва кенглиги шундай танланиши керакки, заминга бериладиган ҳисобий қаршилик грунтнинг шартли қаршилигидан ошиб кетмасин ҳамда тўшама қиялиги берилган грунт учун кўрсатилган қияликдан тик бўлмасин.



9.16-расм. Қумли тўшама.

Лентасимон пойдевор остидаги қум тўшаманинг қалинлиги Н.М.Дорошкевич ва бошқаларнинг тажрибалари бўйича қуидагича хисобланади.

$$d = N / R_0 - b / 2 \cdot t g^\varphi \quad (9.20)$$

бу ерда N -тўшама билан бирга хисобланган заминга бериладиган тўла куч, t / ПМ ;

R_0 - заминнинг ҳисобий қаршилиги; $t / \text{м}^3$.

b - пойдевор тагининг эни, м.

φ - бўш грунтнинг ички ишқаланиш бурчаги.

Тўшам таг юзасининг кенглиги қуидаги формула орқали аниқланади:

$$B = b + 2d \cdot t g \beta \quad (9.21)$$

Бу ерда β - қумнинг ички ишқаланиш бурчаги билан топиладиган катталик.

$$\beta = 90^\circ - \varphi_n \quad (9.22)$$

φ_n - қумнинг ички ишқаланиш бурчаги.

Қум тўшаманинг қўлланилиши, пойдеворнинг чуқурлигини ва катта майдонга куч тарқалиш эвазига бўш грунтга бериладиган босимни анча камайтиради. Бундан ташқари қум тўшами бўш грунтнинг пойдевор ёнидан ситилиб чиқишига қаршилик қиласди ва ўз оғирлиги билан иншоот кўтарилигунга қадар бўш грунтни сиқиб, унинг ўтиришини камайтириш эвазига қулай ҳолат яратади.

Грунтларни зичлаш. Бўш грунтларни шиббалаш устки қатламни ва чуқур қатламни шиббалашга бўлинади. Грунтнинг устки қатламини шиббалашда думалаб тебранма харакатланувчи мослама ва шиббалар ишлатилади. Бундай мосламаларни харакатлантиришда турли маркали трактор ва машиналардан фойдаланилади. Думалаб харакатланувчи шиббалавчи мослама катта майдондаги лойли ва нам ҳолидаги қумли грунтлар учун қўлланилганда яхши натижада беради.

Якка тартибдаги ёки лентасимон пойдеворлар остидаги замин грунтини бу механизм билан шиббалаш мақсадга мувофиқ эмас. Думалаб харакатланувчи механизм билан бир ўтишининг ўзида 15-20 см чуқурликкача шиббаланади. Грунтнинг қуруқ ҳолидаги хажмий оғирлиги $1,6 \text{ г / м}^3$ гача етиб борса, грунт яхши ҳисобланган ҳисобланади. Шу усулни бир неча марта қўлланса грунт 60 см гача шиббаланади.

Граждан, жамоат ва саноат бинолари пойдеворининг замин грунтини тифизлашда энг кўп қўлланиладиган усул шиббалаш усулидир. Бу усулда 3 т ва ундан ортиқ оғир бўлган темир бетон плита ёки конуссимон метал қуйма ўзиюрас кран ёрдамида 3-4 м юқорига кўтариб ташлаб юборилади.

Шиббалаш билан бўш тўким, ғовак ва қум ва қаттиқ сиқилувчан лойли ва лёссимон грунтлар шиббаланади. Бу вақтда сиқилувчи қумли грунтнинг намлик даражаси 0,7 дан кам бўлмаслиги ва лойли грунтларнинг намлиги эса ёйилиш чегарасидан 2-3 % ошиқ бўлмаслиги керак. Шиббалаш натижасида

1,5-2,5 м чуқурликкача грунт зичланиши мумкин, натижада унинг юк кўтариш қобилияти 30%га ошади.

Шиббаланган лёссимон грунтлар зичланган чуқурликкача ўзининг чўкиш хоссасини йўқотади. Заминни бўш грунтларини механик мосламалар билан зичлаб уларни мустаҳкамлигини (юк кўтаришини) оширилади, у икки ҳил юза устидан зарба бериш ва чуқурликда титратиш усулларда бажарилади.

Юза устидан зарба бериш усули - бунда балонли ва занжирли кранларга, ғалтакли мослама ўрнатилиб, унга гурзилар илиниб маълум баландликдан кўтариб ташланиши натижасида - грунтни зичлиги оширилади. Бўш грунтларни зичлигини оширишда уч хил оғирликдаги гурзилар билан зарба берилади.

Енгил гурзили ғалтаклар - 0,5 - 1,0 тонна оғирликдаги гурзи билан зарба бериш.

Ўртача оғирликдаги гурзили ғалтаклар - оғирлиги 5 - 10 тоннагача бўлган гурзилар билан зарба бериш.

Оғир гурзили ғалтаклар - оғирлиги 25-40 тоннагача бўлган гурзиси бор. Бундай грунтларни ҳаммасини бараварига битта қурилиш майдонида ишлатиш кўзда тутилган эмас. Зичланувчи грунтни юк кўтариш қобилиятини қанчалик оширилишига кўра зарба берувчи гурзиларни босқичлари белгиланади.

Курилиш амалиётида шу усулда грунтларни зичлигини ошириш кенг кўламда кўлланилади - айникса, ғовакдор қумлар, тўкма грунтлар, ўта сиқилувчан гилсимон ва лёссимон грунтларда. Бунда грунтларни намлигини оптималь ҳолдагига келтирилади ва КМК [7,8,3] талабига асосан ишни ташкиллаш ва назорат қилиш ишлари бажарилади. Бир жойга 8-10 марта гурзи билан зарба бериб зичлантирилади, гурzinи кўтариб ташлаш баландлиги 4-5 м қилиб олиниши мақсадга мувофиқдир. Бунда грунтлар 50-60 см гача зичлашади.

Такрорлаш учун саволлар.

- 1.Оғир гурзили ғалтаклар - оғирлиги неча тоннагача бўлган гурзиси бор?
- 2.Ўртача оғирликдаги гурзили ғалтаклар - оғирлиги неча тоннагача бўлган гурзилар билан зарба бериш мумкин?
- 3.Енгил гурзили ғалтаклар – неча тонна оғирликдаги гурзи билан зарба бериш мумкин?
- 4.Юза устидан зарба бериш усулини айтинг.
- 5.Грунтларни зичлаш усулини айтинг.
- 6.Қум тўшаманинг қалинлиги ва кенглиги қандай танланиши керак?
- 7.Шиббалаш билан бўш тўким, ғовак ва қум ва қаттиқ сиқилувчан лойли ва лёссимон грунтлар қандай шиббаланади?
- 8.Бўш грунтларни зичлигини оширишда неча хил оғирликдаги гурзилар билан зарба берилади?

9.7-§.ГРУНТЛАРНИ ҚОТИРИШ УСУЛЛАРИ.

Грунтларни қотириш – бу қурилиш мақсадида ишлатиладиган бўш грунтларнинг қурилиш хоссаларини табиий ётқизилган ва ҳар ҳил физик химиявий усул билан яхшилашдан иборатdir. Грунтларни яхшилашдан мақсад уларни қотириш, мустахкамлаш, сув ўтказувчалигини ва сиқилишини камайтириш ва намлик тасирида улар структурасининг бўшашига йўл қўймасликдан иборат.

Грунтларни физик химиявий қотиришдан қурилиш амалиётида рационал фойдаланиш қўйидаги масалаларни хал қилиш мумкин.

- 1.Қуриладиган ингшоотлар пойdevорларининг остини мустахкамлаш.
- 2.Чўкувчан грунтларда саноат ва граждан иншоотлари қурилишини амалга ошириш.
- 3.Сувга тўйинган грунтларда котлованлар кавлашга имконият яратиш.
- 4.Аллювиал грунтларида грунтдан кўтарилиган ёки тош ташлаб тикланган тўғонларнинг заминини сув ювиб кетмаслиги учун сув ўтказмайдиган қатlam ҳосил қилиш.

5.Агрессив грунт сувларидан бетон иншоотларини химоя қилувчи қатlam хосил қилиш.

6.Катта кучга ишловчи устун қозиқли тиргаклар остини қотириш йўли билан уларнинг юк кўтариш қобилиятини ошириш.

Химиявий қотиришнинг афзаллиги шундан иборатки, грунтнинг структураси бузилмайди, балки яхшиланади.Грунтнинг қотириш бўйича классификациясини проф.Б.А.Ржаницин тузган.Қотириш усулларини классификациялашда қотиравчи материал сифатида цемент, силикат(суюқ ойна) ва смола берилган. Лойли грунтларга химиявий қоришма ўзгармас ток таъсирида киритилади.

Грунтларни цементлаш.Цементлаш қотирилувчи грунтга цементнинг сувдаги қоришмасини инъектор орқали юборилади.Грунтга юборилган қоришма аста секин қотиб, грунт билан биргалиқда сувда ювилиб кетмайдиган ва фильтрация қобилияти камайган қаттиқ заминга айланади.Цементланувчи грунтнинг сув шимувчанлик қобилиятига қараб қоришма 1:10 дан 1:0,4 гача нисбатда цемент ва сувдан тайёрланади.

Грунтларни битум билан қотириш.Грунтни битум билан қотириш технологияси цементлаш технологиясига ўхшаш.Битумлашда грунтга эритилган битум ёки суюқ битум эмульсияси юборилади.Биринчи усул фақат қоя жинсларининг ёриқларини тўлдириш учун ишлатилади. Иккинчи усул қумли грунтларда ишлатилади.

Иссиқ битумлаш учун ишлатиладиган қурилма қозон, насос, электр токи билан иситилувчи ва инъектордан иборат.Инъекторлар 0,75- 2 м оралиғида бурғ қудукқа туширилади.Ташқи диаметри 100мм ва ички диаметри 40 мм ли трубалардан иборат. Ички трубага битум юборилади, диаметри 10-16 мм ли тешикчалар қилинган.Битум 25-30 атм босимда юборилади.

Суюқ битум эмульсияси сувда эмульсатор ёрдамида майдаланган битумдан иборат бўлиб, 60% ини битум, 40% ини сув ташкил қиласди.Суюқ битум эмульсиясининг ўтиш қобилияти яхши бўлганлиги учун қумли

грунтларда қотиришда ишлатилади. Битум эмульсияси босим остида юборилади, грунт ғовакларини тұлдириб, заррачаларни боғлайды ва қотиради. [23,31,32,33].

Такрорлаш учун саволлар.

1. Грунтни битум билан қотириш технологиясини айтинг.
2. Иссик битумлаш учун ишлатиладиган қурилмалар.
3. Химиявий қотиришнинг афзаллиги нимадан иборат?
4. Грунтларни физик химиявий қотиришдан қурилиш амалиётидаги үрни нимадан иборат?
5. Нима учун грунтларни цементланади?
6. Лойли грунтларга химиявий қоришка қандай киритилади?
7. Грунтнинг устки қатламины шиббалаш қандай бажарилади?
8. Грунтларни қотириш технологиясини айтинг.
9. Юза устидан зарба бериш усулининг моҳиятини тушинтириңг.
10. Енгил гурзили ғалтаклар усулининг моҳиятини тушинтириңг.
11. Ўртача оғирликдаги гурзили усулининг моҳиятини тушинтириңг.
12. Оғир гурзили усулининг моҳиятини тушинтириңг.

9.8-§. ЎТА ЧЎКУВЧАН ГРУНТЛАРДА ПОЙДЕВОРЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР.

Чўкувчан грунтларда иншоотларни лойиҳалаш ва уларнинг мустахкамлигини таъминлаш ҳозирги замон қурилишидаги энг мураккаб муаммолардан бири хисобланади, чунки чўкувчан заминларда олиб борилаётган қурилиш ишлари йилдан-йилга ортиб бормокда. [17,18]

Республикамиздаги ахоли яшайдиган туманларнинг салмоқли қисми лёсс ва лёссимон грунтларда, чўкувчан заминлардан иборат. [1,5,7,9] Чўкувчан замин қатламининг чукурлиги 25-30 м. гача етиб бориши деформация жараёнини мураккаб давом этишига сабаб бўлади ва си қилувчанлиги юқори кўрсаткичга эга бўлиши билан характерланади.

Чўкувчан лёсс грунтларда қурилиш муаммоси мураккаблиги сабабли, шундай заминларда фундаментлар кўриш муаммоларини 20-чи йилларни охирларида ечила бошланди. Чўкувчан заминларда қурилиш олиб бориш ҳақидаги масалаларни ечишда назарий изланишлар билан бир вақтда, тажриба ишлари ва синовлар ҳам кенг қўлланилган.

Ўзининг хусусий оғирлиги ёки фундамент орқали таъсир этувчи ташқи кучлардан ҳамда намликни ортиши натижасида қўшимча чўкишлар ҳосил бўлиши чўкувчан грунтларнинг асосий хусусиятидир. Чўкувчан грунтларга лёсс, лёссимон супеслар, суглинка ва соз тупроқли грунтлар киради. [16,29,30,31,32].

Чўкувчан грунтларнинг асосий вакили-лёсс грунтлар мамлакатимизнинг катта майдонини, хусусан, Марказий Фарғона, Мирзачўл вилоятлари, мамлакатимизнинг ғарбий худудларини эгаллаган. [1,17,18]

Табиий холатда чўкувчан лёсс грунтлар зичланмаган ҳолатда бўлиб, унга ташқи куч таъсир этмагунча ёки намланиши сабабли ҳусусий оғирлиги ортмагунча шундай ҳолатни сақлаб туради.

Грунтларнинг етарлича зичланмаслиги уларнинг нисбатан паст зичликка эга бўлиши билан ҳаракатланади: хажмий масса $1,2-1,5 \text{ т}/\text{м}^3$, ғоваклик 0,6-0,45; ғоваклик коэффициенти 0,65-1,2. чуқурлик ортиб бориши билан зичлик даражаси ортиб боради.

Чўкувчан грунтлар зичланмаганлик кўрсаткичидан ташқари табий паст намлиги, чангли таркиби ва юқори мустаҳкам структурага эга бўлиши билан ажралиб туради. Бизнинг қуруқ- иссиқ иклимий табиатимизда намлик 0,04-0,12 фоиз намлик даражаси эса 0,1-0,3 кўрсатгичга эга. Грунтларнинг чўкиши мураккаб физик-кимёвий жараёндир. Бундай жараён натижасида грунт зарралари бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтади ва зичланиш натижасида ғоваклик даражаси камайиб мустаҳкамлик ортади.

Чўкувчан грунтларда деформацияни вақт бўйича давом этиши унинг намлик ҳолатига боғлиқ. Сувга тўйинган ҳолдаги грунтарда деформация узоқ муддат давом этади. Чўкувчан заминларда қуриладиган бино ва

иншоотларни лойиҳалаш ва уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш ҳозирги замон қурилишидаги энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади, чунки чўкувчан заминларда олиб борилаётган қурилиш ишлари йилдан-йилга ортиб бормокда. [2,7,9].

Республикамиздаги аҳоли яшайдиган туманларнинг салмокли қисми лёсс ва лёссимон грунтларда, чўкувчан заминлардан иборат. [2,7,9] Чўкувчан замин қатламининг чуқурлиги 25-30 м. гача етиб бориши деформация жараёнини мураккаб давом этишига сабаб бўлади ва си қилувчанлиги юқори кўрсаткичга эга бўлиши билан характерланади.

Чўкувчан лёсс грунтларда қурилиш муаммоси мураккаблиги сабабли, шундай заминларда фундаментлар кўриш муаммоларини 20-чи йилларни охирларида ечила бошланди. [9,10,11,29,30]. Чўкувчан заминларда қурилиш олиб бориш ҳақидаги масалаларни ечишда назарий изланишлар билан бир вактда, тажриба ишлари ва синовлар ҳам кенг кўлланилган.

Ўзининг хусусий оғирлиги ёки фундамент орқали таъсир этувчи ташқи кучлардан ҳамда намликни ортиши натижасида қўшимча чўкишлар хосил бўлиши Чўкувчан грунтларнинг асосий хусусиятидир. Чўкувчан грунтларга лёсс, лёссимон супеслар, суглинка ва соз тупроқли грунтлар киради. Чўкувчан грунтларнинг асосий вакили-лёсс грунтлар мамлакатимизнинг катта майдонини, хусусан, Марказий Фарғона, Мирзачўл вилоятлари, мамлакатимизнинг ҳарбий ҳудудларини эгаллаган. [1,9,18]. Табиий холатда чўкувчан лёсс грунтлар зичланмаган холатда бўлиб, унга ташқи куч таъсир этмагунча ёки намланиши сабабли хусусий оғирлиги ортмагунча шундай ҳолатни сақлаб туради.

Грунтларнинг етарлича зичланмаслиги уларнинг нисбатан паст зичликка эга бўлиши билан ҳаракатланади: ҳажмий масса 1,2-1,5 т/м³, ғоваклик 0,6-0,45; ғоваклик коэффициенти 0,65-1,2 чуқурлик ортиб бориши билан зичлик даражаси ортиб боради.

Чўкувчан грунтлар зичланмаганлик кўрсаткичидан ташқари табиий паст намлиги, чангли таркиби ва юқори мустаҳкам структурага эга бўлиши

билин ажралиб турати. Бизнинг қуруқ- иссиқ иклимий табиатимизда намлик 0,04-0,12 фоиз намлик даражаси эса 0,1-0,3 кўрсатгичга эга. Грунтларнинг чўкиши мураккаб физик-кимёвий жараёндир.

Бундай жараён натижасида грунт зарралари бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтади ва зичланиш натижасида ғоваклик даражаси камайиб мустахкамлик ортади. Чўкувчан грунтларда деформацияни вақт бўйича давом этиши унинг намлик ҳолатига боғлиқ. Сувга тўйинган ҳолдаги грунтларда деформация узок муддат давом этади.

9.9-§.ГРУНТЛАРНИ ЧЎКУВЧАНЛИК ҲУСУСИЯТЛАРИ.

Чўкувчан грунтларда асос ва пойдеворларни лойихалаш ва кўришда чўкиш деформацияси қонуниятлари ва хусусиятини ҳисобга олиш мутьим муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли грунтларнинг физик-механик хусусиятини белгилашда уларни табиий намликда ва сувга тўла тўйинган ҳолатида текшириш керак. [1,2,3,8]

Қурилиш олиб бориладиган майдончада оддий грунтлар учун қилинадиган мухандис-геологик изланишлардан ташқари қўшимча қўйидагилар аниқланиши керак: [9]

- Чўкувчан қатlam ўлчами;
- тадқиқ этиладиган майдондаги грунларнинг чўкувчанлик хусусияти ва хусусий оғирлик таъсиридан чўкиш қиймати;
- Оддий босим остида нисбий чўкувчанлик;
- чуқурлик бўйича 1=2 м оралаб бошланғич чўкиш босими қийматини аниқлаш ва ҳар бир литологик қатlamни бошланғич чўкиш босимни аниқлаш;
- Ҳар бир литологик қатlam учун бошланғич чўкиш намлигини аниқлаш;
- Грунтларнинг деформацияланиш модули E_e аниқлаш - табиий намлик ҳолати ва E_b - сувга тўйинган ҳолатлари учун;
- Замин сиқилишининг ўзгариш даражасини;
- Чўкувчан грунтларнинг мустахкамлик кўрсатгичлари (нисбий тутиниш

кучи ва ички ишқаланиш бурчаги). Мухандис-геологик изланишлар олиб борища шурф ва қудуқларни қурилиш майдончасини ўзида ўрнатиш ва грунтларни максимал ва минимал чўкувчанлик хусусиятига эга жойлардан намуналар олиш лозим. Нисбий чўкувчанлик ва бошланғич чўкувчанлик босими компрессион асбобларда синаш йўли билан юқори аниқлик билан топилишини таъминлаш.

Чўкувчан грунтлар жойлашган майдонларда мухандис-геологик изланишларнинг энг мухим масалаларидан бири чўкувчанлик бўйича грунтларнинг шароитини аниқлаш бўлиб, қуйидаги муаммолар ечилади:

- а) майдончанинг мухандис-геологик тахлили ва маҳаллий қурилиш тажрибаси;
- б) лаборатория тажрибаларига асосланиб грунтларнинг чўкувчанлиги;
- в) тажриба ҳандакларини сув бостириш. Дастребки банд бўйича текширишда бир вактда қуйидагилар таҳлил этилади:

- тадқиқ этиладиган майдонинг географик ўрни ва иклим шароити;
- ер тузилиши, суффозияли-чўқмалар ҳосил бўлиш эҳтимолини текшириш;
- тадқиқ этилаётган қатламнинг литологик тузилиши ва генезиси;
- чуқурлик бўйлаб грунтларнинг таркиби, зичлик даражаси, намлиги ва тез эрувчан тузларнинг миқдори;

- Эксплуатация бўйича маълумотлар, мавжуд бинолардаги деформациялар, грунтларнинг хусусий оғириликдан чўкиши, намланиш сабаблари ва х.к. Юқорида қайд этилган маълумотлар асосида грунтларнинг зарурий хусусиятлари - хусусий оғирликлардан чўкиш, грунтларни чўкиши бўйича тоифалари, лаборатория тажрибалари ўтказиш ҳажми аниқланади. Чўкувчан грунтларнинг шароитини аниқлашда энг мухим йўллардан бири тажриба ҳандакларини сув бостириш усули хисобланади.

Тажриба ўтказиладиган ҳандакларнинг ўлчаш камида 15 м бўлиши лозим ёки чўкувчан қатлам қалинлиги ўлчамидан кам бўлмаслиги лозим. Чуқурлиги эса, ер сатхи ўсимлик қатламидан тозалангандан сўнг 0,4-1 м гача бўлиши керак. Ҳандакларни қурилиш бўлмаган майдонларда белгилаш

мақсадға мұвоғиқ бўлади. Хандак тубини лойка босиш олдини олиш учун 6-10 см қалинликда қум ёки шағал ёткизиш тавсия этилади.

Хандақдаги чўкиш миқдорини аниқлаш учун хандак тубига ва хандакдан ташқарида (1,5 - 2) м масофагача чуқурликни ўлчовчи маёклар ўрнатилади. Юза маркаларини ҳар 2-4 м оралиқда, чуқурлик маёкларини 2-3 м оралиқда ўрнатилади. Бундан ташқари ҳар 1-2 м да таянч белгилар ўрнатилади.Хандакга сув қуишида чўкувчан қатlamни тўласига сувга тўйинишини хисобга олган холда сув қуиши керак.

Хўлланишда сувнинг сингиб кетиши миқдорини аниқлаш ва 5-7 кунда сиртқи маёкларни нивелирлаш амалга оширилади.Тажриба натижалари бўйича зарурий тавсиялар берилади.

10-§.ЎТА ЧЎКУВЧАН ГРУНТЛАРДА ПОЙДЕВОРЛАР ЛОЙИҲАЛАШ.

1. Замин ва пойдеворларни лойихалаш учун грунтнинг физик-механик ҳоссалари табиий ва намланган ҳолатлари учун аниқланади. Грунтнинг солиштирма оғирлиги (γ), зичлиги (q), намлиги (w), ғоваклиги (P), ғоваклик коэффициенти (e), ички бурчак қаршилиги (ϕ), солиштирма ёпишқоқлиги (c), чўкиш модули (E) каби кўрсаткичлар шулар жумласидандир.

2.Кўшимча равишида чўкувчан грунтга хос бўлган кўрсаткичлар, яъни грунтнинг бошланғич чўкиш босими (P_{se}), бошланғич чўкиш намлиги (W_{se}), нисбий чўкиш коэффициенти (E_{se}) ҳамда грунт сиқилишини ўзгарувчанлик коэффициенти (α) аниқланади.

3.Грунтнинг аниқланган кўрсаткичлари бўйича 2 турга бўлиниши мумкин.

1-тур. Грунтнинг ташқи куч ва хусусий оғирлигидан намланган пайтдаги қўшимча чўкиш қиймати 5 смдан ошмайди.

II-тур. Грунтнинг ташқи куч ва хусусий оғирлигидан намланган пайтдаги қўшимча чўкиш қиймати 5 смдан ортиқ бўлади.

Замин ва пойдеворлар I ва II - чегаравий холатлар бўйича хисобланиши мумкин. Заминни II - чегаравий холат бўйича хисоби асосан

сейсмик районларда кўлланиши мумкин.

Заминни II - чегаравий холат бўйича хисоби эса хамма шароитларда тартиби:

1.Бошланғич маълумотлар (грунт хоссалари, бино лойихаси) асосида бино пойдеворининг тури ва унинг асосий ўлчамлари оддий тартибда аниқланади.

2.Пойдевор чўкиши умумий қиймати (S) аниқланиб тегишли шарт $S < [S]_{\text{рух}}$ текширилади.

Пойдеворни умумий чўкиши қўйидагича аниқланади:

$$S = \bar{S} + S_{\text{си}} \quad (9.1)$$

бу ерда: \bar{S} - пойдеворни грунт зичланишидан хосил бўлган чўкиш. Агар чўкиш кичик қатламчалар усулида аниқланса:

$$\bar{S} = \beta \sum_{i=1}^n \frac{h_i \tau_{fpi}}{E_i} \quad (9.2)$$

β - коэффициент, грунтни ён томонга кенгайиш хусусиятини беглийди, $\beta=0,8$; h_i - элементар қатламга баландлиги, $h_i=0,4$ м; $\tau_{fpi}=\alpha_i \cdot \tau_{fpo}$ - грунтнинг i - қатламча ўртасидаги қўшимча босим қиймати, кПа; α_i - босим тарқалишини хисобга оловчи коэффициент, $Z = \frac{e}{b}$ ва $\xi_i = \frac{27_i}{b}$ қийматалари бўйича жадвалдан олинади.

бу ерда: e , b - пойдеворни катта ва кичик томонлари, м; z_i - пойдевор остидан i - қатламга ўртасигача бўлган масофа, м.

τ_{fpo} - пойдевор ости текислигидаги ўртача босим, кПа

$$\tau_{fpo} + P_{\text{уп}} - \tau_{fpo} \quad (9.3)$$

бу ерда: $P_{\text{уп}} = \frac{N_x}{A_o} + \gamma_{\text{уп}} \cdot d_1$ - пойдевор остидаги ўртача босим қиймати, кПа;

$\tau_{fpo} = \gamma \cdot d_1$ - пойдевор ости текислигидаги табиий босим қиймати, кПа.

Пойдеворнинг қўшимча чўкиш қиймати ($S_{\text{си}}$) қўйидаги ифода билан аниқланади:

$$S_{si} = \sum_{i=1}^n E_{si} \cdot h_i \cdot K_{sei} \quad (9.4)$$

бу ерда: E_{si} - i - қатлам учун нисбий чўкиш коэффициенти; h_i - i - қатлам қалинлиги; K_{sei} - замин ишлашини хисобга олувчи коэффициент.

Агар пойдевор эни $b=12$ м ва ундан катта бўлса $K_{se}=1$ олинади. Лентасимон пойдеворларни эни 3 м гача, алоҳида турувчи пойдеворлар эни 5 м гача бўлган холларда:

$$K_{sei} = 0,5 + 1,5 (P_{yp} - P_{se}) P_0 \quad (9.5)$$

бу ерда: P_{se} - бошланғич чўкиш босим, тажриба натижаларига кўра қабул қилинади; P_0 - босим, $P_0=100$ кПа.

Умумий хисоб натижаларига кўра $S < [S]_{pyx}$ шарти текширилади. Акс холда замин юк кўтариш қобилиятини яхшилаш ёки пойдевор ўлчамлари аниқлик киритишга тўғри келади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Пойдеворнинг қўшимча чўкиш қиймати (S_{si}) қандай ифода билан аниқланади?
2. Пойдеворни умумий чўкиши қандай аниқланади?
3. Ҳандақдаги чўкиш миқдорини аниқлаш усули.
4. Грунтларнинг деформацияланиш модули E_e аниқлашни айтинг.
5. Чўкувчан заминларда қуриладиган бино ва иншоотларни лойиҳалаш.
6. Чўкувчан грунтлар жойлашган майдонларда мухандис-геологик изланишларнинг ахамиятини айтинг.
7. $K_{sei} = 0,5 + 1,5 (P_{yp} - P_{se}) P_0$ - ифодани изохланг.
8. Пойдеворнинг қўшимча чўкиш қиймати (S_{si})- қандай аниқланади?
9. Пойдеворни умумий чўкиши қандай аниқланади?
10. Заминни II - чегаравий холат бўйича хисоби қандай бажарилади?
12. Грунтнинг ташқи куч ва хусусий оғирлигидан намланган пайтдаги қўшимча чўкиш қиймати неча смдан ошмайди?
13. Заминни II - чегаравий холат бўйича хисоби асосан қандай районларда кўлланиши мумкин?

Х-БОБ. ЎТА ЧЎКУВЧАН ТУПРОҚЛАРДА БИНОЛАР ҚУРИЛИШИ ЛОЙИҲАЛАШ ВА ҚУРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўта чўкувчан тупроқлар қаторига лойсимон тупроқлар киради. Бундай тупроқ намланса бино оғирлиги таъсирида қўшимча деформация беради. Бундай деформация «чўкиш» дейилади. Ўзининг табиий ҳолатида анчагина мустаҳкам ҳисобланадиган бундай тупроқлар намлик таъсирида жипслигини йўқотади ва унинг устига қурилган бино тегишли чоралар кўрилмаса номутаносиб чўкади, оқибатда қийшаяди, деворлар ёрилади, баъзи ҳолларда бузилади ҳам. Чўкиш даражасига қараб бу тупроқлар икки хилга бўлинади: I-хил - намлангандага ўз оғирлиги натижасида 50 мм. гача чўкадиган тупроқ, II хил - шундай шароитда 50 мм. дан кўпроқ чўкадиган тупроқлар.

Қурилиш бўладиган ҳудудда тупроқнинг чўкувчанлик турини аниқлаш учун тажриба ўтказилади. Дала шароитида маълум ўлчамдаги участкада (20×20 м дан кам бўлган) тупроқ намланади ва чўкишга чидамлилиги текширилади. Уй қуриладиган ҳудудларда чўкишга чидамлилик лабораторияда таҳлил қилиш йўли билан аниқланади.

Ўта чўкувчан тупроқда бино лойиҳалаш ва қуриш ишларини кўриш лозим:

Тупроқ намланади ва механик усул билан қотирилади, тупроққа қозик (қозик) қоқиласди; тупроқ олдиндан намланади ва чўктирилади;

Тупроқ маълум чуқурликда ковланади, қозиқсимон пойдевор ўрнатилади ёки сунъий қотирилган, силикатлаштирилган ёки термик усул билан ишлов берилган устун, лента ўрнатилади. Бинонинг асоси режа бўйича бажарилган чоралар билан намликтан ҳимоя қилинади, сув қувурлари, иссиқлик таъминоти тармоқлари қурилади; бино периметри бўйлаб 0,3 м дан ортиқ кенгликда сув ўтказиладиган тўсиқ қилинади; ҳандақ 1,0 м дан кам бўлмайдиган чуқурликда сув ўтмайдиган қилиб қўмилади, ҳамда ҳандақ сув ўтказувчан материаллар (кум, шлак, қурилиш ахлатлари) билан қўмилмаслиги зарур.

Бундай материаллар яна сув қувурлари, бино ёнидаги чуқурларни

тұлдириш учун ҳам ишлатилмайды. Йирик панелли уйлар пойдеворлар остини периметр бўйича сув ўтказмайдиган қаттиқ қотирилган тупроқдан экран қилиб тұлдирилади.

Сувли технологияларда ишлайдиган саноат биноларида пол ости қатлами шундай экранни 1,0 м дан кам бўлмаган қалинликда бажарилади. Бундан ташқари бинони қуришда ва ундан фойдаланишда юз бериши мумкин бўлган тупроқ намланишга қарши қўшимча чора-тадбирлар қўриш лозим. Улар куйидагилар бўлиши мумкин:

-шундай тузилмани танлаш лозимки, бино мустаҳкам ва барқарор бўлсин. Бунга эришиш учун тузилмадаги элементнинг қўшилиш жойлари мустаҳкам бўлиши, ёки улар шарнир билан бириктирилган бўлиши лозим;

-бино учун оддий шакл танланиб, унда чўкиш чоралари миқдори етарлича қўрилган бўлсин; масалан, кўп қаватли йирик панелли уйлар 1 хилдаги тупроқда қуриладиган бўлса, ўта чўкишга қарши қўйилган чоклар ораси 42 м дан, II хилдаги турпокда эса 30 м дан ортиқ бўлмаслиги лозим;

-таянадиган горизонтал тузилмалар (тўсинлар, плиталар, фермалар) таянадиган вертикалга (деворлар, устунлар) чукурлиги ўлчамларини орттириш;

кранлар ишлайдиган саноат биноларида фақат қирқимли кран ости тўсинларидан фойдаланиш;

-айрим тузилмаларни қўшимча арматуралар билан кучайтириш; ташқи ва ички асосий деворларга бутун узунлиги бўйича узлуксиз арматура белбоғлари ўрнатиш;

-тупроқ ўта чўкган ҳолатида бинони осонлик билан лойиҳадаги ҳолатига тиклаб келтирувчи тузилмалар қўриш;

пойдевор устига сув ўтказмайдиган қатлам сифатида рулон материал ўрнига цементли қоришмадан фойдаланиш зарур;

-чўкувчан тупроқ устига қуриладиган тузилмалар танлаш. Амалда нотекис чўкишга мойил ва мойил бўлмаган тузилмалар бино қуриш кўпроқ учрайди.

Мойил бўлмаган бикр тузилмалар мустаҳкамликка эга бўладилар, уларнинг айrim элементлари қийшаймасдан яхлит ҳолда чўкади. Лекин бундай бинолар учун чўкиш эҳтимоллиги чегараланган бўлиши лозим.

Айrim тузилмалар элементлари ўзаро шарнир билан қўшилган бўлади. Бундай биноларнинг асос қисми нотекис чўккан ҳолатида ҳам уларнинг умумий ҳолати ўзгармайди. Бундай тузилмаларда устунлар ва деворларнинг вертикал бўйича қийшайиш эҳтимоллиги ҳисобга олинади. Лойиҳаларда фақат устунлар ва бошқа элементларнинг шарнирли қўшилиши назарда тутилибгина қолмай, балки биноларни нормал шароитда эксплуатация қилинганда тезда тиклаш чоралари ҳам қўзда тутилади.

Нотекис чўкишга мойил тузилма бир-бири билан бикр усулда бириккан элементлардан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро силжиб кетиши бинонинг жиддий шикастланишга (шарнирсиз ва икки шарнирли аркалар, қўшилмалар, қирқилмаган узун тўсинлар, бино чокли рамалар) олиб келади.

Бундай тузилма бино ва иншоотлар асосларининг нотекис чўкиш ҳолати статик барқарорлик ва барча элементларнинг мустаҳкамлик қобилияти бўйича текширилади. Бино етарли даражада барқарор турмаган бўлса, зарурий тузилмавий чоралар кўрилади.


Бино ёки иншоот нотекис чўкиш оқибатида айrim участкалари эгилган бўлса, уларнинг эгилиш узунлигини камайтириш учун, қийшайган элементлар чўкишга қарши чоклар билан қирқилади, одатда бу чоклар ҳарорат чоки билан мустаҳкамланади.

Зарур бўлган ҳолатларда асосий деворларга темирбетон белбоғлар ўрнатилади, бу белбоғлар бир қаватли биноларда дераза устига қўйиладиган

тепадон даражасидаги баландликда ва кўп қаватли биноларда ҳар қават баландлиги даражасида ўрнатилади. Булардан ташқари, барча турдаги биноларда пойdevor ичига арматуралардан ясалган белбоғлар қўйилади. Белбоғлар миқдори ва эни ҳисоблаш орқали аниқланади. Таянч элементларнинг асос майдонини белгилашда нотекис чўкиш натижасида силжиб кетмаслик, қийшаймасликнинг эҳтиёт чоралари кўрилиши лозим.

Юк кўтарувчи деворлар остига яхлит ёки йиғма қўйма лентасимон пойдеворлар қўйилади; йиғма пойдеворлар асосидаги тупроқнинг чўкиш асоратлари тўлиқ бартараф қилинган ҳолларда ўрнатилишига руҳсат берилади. Каркасли биноларда пойдеворларлар оддий тупроқда қуриладиган бинолар билан бир хилда бўлади.

Қотирилмаган юк кўтарувчи тузилмаларлар пойдеворлари: алоҳида турувчи устунлар остига таянч майдончалари рафақлар билан ясалади. Устун чўкса домкрат билан кўтариш мумкин бўлади.(10.1-расм)



10.1расм. Ўта чўқадиган тупроқда қуриладиган бинонинг тузилмавий элементлардан намуналар:

а - ариқчали тўшама; б - бошмоқ чегарасидаги рафақли пойдевор: 1 - қуруқ цементли қоришма; 2 - қуйилган асфальт (20-30 мм); 3 - тош ораларини битум қуйиб қоплаш; 4 - юмшатиш ва зичлаб қотирилган тупроқ; 5 - қайноқ битумга қорилган щебенли қатlam (100-120 мм); 6 - домкрат билан устунни кўтариш учун рафақ.

Бикр бўлмаган тузилма бино ва иншоотларда нотекис чўкиш ҳолати юз берганда томнинг айрим жойларини ёпишга имкон бермайдиган чораларни кўриш зарур. Бундай мақсадларда томни ўровчи материалларни бирининг чокини иккинчиси ёпадиган усулда тахланадиган ёки икки, уч оралиқ элементлардан (асбестоцемент листвлар, қобирғали пўлат профилли

настиллар) фойдаланилади. Ортиқча чўкиш ва горизонтал силжиш ҳолатлари кўпроқ ер ости ишлари бажариладиган худудларда юз беради. Масалан, кон ковланадиган, қазилма ишлари олиб бориладиган районлар. Чўкадиган тупроқлардагидек, бундай жойларда ҳам биноларнинг чўкишга мойиллиги йўқ тузилмалар танланиши лозим.

Чўкадиган ва ўта чўкадиган тупроқларда, зилзила бўладиган районларда ва ер ости қазилма ишлари бўладиган худудларда бино мустаҳкамлигини таъминлаш учун икки принципли тузилмалар ечимини танлаш лозим:

Тузилмавий схемаларнинг бикр варианtlари танланиб, қўшиладиган элементларини ўзаро жипслигини янада кучайтириш; бинонинг барча элементлари бир-бири билан мустаҳкам боғланиб, бир яхлит тузилма сифатида қўшимча кучланишга қаршилик кўрсата олади;
Кўчувчан тузилма схемалари танланади. Бундай тузилмаларга каркасли бинолар, шарнирли ригеллар ва тўсинлар, устунларга шарнир билан бириктирилган фермалар ва ҳоказолар киради.

Ер ости қазилмалари бўладиган худудларда пойдеворлар ечими, юк кўтарувчи ва атрофни ўровчи тузилмалар, оралиқ деворлар, ойна ўринлари (деразалар)нинг катта-кичиклиги, кўндаланг ва ён деворларнинг жойлашиши, режавий симметрик ечимлар, меъморий-тузилмавий тадбирларнинг ҳаммаси зилзила ҳудудларда бўладиган қурилиш талаблари билан бир хилда бўлади.

Хусусан, кўп қаватли биноларни кўтаришда бинони алоҳида қисмлар (отсеклар)га бўлинади ва шу йўл билан чўкиш юз берганда бинонинг айrim қисмлари шикастланиб, умумий ҳолатига таъсир бўлмайди.

Бундай усулда бинонинг ҳар бир бўлаги имкон борича мустаҳкам қурилади. Юқорида келтирилган ҳолатлардан ташқари, ер ости қазилма ишлари ўтказиладиган худудларда тупроқ ўтириши эҳтимоли устига ернинг устки қатламида горизонтал силжиши ҳақида ҳам маълумотлар бор. Унинг оқибатида бино ва иншоотлар деформацияларга учрайди. Деформациялар бино деформациялардаги ёриқлиги, айrim қисмларнинг бузилиши

кўринишида бўлиши мумкин. Майдоннинг ер ости қазиш таъсирида горизонтал силжиш рўй берган қисми ер усти қатламининг силжиш мулдаси деб аталади. Бино ва иншоотларнинг деформацияланишини камайтириш учун турли хил меъморий — режалаштириш тадбирлари ўтказилади. Бу тадбирлар бинонинг мустаҳкамлигини, тузилмалар ва қисмларнинг бикрлигини, элементларнинг ўзаро боғланиш мустаҳкамлигини оширишга мўлжаланади.

Бундай тадбирлар орасида даҳалар ва қурилиш участкаларининг рационал жойлаштирилиши биноларнинг силжиш нуктаси йўналишига нисбатан тўғри бурчак ҳолатида жойлаштирилиши муҳим аҳамиятга эга. Узун ва мураккаб шаклли бино остида деформацияланиш ва чўкиш чоклари билан қисмларга бўлинади. Бундан ташқари чўкувчан тупроқлар учун ўтказиладиган барча тузилмавий чоралар бу ерда ҳам ўтказилади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Тупроқнинг чўкишига қараб турлари қандай аниқланади?
2. Ўта чўкувчан тупроқда қурилиш қилинганда тўлдирувчи сифатида ахлатдан фойдаланиш мумкинми?
3. Нима учун ер ости қазилмалари олиб бориладиган худудларда қурилиш лойиҳалари ўта чўкувчан тупроқдаги қурилиш билан бир хилда бўлади?
4. Ўта чўкувчан тупроқда кранли саноат бинолари қурилганда кесимли кран ости тўсинларидан фойдаланиш мумкинми?
5. Бикр юк кўтарувчи тузилмаларда устунлар остига қандай пойdevor қурилади?
6. Қандай тупроқлар чўкувчан тупроқ дейилади?
7. Қандай бинолар ва иншоотларда асосда нотекис чўкиш юз берганда барча элементларнинг статик мустаҳкамликка чидамлилик синови ўтказилади?
8. Одатда қандай чоклар чўкиш чоклари билан қурилади?
9. Қандай мақсад билан асосий деворларга темир бетон белбоғлар ўрнатилади?

10. Қандай тузилмавий схемалар қулай схемаларга киради?

11. Ўта чўкувчан тупроқлар қаторига қандай тупроқлар киради?

ХІ БОБ. ТЕБРАНМА ҲАРАКАТЛАНУВЧИ МАШИНА ВА УСКУНАЛАР
ПОЙДЕВОРЛАРИ.

11.1-§. МАШИНА ВА УСКУНАЛАР ЗАМИНИНИГ ТЕБРАНИШИ.

Саноат корхоналари, жамоат ва турар жой биноларини таъмирлаш масаласи кўтарилигданда ёки фойдаланишда бўлган бинолар остидан ер ости иншоотларини ўтқазиш вақтида, улар яқинда янги бино барпо этишда, шунингдек иншоот заминида бетухтов чўкишлар юз берган вақтда, пойдеворнинг мустаҳкамлигини ва унинг юк кўтариш кобилиятини қайта баҳолаш талаб этилади. Бундай баҳолаш натижаси қўйилган талабларга жавоб бермаган холларда пойдеворни таъмирлаш масаласи ўртага ташланади. [1,29,31,32]. Кўп йиллик қузатишлар натижаси фойдаланишдаги бино пойдеворини таъмирлашга олиб келувчи қуидаги сабабларни белгилаб берди:

- пойдеворга узатилувчи юк қийматининг ортиши;
- пойдевор материалини фойдаланиш даврида маолум сабабларга кўра емирилиши;
- замин грунтлари мустаҳкамлигининг камайиши;
- замин грунтларида ўта силжиш ҳолатини пайдо бўлиши ва хоказо.

Мазкур ҳолатлар устида батафсил тўхтаб ўтамиз. [1,29,30,32]

Пойдеворга таъсир этувчи юкнинг ортиши асосан фойдаланишдаги бинога қўшимча қават қуришда ёки иншоотни таъсираш жараёнида баози енгил қурилмаларни мустаҳкам ва оғир қурилмалар билан алмаштириш лозим бўлган холларда содир бўлади.

Бунинг натижасида пойдеворга таъсир этувчи юк қиймати кўпайиб, заминга узатилувчи босим грунтнинг юк кўтариш кобилиятидан ортиб кетиши мумкин. Лекин замин грунтларнинг бинодан фойдаланиш даврида

маълум миқдордаги зичланишини назарда тутилса, бино устига қўшимча, қаватлар қуриш кўп холларда безарар кечишини эътироф этиш мумкин.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун замин грунтларидан намуналар олиб тажриба устахонаси шароитида текширилади. Аммо пойдевор ости грунтларидан намуна олиш ёки уларни жойида текширишга ҳамма вақт хам имконият бўлавермайди.

Шунинг учун амалий ҳисоблаш ишларини олиб борища иншоот остида зичланган грунтлар ҳисобий босимини 30-40 % га кўпайтириш тавсия этилади. Лекин бундай тахминий тавсиялар иншоот ва унинг пойдевори шарт-шароитини, сақланганлик даражасини тўла-текис ҳисобга олмаслиги маълум.

Бунинг учун бинонинг барча қурилмаларини синчиклаб кўздан кечириш лозим.Агар уларда ёриқлар ёки бошқа заарланган қисмлар пайдо бўлган бўлса, масала анча мураккаблашиши аён.

Бинонинг барча қурилмалари яхши сақланган бўлиб, уни қўшимча юклатиш лозим бўлса, замин грунтларини янгидан чўкишга ҳисоблаб қуриш керак. Ҳосил бўлган натижа заминнинг рухсат этиладиган босими қийматини 20-30 % ни ташкил этсагина, бунга рухсат этилади. Акс ҳолда эса қўшимча тадбирлар белгилаш тақозо этилади.

Пойдевор материалининг емирилиши асосан грунт сувларининг салбий таъсири натижасида рўй беради. Бунда пойдевор таркибидаги бетонинг ёки йирик тошлар орасидаги қоришманинг сифати пасайиб, пойдевор ўз вазифасини бажара олмайди ва заминда чўкишлар юз беради.

Баъзи шароитларда пойдевор таркибидаги темир ўзакнинг занглаши ва чириши кузатилади. Бундай нохуш ҳолат пойдеворнинг эгилишга ишлашига таъсир этиб, унинг таг юзаси майдонини камайишига, натижада эса замин грунтларини қўшимча чўкишга олиб келади.Бунинг учун замин грунтларини таркибини ва жойлашишини ўрганилади.Бунинг учун грунт сувларини ер қатлами орасида қандай жойлашгани ва унинг химиявий таркибини ўрганиш катта ахамиятга эга.

11.2-§. МАШИНА ВА УСКУНАЛАР ЗАМИНИНИ МУСТАХКАМЛАШ УСУЛЛАРИ.

Замин грунтларининг мустахкамлик кўрсаткичларини камайиши, аксарият уларнинг қўшимча намланиши оқибатида юзага келади.

Маълумки, грунт намлигини ортиши, асосан, унинг мустахкамлик кўрсаткичларини, яони боғланиш кучи C_w ва ишқаланиш кучи ϕ_w ни камайиши билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида замин турғунлигини сусайтиради.

Баъзи холларда замин грунтлари турғунлигини пасайишида ундаги зурикиш ҳолатини ўзгариши хам сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатни юазага келиши юқорида айтганимиздек, бинога қўшимча қават куриш, унинг остида ёки арофида ертўла барпо этиш ва шунга ўхшаш тадбирларни белгилаш оқибатидир. Бунинг натижасида кутилмаган ходисалар рўй бериб, замин тургунлиги бузилиши ва пойdevор остидан грунтни ситиб чиқариши ҳолатлари юзага келиши турмушдан маълум. Шунингдек, замин грунтларининг чўкиши кимёвий таъсирлар натижасида грунт таркибидаги органик моддларнинг чириши ёки чўкувчан грунтларнинг қўшимча намланиши оқибатида хам юз бериши мумкин.

Замин грунтларида ўта силжиш ҳолатини юзага келиши лойиҳачилар ёки қурувчилик томонидан йул қўйилган хато оқибатида хам содир бўлиши мумкин. Иншоот замини лойиҳасини тузиш жараёнида баъзи мухандислар грунт ҳусусиятларини тўлик хисобга олмай, шу атрофдаги фойдаланишда бўлган бинога оид маолумотлар асосида пала-партиш иш юритадилар.

Натижада лойиҳаланаётган замин грунтининг ўзига хос ҳусусиятлари назардан тушиб колади ва маълум вақтдан сўнг унда кутилмаган ўта чўкиш ҳолати юз бериши мумкин.

Бундай ҳолатлар пойdevор учун хандак қазиш вақтида табиий грунтлар тузилишини бузиш оқибатида қурувчилик томонидан ҳам тез-тез содир этиб

турилади. Натижада замин пойдеворни таҳмирлаш билан боғлиқ бўлган серхаражат тадбирларни қўллаш лозим бўлади. Курилиш амалиётида қўлланиладиган замин ва пойдеворларни таъмирлашга оид усуллар турли-туман бўлиб, уларни умумий мақсадга караб шартли равишда уч турга бўлиш мумкин:

- заминга узатилувчи босим қийматини камайтириш;
- пойдевор материалини мустаҳкамлаш;
- замин грунтларининг мустаҳкамлик кўрсаткичларини ошириш.

Заминга узатилувчи босим қийматини камайтириши. Грунтлар механикаси фанининг асосчиларидан бири К. Терцаги йигирманчи йилларнинг бошидаёк “Агар имконият яратилса хар қандай грунт шароитида (гарчи у нихоятда бўш бўлса хам) канчалик юқори қийматли юк таъсир этишдан катҳи назар (гарчи у ута катта қийматли бўлса хам) мустаҳкам ва тургун заминли бино яратиш мумкин” деб ёзган эди.

Бу гапнинг мазмунида икки нарса ётади: биринчиси пойдевор таг юзаси ўлчовларини катталаштириш йўли билан заминга узатилувчи босим қийматини камайтириш; иккинчиси эса - пойдеворни чуқурлигини ошириб, босим қийматини чуқур жойлашган мустаҳкам қатламларга узатиш.

Дарҳакикат заминга узатилувчи босим қиймати, асосан, пойдевор таг юазсининг улчовларига боғлиқ бўлиб, юза катталashiши билан босим қиймати камаяди. Лекин пойдевор таг юзаси ўлчовларини катталаштиришда хам маълум чегара бўлиб, у бинонинг режа улчовлари билан белгиланади.

Заминга узатилувчи босим қийматини камайтиришнинг иккинчи йўли пойдевор чуқурлигини ошириб, уни заминнинг чуқур жойлашган мустаҳкам ва қўп юк кўтарувчи қатламларига жойлаштиришdir. бунга очиқ ҳандақ қазиш ёрдамида ёки эришиш мумкин.

Пойдевор таг юзасини кенгайтиришни амалда икки усул ёрдамида бажариш мумкин. Биринчиси, грунтга қўшимча босим таъсирисиз пойдевор таг юзасини кенгайтириш; иккинчиси эса қўшимча босим таъсирида таг юзани кенгайтириш. Иккала ҳолда хам пойдеворнинг мустаҳкамлиги ошиб,

таг юзасининг умумий майдони ортади. Маълумки, пойдевор таг юзасини кенгайтириш мажбурияти, асосан, унга узатилувчи юк қийматининг ортиши билан боғлиқ. Агар таъмирланган порйеворнинг ҳолатини кузатсак, таъмирлашнинг иккинчи усулини биринчисига нисбатан авзалроқ эканлигига ишонч ҳосил киламиз, чунки биринчи усул ёрдамида таҳмирланган пойдеворнинг янги қисми босимнинг оз миқдордаги булагини қабул киласди. Қолган бўлаги эса эски пойдевор зиммасига юкланаверади.

Бирок пойдеворнинг янги қисми унинг тагидан ситиб чиқарилиши мумкин бўлган грунтни бостириб туриш учун хизмат қилиши аҳамиятлидир.

Иккинчи усулда таъминланган пойдевор замини қўшимча юкланиши натижасида грунтнинг зичлиги ортиши сабабли мустаҳкам бўлади. Шунинг учун ундаги чўкиш қиймати нисбатан кам бўлади.

Фойдаланишда бўлган бино пойдеворнинг чукурлигини ошириш анча мураккаб масаладир. Бу ишни амалга ошириш ҳамма вақт мураккаб эхтиёт чоралари кўришни талаб этади, акс ҳолда бино заарланиши мумкин.

бу ерда C - боғланиш кучи; P_e - боғланиш бостими; φ - ички ишқаланиш бурчаги. 13.14- расмда боғланиш кучини алмаштирувчи ҳар томонлама таъсир этувчи ташқи босим кўрсатилган. Бу ўринда шуни айтиш лозимки, юқоридан грунтга узатилувчи юк грунтнинг тиргович деворга нисбатан босимини қандайдир қийматга оширади.

Тиргович девор ўраб турган грунтнинг тик оғирлиги эса ён томондан тиргович деворга таъсир этувчи босимни P_e қийматга камайтиради.

Бу ҳолда боғланиш кучидан юзага келувчи қўшимча узулуксиз тенг таъсир этувчи юк сифатида қабул қилиниб, текис силжиш юзасининг шакли худди сочилувчан грунтдагидек йўналишга эга бўлади.



13.15-расм. Бөгланишли грунтларнинг тиргович деворга нисбатан босимини чизмаси.

Агар тиргович девор тик ўрнатилган бўлиб, уни ўраб турган грунт сирти горизонтал кўринишда бўлса, грунт сиртига қўйилган юкни қатlam баландлиги қуидагига teng оғирлик билан алмаштирамиз.

$$h = \frac{P_e}{\gamma} \quad \text{еки} \quad h = \frac{C}{\gamma \cdot \operatorname{tg}\varphi} \quad (13.25)$$

А нуқта ён томондан таъсир этувчи босим 15.4 ифода ёрдамида аниқланади. Бөгланиш босими P_e нинг қарама-қарши томонга йўналишини хисобга олсак:

$$P_{2ж} = \gamma (H + h) \operatorname{tg}^2 \left(45^\circ - \frac{\varphi}{2} \right) - \frac{C}{\operatorname{tg}\varphi} \quad (13.26)$$

ёки

$$P_{2ж} = \gamma \left(H + \frac{C}{\gamma \operatorname{tg}\varphi} \right) \operatorname{tg}^2 \left(45^\circ - \frac{\varphi}{2} \right) - \frac{C}{\operatorname{tg}\varphi} \quad \text{бундан} \quad (13.27)$$

$$P_2 = \gamma H \operatorname{tg}^2 \left(45^\circ - \frac{\varphi}{2} \right) + \frac{C}{\operatorname{tg}\varphi} \operatorname{tg}^2 \left[1 - \operatorname{tg}^2 \left(45^\circ - \frac{\varphi}{2} \right) \right] \quad \text{Агар} \quad (13.28)$$

$$- \frac{1}{\operatorname{tg}\varphi} \left[1 - \operatorname{tg}^2 \left(45^\circ - \frac{\varphi}{2} \right) \right] = \operatorname{tg} \left(45^\circ - \frac{\varphi}{2} \right)$$

назарда тутсак, юқоридаги ифодани қуидагича ёзиш мумкин:

$$P_{2\text{Ж}} = \gamma H \cdot \operatorname{tg}^2 \left(45^\circ - \frac{\varphi}{2} \right) - 2 \cdot c \cdot \operatorname{tg} \left(45^\circ - \frac{\varphi}{2} \right) \quad (13.29)$$

Кўриниб турибдики, бу ифода икки қисмдан иборат: биринчиси фақат грунтнинг ишқаланиш кучидан хосил бўлган босим, иккинчиси эса тиргович деворга грунт босимини камайтирувчи боғланиш кучи таъсиридаги босим.

Қуйидаги белгилашларни киритсак:

$$\gamma H \operatorname{tg}^2 \left(45^\circ - \frac{\varphi}{2} \right) = P_{2\varphi} \quad (13.30)$$

$$2 c \cdot \operatorname{tg} \left(45^\circ - \frac{\varphi}{2} \right) = P_{2c} \quad (13.31)$$

унда 13.26 ифодани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$P_{2\text{Ж}} = P_{2\varphi} + P_{2c} \quad (13.32)$$

Демак, грунтдаги боғланиш кучи унинг тиргович деворига нисбатан босимини ҳар бир нуқтада P_{2c} қийматга камайтиради. Айрим муаллифларнинг олиб борган кузатишлари натижасида қуйидаги аниқланган: Кулон назарияси грунтнинг тиргович деворга нисбатан жиддий босимини топишда яхши натижа беради, аммо суст босим масаласига келганда бу назария жудда катта ҳатоликларга олиб келади ва уни қўллаб бўлмайди.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Тирговичли деворларни қилишдан мақсад.
2. Тирговичли деворларни вазифалари.
3. Деворларни қандай материалдан қилинади.
4. Кулон назариясининг маъносини тушунтиринг.
5. Актив босимни аниқлаш ифодасини ёзинг.
6. Пассив босимни аниқлаш ифодасини ёзинг.
7. Қандай ҳолларда тирговичли деворлар ишлатилади?

8. Ҳисоблашда грунт доналари бир-бирига боғланиш кучи хисобга олинадими?
9. Боғланиш босимни аниқланг?
10. Грунт сиртига қўйилган юкни қатlam баландлиги қандай аниқланади?

Лаборатория ишларини бажариш учун ишланмалар.

Лаборатория ишларини бажариш учун аввало бино ва иншоотларнинг таянч конструкцияси бўлган пойдеворни кўтариб турган замин грунтларини физик ва механик хоссаларини ўрганиш, пойдеворларини материал, техника ва меҳнат сарфларидан тежамкор, маъқул вариантидан лойиҳалашга имкон бериб, бино ва иншоотларда нотеккис деформациялар содир бўлмаслигини олдини олиш учун лаборатория ишларида ўрганилади.

Талабаларга грунтларни физик-механик хоссаларини аниқлашни, ишларни бажариш технологияларини ўрганиш, маърузадан олинган назарий билимларни, амалий тажрибаларни бажаришга тадбиқ қилиш йўлларини ўргатиб уларни билимларини чуқирлаштиришdir.


Талабалар замин грунтларидан монолитларни (намуналарни) олиш, тажриба синовларига тайёрлаш, тажрибаларни ўтказиш учун зарур асбоб ускуналарни ишга тайёрлаш улар билан ишлаш, тажриба натижалари билан ишлаш, ҳисботлар тузиш хамда, грунтларни асосий физик ва механик хоссаларини аниқлаш сир-асрорларини ўрганади.

Ҳар қайси лаборатория ишларини бошлашдан олдин уни қўрсатмасини чуқур ўрганиб, маъруза материаллари билан боғлаб, керакли асбоб-ускуналарни хозирлаб, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хафсизлигига риоя қилиб, тажриба синовини бошлаш тавсия этилади.


Ҳар бир лаборатория иши тугагандан кейин янгисини бошлашдан олдин ўқитувчига химоя қилиб тегишли рейтинг балли билан баҳоланади.

Режалаштирилган ишлар бажариб умумий ҳисбот тайёрланиб охирги машғулотда химоя қилиниб умумий рейтинг бали қўйилади.


Фан бўйича илмий-тадқиқод ишларини бажарадиган иқтидорли талабалар учун қурилиш майдонида бажарилган инженер-геологик қидирав ишларини натижалари ва лабораторияда аниқланган грунтни асосий физик хоссаларни тўлдириш учун жадваллар берилган.



Расм К2. Грунтларнинг литологик қирқимда кўрсатиш шартли белгилари.



Расм К1. Лаборатория ишларини бажариш учун асосий асбоб-ускуналар: а – техник торози, тошлари; б – грунтни кесувчи металл кольцо, остатки ва устки ойнаклар; в – эксикатор; г – томизгич; д – пиктометр; е – фарфор сопол тўқмоқча косачаси; ж – шпатель; з – қуритиш шкафи термометр билан (термостат); и – ғалвирлар дастаси; к – алюминидан ёки шиша бюксалар; л – грунт намунаси.




Расм 1. Қурилиш майдони


Қудук № 5300 - қудук номери

2280 - абсолюттік сатхи қудук чуқурлігі ракамли белгиси.


EOC - Ер ости суви



Расм 2. Литологик қирқим 1-4 қудуклар бүйича



Расм 3. Литологик қирқимда хандақга қўйилган маёқ
пойдеворлар ўрнатилиш андозаси.



Расм 4. Шартли белгилар.

1 - Лаборатория иши.

Грунтнинг табиий зичлигини аниқлаш (қиркүвчи кольцо усулида).

Грунтнинг табиий зичлиги Υ_0 деб - унинг табиий холдаги (намлиги билан) оғирлигини, хажмига (ғоваклари билан) бўлган нисбатига айтилади, $\text{гк}/\text{см}^3$ билан ўлчанади.

Мақсади:

Фанни грунтларни физик хоссалари қисмида берилган назарий билимларни, аниқ инженерлик тажрибаларини ўтказишга тадбиқ қилишни, ундаги технологик жараёнларини ўрганишни, тажриба натижаларини тахлил қилишни талабаларга сингдириб билим сифат кўрсатгичини юқори қилишдир.

Амалий ахамияти:

Табиий зичлик - грунтни оғирлигини, заминида хосил бўладиган зўриқишлиарни, грунтни табиий босимини, мустахкамликлигини, юк кўтаришни, турғунлигини, тиргак деворларга босими ва бошқа хисобий кўрсатгичларини аниқлашга имкон беради.

Вазифаси:

Грунтни табиий зичлигини «қиркүвчи кольцо усулида» аниқлаш монолитлар олиш, тажриба синовига тайёрлаш, иш бўйича зарур асбоб-ускуналарни, саралаш, ишланиш иш бўйича меъёрий хужатлар КМК ва


стандартлари талаблар талабаларга ўргатишидир.

Зарурий асбоб ускуналар ва материаллар:

1. Грунт монолити.

Монолит деб хар-хил шаклда қирқиб олинган табиий структураси бузилмаган ва намлиги сақланган грунт бўлагига айтилади.

2. Кольцо, ости ўткирланган, усти бурамали тақма. Расм 1.1
3. Пичок.
4. Ойнак.
5. Тарози, тошлари билан.
6. Текислагич.
7. Парафин
8. Темир идиш парафинни эритишга.



Расм 1.1. Кольцони грунту ботирилиши.

Ишни бориши:

1. Кольцони рақамли белгиси, хажми, оғирлигини аниқлаб 1-жадвалга ёзилади.
2. Темир қутидаги, парафин билан қопланган грунт монолитини усти пичноқ билан парафин қопламасидан тозаланади ва текисланади.
3. Бир томонига ўткирланган тақма ўрнатилган кольцони тозалангандан сонар тақма тозаланади.

грунт юзасини ўртасига ёки очилган замин грунтига қўйилади. Ўткирланган тақма, кольцага махкам бураб қотирилмайди, у 1/4 қисмга бураб қўйилади. Расм 1.1. Кольцони босиб грунтга 3-4 мм ботирилади (кольца қийшаймаслиги зарур).

4. Тақмани грунтга ботирилишидаги ишқаланиш кучини камайтириш учун, уни ташқий томонидаги грунтни, пичоқ билан қирқиб тозаланади. Расм 1.1а.

5. Яна янги босим берилиб, кольцони монолитга 3-4 мм ботирилади ва 4- банддаги иш қайтарилади, шу жараён кольцодан грунт 1-2 мм ўсиб чиқсангача тақрорланади, расм 1.1б.

6. Кольцо остидаги грунт конуссимон қирқилади ва монолитдан заминдан ажратилади.

7. “Конус” кесилиб олиб ва кольцо ўткир тақма томони билан ойнак устига тикка қилиб қўйилади.

8. Кольцодан чиқиб турган грунтни юзаси, кольцо қирғогига тенг қилиб қирқиб ташланади. Грунтни қирқиб тозалаш кольцо ўртасидан чеккасига периметрига (кирғокларига) қараб пичоқни харакатлантириш билан бажарилади.

Текислагич билан кольцо юзаси текисланади, текислагични, кольцо юзасига перпендикуляр қилиб ушланади ва аста-секинлик билан текислаш бажарилади.

Айрим холларда грунт зарралари ўйилиб чиқиб кетса уни ўрни тўлдирилади. Бунда тўлдирилган юзани босилмайди.

9. Кольцони тозаланган томонига ойнакни қўйилиб, уни тўнтарилади ва аста-секин бурама холда ўрнатилган тақма кольцо пичноғи бўшатилиб олинади, чиқиб турган грунтни тозалаб, теккислаш 8- бандда қўрсатилгандек бажарилади.

10. Кольцони резбаси ёпишиб қолган грунт зарраларидан яхшилаб тозаланади, хамда кольца грунт билан торозида (0,01 гк аниқликгача) тортилади.

Грунтни табии үзүүллигийн зичлигийн төслийн талбай 1,6÷2,0 гк/см³ оралыгдаа бүлэгтэй, унинг үзүүллийн ортиши зичлигига ва намлигига боғлиқдир.

Табии зичлик хисоблашда 0,01 гк/см³ аниқликда бажарилади; олинган натижаларни 1-жадвалга киритилади. Кольцони хажми 49,24 см³

Тажриба натижалари.

1-жадвал

Кольцони хажми V, см ³	Кольцо оғирлиги Q ₁ , гк	Грунт билан кольцо оғирлиги Q ₂ , гк	грунтни оғирлиги гс, Q ₂ - Q ₁ =Q	табии зичлиги γ ₀ =Q/V гс/см ³
1	46,5	124	77,5	1,667
2	46,2	132	86,0	1,869
3	47,0	124	77,0	1,638
Үртаса				1,725

2 - Лаборатория иши.

Нотүүри геометрик шакилли грунт намунасини табии зичлигини аниқлаш (парафинлаш усули)

Бу усулда намунанинг хажмини аниқлаш идишдаги суюқлиқни сикиб чиқаришга асосланган бўлиб, хажим ўлчагич ёки гидростатик торозидан фойдаланилади.

Максади:

Шу мавзу бўйича назарий билимларни мустахкамлаш, нотүүри геометрик шакилли, доналари ёпишган грунтни, ёки енгил уқаланиб (куйқаланиб) кетидиган грунтларни табии зичлигини, уларни структураларини бузмасдан, намлигини ўзгартирмасдан аниқлаш тажриба усулинни ўргатиб билимларини чукурлаштиришдир.

Амалий ахамияти:

1-лаборатория ишида баён этилган.


Вазифаси:

Қурилиш амалиётида кўп холларда, нотүүри геометрик шакилдаги грунтларни табии зичлигини аниқлаш зарур бўлади, шундай холларда

мутахассислар қандай ишларни бажариш кераклиги, унда ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ва меъёрий хужатларни ўргатишидир.

Зарурий асбоб ускуналар ва материаллар:


1. Грунт намунаси.
2. Парафин; эритиш учун идиши билан
3. Спиртли иситгич
4. Торози, ёки гидростатик торози тошлари билан
5. Пичоқ, металл игна ёки пластина.
6. Ип.
7. Хажим ўлчагич цилиндрсизон
8. Сув, махсус белгили (градацияланган) идиш.



Расм 2.1. Бабаков намунаси.

Ишни бориши:

1. Нотўри геометрик шакилдаги хажми 30 см^3 дан кам бўлмаган грунт намунасини олиб, пичноқ билан ён томонларини охиста тозаланади юзаси деярли силиқланади ва уни оғирлиги аниқланади Q , Гк.



Расм 2.2.Хажм ўлчагич асбоби.

2. Парафинни 60°C гача қиздириб эритиб, намунани хар томон юзасини ботирилади, намунани хамма сирти, юпқа парафин пардаси билан қопланади.

3. Парафин пардаси қотгач, намуна күздан кечирилади, парафин пардасидаги пулакталар, ёриқлар, дарз кетген жойлари аникланади (агар шундай нұқсонлар бўлса). Уларни устидан қизиган металл таёқчаси ёки пластинасини юргизиб нұқсонлар кетказилади. Бундан кейин грунт намунаси иккинчи суюқ парафин пардаси билан қопланиб, қуригандан кейин пишиқ ип билан боғланади. Парафинланган грунт намунасини тортилиб оғирлиги аникланади (Q_2 , гк). Парафин оғирлигини аникланади:

$$Q_{\Pi} = Q_2 - Q_1, \text{ гк}$$

Парафин хажмини аникланади:

$$V_{\Pi} = Q_{\Pi} / 0,9 \text{ см}^3$$

Бу ерда $\gamma_{\Pi} = 0,9 \text{ гк/см}^3$ – парафин зичлиги

Парафинланган намуна хажим ўлчагичдаги сувга охиста ботирилади расм 2.1 сиқиб чиқарилган сув аникланади ($V_C, \text{ см}^3$).

Грунтнинг табиий зичлиги қуйидаги ифода билан аникланади.

$$\gamma_O = Q / V \text{ гк/см}^3$$

Тажриба уч марта учта намуна учун такрорланади уларни синов журналига 2-жадвалига ёзилиб, ўртаси аникланади.

Грунтни хажми қуйидагига teng


$$V = V_C - V_{\Pi} \text{ см}^3$$

Тажриба натижалари

2-жадвал

№ тажриба	Намуна оғирлиги Q , гк	Намуна и парафин билан оғирлиги Q_1 , гк	Парафинни и оғирлиги Q_{Π} , гк	Парафинни хажми $V_{\Pi}, \text{ см}^3$	Сиқиб чиқарилгана сувни хажми $V_C, \text{ см}^3$	Табиий зичлик $\gamma_O, \text{ гк/см}^3$
1	2	3	4	5	6	7
1	180	218	38	42,2	97,83	1,840
2	185	227	42	46,6	97,9	1,890
3	200	252	52	57,8	104,2	1,920

Тажрибада синалган грунтни ўртача табиий зичлиги $1,883 \text{ гк}/\text{см}^3$.



Расм 2.2а.Хажм ўлчагич ёки гидростатик тарози.

3 - Лаборатория иши.

Грунтларнинг табиий зичлигини аниқлаш (ўлчаш усули).

Бу усул билан доналари (зарралари) боғланган (ёпишган) грунтларни (суглинок, гилл) табиий зичлигини аниқланади.

Мақсади:

Дала шароитида, суглинок ва гилл грунтларидан (зарралари ёпишганлик хусусиятидан фойдаланиб), тўғри геометрик шакилда намуналар кесиб олиш (табиий структураларини бузмасдан, намлигини ўзгартирмасдан), ўлчаб уларни хажмини ва табиий зичлигини аниқлаш мавзуларида, талабалар олган назарий билимларни, тажриба ўтказишга тадбиқ қилиб уларни билимларини мустахкамлашдир.

Амалий ахамияти:

Грунтларни физик хоссаларини жойларда аниқлаш, замин грунтларини мустахкамлик кўрсатгичларини тезкорлик билан аниқлашга имкон беради, кам харажатли самарадордир. Зарралари ёпишган грунтларга бу усул қўллаш тавсия этилади.

Вазифаси:

Табиий зичликни «ўлчаш усули» билан аниқлашдаги олган назарий


билимларни, аниқ инженерлик масалаларига тажриба ишларига тадбиқ қилиш, ундаги технологик жараённи талабага билдириш, синов натижаларини тахлил қилишни ўргатишидир.

Зарурий асбоб-ускуналар ва материаллар.

1 – лаборатория ишидаги 1,3,4,5,6 асбоблар

2. линейкалар

3. электроника хисоблагич



Расм 3.1.Грунт массивидан квадрат юзали, куб ёки призма шакллари даги намуналар.

Ишни бориши:

1.Грунт массивидан квадрат юзали, куб ёки түғри түрт бурчакли призма шакллари даги намуналардан бирор хили қирқиб олинади ва уларни юзалари теккис қилиб, қирқилиб тозаланади ёки 1 лаборатория ишида грунт намунасини тайёрлашга қўйилган табаларни бажарилади. Расм 3.1.


2. Намунани ўлчамларини аниқлаб, уни хажми хисобланади (V , см³).

3.Табий структураси бузилмаган ва намлиги ўзгармай намуна тортилиб, оғирлиги аниқланади (Q , гк).

4. Грунтни табий зичлигини қўйидаги ифода билан аниқланади.

$$\gamma_0 = Q/V \quad \text{гк/см}^3 \quad (3.1)$$

Табий зичлик 0,01 гк/см³ аниқликгача тортилади, олинган натижалар З-жадвалга киритилади.



Расм 3.1а. Грунт массивидан квадрат юзали, куб ёки түгри түрт бурчакли призма шаклларидаги намуналар.

Тажриба натижалари

Жадвал-3.1

Тажрибалар №	Намуна хажми V, см ³	Намуна оғирлиги Q, гк	Грунтни табиий зичлиги $\gamma_0 = Q/V$ гк/см ³	Үртачаси $\gamma_0 \text{ ýp}$, гк/см ³
1	2	3	4	5
1	60,0	106,86	1,781	
2	61,0	109,92	1,802	
3	60,5	108,54	1,794	
үртачиси				1,792

4 - Лаборатория иши.

Грунтни зарраларини куруқ холдаги зичлигини анықлаш.

Грунт зарраларини куруқ холдаги зичлиги γ_s деб- грунт намунасини минерал доначаларини (мутлоқ қуруқ холдаги) оғирлигини, уларни хажмига бўлган нисбатига айтилади; гк/см³ билан ўлчанади.

Максади:

Шу мавзу бўйича грунтлар механикаси, химия, физика фанларида олган назарий билимларни донадор грунтларни куруқ холдаги зичлигини тажриба қилишга йўналтиришидир.

Амалий ахамияти:


Грунтларни зарраларини куруқ холдаги зичлигини билиш - уларни ғовакдорлиги, ғовакдорлик коэффициентларини, тўла сув шимувчанлигини, намлик даражасини хисоблашга, ғоваклари сув билан тўла турган замин грунтларини, муаллақ холдаги хажмий оғирлигини топиш ва бошқа хисобий кўрсатгичларни анықлашга имкон беради.

Вазифаси:

Минерал зарраларни мутлоқ қуруқ холдаги хажмини ва зичлигини топишдаги технологик жараённи талабага ўргатишидир.

Зарурий асбоб-ускуналар ва материаллар.

1. Грунт намунаси
2. Дистирланган сув
3. Торози, тошлар билан
4. Газ плитаси ёки спиртовка
5. Резина таёқчаси
6. Фарфор ховонча, ёғоч даста
7. Пикнометр
8. Секундомер ёки соат
9. Куритиш шкафи
10. Бюкс - 3 дона
11. Термометр
12. Салфетка қофози



Расм 4.1. Пиктометрлар турлари.

Ишни бориши:

1. Грунтни намунасини, куритиш шкафидага 105°C хароратда бир сутка давомида қуритилади, уни фарфор идишга солиб, резина таёқчаси билан эзіб, бир-бираига ёпишган дона ва зарраларини уқалаб, қуйқум хосил қилинади. Шу қуйқумдан 10-15 гк грунтни тортиб олинади. (Q_0 , гк) 4-жадвалга ёзиб қўйилади.

2. Пикнометрни расм 4.1 тозалаб, уни номери журналга ёзиб қўйилади.
3. Дистирланган сувни (бошланғич) харорати ўлчаниб журналга ёзилади. Сувни пикнометрни думалоқ чизиқли белгисигача етказилиб қуйилади, пўкаги бекитилади. Пикнометрни ташқи - юзасини фильтр қофози билан артилиб тозалаб қуритилади.
4. Пикнометрни сув билан бирга тортилиб уни оғирлиги (Q_1 , гк)

журналга 4-жадвалга ёзиб қўйилади, оғирлик $0,01 \text{ гк}/\text{см}^3$ аниқликгача бажарилади.

5. Пикнометрдаги сувни ярмини қайта тўкилади ва қуруқ воронка орқали тайёрланган грунт намунаси, сувга туширилади, пробкани беркитиб пикнометр яхшилаб чайпаланади.

6. Грунт доналари ва зарралари атрофида ёпишган хаво пулакчаларини тўла чиқариб юбориш учун, пикнометрни пўкагини очиб, қум ваннасига ўрнатиб, сувни қайнаш давридан бошлаб, қумсимон грунтлар учун 30 мин., гилсимон ва гилли грунтлар учун бир соат давомида қайнатилади.

7. Қайнатилгандан кейин сувни, ваннада илгариги (бошланғич) хароратигача совутилади, температуралари фарқи $0,5^\circ\text{C}$ гача аниқликда бажарилади.

8. Пикнометрни чизиқли белгисигача сув қўйилиб, яна тўлдирилади, қопқоғи беркитилади, уни ташқи юзаси фильтр қоғози билан яхшилаб артиб қуритилади ва тортилади, (Q_2 , гк) $0,01 \text{ гк}/\text{см}^3$ аниқликгача. Натижалар 4-жадвалга киритилади.

Минерал доначаларни хажми V_0 қўйидагига аниқланади;
 $\gamma_{\text{сув}}$ - сувни солиширма оғирлиги, $1 \text{ гк}/\text{см}^3$ тенг. Эканлигини эътиборга олиб Q_3 ни аниқлаймиз: $Q_3 = (Q_1 + Q_0) - Q_2$, гк

Юқоридагига кўра $V_0 = Q_3$ деб оламиз.

Тажриба натижалари

4-жадвал

Пикно- метрни раками	Сувни бошлан -ғич харорат и t°	Пикно- метрни сув билан оғирлиги Q_1 , гк	Грунт намунас и қуруқ холдаги оғирлиг и Q_0 , гк	Пикнометрни грунт лойқаси ва сувни қайта тўлдирилганд ан кейинги оғирлиги Q_2 , гк	Грунтни зарраларини қуруқ холдаги зичлиги $\gamma_s = Q_0 \gamma / V_0$, $\text{гк}/\text{см}^3$	V_0 , см^3
1	2	3	4	5	6	7
1		945	95	1040	2,730	34,7
2	19	940	90	1030	2,710	33,2
3		925	92	1017	2,715	33,9
Ўртачаси					2,718	

5 - Лаборатория иши.

Грунтни табиий намлигини аниқлаш.

Грунтни табиий намлиги деб - грунт намунаси таркибидаги намликни (сувни) оғирлигини, уни минерал доначаларини қуриқ холдаги оғирлигига нисбатига айтилади, у фоиз билан ўлчанади.

Мақсади: Шу мавзу бўйича талабаларни маъruzada олган билимларини мустахкамлаш, табиий холда ётган грунтларни таркибидаги намликни (сувни) аниқлашда бажариладиган, тажриба усулларида бажариладиган ишларини сингдиришdir.


Амалий ахамияти: Замин грунтларнинг намлик кўрсатгичларини билиш – уни заминда қандай намлик холатида ётганлигини, қовушқоқлиги (консистенцияси) кўрсатгичларини, уларни чегараларини аниқ ўрнатиш, қовушқоқлигига кўра, қандай холатда турганлиги; минерал доналари скелетини хажмий оғирлиги; ғовакдорлиги; ғовакдорлик коэффициенти; намлик даражаси; тўла сув шимувчанлиги ва бошқа хисобий кўрсатгичлар аниқлашга имкон беради.

Вазифаси:

Грунтлардан намуна олиш, қуритиш, намликни аниқлашда ишлатиладиган асбоб-ускуналар билан ишлашдаги технологик жараёни талабаларга ўргатишdir.

Зарурий асбоб-ускуналар ва материаллар:

1. Бюкс - 3 дона
2. Торози, тошлари билан
3. Қуритиш шкафи
4. Грунт
5. Соат



Расм 5.1. Бюкслар.

Ишни бориши:

1. Бюксар 3 тасини, қопқоги билан фильтр қоғозларыда қуритилиб, тозалаб артилади, расм 5.1 доимий оғирлигига нисбатан 0,01 гк аниқлиқда тортилади Q_1 , уларни рақамли белгиларига мос, оғирликларини 5-жадвалга ёзилади.
2. Ҳажмий оғирлик аниқланган кольцадаги грунт намунасидан 25-50 гк, микдорда грунтни намунасини бюксарга туширилади.
3. Бюксарни, копқоги, ичидағи грунти билан юқоридаги аниқлиқда тортилади Q_2 , ва рақамли белгиларига мос уларни умумий оғирлигини 5-жадвалга ёзилади.
4. Бюксарни қуритиш шкафига (термостатта) қопқогини очиб қүйилади, 105°C хароратда бир сутқа давомида қуритилади. Куриган грунтли бюксарни маълум даврға, хаводаги намликинди ютадиган кальций-хлорли берк идиш эксикаторда сақлаш мумкин, навбатдаги машгулотгача.
5. Куриган грунтли бюксарни қопқогини хар қайсисини ўзиникини ўзига беркитиб, уларни тортилади Q_3 юқоридаги аниқлик даражасиди ва 5-жадвалга рақамли белгиларига мос ёзилади.
6. Грунт намунаси таркибидаги табиий намни 5-жадвал келтирилган ифодалар орқали хисобланади, аниқликги 0,1 фоизгача олинади.
7. Учта бюксдан олинган натижани ўртачаси хисобланади ва уни кўрилган грунт учун тажрибавий натижа деб қабул қилинади.

Грунтни мутлоқ қуруқ холдаги оғирлиги $Q_0 = Q_3 - Q_1$, гк

Грунтдаги табиий намни микдори $Q_2 = Q_3 - Q_2$, гк

Грунтдаги табиий намлиги куйидаги ифодадан хисобланади

$$W = (Q_2 / Q_0) \cdot 100\%$$

Табиий намлик уч марта такрорланиб аниқланиб ўртачаси олинади.

Тажриба натижалари.

5-жадвал

Бюкслар ракамли белгилари №	Бюкслар оғирлиги Q_1 , гк	Нам грунтли бюкслар оғирлиги Q_2 , гк	Қуриқ грунт билин бюкслар оғирлиги Q_3 , гк	Грунтни намлиги W, % $W=(Q_2/Q_0)\cdot 100\%$
1	2	3	4	5
1 169	22	79	77	6
2 228	22	77	76,5	3
3 046	22	61	59	5
Үртасаси:				4.8

6 - Лаборатория иши.

Грунтнинг табиий намлигини «Спирт-бензин» усулида аниқлаш
(лаборатория хамда дала усули).

Грунтни табиий намлигини (уни 7-10 гк) намунасига, спирт ёки
авиацион бензини аралаштириб ёқилиши натижасида сувни
парланиб, қуритилишига асосланади.

Мақсади:

Маърузада шу мавзу бўйича, талабаларни олган назарий билимларини,
грунтларни табиий намлигини лаборатория ва дала шароитиларида тезкор
усулларида аниқлашга тадбиқ қилишни ва уни технологик тизимини
сингдиришдир.

Амалий ахамияти:

Лаборатория узокда жойлашган туманларда ёки грунтларни табиий
намлигини жойида аниқланиши зарур холларда, замин грунтларини
хоссаларини тезкор аниқлаб лойихалашга топшириқлар тайёрлаш ва бошка
5-лаборатория ишида кўрсатилган хисоблаш ишларини тезкор бажарилиши
таъминланади.

Вазифаси:

Намликни тезкор усулларда аниқлаш, йўлларини талабаларга
кўрсатиш, унда ишлатиладиган асбобларни созлаш, технологик жараённи
талабаларга ўргатишидир.

Зарурий асбоб-ускуналар ва материаллар.

1. Богданов ускунаси (расм 6.1)
2. Торози тошлари билан
3. Сопол идиш
4. Шпатель
5. Спирт ёки авиацион бензин
6. Сопол (метлах) плиткаси
7. Фильтр қофози
8. Гургут

Ишни бориши:

1. Таганкани ғалвирсимон күзларидан таглика грунтни зарралари тушиб кетмаслиги учун, фильтр қофози түшалади; таганка фильтр қофоз билан тортилади (Q_t ; гк).
2. Таганкани ичига 10-15 гк табий нам грунт солинади ва фильтр қофоз устида теккис қилиб ёйилади; таганка, фильтр қофози ва грунти билан тортилади (Q_1 ; гк).
3. Таганкани грунти билан бирга, сопол ёки бетон плитка (таглик) устига қўйилади (ёнғин хафина олдини олиш учун).
4. Таганкадаги грунт намунасини 5 см^3 спирт ёки авиацион бензин билан хўлланада, суюкликни нами қофоздан ўтиб тагликни усти намлангандан кейин яна 5 см^3 қўйилиб грунт аралаштирилади.
5. Грунтдаги спиртни ёқиб юборилади. Спирт ёниб бўлгандан кейин, грунт совутилади ва таганка қуриқ грунти билан тортилади (Q_0^1 ; гк).

Расм 6.1. Грунт намунасини «спирт-бензин» усулида қуритиш асбоби

(Богданов):

- 1 - уч оёқли таглик идиши; 2 - ғалвирсимон кўзли идиш «таганка».
6. Грунт намунасига 5 см^3 спиртни яна сепилади; спиртни ёндириб грунтдаги қолган сувларни хам парлатиб – уни совутиб, грунтни таганка билан яна тортилади (Q_0 ; гк).

Натижаларни тажриба журналига киритилади 6-жадвалга.

Агар Q_0 ва Q_0 лар ўртасидаги фарқ 0,05 гк дан ошмаса, грунт қуриқ холга келган деб олинади, акс холда грунтни ёкиш бир неча марта давом эттирилаверади Q_0

Намунани таркибидаги сувни аниқлаш учун түғри келса Q_0 ни миқдорини ёки шарт қаноатланмаси Q_0 даги миқдорини олинади.

$$Q_2 = Q_1 - Q_0 \text{ ёки } Q_2 = Q_1 - Q_0$$

Қуруқ холатдаги грунт намунавини оғирлиги ҳам $Q_0 = Q_0 - Q_t$ ёки $Q_0 = Q_0 - Q_t$ бўлади. Q_2 ва Q_0 ларни хисобланган натижаларини 6-жадвалга киритилади.

Тажриба натижалари.

6-жадвал

Тажриба №	Таганка оғирлиги Q_t ; гк	Табий нам грунт, таган-ка, фильтр қофоз билан оғирлиги Q_1 ; гк	Таганка билан қуруқ грунтни оғирлиги Q_0^i ; гк	Намунадаги сувни оғирлиги (Q_2) m_4 ; гк	Қуруқ грунтни оғирлиги (Q_0) m_5 ; гк	Грунтни табий намлиги W, %
1	2	3	4	5	6	7
1	250	267,5	263,1	4,4	13,1	33,6
2	250	267,7	262,9	3,8	12,9	29,5
3	250	215,5	261,5	4,0	11,5	34,8
Ўртачаси				4,07	12,5	32,5

Грунтни табий намлигини куйидаги ифодадан хисоблаб топилади.

$$W = (Q_2 / Q_0) 100 \% = 32,5\%$$

Тажрибани уч марта қайтарилади ва ўртачасини хисоблаб, грунтни табий намлиги ўрнатилади.

7 - Лаборатория иши.

Қумли грунтларни донадорлигини аниқлаш (элаш усулида).

Донадорлик, грунтни зарраларини қанақа ўлчамларини ва улар қандай

микдорда грунт таркибидан мавжудлигидан далолат беради. Яқин ўлчамли грунт зарраларини тўпламига – фракциялар деб аталади.

Масалан: қум зарраларини фракцияси ($2 \div 0,05$ мм)гача, чангсимон зарралар фракцияси эса ($0,05 \div 0,005$ мм) ўлчамларда бўлади ва х.к.

Мақсади:

Талабаларни назарий билимларини аниқ масалаларга тадбиқ қилиш, табиий холда ётган қумли грунтларни донадорлигини аниқлаш усулларини, унга ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ва уларда тажрибалар ўтказиб натижаларни тахлил қилишни сингдиришдир.

Амалий ахамияти:

Грунтни донадорлик таркибидан – унинг сиқилиши, қирқилишга қаршилиги, ғоваклиги, сув сизувчанлиги, эластиклиги, хажм ўзгартириши; ўтириши, ишиши (доналари ёпишган грунтларда) ва бошқа хисоблаш ишларини бажаришга имкон беради.

Вазифаси:

Донадорликни аниқлашда ишлатиладиган технологик тизимни кўрсатиш, талабаларга тажриба ўтказишдаги меъёрий хужжатлар, стандартлар ва Зарурий асбоб-ускуналар ва материаллар.

1. Қумли грунт намунаси (500 – 1000 гк)
2. Торози, тошлари билан
3. Стандарт ғалвир комплекти
4. Идишчалар $5 \div 10$ см³ хажимли
5. Шпатель
6. Фарфор таёқча, резина пестик билан

Ишни бориши:

1. Қумли грунтни (500 – 1000 гк) ҳажимдагисини хавода қуритиб, қаттиқ картон коғозга, юпқа қилиб (4-6 мм) теккис қалинликда ёйилади; квадрат методи асосида, яъни текислаб ёйилган грунтни перпендикуляр чизиклар ўтказиш билан тўртта teng квадратга бўлинади хамда бир-бирига

қарама-қарши томонидан намуна олинади.

2. Грунт намунасини фарфор идишга солиб, ёпишиб қолган кесакларини таёқча билан охиста майдаланади ва 100 гк (0,01 гк аниқлида) намуна тортиб олинади.

3. Ғалвирлар күзларини ўлчамларига қўра қўйдаги тартибда тик қилиб терилади 10; 5; 2; 1; 0,5; 0,25; 0,1 мм энг тагига остки бутун таглик қўйилади.

4. Қумли грунт намунасини ғалвирни юқоридагисига солинади ва копқоғи ёпилиб, қўлни кафти орқали енгил таъсир билан эланади. Элаш 3 мин давом этади.

5. Эланиш тугаланди дейиш учун, ҳар бир қўзли ғалвирни алоҳида олиб оқ қофоз устида эланганда зарралар тушмаслиги керак. Шунда шу ғалвирда эланиш тугади дейилади; хамма ғалвирларни шу тарзида текширилади.

6. Эланиш натижасида қумли грунт намунаси қўйидагича фракцияларга ажрайди; юқори ғалвирда 10 мм – йирикроғи; ундан кейингиларида 10-5 мм, пастида 5-2 мм, яна пастьда 2-1 мм ва х.к. Тагликда эса 0,1 мм кичик фракциялар тўпланади.

7. Ғалвирлардаги қумли грунт қолдиқларини, олдиндан қуритилиб, тозалаб, тортилиб қўйилган идишларга алоҳида-алоҳида солинади ва уларни хар-бирини тортилади, грунт намунасини умумий массасига (100 гк) нисбатан фоизда қолдиқлар аниқланади. Натижалар 7-жадвалга киритилади.

8. Намунани умумий массасига нисбатан уни камайиш 1 фоиздан кичик бўлиши керак, акс холда тажриба аниқ бажарилмаган деб топилади.

Синовда пайдо бўлган 1 фоиздан кам тафовутни хамма фракцияларга баравар бўлиб ташланади.

9. 7-жадвални, 3, 5 ва 7 бандларида грунт массасига нисбатан процент хисобида 2; 0,5; 0,25 ва 0,1 мм йирик фракцияларини йифиндиси аниқланади. КМКни жадвалига асосан қумли грунтни номи аниқланади.

Элаш усулидаги тажриба натижалари тахлилини қўйидаги жадвалга соламиз.

Элаш усулидаги тажриба натижалари тахлили.

7-жадвал

Тар №	Кўрсатгичлар	Ғалвир кўзларини диаметри, мм							Таглик (поддон)
		10	5	2	1	0,5	0,25	0,1	
1	Грунтни фракцияси, мм	> 10	10÷5	5....2	2....1	1...0,5	0,5...0,25	0,25÷0,1	<0,1
2	Фракция массаси, ГК	105	80	110	128	130	175	198	6,7
3	Фракцияни массага нисбатан хажми фоизда	10,5	8	11	12,8	13,0	17,5	19,8	6,7
4	Грунтни фракцияси, мм	> 2	>0,5	-	>0,2 5	-	>0,1	-	<0,1
5	Фракцияни массага нисбатан хажми фоизда	295 29,5	158 15,8		175 17,5		198 19,8		67 6,7
6	Грунтни фракцияси, мм	-	<10	<5	<2	<1	<0,5	<0,2 5	<0,1
7	Фракцияни массага нисбатан хажми фоизда		895 89,5	815 81,5	705 70,5	577 57,7	447 44,7	272 27,2	74 7,4

Чанг бўлиб учиб кетгани 7 %

Хулоса: қумли грунтни номи ўрта донали қумдан иборат.



Расм 7.1. Стандарт ғалвир комплекси.

1-копқоғи, 2-бўлакларга ажрайдиган ғалвирлар, 3-ғалвир кўзлари ўлчамлари,

4-таглик

8 - Лаборатория иши.

Кумли грунтни номини аниқлаш.

Кумли грунталар таркибидаги доналарни ўлчамларига ва уларни миқдорларига кўра куйидаги тоифаларга бўлинади.

Шағалли қум – доналари 2 ммдан каттаси 25%дан кўп бўлса;

Йирик қум – доналари 0,5 ммдан каттаси 50% кўп бўлса

Ўрта қум – доналари 0,25 ммдан каттаси 50% кўп бўлса

Майда қум – зарралари 0,1 ммдан каттаси 75% кўп бўлса

Чангсимон қум – заррарлари 0,1 ммдан кичиги 75% кам бўлса

Мақсади:

Шу мавзу бўйича талабалар олган назарий билимларини табиий холда ётган қумли грунталарни номларини аниқлашда амалий йўлларини, унда ишлайдиган асбоб-ускуналарни, тажрибани бажариш, тартибини меёрий хужатлар билан ишлашни талабага сингдиришdir.

Амалий ахамияти:

Қум грунтли заминларни зичлиги, ғоваклиги, зичлашишини, кирқилишга, қаршилигини, сув ўтказувчанлигини ва бошқа деформация хоссаларини аниқлашга имкон беради.

Вазифаси:

Ваз континентал ва денгиз ётқизикларидан хосил бўладиган қумли грунталарни номларини аниқлашда таблица, график усулларини ўргатишdir.

Зарурий асбоб-ускуналар ва материаллар.

7-лаборатория ишида келтирилганидан фойдаланади.

Ишни бориши:

1. 7-лаборатория ишидан (7-жадвални 7-бандидан) 10; 5; 2; 1; 0,5; 0,28; 0,1 мм кичик бўлган фракцияларни, фоиз хисобида йиғиндиси қўшилади, графикда кўрсатилгандек яримлогарифмик масштабда йиғиндини эгри чизиги чизилади, расм 8.1.

Бунинг учун ордината ўқига фракцияларни процент хисобида кўйилади, абсцисса ўқига эса зарралар диаметри логарифмини ёки ўлчамларини, логарифмларга пропорционал холда кўйилади, бу абсцисса ўқини ихчамроқ бўлишини таъминлайди. Алоҳида таъкидлаш керакки майдан зарралар фракциясини миқдори аниқ назоратда туриши лозим. 8-жадвал


Кумнинг зарравий таркиби.

8-жадвал

Тар №	Қолдиклар	Ғалвир кўзининг ўлчами, мм					Кўзлари 0,1 мм ли ғалвирдан ўтган кум
		2	0,5	0,25	0,1	бирлиги	
1	Грунтни фракцияси	> 2	2-0,5	0,5-0,25	0,25- 0,1	мм	< 0,1
2	Ғалвирдаги хусусий қолдик					%	
3	Массаси бўйича қолдик	295	158	175	198	гк	67

2. Эгри чизиқнинг тузилишидан, қумли грунтларни бир хил донадор ёки бир хил донадор эмаслигини аниқлаш мумкин.

Мисол: чизиқ ўта эгри бўлса – грунт бир хил донадор; ёйилган бўлса – грунт бир хил донадор эмас дейилади. Эгри чизиқни холатидан хохлаган диаметрдаги фракцияни фоиз хисобида аниқлаш мумкин, худди шунингдек заррани диаметрини эса, унга тегишли бўлган, фракция фоизидан аниқлашга



мкон бўлади.

Расм 8.1. Қумли грунтни донадорлик таркибини эгри чизиги кўрсатгичи.

3. Масалан: эгри чизик ёрдамида мавжуд диаметри d_{10} ва диаметри d_{60} хамда уларни қийматидан грунт зарраларини қандай хилда донадор эканлигини қуидаги ифодадан аниқлаш мумкин.

$$u = d_{60} / d_{10}$$

бу ерда

d_{10} – заррани диаметри; кўрилаётган грунтда шу диаметрдагидан кичиги (массаси бўйича) 10 фоиздан ози;

d_{60} - заррани диаметри; кўрилаётган грунтда шу диаметрдагидан кичиги (массаси бўйича) 60 фоиздан ози;

У ни миқдорига асосан қумли грунтлар қуидагича тоифаларга ажрайди:

$u > 3$ – қумли грунт бир хил донадор эмас

$u \leq 3$ – қумли грунт бир хил донадор.

4. Аниқланган грунтни зарраларини зичлигидан - γ_s , табиий зичлигидан - γ_0 ва табиий намлигидан – w , ғоваклик коэффициенти e ва намлик даражасини – G ларни аниқлаш мумкин;

$$e = (\gamma_s / \gamma_0) (1 + w) - 1$$

Ғоваклик коэффициентини қийматига кўра а-жадвалдан қумли грунт қатламини қандай холда ётганлиги аниқланади.

Грунтни хосилавий кўрсатгичиларини параграфни 8 бандига асосан қумли грунтни намлик даражаси аниқланади.

$$G = W / W_{\Pi} = W \gamma_s / (e \gamma_0)$$

Агар табиий холатда грунтни ғоваклари сув билан тўла турган бўлса,

унда ғоваклик коэффициентини қиймати, табиий намликтини ўзгаришига мөс түғрипропорционал холда ўзгаради.

5. Құмли грунтни тұла номини, унинг табиий зичлигига, намлигига, ғоваклик коэффициентига, намлик даражасына күра ушбұда келтирилған КМКни жадваллардан ва ГОСТлардан фойдаланып анықланади.

Холоса: грунты номи _____ құм, зичлик холати _____, намлик даражасы _____.

10- Лаборатория иши.

Грунтни сув сизиш коэффициентини анықлаш.

Сув сизиш коэффициенти деб - гидравлик градиенти ва құндаланған кесим юзаси бирга тенг бўлган грунтдан сизиб ўткан сув миқдорини белгиловчи катталиктайтын мөртвийттік мөндирий.

Грунтларда ғоваклиги бўлганлиги учун, улардан сув сизади. Сизиб ўтадиган сувни миқдори грунтни ғоваклари катта кичиклигига ва доналарини ёпишқоқлигига боғлиқ. Шунинг учун құмларда сизувчанлик, гилларга нисбатан жуда каттадир.

Мақсади:

Сув сизувчанлик түғрисидаги қонунияттарини инженерлик масалаларига тадбик қилиш грунтлардан сувни сизиб ўтиш, харакати, тезлиги вақт бирлиги ичидағы сувни сизиш миқдори, амалдаги тажриба усулдарини талабаларга кўрсатиб билимларини мустахкамлашдир.

Амалий ахамияти:


Грунтнинг сув сизувчанлик коэффициентини билиш - Бино ва иншоотлар пойдеворларини чўкишини вақт бўйича хисоблашда, хандақларга ертўлаларга (подвалларга), грунт сувларини сизиб чиқишини, ёнбағирликлардаги, грунт массивларини сурилиш ходисаларини олдини олиш, очиқ ва ёник (дренажларга) зак сувлари тизимларига, сувни сизиб чиқиши, сув ховзаларини дамбаларидан, каналларни қирғоклари турғунлигини ва бошқа жойларига сувни сизиб ўтишидан хосил бўладиган сурилишларни хисоблашларни имконини беради.

Вазифаси:

Замин грунтларини сув сизувчанлигини, Дарси қонунини лаборатория шароитида бажарилишини ундаги талабларни, сизувчанликни аниклашда ишлайдиган асбоб -ускуналарни ишлатиш технологияларини ўргатищидир.

Зарурий асбоб-ускуналар ва материаллар.

1. Грунт
2. Асбоблар КФ-00
3. Секундомер
4. Сув
5. Хисоблаш техникаси
6. Чизгичлар.
7. КМК жадваллари, ГОСТ ва стандартлар.



Расм 14.1 КФ-00 асбоби: 1- ўлчовли сув балонча; 2 – муфта; 3 – латун тўри; 4 - фильтрлаш трубкаси; 5 – таянч таглик; 6 – стакан; 7 – грунт намунаси; 8 – фильтрация трубкачаларини тик йўналиш бўйича кўзғатувчи винт; 9 – напорли грудиентни (қияликка) шкаласи.

Ишни бориши:

1. Идишга солинган қум сувга бўккунга қадар намланади.
2. Бўккан қумни асбобни таглиги 1, устидаги цилиндр идишига 2 солинади.
3. Грунт устига латун тўрини қўйилади, хамда копқоқ Зни ёпилади.
4. Ўлчов белгили Мариотта идиши 4, оғзи тепага қаратилиб, унга сув

тўлдирилади, оғзини қўл билан босиб, айлантириб, уни латун тўри устига қўйилади, яхшилаб ўрнатилади.

5. Шу холатда турган ўлчов белгили Мариотта идиши. Автоматик холатда, қум юзасида сув сатхини турғунлигини таминлайди. Шунинг учун сувни босими H , сувнинг сизиш йўлига $L = 1$ га тенг бўлади, гидравлик градиенти эса қўйдагига тенг бўлади

$$J = H/L = 1 \quad (10.1)$$

6. Ўлчов белгили идишдаги сувни, грунт устига қўйилган вақтини $t = 0$ деб, идишдаги сувда хаво пулфакчалари бошланиши захотидан секундомер

юргизилиб вақтни хисоблаш бошланади. Вақтни хисоблаш бошлангандаги Мариотта идишидаги сувни сатхини хисоб журналига ёзиб қўйилади 14-жадвалга.

7. Вақтни ўлчаш, сувни сатхи “100” шкалага келгунга қадар, давом эттирилади шкала 100га келганда вақтни ўлчаш тўхтатилади. Кўрсатгичлар ёзиб олинниб жадвалга киритилади.

8. Иккинчи ўлчаш хамқумдан 100 см^3 сув ўтгунга қадар давом эттирилиб, хисоблаш тўхтатилиб, хисоби ёзиб олинади. Бунда олдинги “100”ликни тўлган вақтини $t=0$ деб олинади ва жадвалга киритилади.

9. Қумни алмаштирмасдан тажриба 3 марта қайтарилади кўрсатгичлар 14-жадвалга киритилади, хисобланиб сизувчанлик коэффициенти аниқланади.

Илова: жадвал шу кўринишда тўлдирилади ва K_ϕ лар хисобланади.

10. Сизувчанлик коэффициентини сон миқдори 0,01 аниқликгача хисобланади. Масалан $K_\phi = 0,01 \text{ см/сек}$

Тажриба натижалари.

10 - жадвал

т/р	Тажриба бошланиши вақти T, сек	Мариотта идишид аги күрсатгыч V ₁ , см ³	Сизиб ўткан сувнинг хажми Q, см ³	Асбобни кундалаңгесим юзаси F, см ³	Гидравлик градиенти J	Грунтни ғовакдорлик коэффициенти ε	Сизув чанлик коэффициенти Кф, см/сек	Сизувчанилик коэффициентини ўртачаси Кф, см/сек
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	0	5	-	25,0	1,0	0,57	0,04	
	120	100	95	25,0	1,0	0,57		
2	0	0	-	25,0	1,0	0,57	0,06	
	128	100	100	25,0	1,0	0,57		
3	0	4	.	25·	1	0,57·		
	132	100	100	25	1	0,57	0,07	0,057

11- Лаборатория иши.

Кум грунтларининг табиий қиялик бурчагини аниқлаш.

Табиий қиялик бурчаги деб - горизонтал юзага эркин тўкилган кумни, шу юзага нисбатан хосил қилган бурчагига айтилади - φ белгиланади.

Мақсади:

Кум грунтларини ёнбош ва горизонтал юзаларда хосил бўлаётган кучланишларни аниқлаш, грунтларни турғунлигини баҳолаш, уларни юк қўтаришини хисоблаш, чегаравий холатдаги мустахкамлигини аниқлашларни технологик тизимларини ўргатишdir.

Амалий ахамияти:

Тангенсиал кучланишларни хисоблашда, ёнбағирликлардаги грунтларни турғунликларини, қумсимон грунтларни юк қўтариши, мустахкамлигини аниқлашда ва бошқа хисоб лойихалаш ишларини олиб боришига имкон беради.

Вазифаси: Талабаларга тажриба тизимида ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ўргатиш, грунт намуналарини тайёрлаш, тажриба натижаларини тахлил қилишни ўргатиш.

Зарурий асбоб-ускуналар ва материаллар.

1. ИИБ (УВТ)-2 асбоби
2. Қум
3. Куракча
4. Шпател
5. Фарфорли таёкча, резина пестик
6. Қуритиш шкаф

Ишни бориши:

1. 2мм күзлиғалвирда хавода қуриган қумни олдиндан элаб тайёрланади.

2. ИИБ(УВТ)-2 асбоби, қуйидаги элементлардан тузилган, расм 16.1, органик моддалардан тайёрланган ойнақдан идиш 1, қирғоли горизонтал юза 2, уни ўртасига ўрнатилган градусли ўлчов линейкаси 3 конуссимон обойма 4, воронка қумни солгани 5

3. Горизонтал юзани, учта пути булиб унга таяниб туради 2, атрофида баландлиги 5 мм бўлган қирғоги бор, юзанинг марказида тик ўрнатилган 3 стерженда, ўлчаш шкалалари бор шкалаларни градацияси 5 дан 45° гача 1° аниқликда бўлинган.

Конуссимон обоймани 4 вазифаси тўкилаётган қумни ушлаб қолиш.

4. Тайёр терилган асбоб Расм 16.1а ИИБ-2 га қумни охиста воронка орқали қуйилади, хамма атроф жойларига бир хилда қилиб.


5. Секин-аста обоймани юкорига кўтарилади, кум идишга тўкилиши бошланади.

6. Қум идишга эркин тўкилиб бўлгандан кейин қолган қумни устидан тик стержендан хисоб олиб, журналга ёзилади.

7. Бу холат 3-5 марта такрор қилиниб хар сафар тик стержендан хисобот олиб журналга ёзилади (бутун градус хисобида). Уларни ўртачасини хисобланади.

Хар бир такрорланган холатда натижалар ўртасидаги тафовут 1° га рухсат этилади.

1. 27° 2. 28° 3. 26° ўртачиси 27°



Расм 16.1. Кум грунтларини табиий қиялик бурчаны ⁴ анықлаш асбоби.

а - ишчи холатда;

б - бўлакларга ажратилган холатда;

1 - органик ойнакда қилинган идиш

2 - қирғокли горизонтал юза, қирғоғи ⁵ пандли 5 мм.

3 - тик цилиндрик стерженр градусларга бўлинган.

4 - конуссимон обойма

5 - воронка қумни тўкиш учун.

12 - Лаборатория иши.

Грунтни юмалатиш чегарасидаги намлигини аниқлаш.

Грунтни юмалатиш чегарасидаги намлиги деб - уни табиий намлигини камайтириб ёки кўпайтириб қилинган лойни, намунасини қўл кафтлари орасида юмалатганда, грунт ипини диаметри 2-3 ммларга teng бўлганда уни сиртида ёриқчалар пайдо бўлиб икки чеккасидан уқаланиб узила бошлаган холатидаги намлик қўратгичига айтилади - W_p билан белгиланиб, намлиги фоиз билан ўлчанади.

Грунтни бу чегара намлиги - уларни қуйи чегара намлиги деб хам аталади.

Мақсади:

Мавзу бўйича талабани олган назарий билимларини тажриба ишлари асосида мустахкамлаш, уни тажриба синовида қандай усуллар билан аниқлаш, қайси асбоблардан фойдаланиб ишларни бажариш сир-асрорларини талабага сингдиришдир.

Амалий ахамияти:

Грунтларни бу чегара намлиги аниқлаш - уларнинг номларини аниқлаш, қаттиқ, юмшоқлигини, қовушқоқлик хусусиятларини хамда грунтларни юк кўтариш кўрсатгичларини хисоблашга ва бошқа хисобий кўрсатгичларни аниқлашга имкон беради.

Вазифаси:

Грунтни бу чегара намлигини аниқлашда намуналарни олиш, тайёрлаш, ишлатиладиган асбоб-ускуналарни созлаш, тажрибани кўрсатилган талаб асосида ўтказиш, ММ ва техника хафсизлигига риоя қилиб бажаришни ўргатишидир.

Зарурий асбоб-ускуналар ва материаллар.

1. Грунтни лойидан намуна 200 гк
2. Фарфор ховонча ва ёғоч даста
3. Шпатель (куракча)
4. Колба суви билан
5. Темир идишча (стакан)
6. Қуритиш шкафи
7. Штанген циркуль
8. Бюклар - 4 дона
9. Торози, тошлари билан
10. Соат
11. Шиша эксикатор

Ишни бориши:

1. Табиий грунтдан намуна олиниб, қуритилади ва фарфор ховончага солиб ёғоч дастача билан майдаланади (бунда грунт доначаларини пачақлаб

синдириб күйишдан эхтиёт килиш керак).

2. Бу грунтни 200 гк хажмини олиб, сув билан қориширилади, қўйик лой хосил бўлгунга қадар, лой бир сутка давомида ёпиқшиша идишда (эксикаторда) усти ёпиқ холда сақланади, бундан мақсад грунтда намлик бир хилда тарқалишни таъминланади.

3. Тайёрланган грунт лойи намунасидан 25-50 грамм олинади.

4. Икки қўлни кафти орасига кўйиб, уни юмалатилади.

5. Юмалатиш грунт ипини диаметри 2-3 мм бўлгунча қадар давом этирилади.

6. Грунт ипи 2-3 мм атрофида бўлганда ёки унгача ип сирти юзларида майда ёриқлар пайдо бўла бошлайди.

7. Шу жараёнида ипни икки учидан майда бўлакчалар бўлина бошлайди.

8. 6-7 бандларда келтирилган холатлар грунт қуи чегара намлик даражасига ётганлигидан далолат беради.

9. Жараён тугагач кафтдаги лойни бўлакчалари билан бюксга жойлаштириб 5-чи лаборатория ишидаги намлики аниқлаш ишлари қайтарилади, унинг натижаларини 12-жадвалга киритилиб грунтни юмалатиш намлик чегараси аниқланади.

- Мутлоқ қуруқ грунтни оғирли $Q_0 = Q'_3 - Q_1$ тенг юмалатиш чегарасидаги грунтни намлиги $Q^{IO}_2 = Q_2 - Q_3$.

Грунтни бу чегарасидаги намлик кўрсатгичи қуйидаги ифодадан хисобланади.

$W_p = (Q^{IO}_2 / Q^{IO}_0) \cdot 100\%$ тажриба уч марта қайтарилиб, ўртачasi олинади.

Тажриба натижалари

12-жадвал

т/р	Бюклар тартиб рақамли	Бюклар оғирлиги Q_1 , гк	Бюксни,нам грунт билан бирга оғирлиги Q_2 , гк	Бюксни қуриқ грунт билан бирга оғирлиги Q_3 , гк	Юмалаши ш чегарасида ги намлик W_p , 100%

1	2	3	4	5	6
1	171	25	79,52	72	16
2	174	25	77,9	71	15
3	180	25	81,16	73	17
	ўртачаси	25			16

13 - Лаборатория иши.

Грунтни оқувчанлик чегарасидаги намлигини аниқлаш.

Оқувчанлик чегарасидаги намлик - Wг деганда - намлигини камайтириб ёки күпайтириб қилинган грунт лойини шундай холати тушиниладики бюксдаги лойни юзасига қўйилган стандарт конус, ўз оғирлиги таъсирида, 5 секунд давомида 10 мм чуқурликга ботишига айтилади; ундаги намликни фоиз билан ўлчанади.

Мақсади:

Грунтдаги намликни ўрганиш мавзуларида талаба олган билимларини мустахкамлаш холатда ётади уларни грунтларни оқувчанлик чегарасидаги намлигини тажриба усулларида қандай аниқлашга тадбиқ қилишга йўналтиришdir.

Амалий ахамияти:

Грунтларни бу чегарадаги намлик даражасини аниқлаш - уларни қовушқоклигини (консистенциясини); қайишқоклигини (пластичност): грунтни номларини ва бошқа хоссаларини хисоблашга имкон беради.


Вазифаси:

Грунтни юқори чегара намлигини аниқлаш тажрибасига технологик жараённи тайёрлаш, грунт намунасини олиш, тажрибани ўтказиш, меҳнат муҳофазаси ва техника хафсизлигига риоя қилишни ўргатишидир.

Зарурый асбоб-ускуналар ва материаллар.

1. Грунтни қуриқ ва лойидан намуна 250 гк
2. Фарфор ховонча ва ёғоч даста
3. Шпатель (куракча)

4. Колба суви билан
5. Темир идишча (стакан)
6. Икки ён томонлари пасангили (балансирнұй) конус КОН-1 Расм 13.1.
7. Техник вазелин
8. Бюклар - 4 дона
9. Торози, тошлари билан
10. Секундомер ёки соат
11. Шиша эксикатор



Расм 13.1. Стандарт конуси КОН-1.

Ишни бориши:

1. Табиий грунтдан намуна олиниб, қуритилади ва фарфор ховончага солиб ёғоч дастача билан майдаланади (бунда грунт доначаларини пачақлаб синдириб күйишдан эхтиёт килиш керак).

2. Бу грунтни 200 гк ча хажмда олиб, сув билан қориширилади, қўйик лой хосил бўлгунга қадар, лой бир сутка давомида ёпиқшиша идишда (эксикаторда) усти ёпиқ холда сақланади, бундан мақсад шуки грунтда намлик бир хилда тарқалишни таъминлашдир. Расм 13.1. таглик.

3. Стандарт конус КОН-1 асбоби таглиги, алюминий бюкси ва 30° бурчакли учидан 10 мм юқорида думалок чизилган белгиси бор конус, унга ярим доирасимон пўлат сим биритирилган, симни иккита уч томонига тенг вазинли металл пасангилар биритирилган. Конусни пасангилари билан

оғирлиги 76 гкга тенг, уни тозалаб ишлатишга тайёрланади.

4. Эксикатордаги тайёрланган лой шпатель билан стандарт бюксга солинади, унда лойни ичида ғовак бўшлиқлар қолмаслиги зарур, стаканни қирғоги билан теккис қилиб лойни тўлдириб, КОН-1 ни таглиги устига қўйилади. Шакл - 4.

5. Стакандаги лой юзасига, вазелин суркалган пасангилик конусни учини аста-секинлик билан қўйилади, конус ўз оғирлиги билан грунта ботади, ботиш вақти 5 секунд ўткандан кейин, конусдаги доиравий чизик белгиси лой юзасига етиб келмаса, грунтдаги намлик оқувчанлик даражасида эмас.

— Бунда лойни идишга қайтариб солинади ва қўшимча сув берилиб лой яхшилаб шиббаланади ва қайта ишланади.

— Лой тайёр бўлгандан кейин темир бюксга солиниб конусни ботирилади 5 бандда айтилган холатни кузатилади.

— Агар конусни чизиги 5 секга етмай лойга ботиб кетса, у холда грунта намлик ошиб кетганлигини билдиради, лой идишга қайтариб солинади унга қуруқ грунт қўшилиб яхшилаб шиббаланиб қайта ишланади.

